O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTB XONASI INV №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931 yildan chiqa boshlagan | 2003 yil 4 yanvar, shanba | № 1-2 (7507)

"ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ"ДАН КЕЛАЖАК САРИ

Кўркам баҳорнинг ям-яшиллигию майин еллари, сўлим ёзнинг жазирамасидан роҳатланиб мазза қилиб дам олишлар, олтин кузнинг ғарқ пишган мевалари ва қўққисдан ёғиб қоладиган ёмғири, —ҳамма-ҳаммаси ўзига хос. Айниқса, кумуш қишнинг бутун заминни оқликка белаганида кириб келадиган янги йилу шу баҳона безатиладиган байрам арчасининг гашти ўзгача. Бу гаштни сизу биздан кўра болажонлар чуқурроқ ҳис қилишади. Чунки, улар ҳали Қорбобо берадиган совғаларнинг кучига, сеҳр билан пайдо қиладиган мўъжизаларга ишонишади. Шубҳасиз, бундай туйғулар уларга олам-олам қувончу шодлик бағишлайди.

Reportaj

Миллатимизнинг ўзига хос болажонлиги, бир умр фарзандлар кулгусини деб яшаши сабаб, янги йил байрамини файзли кутиб олиш учун каттаю кичик тадорик кўради.

... Президент арчаси Истиқлол туморчаси Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг ҳашаматли залида безатилган улкан арча атрофида турна қатор айланишаётган болалар жўр бўлиб қўшиқ куйлашаяпти. Бири узун, бири дўмбоқ, бири озғинроқ... болалар Қорбобо, Қорқиз, Зумрад, Қиммат, Билмасвой билан биргаликда "Шарқ бозори"-ни қуришди. Шу пайт қувончдан юзлари ёришган болалардан бирини суҳбатга тортаман.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БУВИ ВА БУВАЛАР НАБИРАЛАР НИГОҲИДА 2-бет

МУАММОЛАР БАҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ 3-бет

УСТОЗНИНГ ҲАР БИР ҲАРАКАТИ БОЛАГА ИБРАТ 5-бет

G'AROYIB QISH 9-бет

ҚОДИРИЙ БИЛАН СУҲБАТ 15-бет

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИШ – ҲАЁТ ВА ЖОН МОҲИЯТИ 16-17-бетлар

САБР КОСАСИДАН СУВ ИЧГАН УМР (Taqdir) 21-бет

ЭСКИ ЙИЛГА БИР НАЗАР 29-бет

ОЛИМЛИК ШАРАФИ 30-бет

"МОНА ЛИЗА" ВЕНГЕРЧА КРОССВОРД 32-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining M.A.Asqarovni O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasining raisi etib tayinlash to'g'risidagi Farmoni e'lon qilindi.

YANGI KOLLEJLAR

Qorako'l tumanida 600 o'quvchiga mo'ljallangan sanoat kasb-hunar kolleji binosi foydalanishga topshirildi.

Olti yo'nalish bo'yicha mutaxassis tayyorlovchi o'quv maskani zamonaviy texnika vositalari bilan ta'minlandi. Keng va yorug' auditoriyalar, fan kabinetlari, sport zali, oshxona, 100 o'rinli yotoqxona va boshqa yordamchi binolar yoshlarning o'qishi va kasb sirlarini o'rganishlariga xizmat qiladi.

x x x

Zangiota tumanida Nazarbek tibbiyot kasb-hunar kolleji ish boshladi. Zamonaviy o'quv maskani «O'zbekiston temir yo'llari» Davlat aktsiyadorlik kompaniyasi mablag'i hisobiga barpo etildi. Asosiy qurilish-montaj ishlarini Chinozdagi «Quruvchi» mas'uliyati cheklangan jamiyat ishchilari bajardi.

450 o'quvchiga mo'ljallangan binodagi keng va yorug' o'quv hamda laboratoriya xonalari, kutubxona, majlislar zali, sport zali, oshxona zamonaviy jihozlandi. Kollejda olti yo'nalish bo'yicha mutaxassislar tayyorlanadi.

KO'RGAZMA

Belgiyaning Bustvezel shahridagi «Blammayert» madaniyat markazida samarqandlik bolalarning rasmlari ko'rgazmasi ochildi. Ko'rgazma nafaqat belgiyaliklar, balki boshqa xorijliklarda ham katta qiziqish uyg'otmoqda.

"Пахтабанк"ка мурожаат қилсак, бюджет ҳисобидаги ташкилотлар учун нақд пул йўқ, Нукусга айтдик, пул бермаяпти, деб баҳона қилиб айбни марказга тўнкайдилар. Ҳолбуки бюджет учун алоҳида фонд ажратилиб, тасдиқланади.

"ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ"ДАН КЕЛАЖАК САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Ҳар янги йилни интиқиб кутамиз. Худди бир йиллик умидларимиз шу арча атрофида амалга ошадигандек. Биз бу ерда давлатимизнинг, Юртбошимизнинг меҳрини яна бир бор ҳис қилгандек бўламиз", — дейди шаҳримиздаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан бири Азиз Ботиров байрам дастурининг иккинчи қисми бўлган театр томошалари томон ошиқаркан.

Янги йил муносабати билан саҳна юзини кўрган В. Гауфнинг асари асосида яратилган "Саид афсонаси" барча болаларнинг келажакка ишончини янада оширди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон ёшлар театрининг бадиий раҳбарининг ёрдамчиси Наргиз Маҳкамова саҳна ортидаги югур-югурлардан ортиб, шундай дейди:

"Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг моҳирона таржимаси ва бутун театримиз жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан болаларимизга намуна бўладиган миллий қаҳрамон сиймосини яратишга ҳаракат қилдик. Бизнинг янги йил совғамиз болаларга манзур бўлди, деб ўйлаймиз."

Ҳақиқатан ҳам диққат билан ўзларини қаҳрамон Саиднинг ўрнида бўлиб қолишини тасаввур қилиб ўтирган болалар, зўр ҳаяжон билан театр томоша қилишди. Шундан сўнг болалар сабрсизлик билан кутишаётган дамлар бошланди. Байрамона қопчалардаги Президент совғалари болаларга тарқатилди. Хуллас, бу ерга келиб-кетаётган болаларнинг қувончлари чексиз эди. Биз шу ўринда Президент арчасини ташкиллаштиришда бош-қош бўлаётганлардан кўпроқ маълумотлар олиш истагида Республика оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчиевага юзландик:

— Республикамиздаги 130 мингдан ортиқ болаларни хурсанд қилиш учун ташкил қилинган "Президент арчаси" нафақат пойтахтимизда, балки барча вилоятларимизда ясатилган. Тошкент шаҳри бўйича 6696 нафар болалар уйларининг тарбияланувчилари, маҳаллалардаги кам таъминланган ёки кўнгли ярим болаларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади. Аксинча уларнинг қалбларида ҳам байрамона кайфиятни уйғотиш учун барча ҳаракатлар қилинди, — дейди Гулнора опа.

Дарҳақиқат, болалар хурсандчилиги — отаоналар бахти. Бахтли оилалар эса эл-юрт равнақи. Юрт равнақи янги йилда янгича тараққий топиши учун байрам тантаналаридан ноқ қадам ташланаётганлиги биз учун муқаддас.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Суратларни Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган.

«Маърифат» 2002 йил давомида энг яхши журналистик материаллар ойлик танловини мунтазам ўтказиб келди. Янги йилнинг биринчи ҳафтасида таҳририят ижодий ходимлари таркибида тузилган таҳлил гуруҳи томонидан бешта номинация бўйича 2002 йил декабрь ойи ғолиблари ҳам аниқланди. Бу гал ҳам танловда қатнашган энг сара материаллар баҳс-мунозаралар ва таҳлиллар натижасида сайланди.

Шундай қилиб, ғолиблар билан танишинг:

Энг яхши саҳифа - «Маърифат» мухбири Муҳаммаджон Исроилов томонидан тайёрланган «Умрбоқий ўзбекона анъаналар» деб номланган (2002 йил 21 декабрь сони) саҳифа учун берилди.

Энг яхши мақола сифатида Баҳром Рўзимуҳаммад қаламига мансуб «Буюк шахслар силсиласи» (2002 йил 11 декабрь сони) номли мақола эътироф этилди.

УЛАР ЯНГИ ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БОШЛАДИЛАР

Энг яхши интервью номинацияси бўйича Қурбонбой Матқурбоновнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Г. Ибодуллаевадан олган «Болаларни севинг!» (2002 йил 14 декабрь сони) сарлавҳали материали ғолиб деб топилди.

Энг яхши янгилик ғолиблиги «Туркистон Пресс» ахборот агентлиги мухбири Аловуддин Ғаффоровга «Талабалар уюшмаси» (2002 йил 25 декабрь сони) номли янгилиги учун берилди.

Ниҳоят, энг яхши фотосурат номинацияси, Бурхон Ризоқуловнинг пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ташкил этилган, янги йил байрами тантаналаридан олган фоторепортажига насиб этди.

Ғолибларни кўпсонли мухлисларимиз номидан қутлаб, барча ижодкорларни бундан буён ҳам давом этадиган танловимизга таклиф этамиз.

"БИЗГА ЁРДАМ БЕРИНГЛАР..."

Таҳририятимизга Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳридаги 22-сон ўрта мактаби ўқитувчилари(жами 50 та имзо)дан мададталаб мактуб келди. Улар туман ҳокими Н.Худойбергенев, туман прокурори Д.Худойбергенев, "Пахтабанк" бошлиғи У.Жуманиязов, ТХТБ мудири Т.Матмуродовга мурожаат қилишларига қарамай, арзлари ҳамон эътиборсиз қолаётганлигини баён қилганлар. Хат жузъий қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда.

"Биз Бўстон шаҳридаги 22-сон ўрта мактаб ўқитувчилари Сизларга мурожаат этишга мажбур бўлаяпмиз. Сабаби, ойлик маошларимизни ўз вақтида ололмаяпмиз. Июнь ойидаги меҳнат таътилимиз маошининг ярмини август ойи охирида олдик. Ярми эса дўконларга ўтказилди, улар билан ҳалигача ҳисоблаша олмаяпмиз. Август ойининг қолган пулини ва сентябрь ойи маошларини "Пахтабанк" нақд пул йўқ, деб бермаяпти.

Сизлардан илтимос, бизларнинг ойлик маошларимизни савдо ташкилотларига ўтказманглар. Сабаби, савдо ташкилотларида тартиб, савдо маданияти мутлақо йўқ. Уларда — 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар доим ҳам топилмайди. Мавжуд ҳолларда баҳолари ёзилмаган бўлади. Дўкончиларда маҳсулотлар нархи қайд этилган ҳужжатлар йўқ, касса аппарат ишлатилмайди. У ерга ойлик маошларимизни тасдиқловчи қоғоз олиб борсак, бу нақд пул эмас, қоғоз деб маҳсулотларни 10-20 фоиз қимматига беради. Нақд пулга эса арзон сотишади.

Madadtalab maktublar

Бизга ҳам нақд пул беринг, ўз пулимизга дўкончилардан ҳақорат эшитмасдан, арзон ва сифатли маҳсулотларни сотиб олайлик.

Шунинг учун ҳам савдо ташкилотлари туман раҳбарларига суяниб, бозор билан рақобатга чиқмаяптилар. Улар пулни савдо қилиб халққа беминнат, ҳалол хизмат қилиб эмас, балки ҳеч қандай тер тўкмай, бели оғримай, асаблари чарчамасдан бировларнинг меҳнат ҳақларини виждони қийналмай туман банкидан ўз ҳисобларига ўтказиб олаяптилар. Бунга эса туман раҳбарлари йўл очиб бераяптилар.

Биз жуда қийналиб кетдик. Ойлик маошимиздан бошқа даромад йўқ. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишга имконият йўқ.

"Пахтабанк"ка мурожаат қилсак, бюджет ҳисобидаги ташкилотлар учун нақд пул йўқ, Нукусга айтдик, пул бермаяпти, деб баҳона қилиб айбни марказга тўнкайдилар. Ҳолбуки, бюджет учун алоҳида фонд ажратилиб, тасдиқланади.

Биз ўқитувчилар ишининг жудаям мураккаблиги ҳаммага маълум. Ҳар бир дақиқа ҳисобли. Дўконма-дўкон юра олмаймиз. Сизлардан илтимос қилар эдик, юқорида биз маълум қилган пуллар ҳақиқатан "Марказ"дан келмаяптими ёки бошқа сабаблари борми? Мана шуларга ойдинлик киритишга ёрдам берсангиз!!!

Ҳамма нарсани қоғозга беравермайди. Деҳқон бозоридан харид қилишга ва болаларимизга керак нарсага нақд пул керак. Шу сабабли Меҳнат кодекси, ишчи ва хизматчиларининг ойлик маошларини ўз вақтида бериш тўғрисидаги фармонларга, ҳукумат қарорларига амал қилайлик.

Бизнинг ойлик маошларимизни ўз вақтида нақд пул билан банкдан олишимизга ёрдам беринглар.

Ҳурмат билан 22-сон ўрта мактаби ўқитувчилари"

Ўсиб келаётган ёш авлодда кексаларни иззат-ҳурмат қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, қадрлаш каби хислатларни тарбиялаш, миллий анъаналаримиз, тарихимизни бой ҳаётий тажрибалари орқали ўрганиш, дилларидаги меҳр-муҳаббатларини ижодлари орқали намойиш этишлари мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Экосан" халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзтелерадиокомпания бошқарувининг қўшма қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар ўртасида "Отахонлар ва онахонлар набиралар нигоҳида" Республика расмлар кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда 200 дан ортиқ болаларнинг ижодий намуналари намойиш этилди.

Расмлар кўргазмасига ташриф буюрган мўйсафид отахонлар ва нуроний онахонлар болаларнинг ижод

БУВИ ВА БУВАЛАР НАБИРАЛАР НИГОҲИДА

намуналарини томоша қилиб завқландилар.

Мактаб ёшидаги болалар ўртасидаги танловда:

I ўрин —50-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Альфия Геннатуллина,

II ўрин —99-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Наргиза Исаева,

III ўрин —112-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Ширин Орифжоновага берилди.

Мактабгача ёшдаги болалар ўртасидаги танловда эса

I ўрин —547-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Акбар Қорабоев,

II ўрин — 525-мактабгача таълим муассасасининг тарбияланувчиси Сарвар Ғаниев,

III ўрин — 383-МТМнинг тарбияланувчиси Ҳасан Усмоновларга насиб қилди.

Ғолиблар туман халқ таълими бўлимининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотландилар.

Дилобар ЗАЙНИДДИНОВА
М.Улуғбек ТХТБ мактабгача таълим бўлими услубчиси

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Яқинда Навоий вилоятида "Йил мактаби—2002" кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятнинг 11 туманида ғолиб бўлган мактаб жамоалари иштирок этишди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан чиқарилган хулосаларга кўра Қизилтепа

Tanlov

туманидаги "Зарафшон" номли 13-ўрта мактаб (директори Мусаллам Наврўзова) жамоаси 392 балл тўплашиб, 1-ўринни эгаллади-лар.

Шундай қилиб, ушбу жамоа январь ойининг охирида Тошкентда ўтказиладиган "Йил мактаби—2002" республика кўрик-танловида иштирок этадиган бўлди.

Ўткир ПЎЛАТ

Юқорида баён қилинган камчиликларга асосан вазирлик ҳайъати Навоий шаҳар халқ таълими бўлими, мактабгача таълим ёшидаги болаларни давлат талаблари асосида мактабга тайёрлаш ишлари сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан етарли ишлар олиб бормаган деб топди.

Hay'at yiq'ilishida

МУАММОЛАР БАҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Аввал хабар берганимиздек, Ҳайъат мажлиси иштирокчилари Акмал Икромов тумани таълим муассасаларида бўлишиб, тажрибалари билан ўртоқлашишди, ўзларини қизиқтираётган саволларга атрофлича жавоб излашди. Шу боис ҳам Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат мажлиси одатдагидан бир мунча ўзгачароқ ўтказилди.

Сирасини айтганда, Акмал Икромов туманидаги 20-мактабгача таълим муассасаси ҳамда 311 ва 107-мактаблардаги тренинглар ва фикр алмашишлардан кейин айнан 107-мактабда ҳайъат мажлисига киритилган ҳар иккала масаланинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Кун тартибидаги биринчи масала Тошкент шаҳар А.Икромов тумани халқ таълими бўлими Методика кабинетининг таълим муассасаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича ташкилотчилик фаолиятига бағишланди. Мазкур туман халқ таълими бўлими вазирликнинг юқорида номлари тилга олинган қарори ва буйруғи асосида ўз тадбирларини ишлаб чиққан бўлиб, шу асосда маълум ишларни амалга оширган.

Туманда илғор, малакали, тажрибали фан ўқитувчиларидан иборат фан уюшмалари тузилган. Методистлар томонидан фан уюшмалари билан биргаликда семинар-тренинглар, очиқ дарслар, мактаб, маҳалла, ҳуқуқни ҳимоя этувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилган.

Ушбу масала юзасидан маъруза қилган А.Икромов тумани халқ таълими бўлими мудири А.Раҳматуллаев туман ХТБнинг 2002 йил 27 ноябрдаги "Умумий ўрта таълим фанлари бўйича намунали фан хоналарини жиҳозлаш тўғрисида"ги 306-сонли ва "Умумтаълим мактабларида фанлар бўйича энг намунали фан хонаси" кўрик-танловини ташкил этиш бўйича 305-сонли буйруқлари асосида таълим муассасаларида ҳар бир фан бўйича биттадан намунавий фан хоналари ташкил этилганлигини, туманда соғлом авлод учун дастури йўналишида 15 фоиз, ИМЕН методикаси билан 8 фоиз, М.Монтессори методикаси асосида 23 фоиз, маънавият ва маърифат йўналишида 21 фоиз, иқтисодий таълим йўналишда 17 фоиз, хорижий тил ўргатиш бўйича 18 фоиз, мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия ишлари ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мажлисда 2002-2003 ўқув йилида туман Методика кабинети методистлари раҳбарлигида таълим муассасаларининг тегишли ўқитувчилари учун 287-мактабда "Янги педагогик технологиялар асосида она тили ва адабиёт дарсларини ташкил этиш", 62-мактабда "Физика, математика ва информатика фанлари ўқитувчилари томонидан янги педтехнология бўйича олиб борилаётган ишлар", 228-мактабда "Миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар асосида шахсни ривожлантириш", 74-мактабда "Ноанъанавий дарсларни ўтиш усуллари" мавзуларида туман миқёсида доимий ҳаракатдаги семинарлар ўтказилганлиги айтиб ўтилди.

Туманда олиб борилаётган ижобий ишларнинг яна бири шундаки, унда ёш ўқитувчиларга методик, амалий ёрдам беришни яхшилаш, уларга малакали ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ва услубларини ўргатиш мақсадида "Илғор тажриба мактаби" уюшмаси тузилган. Ушбу уюшма фанлар бўйича белгиланган таянч мактабларда махсус жадвал асосида ўз машғулотларини олиб бораяпти. Шунингдек, илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчиларнинг фанлар бўйича "Ташаббускорлар гуруҳи" туман ўқитувчилари учун услубий ёрдам мактабини ўтамоқда.

Туман ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, педагогик-психологик ташхис маркази мутахассислари томонидан ўқув муассасаларида таълим-тарбия олаётган 5-11-синфлардаги иқтидорли-ижодкор ўқувчилар ўрганилганда, 6 та йўналишда (аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология, маданият ва санъат, спорт йўналишидаги фанлар бўйича) 963 нафар ўқувчи иқтидорли деб топилган. Шундан аниқ фанлар йўналишида 330 нафар, маданият ва санъат йўналишида 164 нафар ва хорижий филология йўналишида 133 нафар иқтидорли ўқувчилар мавжудлиги аниқланган.

2001-2002 ўқув йилида тумандаги 33 та мактабнинг 9-синф ўқувчилари(4448 нафар ўқувчи жалб этилган)нинг "Қизиқишлар харитаси" га (29 та йўналишда) кўра ўқувчилар кўпроқ спорт(558 нафар -12.5 фоиз), тиббиёт(378 нафар – 8.5 фоиз), хорижий тилларга(337 нафар – 7.6 фоиз) қизиқишлари аниқланди. Ушбу "Қизиқишлар харитаси" таҳлилларидан келиб чиқиб, тумандаги 44, 116, 197, 295, 296-мактабларда айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этилган.

Юқоридаги ижобий ишларнинг самараси ўлароқ туман ўқувчилари "Аждодларимиз мероси" кўрик-танловида Республика миқёсида биринчи, "Жозибадор табассум", "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик танловларида эса шаҳар миқёсида биринчи, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида иккинчи, "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллашган.

Туман халқ таълими бўлимида ва Методика кабинетида ҳозирги замон талабига жавоб берадиган компьютерлар мавжуд бўлиб, унга: узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш ҳаракат дастури; халқ таълими тизими бўйича методик хизматни такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами; бошланғич таълим фанлари бўйича мажбурий стандартли текширув ишлари комплекти; энг намунали дарс ишланмалари; туман ХТБнинг "Ахборотнома" тўплами материаллари ва бошқа тегишли ҳужжатлар киритилган.

Ҳайъат мажлисида баён этилган ижобий ишлар билан бирга А.Икромов тумани халқ таълими бўлими Методика кабинети томонидан таълим муассасаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларида бир қатор камчиликларга йўл қўйганлигини ҳам таъкидланди.

Жумладан, туман мактабгача таълим мутахассислари республика, шаҳар ва туман миқёсидаги тажрибалар билан чекланиб қолган. Муассасаларда мутахассислар ва болалар учун кичик кутубхоналар талаб даражасида ташкил этилмаган. Болаларнинг эркин, мустақил фикрлашини ривожлантирувчи муҳит тўлиқ яратилмаган. Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Тумандаги 186(45.5 фоиз), 450(44.5 фоиз), 591(42,7 фоиз) мактабгача таълим муассасаларга болаларни қамраб олиш ўртача шаҳар(50.4 фоиз) ва мазкур туман(56,1 фоиз) кўрсаткичидан паст.

Албатта, туманда ёш ўқитувчилар мактаблари учун тавсияномалар тайёрланиб, шу асосда методик ёрдам ташкил этилган. Бироқ Методика кабинети томонидан мактабларда ташкил этилган, ҳамма ўқитувчилар учун методик жиҳатдан манзур бўладиган очиқ дарсларни таҳлил этиб, тавсиялар тайёрлаб, жойларга етказиш яхши йўлга қўйилмаган.

Тумандаги айрим таълим муассасаларининг(177, 62, 197, 245 ва бошқа мактаблар) 7-синфларида геометрия, она тили, физика, тарих; 8-синфларда алгебра, она тили, физика, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ва "Иқтисодий билим асослари" фанларини 2001-2002 ўқув йилининг IV-чораги ва 2002-2003 ўқув йилининг I-чорак якуни бўйича олинган тест-синов натижалари, шу билан бирга давлат тест марказининг 2001 ва 2002 йилларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, айрим мактаб(106, 203,75, 236 ва бошқа мактаблар) ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакалари етарли даражада эмас.

Тумандаги бу мактабларда ўқувчилар билим даражасининг пасайиши методик кенгаш ва методбирлашмаларда таълим мазмунини такомиллаштириш масалаларининг етарли даражада муҳокама этилмаганлиги, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини замон талаблари асосида ташкил этиш, дарс жараёнига ноанъанавий усулларни жорий этиш каби ишлар ташкил қилинмаганлиги сабабли юзага келганлиги айтиб ўтилди.

Ушбу камчиликларга қарамай Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими Методика кабинетининг таълим муассасаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича ташкилотчилик фаолияти умуман ижобий деб эътироф этилди ҳамда мазкур масала янада такомиллаштириш юзасидан ҳайъат йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги иккинчи масала мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари асосида болаларни мактабга тайёрлаш ишлари сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан Навоий шаҳар халқ таълими бўлимининг фаолиятига бағишланди.

Ҳайъат мажлисида ушбу масала юзасидан Навоий шаҳар халқ таълими бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар, шаҳар ҳокимлигининг раҳбарлигида шаҳардаги ташкилот ва идораларнинг мактабгача таълимни ривожлантириш, унинг моддий техника базасини яхшилашга доир саъй-ҳаракатлари, шу кунга қадар шаҳардаги 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган 17528 нафар болаларнинг 9184 таси (52,4%) 40 та мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётганлиги, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,1 фоизга ошганлиги таъкидланди.

Маълумотларга кўра шаҳардаги 6-7 ёшли 2500 та болаларнинг 1599 таси(63,9%) таълим муассасаларида, 375 таси(15%) шанба-якшанбалик гуруҳларида, 224 таси (8,9%)мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳларида, 100таси(4%) саводхонлик марказларида, яъни 2003-2004 ўқув йилидан ўқишга борадиган болаларнинг жами 92 фоизи мактабга тайёрланмоқда. 2002 йилнинг сентябридан ноанъанавий гуруҳлар тармоғини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, қўшимча 58 та гуруҳ ташкил этилиб, жами 93 та ноанъанавий гуруҳлар фаолият кўрсата бошлаган.

Бироқ ачинарлиси шундаки, Навоий шаҳридаги мактабгача таълим ёшидаги болаларни давлат талаблари асосида мактабга тайёрлаш ишларини ташкил этишда шаҳар халқ таълими бўлимининг фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддилари мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларни оммалаштириш, янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, ноанъанавий таълим муассасалар тармоғини кенгайтириш бўйича етарли ишлар олиб бормаган. Болаларни мактабга тайёрлаш Давлат талабларининг бажарилишини назорат қилиш, педагогларга услубий ва амалий ёрдам бериш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ҳайъат мажлисида таъкидланганидек, таълим муассасаларининг 28 та раҳбарларидан атиги 2 таси (7,1%) олий махсус маълумотга эга. Шаҳар халқ таълими бўлими томонидан таълим муассасаси мудира ва услубчиларини Навоий Давлат педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртларида қисқартирилган олий маълумот олишлари учун ташкилий ишлар суст олиб борилган. Тест синовларига тортилган 113 та тарбиячининг 36 таси (32%) математик тасаввурларни ривожлантириш, тасвирий фаолиятини ташкил этишда, 27 таси (24%) эса барча фаолиятларни амалга оширишда давлат талаблари тўғрисида етарли билимга эга эмаслиги аниқланган.

Жисмоний тарбия машғулотларини юқори савияда ўтказиш учун зарур бўлган жиҳозлар (таёқчалар, арқончалар, ҳар хил коптокчалар) тайёрланмаганлиги, тарбиячиларнинг ўзи ўйин қоидаларини болаларга тўғри тушунтира олмаганлиги сабабли 8-сон (М.Хайриддинова) болалар боғчасида болаларнинг жисмоний етуклик даражалари синалганда, 22 нафар боладан фақат 8 нафари (36 фоиз) белгиланган меъёрларни бажарган холос. 4-сон (Н.Ханнанова), 20-сон (М.Зиннатуллина) мактабгача таълим муассасаларида ҳам жисмоний тарбия машғулотларини юқори даражада ташкил этиш учун тарбиячилар кучи билан тайёрлаш имконияти бўлган атрибутлар, турли узунликдаги арқончалар, ҳар хил оғирликдаги қум халтачалари йўқлиги сабабли болаларни соғломлаштириш машғулотларининг сифати пасайган.

Болалар нутқ ва тафаккурининг ривожланганлик даражаси ўрганилганда, зарур бўлган кўргазмали қуролларнинг, дидактик материалларнинг, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқларнинг етишмаганлиги сабабли 14-сон (Д.Ибрагимова), 19-сон (Р.Турсунова), 23-сон (З.Приежева) мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг билим даражалари паст эканлиги аниқланди.

Мажлисда мазкур камчиликлар асосан шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддилари томонидан давлат талабларининг бажарилишини таъминлашда назоратнинг қониқарсизлиги эканлиги таъкидланиб, шаҳар ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ташхис маркази томонидан ҳам мактабгача таълим муассасаларига зарур амалий-услубий ёрдам етарли берилмаганлиги, марказда болаларни мактабга тайёрлаш, уларни тиббий, психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш бўйича маълумотлар, таҳлиллар мавжуд эмаслиги алоҳида таъкидланди.

Жумладан, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш ва 6 ёшли болаларни психологик-педагогик ташхис натижа самарадорлиги 40-42 фоизни ташкил этган. Болаларни мактабга тайёрлаш ва 6 ёшли болаларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказиб, ўқишга жалб қилиш, уларни ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига ўтказиш бўйича амалга оширилган мослаштириш, коррекцион-ривожлантириш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. 6-сон (А.Мочалова), умумий ўрта таълим мактабига қабул қилинган 22 нафар 6 ёшли болалардан 9 нафари мактабда ўқиш учун психологик тайёр эмас. Худди шундай аҳвол 13-сон (Р.Ганчарова) мактабда ҳам кузатилган. Ушбу мактабга қабул қилинган 18 нафар 6 ёшли болалар қайта кўрикдан ўтказилганда, 3 нафари мактабда ўқишга тайёр эмаслиги, 1 нафари эса, дефектологик ташхисдан ўтказилмаганлиги аниқланган. Юқорида баён қилинган камчиликларга асосан вазирлик ҳайъати Навоий шаҳар халқ таълими бўлими мактабгача таълим ёшидаги болаларни давлат талаблари асосида мактабга тайёрлаш ишлари сифат ва самарадорлигини ошириш юзасидан етарли ишлар олиб бормаган деб топди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш, мактабгача таълим Давлат талаблари асосида болаларни мактабга тайёрлашдаги камчиликлар мактабгача таълим муассасаларининг вилоят фаоллари иштирокида кенгайтирилган ҳайъат мажлисида кўриш ва амалдаги дастурларни қайта ишлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Вазирлик ва жойлардаги Халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректорлари, вилоятлар Методик марказлари раҳбарлари иштирок этган мазкур ҳайъат мажлисига Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Ш.Аҳлидинов раислик қилди.

Шукур ПЎЛАТОВ,
Халқ таълими вазирлиги
УЎТББ бошлиғининг
ўринбосари,
Жаҳонгир МУСАЕВ,
Вазирлик Матбуот сектори
раҳбари

Бўш ўзлаштирувчилар ўқитувчи кўрсатган намуна асосида ёки ўзидан олдин жавоб берганлар фикрига асосланиб гапиришларига имкон берилади.

ЯНГИ ТАШКИЛОТ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Сирдарё вилояти адлия бошқармасида "Сирдарё тадбиркорлари жамғармаси" рўйхатга олинди.

Жамғарма бозор инфратузилмасидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга молиявий ёрдам кўрсатади, шунингдек, кириш ёки пай бадали тўлаш учун, бир ойдан уч ойгача муддатга 20 мингдан 200 минг сўмгача миқдорда кредит ажратади.

Янги нодавлат ташкилоти 33 та ташкилотни бирлаштиради. Шу кунгача 10 нафар кичик ва ўрта тадбиркорлик вакиллари кредит олишди.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА

Бизнес фонднинг Сирдарё вилоят минтақавий бошқармаси 2002 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 208 та корхона ва ташкилотга 273 миллиард 279 миллион сўм кредит ажратди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўп демакдир.

Маблағнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш учун 148 лойиҳага 176 миллиард 283 миллион сўм ажратилди. Бошқа соҳалар ҳам четда қолмади. Масалан, маҳаллий саноатни ривожлантириш учун 37 лойиҳа бўйича 39 миллион сўм, маиший хизматга 10 лойиҳа бўйича 12 миллион 530 минг ажратилди. Қурилиш ва қайта ишлаш саноати корхоналарига сезиларли даражада кўп маблағ йўналтирилди, 17 корхонага лизинг ёрдами кўрсатилди.

Сирдарё вилояти, "Туркистон-пресс"

Uchrashuv

КЎЗИМ ТЎЯР ҚАРАСАМ...

Яқинда Юнусобод туманидаги 274-мактабда болажонларнинг севимли шоири Пўлат Мўмин билан учрашув бўлиб ўтди. 80 ёшни қаршилаган, ҳамон бардам ва тетик шоир бобомиз гўзал шеърларидан ўқиб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Шундан сўнг мактаб ўқувчиларидан Зиёда Исмоилова, Дурдона Ҳасанова, Сардор Мўминов, Наргиза Ориповалар шоир шеърларидан ёд ўқиб бердилар.

Айниқса, шоир бобонинг "Кўзим тўяр қарасам", дея болаларга тилак билдиришлари, "Сизга аталгай шеърим, Омухта бўлгай меҳрим" дея ардоқлашлари ўқувчилар кўнглини мунаввар қилди ва улар шоир айтганидек, "асал, қанддай яхши" бўлишга ваъда бердилар.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи, "Ma'rifat" мухбири

ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Гулистон Давлат университети қошидаги академик лицейда она тили ва адабиёт фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифаларига бағишланган республика илмий-услубий анжумани бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан келган тил ва адабиёт ўқитувчилари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари она тили ва адабиёт дарсларида илғор педагогик технологиялар - замонавий техник воситалар, компьютер, янги йўлланмалар, электрон жадваллар, тест саволларидан самарали фойдаланиш, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари хусусида фикр алмашди.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Янги йил тантаналари давом этмоқда.

КОРЕЙСЧА ЎРГАНИШМОҚДА

Жанубий кореялик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган "ЎзДЭУавто", автомашиналарга жамловчи қисмлар етказиб берадиган қўшма корхоналарда таржимон муаммоси пайдо бўлди.

Бўз туманидаги 26-мактаб интернати мураббийлари "КОИКА" жамғармаси, бошқа хайрия ташкилотлари ва Корея республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ушбу муаммони ечишга киришди. 60 нафар юқори синфлар учун корейс тилини ўқитиш бўйича курслар ташкил этилди. Унга тажрибали мутахассис Сон Ён Чсун раҳбарлик қилмоқда. Курс дастурига кўра ўқувчилар ушбу мамлакат халқининг маданияти, турмуш-тарзи билан танишиш учун Жанубий Кореяга сафар қилишади.

ЎҚУВЧИ КЎПРОҚ ГАПИРСИНМИ, ЎҚИТУВЧИ?

Sinab ko'ring

Дарс давомида ўқувчиларимизнинг эркин фикрлашларига қанчалик кўп имкон яратсак, бераётган билимимиз шунчалик чуқур ва эсда қоларли бўлади. Мақсад ўқувчини дарс жараёнининг асосий субъектига айлантириш экан, дарсни қандай ташкил этган маъқулроқ? Мавзуни анъанавий усулда ўқитувчи баён қилиб бергани дурустми ёки йўналтирувчи саволлар бериб, ўқувчи диққатини мавзуга жалб қилиш услуби яхшироқ натижа берадими? Дарс давомида ўқувчи кўпроқ гапирсинми ёки муаллимми? Мулоҳазаларимизни намуна тариқасида она тили дарсларида сифат сўз туркуми баёнининг икки хил талқинига диққатингизни қаратиб давом эттирамиз. Дейлик, ўқитувчи анъанавий марказлаштирилган усулда дарс ўтди. Бунда ўқитувчи сифат сўз туркумининг қоидасини ўқувчиларга тушунтиради. Сифат предметнинг белгисини билдириб, "қандай?", "қанақа?" саволлардан бирига жавоб бўлади. Масалан: қизил қалам, кенг хона, ширин кулча. Биринчи мисолимизда сифат предметнинг рангини, иккинчисида ҳажмини, охиргисида маза-таъмини билдиради.

Сўнгра ўқитувчи мавзу юзасидан бир неча саволлар сўрайди, машқлар бажартирилади. Ўқувчилардан бир нечтаси такрорлайди.

Анъанавий, ўқувчи марказлаштирилган усулда ўтиладиган машғулот эса қуйида келтирилади.

Муаллим: Бугунги мавзуимиз сифат сўз туркуми ҳақида. Мен сизларга ҳозир бир нечта предметларни кўрсатаман ва саволлар бераман. Жавоб беришга ҳаракат қилинг.

— Бу қанақа қалам

Ўқувчилар: Қизил

— Синфхонамиз қанақа?

— Кенг

— Мана бу кулча қандай?

— Ширин

— Демак, ўқувчилар биринчи мисолда сифат предметнинг нимасини билдираяпти?

— Рангини

— Иккинчи мисолда-чи?

— Ҳажмини

— Учинчи мисолда-чи

— Мазасини

Ранг, ҳажми ва маза - таъм предметнинг белгисидир.

Қани, ўқувчилар сифатга таъриф беринглар-чи?

1-ўқувчи: Сифат сўз туркуми предметнинг белгисини билдиради.

2-ўқувчи: У қандай? қанақа? саволларига жавоб беради.

Дарс давомида мавзуни мустаҳкамлашга доир машқлар бажарилади.

Бу усулни биз энг содда кўринишда она тили дарслари мисолида кўрсатишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, уни бошқа фанларга ҳам бемалол жорий этиш мумкин.

Биринчи ҳолатда ўқувчи суст тингловчи бўлди. Муаллим баён қилиб берган мавзуни фикрламай яхлит ҳолатда қабул қилди. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар эътибори етарли даражада тортилмаганлиги боис у бепарво ўтириб вақтини бефойда ўтказиши мумкин.

Иккинчи вазиятда муаллим ўқувчиларини ўзи билан тенгма-тенг фикрлашга имкон яратди. Ҳар бир мисол фаол мушоҳададан ўтказилди. Ўртоқлари жонланганини кўргач, бепарво, лоқайд ўтирган ўқувчи ҳам "сесканди" ва озми кўпми дарс жараёнига аралашди ҳамда дарсда ўтирганини ҳис қилди. Хуллас, болалар фикрлади.

Бу усул ривожланган мамлакатлар мактабларида одат тусига кирган, ўқитишнинг ўқувчи марказлаштирилган услубга монанд янги технология бўлиб, мавзуга доир суратларни тасвирлашда, грамматик қоидалар тушунтиришда, ўзлаштирилиши мураккаб мавзуларни соддалаштириб, ўқувчилар билим савияларига мос равишда тушунча беришда яхши самара беради.

Йўналтириш технологияси ўқитувчиларга: ўрганувчилар мавзуни қандай ўзлаштирганликларини аниқлашга, ўқувчилар нимани тушунмай қолганларини таҳлил қилишга ҳам, ўқувчиларни дарс жараёнининг фаол иштирокчилари бўлишларини таъминлашга, қолаверса, бўш ўзлаштирувчиларни жонлантиришга ёрдам беради. Бу тарзда ўтилган дарс эса ўқувчиларнинг диққатини мавзуга тўлиқ жалб этади; уларни фаоллаштиради, ўз имкони даражасида саволларга жавоб беришда ташаббус уйғотади ҳамда дарс пайтида кўпроқ мулоқотда бўлиш имконига эга бўладилар.

Мазкур услубни жорий этмоқчи бўлган ўқитувчи қуйидагиларга амал қилишлари зарур:

— Саволлар дарс мазмунини бойитиши, равон тилда ва лўнда жавоб талаб қиладиган бўлсин;

— Ўқувчи жавобга қийналса, муаллим унинг тили учида турган жумла ёки сўзларни эслашга туртки берсин;

— Саволлар турига алоҳида аҳамият берилиши, кўпчилик саволлар очиқ турдаги саволлар бўлиши, масалан, "Сиз нима деб ўйлайсиз...?", "Менга билганларингизни айтиб бера олмайсизми? "Шу тўғрими?;", "Бу қандай сўз?" ва ҳоказо. Токи ўқувчилар чўчимай, иккиланмай жавоб беришларига имкон яратилсин;

Ўқувчилар жавоби охиригача тингланиши керак. Йўналтириш ўқувчи марказлаштирилган услубга мутаносиблиги туфайли ўқувчиларни фикрлашга ва билганларини ўз билим савиялари ва тушунчалари даражасида баён қилиш имконини беради. Шу билан бирга ўқитувчи яна қандай саволлар сўрашини ойдинлаштириб олади. Баъзи саволларга бир неча жавоблар беришга ундайди. Бўш ўзлаштирувчилар ўқитувчи кўрсатган намуна асосида ёки ўзидан олдин жавоб берганлар фикрига асосланиб гапиришларига имкон берилади.

Хуллас, йўналтириш усули бугунги кун талабларига мос келадиган усул бўлиб, у ўқувчиларнинг чуқур ва мустаҳкам билим олишларига замин бўлиб хизмат қилади.

А.ПЎЛАТОВ, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси

УСТОЗНИНГ ҲАР БИР ҲАРАКАТИ — БОЛАГА ИБРАТ

Мукамбар РАҲИМОВА:

"Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради", "Шурикнинг саргузаштлари", "Кавказ асираси", "Москва кўз ёшларга ишонмайди" каби юзлаб фильмларнинг ўзбекчалаштирилган варианти ҳатто ўзбек тилини умуман билмайдиган бошқа миллат кишиларини ҳам ҳайратга солганлиги ҳақидаги хотираларни эшитиб хурсанд бўлганмиз.

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон халқ артисти, "Ўзбекфильм" киностудиясининг дубляж актёри Мукамбар Раҳимовадир. Ширали овоз соҳибаси бўлган М.Раҳимова мана қирқ йилдан буён кўпгина таниқли чет эл актрисаларини ўзбекча сўзлатиб юрибди...

— Мукамбар опа, сизни Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлганингиз билан табриклаймиз. Шу даражага етишишингизда оила, мактаб, ота-онангизнинг ҳам муносиб ўрни бўлгандир?

— Нимасини айтасиз, бизнинг ёшимиздаги кишилар уруш фарзандларидир. Мен 1941 йилда туғилганман. Отам ҳали ёруғ дунё юзини кўрмасимдан аввалроқ урушга кетган эканлар. У киши то иккинчи жаҳон уруши тугагунча қайтиб келмаганлар. 1947 йиллар эдими, эсимда йўқ, 42-мактабнинг биринчи синфига ўқишга борганман. Уруш асоратидан ҳали ҳеч ким ўзига келмаган, ҳеч ким ўнгланмаган пайтлар эди. Ўқишлар ҳам жуда оғир бўлган. У пайтларда ҳеч ким ҳозиргидек чиройли, бежирим сумкалар ишлатмасди. Оналаримиз матодан жилд тикиб берарди, ана шу жилдга китобдафтарларимизни солиб юрардик. Жилдимизнинг ёнида сиёҳдон соладиган халтача ҳам бўларди. Фрида Измаиловна Абрамова исмли, миллати яҳудий бўлган, лекин ўзбек тилини она тилидек биладиган ўқитувчидан биринчи сабоқларни ола бошлаганман. Муаллимамнинг ҳанузгача эсимда қолган хислати — бу унинг ниҳоятда ширинсўзлиги, юмшоқ табиатлиги эди. У киши синфда ўттиз-ўттиз беш нафар ўқувчи бўлса, ўшаларнинг бирортасига қаттиқ гапирмасди, тўполон қилган болаларни ҳам ширин сўз айтиб, тартибга чақирарди.

Рус тилини яхши билмаганлигим учун муаллимларим менга рус тилидаги бадиий китобларни кўпроқ ўқишимни айтишарди. Шундай қилиб рус адабиётининг классик ижодкорлари асарлари билан таниша бошлаганман. А.Пушкин, Л.Толстой эртакларини, кўпгина ёзувчиларнинг ҳикоя ва қиссаларини рус тилида ўқиганман. Мен 7—8-синфгача, яъни ўзбек тили ва адабиёти фани ўтмагунимизча ўзбек адабиёти ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасдим.

5-синфда бизга рус тили ва адабиёти фанидан Богамолов деган киши дарс бера бошлади. У киши китобдан ўтилган дарсни такрорлаб берган ўқувчини ёқтирмасди. Домламиз асарлардаги маълум парчаларни бадиий тарзда ёдлаб берган ўқувчига яхши баҳо қўярди. Мана шу нарса актёр бўлишимга катта ёрдам берган.

— Санъатга меҳрингиз ҳам ўшанда тушганми?

— Уйимиз Эски шаҳарнинг ўртасида жойлашган эди. Ҳовлимиз атрофида маданият ва истироҳат боғи, "Ватан" номли ёзги кинотеатр бўларди.

У пайтлари мен қошкўзлари қоп-қора, ширингина қизалоқ эдим. Тошбу исмли энагам бўларди. Ана шу киши билан доимо боққа борардим. Кинотеатр яқин эмасми, деярли ҳар куни бирор бадиий фильмни томоша қилишга кирардик. Кино тугагунча ухлаб қолардим, баъзан ота-онам мени йўқотиб ҳам қўйишарди.

Отам гарчи ҳарбий соҳа кишиси бўлса-да, деярли ҳамма санъаткорлар билан таниш эдилар. Гап-гаштаклар қилишарди. Олим Хўжаев, Саид Олимов, Амин Турдиев, Шариф Қаюмов каби санъаткорлар уйимизнинг доимий меҳмонлари эди.

Бир куни нимадандир хафа бўлиб катта тошойнанинг олдига борволиб йиғлаётган эдим, уйимизга Лутфилла Нарзуллаев исмли артист келиб қолди. Мени кўрган заҳоти "ие, ие, манавини қаранглар, тайёр артистнинг ўзику, кўзидан ёш чиқмаса ҳам ойнага ўзини солиб йиғлатяпти. Бунинг артист бўлади" деб юборди. Унинг гапига отамнинг жаҳли чиқиб "қўйинг-ей, уста, биттаю битта қизимни артист қиламанми?" деб жавоб берганлар. Шунда ўша ерда ўтирган санъаткорлардан бири "Ие, биз билан дўст бўласиз, бирга ош ейсизу фарзандингизнинг артист бўлишини хоҳламайсизми? Демак, сиз ёлғондакам ошна экансиз-да" деган эди. Кейинчалик отам "хаҳ, ўшанда ана шу санъаткорларнинг нафаси кетиб қолган экан, фаришталар уларнинг гапига "омин" деб юборишган экан-да" деб эслайдиган бўлдилар.

Ҳаёт катта-кичик сўқмоқлардан, оқ-қора ранглардан иборат. Ота-онамнинг ўн-ўн бир нафар фарзандидан уч нафаргинамиз яшаб кетдик.

Болалигимданоқ мени санъат ўзига тортарди. "Ҳамза" театри ичига кирволганимдан сўнг чиқмасдан айланиб юраверардим. Назоратчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, ҳатто саҳна орти ҳаёти билан ҳам танишиб чиқардим.

Яна болалик хотирамда муҳрланиб қолган нарса сайилгоҳ боғда қўғирчоқ ўйнатувчи чолнинг Найзонгул исмли латтадан ясалган қўғирчоғи. Биз доира ясаб уни томоша қилардик. Агар Найзонгул деб қўғирчоқни чақирсак, у бурнимизга чертиб қўярди.

Mehmonxona

— Биринчи бор дубляж санъати билан юзма-юз келган лаҳзаларингизни эслай оласизми?

— Ўн икки ёшли бола эканлигимда "Ўзбекфильм" студиясидан қандайдир болалар фильми учун киносиновларга таклиф қилишди. Жудаям шўх, бир жойда ўтиролмайдиган қизча эдим. Мен киностудиянинг ҳамма бурчакларига бош суқиб чиқдим. Бир хона эшигини очсам экранда кимдир гапиряпти. Ичкаридан "эшикни беркит" деган овоз келди. Шу пайт бир киши "ичкарига кирасанми" деб сўради ва олиб кириб ўтирғизиб қўйди. Ҳеч нарсага тушунмасамда томоша қилиб ўтиравердим. Мени ичкарига олиб кирган киши "Бу ерга нима учун келдинг, нима қилиб юрибсан, қайси мактабда ўқийсан" деб сўраганида, "кинога тушаман, фалон мактабда ўқийман" деб жавоб берганим ёдимда. Мен кирган хонада дубляж қилишаётган экан. Шу-шу бўлдию мактабдан чиқиб, уйга бормасдан киностудияга кетиб қоладиган бўлдим. Ҳаттоки тўгаракларга ҳам қатнашмай қўйдим.

Киностудияга борсам ичкарига қўйишмайди, ташқарида туриб-туриб қайтиб келаман. Охири ҳафта-ўн кунлардан кейин Зоя опа деган қоровул хотин мени таниб қолди. Ўша киши режиссёр ёрдамчилари, чироқ усталарининг бирортаси билан кириб кетишга рухсат берарди. Кўпгина режиссёрлар, актёрлар уйимизга тез-тез бориб турадиган кишилар бўлганлиги учун улар ажабланиб "ие, Ҳакимнинг қизимисан, нима қилиб юрибсан?" деб сўрайдиган ҳам бўлишди. Охири режиссёрлар "Қани бир гапириб кўрчи" деб фильмларда ёш болаларнинг овозини менга топшира бошладилар.

—Киносиновлардан ўта олмаганмидингиз?

— Ҳа, фильмга нимжон, озгинагина қизча керак экан. Мен эса тўладан келган, бақувватгина эдим. Аммо дубляжга ишқим тушиб қолган эди, чунки баъзи фильмларда овозим янграб турарди. Лекин ота-онам бунга қарши эди. Охири бунинг ҳам йўлини топдим. Дилбар Абдураззоқова деган синфдошимнинг уйи киностудияга яқин эди. Ўша билан дугона бўлиб олдим ва дарс тайёрлаш баҳонасида Дилбарларникига кетяпман деб ота-онамдан рухсат олардим-да, йўлни киностудияга солардим.

— Биринчи марта қайси фильмдаги қаҳрамонга овоз бергансиз?

— Эсимда йўқ. "Ўгай она", "Манлук", "Темур ва унинг командаси" каби фильмларга овоз берганим ёдимда. Биласизми, менда дубляжга қизиқиш шу қадар кучли бўлганки, фильмнинг мазмунмоҳияти қанақа, қаҳрамон нима демоқчи, бундай нарсаларга аҳамият бермаганман. Муҳими, овозим фильмда янграса бўлдийди.

— Бундан бир неча ўн йиллар аввал дубляж қилинган фильмларда катта маҳорат, меҳнат билиниб турарди.

— Ўша пайтда Бўри Ҳайдаров, Собир ота Искандаров каби режиссёрлар бўларди. Улар дубляж санъатини махсус ўрганишган, фидоий инсонлар эдилар. Бўри Ҳайдаров ўз навбатида яхши актёр ҳам бўлган. Ана шу режиссёрлар фильмни бир марта томоша қилгач, актёрнинг кўзига қараб туриб бу образни ким ўзбекча жонлантира олишини билишарди. Бир фильм дубляжи устида кучли, билимли муҳаррирлар, таржимонлар, режиссёрлар хизмат қилишарди. Таржимон ва муҳаррирлар битта сўз устида тортишиб, баҳслашиб қолган пайтлар ҳам бўлган. Ана шу муҳаррирлардан бири Абдулла Қаҳҳор эди. Қодир Мирмуҳамедов, Одил Шаропов каби таржимонлар ҳам бадиий жиҳатдан пухта таржималар қилишарди.

— Бугунги кунда жуда кўп фильмлар ўзбек тилига ўгирилмоқда. Ҳаттоки битта актёрнинг ўзи ҳам бутун бошли фильм қаҳрамонларининг ҳаммаси бўлиб "гапирмоқда". Ёки асосан телесериалларда бир актёр бир неча кишиларга овоз бермоқда. Айтмоқчи бўлганим, дубляж қилинаётган фильмлардан кўнглингиз тўляптими?

— Сиз битмаган ярага туз сепдингиз. Дубляж бу санъат. Лекин ҳозирги кунда кўпчилик режиссёрлар ҳам, актёрлар ҳам унинг моҳиятини тўлиқ англай олмаяпти. Ҳозирги кунда Россияда ҳам, бизда ҳам уч-тўрт нафар актёр билан битта фильмни дубляж қилиш кенг урф бўлди. Бир-икки марта сериалларни, фильмларни ўзбекчага ўгираётган ижодкорларга дубляжнинг йўл-йўриқлари бошқача бўлишини айтганимда, улар мендан хафа бўлишган. Ва "биз сизни дубляжга чақирмаётганимиз учун шундай деяпсиз" дея жавоб ҳам беришган.

Дубляжда ёрдамчиликдан ассисентликка чиқиш учун тўрт-беш йил керак бўлади. Дубляж санъати ёки унга алоқадор фан йўқ. У институтларда ўқитилмайди, махсус курсларда дубляжчилар тайёрланмайди. Уни устоздан шогирд ўрганади.

Дубляжда қатнашадиган актёрда иқтидор бўлиши керак. Ҳозирги дубляжда қатнашаётган ёш актёрлар фақат тезроқ танилишни, овози чет эл фильмида тезроқ янграшини истайдилар.

Ҳар қандай фильмни дубляж қилишдан аввал мутасадди кишилар ўзбекчалаштирилаётган фильмни кўришса, унинг фойдали томонлари ҳақида фикрлашсалар, шу фильм халқимизга маънавий озуқа берадими-йўқми, ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатмайдими, миллатимизни ушбу фильм қайси йўлга бошлайди, бизнинг дунёқарашларимизга мосми, мос эмасми, каби кўплаб саволларга жавоб топилгачгина фильм дубляжига киришиши лозим, деган таклифни билдирмоқчийдим.

— Ўзингиз телевидение орқали берилаётган чет эл фильмларини, сериалларни кўрасизми?

— Бизнинг дунёқарашимизга, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга мос келадиган фильмларни томоша қилиш мумкин деб ўйлайман. Бугун ҳаммани телеэкран қаршисига "михлаётган" сериаллар эртакнамо. Бир қизга бир нечтаси ошиқ. "Ўлдим-куйдим". Ўзбеклар ҳаётига яқинми шулар? Япон киноижодкорлари яратган "Ошин" фильми бизнинг миллатимизга, ёшларимизга "нимадир" беради. "Ошин"ни кўрган томошабин меҳнат қилган инсоннинг хор бўлмаслигини ҳис қилади, билади. Ҳар қандай киши яхши феъл-атвори, очиққўнгиллиги, самимийлиги билан кўпчилик ўртасида ҳурмат қозониши мумкинлигини мана шу фильмда кўрдик. Ана шундай фильмларни дубляж қилса яхши бўларди.

— "Маърифат" мухлисларига тилакларингиз.

— Чақалоқ туғилгач она алла айтади. Аллада онанинг барча эзгу ниятлари, орзу-умидлари мужассамлашган бўлади. Фарзандининг камолини истаган ота-она унга илму одоб ўргатади. Устозлар ана шу ниҳолдек бўлган болаларнинг тўғри ўсиши, воя-га етиб, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун энг кўп ва хўп жон куйдирадиган кишилардир. Муаллим ва мураббийлар таъмадан узоқ бўлсинлар. Ҳар бир гапирган гапи, қилган хатти-ҳаракати болалар учун ибрат эканлигини унутмасинлар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА суҳбатлашди.

Бу борада иқтисодий тўсиқлар ечимини топиш учун мактаб ўз-ўзини бошқарув сиёсатига ўтиши замон талабидир.

СИЗ ДАРС ВА МАШҒУЛОТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ЎТАСИЗ?

Мактублар... Уларни шарҳлар эканмиз, йил давомида бизга мактуб битган муҳтарам газетхонларимизни кириб келган янги 2003 йил билан қутлаймиз. Умид қиламизки, бу йилда ҳам улар ўзларининг турли мавзудаги мақола ва мактубларини йўллайдилар. Мактублар орқали биз ўқитувчиларнинг олиб бораётган ижодий, тарбиявий, таълимий ишларини; намунали дарс ишланмаларини; турли тадбирларни; илғор тажрибаларни газетамиз орқали янада кенгроқ ёритамиз. Қолаверса, газетамиз саҳифаларида эълон қилинаётган муаммоли, баҳсталаб мақолаларга билдирилган "Акс садо" рукнига юборилган мактубларни ўқиб, газетхонларимизнинг бефарқ эмасликларидан мамнун бўламиз.

Қуйида ўтган йилнинг сўнгида келган бир талай мактубларнинг айримлари билан сизларни таништирамиз.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 11-мактаб ўқитувчиси Дилбар Нормуродованинг она тили дарсларида қўллаётган топишмоқ, мақол, тез айтиш ва унли, ундош ҳарфлар ҳақидаги шеърлари бизга манзур бўлди.

— Yon tovush L haqida quyidagi tez aytishdan foydalanish mumkin. Latofatli lahzalar lobarlarga loyiqmi, lobarlarga lahzalarning latofati loyiqmi?, J to'g'risida esa "Jo'ja bilan Jo'rajon, juda jo'ra jonajon" kabi tez aytishlardan foydalanilsa, mashg'ulot qiziqarli va samarali kechadi.

Шунингдек, Дилбархоннинг сўз туркумларига бағишланган шеърлари, Термиз шаҳридаги 13-мактабда бўлиб ўтган очиқ мулоқот семинари, "Президент асарларининг кўрик-танлови", 10-мактабда ўтказилган "Қариялар иззатда" номли тадбир ҳақидаги бир қатор хабарлари ҳам эътиборга молик. Биз Д.Нормуродовадан шу каби дарс ишланмалари, хабарларни келгуси йилда ҳам кутамиз.

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 3-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Зулфия Салимова муаллимларни таълим соҳасининг пирлари, ҳалол, меҳнаткаш, фидокор инсонлар дея таърифлайди.

— Мактабнинг шон-шуҳратини кўкка кўтаришда юлдуз каби порлаб турувчи бошланғич синф ўқитувчиси Зуҳро Қурбонованинг борлиги билан фахрланамиз. З.Қурбонова билими, ақл-заковати ва болажонлиги туфайли туман миқёсида ўтказилган "Ўқитувчи—2001" кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади ҳамда вилоят босқичида ҳам қатнашди. Унинг ўз қўли билан яратган электрон таблоси бошқа ўқитувчиларга ҳам асқотяпти.

Биз ҳам З.Салимова каби изланувчан, ташаббускор ўқитувчилар сафи кенгайишини истаймиз.

Қашқадарё вилояти Касби ТХТБ олий тоифали методисти Асрор Қиличев **Ҳайит Хўжаматов номли 15-мактаб ва унинг раҳбари Қурбоной Шозодова амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилади.**

— Вилоятимиздаги нуфузли илм масканларидан бири бўлмиш бу мактабда 1445 ўқувчи бўлиб, уларга 120 нафар олий маълумотли устозлар сабоқ бермоқда. Дарсларнинг кабинет системасида, техника воситаларидан фойдаланиб, кўргазмалилик асосида ўтказиб келинаётгани ўқувчилар билимининг ҳар томонлама мустаҳкам бўлишига замин яратмоқда. Бу ҳолат турли кўрик-танлов, туман, вилоят миқёсидаги олимпиадаларда ўз аксини топаяпти. Вилоятда мактабнинг "Ички назоратни ташкил қилиш" тажрибаси оммалаштирилган. Қ.Шозодова ташаббуси билан лимонария, ошхона, ҳарбий таълим хонаси, отиш майдончаси, спорт зали газлаштирилди, Хотира ва қадрлаш ёдгорлиги қад кўтарди. Қурбонойнинг ўқитувчилар, отаоналар ва қишлоқ аҳли билан узвий ҳамкорликда келажак авлодни тарбиялаб, вояга етказаётганлигидан ҳар қанча ўрганса ва ўрнак олса арзийди.

Фарғона вилояти Сўх туманидаги Мулгон қишлоғидан З.Домуллаев, З.Қодировлар ҳам мактуб йўллашган. Улар география ўқитувчиси, ҳозирги кунда нафақада бўлишига қарамай эл-юрт ғамида ёниб юрган ажойиб инсон Аъзамжон Кашамов ҳақида ёзадилар.

— А.Кашамов бир неча йилдан буён туман "Нуроний" жамғармаси раиси вазифасини бажараяпти. У "Хотира китоби"га номи киритилмай қолган 23 нафар собиқ жангчиларни аниқлади. Равон қишлоғида ёдгорлик, Бобо Мельников номидаги гузар ташкил этишга бошқош бўлди. Унинг ташаббуси билан суғурта ташкилоти учун икки қаватли бино қуриб ишга туширилди.

Ҳозирги кунда Аъзамжон ота умр йўлдошлари Юлдузхон ая билан тинч-тотув яшаётган эканлар. Илоҳим, умрлари узун бўлсин.

Андижон шаҳридан халқ таълими фидойиси Шуҳратбек Келдиев учта мактуб ёзган. Уларда Андижон шаҳридаги 6-мактабда олиб борилаётган ишлар, турли тадбирлар ҳамда фидойи устозлар — Олтинкўл тумани Далварзин қишлоғидаги 3-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, ҳозирги кунда 11-мактабда мураббийлик фаолиятини давом эттираётган А.Абдужалилов ва "Дўстлик" ордени нишондори, 34-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси К.Ким фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

— Мана, уч йилдирки, К.Ким Асака ТХТБда рус тили ва адабиёти шўъбасига раҳбарлик қилмоқда. Янги педагогик технология бўйича дарслар ташкил этишда ўқитувчиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда дейилади мактубларнинг бирида.

Қашқадарё вилоятидаги Қарши туманига қарашли Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги 27-мактаб ўқитувчиси Марҳабо Олтибоеванинг "XXI аср педагогикасига бир назар" мақоласидаги фикрлар долзарблиги билан аҳамиятлидир. М.Олтибоева дарс бошланишида Ўзбекистон Конституциясининг 4, 16, 18, 31, 40, 41, 49-моддаларининг мазмунини шарҳлаб борар экан. Бунда унга профессор Н.Саидаҳмедовнинг 28 октябрь 2000 йил "Маърифат" газетасида кўтарган "Муаммолар, мулоҳазалар, ечимлар" ҳақидаги материали қўл келаётган экан. Демак, газетхонлар газета материалларидан ўз ўрнида фойдаланаётган эканлар, деган хулосага келдик.

М.Олтибоева айрим муаммоларни ҳам ўртага ташлайди.

— Адабиёт ёки истаган фан бўйича ахборотларни узатиш учун мактабларимизда ўқувчиларнинг воқеликни кузатиш учун техник воситалар етишмаслиги муаммоси бор. Янги билимларни ўзлаштиришда муаммоли вазиятни вужудга келтириш керак. Бунинг учун синфда ўқувчилар сони 15 нафардан кўп бўлса, қийинчиликлар юзага келади. Педагогик марказ лабораторияларини ташкил қилиш — "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг талабидир. Бу борада иқтисодий тўсиқлар ечимини топиш учун мактаб ўз-ўзини бошқарув сиёсатига ўтиши замон талабидир.

Самарқанд вилояти ПастДарғом туманидан фахрий ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Насриддин Эшқувватовдан ҳам мактублар олиб турамиз. Н. Эшқувватов изланувчан муаллима Мавжуда Сафақулова ва унинг турмуш ўртоғи, 32 йилдан бери 57-мактабга раҳбарлик қилиб келаётган Пардабой Маҳмаюсупов, уларнинг намунали оилалари ҳақида меҳр билан ҳикоя қилади. Шунингдек, оқсоқол педагог Шаққоз Ҳасанов, 31-мактаб кимё ўқитувчиси Зокиржон Нуримов ҳамда унинг қизи, издоши Саодат Нуримовалар ҳақида ҳам ёзилган лавҳалари Паст Дарғомда изланувчан устозлар кўплигига далилдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, 80 ёшни қоралаган Рўзимат Даминов ҳам тиниб-тинчимайдилар. Навбатдаги мактублари Бўка тумнаидаги 9-мактаб ҳақида экан.

— Чўлқуварлар фарзандлари ўқийдиган мактаб биносини кўрар эканмиз, чор-атрофдаги манзарали дарахтлар, ранг-баранг гуллар, бинонинг замонавийлиги эътиборимизни тортди. Мактаб директори Муллағайбулло Бобоев камтаринлик билан сўзлайди: — Олис тоғлардан кўчиб келган аҳоли ери хазина, суви гавҳар, шароити деҳқончиликка мос бўлган бу сахий заминга қалб қўрларини тўка бошлади. Қамиш чайлаларда яшаган деҳқонлар меҳнати натижасида данғиллама уй-жой қурдилар. Боғ бунёд этдилар. Оиласи тўқнинг болалари ҳам соғлом камол топишини кўряпмиз. Мактабимизда 733 ўқувчи бўлиб, уларга 48 ўқитувчи дарс бермоқда. Мактабда тожик, ўзбек, рус ва француз тиллари қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ўқувчилар хорижий мактаб ўқувчилари билан дўстлик алоқаларини боғлаб, ўзаро дўстликни ёзишмалар орқали янада мустаҳкамламоқдалар.

Ҳақиқатан, бу — бир ёқадан бош чиқариб ишлаш натижасидир. Аҳиллик, изланувчанлик бор масканда ютуқлар ҳам кўпаяверади.

— Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидан Дилшод Шакаров суратли лавҳа юборган. Тумандаги А.Рудакий номли 51-мактаб директори Тоҳир Нуров билимдон, тадбиркор, ташкилотчи раҳбар эканлиги ҳақида фикр билдирилган.

— Т.Нуров ишни педагогик жамоа ўртасида муҳитни яхшилашдан бошлаган. Ўқув хоналарини қайта таъмирлашга эътибор қаратиб, мавжуд синфхоналарини замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлашга ўз ҳиссасини қўшди. Ёшларнинг билим доирасини ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказмоқда. Ҳа, ташкилотчиликда гап кўп.

Шунингдек, **Қарши шаҳридан Ҳусан Қиёмов** Жўра ака Эгамбердиев ҳақида, **Наманган вилояти Чортоқ туманидан Асқарали Маматов** Янгиқўрғондаги 17-мактаб жамоасининг эътиборга молик ишлари ҳақида, "Каттақўрғон ҳақиқати" газетаси муҳаррири Асқар Жалилов 45 йил бир мактабга раҳбарлик қилган Нормамат Мирзаев фаолияти ҳақида, Самарқанд ВПҚТМОИ доценти Н.Сирожев "Баркамол авлодни тарбиялаш — замон талаби" мавзусига доир мактублар йўллашган.

Мана, мактублар билан ҳам танишдик. Уларнинг сони кўп. Эътибор берган бўлсангиз, асосан устоз ва мактаб раҳбарлари ҳақида ёзилган мактублар кўп. Биз муштарийларимиздан муаммоли, баҳсталаб мактублар, ноанъанавий дарслар тўғрисидаги ишланмаларингизни ҳам кутиб қоламиз.

Саҳифани Маҳмуда ВАЛИЕВА тайёрлади.

БЕТХОВЕНГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Давлат консерваторияси биносида икки ҳафта давомида "Прометей" фестивали ўтказилди. Зулматдан ёруғликка интилиш асарларининг асосий мавзусига айланган композитор Людвиг ван Бетховеннинг хотирасига, бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда етук санъаткорлар қатори саҳнага илк бор қадам қўяётган ёш ижрочилар — мактаб ўқувчилари, талабалар ҳам иштирок этишди. Тадбирда шунингдек, талабалар симфоник оркестри, миллий симфоник оркестр ва ўзбек халқ чолғу асбобларидан ташкил топган "Суғдиёна" камер оркестри ҳам қатнашди.

Концертлардан ташқари консерватория биносининг кичик залида "Бетховен ва замонавийлик" мавзусида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Бетховен ижодининг биз билган ва билмаган қирралари ёритиб берилди. Санъатшунослик фанлари доктори Т.Ғафурбековнинг "Шарқ ва Бетховен" деб номланган маърузаси барча тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Н.ЖАББОРОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқашунослик факультети 2-курс талабаси

Aks-sado

"ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШИШИ ЙЎЛИДА"

"МАЪРИФАТ", 2002 ЙИЛ 16 ОКТЯБРЬ

"Маърифат"да 2002 йил 16 октябрда босилган педагог олимлар Абдуқаҳҳор Абдуқодиров билан Паёз Мусаевлар қаламига мансуб "Давлат таълим стандартлари такомиллашиши йўлида" номли мақолада бугунги кунда халқ таълими ходимлари, айниқса, амалиётчилар ўртасида бироз тушунарсиз бўлиб турган жиҳатларга ойдинлик киритилиб, уларга тўлақонли жавоб топилиши таълим самарадорлигини оширишнинг асосий омили эканлигини баён қилинган. Мақолада ўртага ташланган айни вақтда муайян даражада ечими ҳам кўрсатилган вазифалар шу қадар хилма-хил ва долзарбки, беихтиёр уни такрор ва такрор ўқийсан киши.

Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг раҳбари, методисти вакола-ти доирасида умумий ўрта таълимнинг қанчадан-қанча муассасалари фаолиятини ўрганиб тахлил этамиз, зарур ҳолларда маслаҳатлар берамиз, фаолиятидан қаноатланмасак танбеҳ бериб тўғри йўлга соламиз. Аммо, баъзида шундай ҳоллар ҳам бўладики, муайян мактаб ёки алоҳида ўқитувчи фаолиятини икир-чикиригача обдон ўрганамизу, бироқ ҳукм чиқаришга қолганда юз амри ширин қабилида бор ҳақиқатни айтолмай вижсдон азобидан изтироб чекамиз. Чунки, гоҳида ўқитувчи билан, гоҳида эса муассаса раҳбари билан рўй берадиган баҳсли ҳолатларда "ҳакам"лик қилувчи восита йўқ-да. Аммо мақола синчиклаб ўқилса кўпдан буён биз кутган "ҳакам" дунёга келгани ва тобора такомиллашаётганига қаноат ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, Давлат таълим стандарти (ДТС) шарофатила методистга ҳам, назоратчига ҳам ва ҳатто назорат этилаётган муассаса мутасаддиларига ҳам асқотадиган одил ва холис "ҳакам" га эга бўлибмиз. Бу эса таълим сифати меъёрининг қонуний асоси ҳисобланиши ДТСда кўрсатилган мажбурий талаблар эканини тушунгандирсиз. ДТСда белгилаб қўйилган минимал меъёрлар илғор тажрибаларни аниқлаш ва оммалаштиришга йўғрилган амалиётларда ҳам қўл келади.

Маълумки, узлуксиз методик хизмат тизимида мактабларни, шунингдек, ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини, хусусан, дарс бериш амалиётини кузатиб, илмий методик меъёрлар бўйича таҳлил этиб сўнг ибратли топилган тажрибани оммалаштириш анъанага айланган. Сир эмаски, бундай усулда педагог саъй-ҳаракатларининг пировард натижаси—ўқувчилар билим сифати эканига айтарлик эътибор қилинмайди. Эътибор қилинганда ҳам юқорида таъкидланганидек, ўқитувчи қўйган баҳо билан ҳукм чиқарилади. Боз устига бутун педагогик маҳоратини намоён этган ўша ўқитувчи, кузатувчилар кўз ўнгида "артистлик" қилган бўлса-чи? Дарҳақиқат, узоқ вақт "ўқитувчи артист бўлмоғи керак" деган фикр оғушида яшаб келинди-ку. Ана шундай субъективлик содир бўлмаслиги учун бундан буён фақат ДТС меъёрлари бўйича назорат ўтказиб, аниқроғи, ўқитувчилар билимлари сифатини текшириб, бунда энг юксак кўрсаткичга эришган, ўқувчилари ДТС меъёрлари даражасидан юқори сифатдаги билимга эга мактабнинг ёки алоҳида ўқитувчининг муваффақияти сирларини оммалаштиришга эътиборни кучайтирган маъқул. Айни вақтда ДТС талаби даражасидаги сифатни таъминлай олмаётганлар яққол кўзга ташланиб, улар билан махсус шуғулланиш чоралари кўрилади.

Педагогик маҳорат соҳиби, ҳамда ёрдамга муҳтож ўқитувчиларни аниқлашнинг ана шундай қулай ва ишончли воситаси, услуби турганида сомон ғарамидан игна қидиришдек машаққатли, алмисоқдан қолган амалиёт билан машғул бўлганимиздан афсусдамиз.

ДТС шарофатила ўқувчилар билимини баҳолашнинг анъанавий усули ҳам, функцияси ҳам янгича мазмун касб этиб, фақат педагогик жараённи бошқариш билан чекланади. Ҳолбуки, шу вақтга қадар ўқитувчилар томонидан ўқувчилар билимига қўйилаётган баҳога ўқувчининг билим сифатини ифоловчи атрибут дея қаралиб, шу аснода ўқитувчи ёки таълим муассасаси фаолияти ҳақида ҳукм чиқарилган.

Шундай бўлгач, таълим-тарбияда нохолислик илдиз отиб, янада ачинарлиси, педагогнинг ижодий ишлаш иштиёқига салбий таъсир этган.

Мамлакатда таълим сифати меъёрининг қонуний асоси (ДТС) қилиб тўлиқ жорий қилингач эса юқоридагидек салбий ҳолатлар буткул барҳам топади. Аввало расмий ахборотлар учун ДТС асосидаги ялпи назорат маълумотларигина асос бўлади. Аммо, ўқувчилар билим малакаларини аниқлаш воситаси педагогик квалиметрия—тарози йўқлиги боис (тоши бор тарозиси йўқ ношуд тадбиркор сингари) ўқувчилар тайёргарлик даражасини ДТС меъёрлари бўйича аниқлаш амалиётига тўла кириша олмаётирмиз.

Устига устак курсга келганларнинг ДТС бўйича тушунча анкета сўровларига берган жавобларидан маълум бўлишича ўқитувчиларнинг муайян қисми ҳамон ДТС моҳиятини чуқур англамас, баъзилари эса гўё ДТС пойтахт Тошкент мактаблари ўқувчиларнинг салоҳияти, имкониятига нисбатан белгиланган, деган хато тасаввурда эканлар. Шунингдек, ДТС меъёрларининг сифатланиш даражалари, ДТС циклик характерга эгалиги ва ҳоказолар бўйича ҳам ўқтувчилар тушунчаси тиниқ эмас.

Ишончимиз комилки, ДТС эртами кечми таълим тизимида буткул ўз ўрнини эгаллайди. Шундай бўлгач, кўп сонли амалиётчилар салоҳиятининг янгилик талаби даражасида бўлишини кўзлаб малака ошириш курсларининг ўқув режаларини "ДТС ва унинг функционал вазифалари", "ДТСнинг таълимни бошқарувдаги ўрни", "ДТСда меъёр ва мезон тушунчаларининг моҳияти" сингари мавзулар билан бойитдик.

Маҳмуд ШОХЎЖАЕВ,
Фарғона ВПҚТМОИ ректори
Эркин НЎЪМОНОВ,
шу институтнинг кафедра мудири
Муборак ФАЙЗИЕВА,
шу институтнинг катта ўқитувчиси

2003 yil—Obod mahalla yili

ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Обод маҳалла йили дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссиясини тузиш тўғрисида"ги фармойишининг эълон қилиниши ўзбек халқининг қадимдан ўзининг узоқ тарихига эга бўлган миллий қадриятларини ривожлантириш масалаларига бағишланган муҳим тадбир бўлди. Маълумки, ўзбек маҳаллалари қадимдан мавжуд қонунлар қамраб ололмаган қоида ва тартиблар бўйича фаолият кўрсатиб келган. Маҳалла гўёки бир кичкина ҳудудда яшаётган аҳолининг кўзгуси ҳисобланган. Маҳалланинг ободончилиги, ҳар бир хонадон эшиги олдининг эрталаб ва кечки пайт сув сепиб, супурилиб озода тутилиши, ҳар хил атиргуллар, райҳон ва жамбиллар экилиши маҳаллага алоҳида ҳусн ва тароват бахш этган. Бу анъанани ҳозир ҳам анчагина маҳаллаларда учратиш мумкин. Оқсоқоллар ўзлари яшаётган маҳалласига доғ туширмаслик учун ҳар бир ёшу қари ўртасида ўзларининг ахлоқ-одобга оид тарбиявий фикрларини сингдириб келган. Маҳалла ҳақида ёмон гаплар бўлмаслиги учун ёши улуғ кишилар аҳолини доим тартиб-интизомда сақлашга, катталарни ҳурматлашга, уларга салом беришни унутмасликка даъват этганлар, аҳоли ўртасида таълим-тарбия ишларини олиб боришда фаол қатнашганлар. Маҳаллада жамоатчилик фикрининг кучи ғоят катта бўлган. Умуман айтганда, маҳалла ўзининг қуйидаги сифатлари билан намоён бўлади. Булар:

маҳаллада яшовчи оилаларнинг мустаҳкамлиги, ажралиш ҳолларининг ғоят камлиги.

тўй ва таъзия маросимларини ўтказишда, ҳашарлар уюштиришда маҳалла аҳлининг бир-бирларига ёрдами;

маҳаллаларда зиёли, ўқимишли кишиларнинг кўп бўлиши;

маҳалла аҳолиси ўртасида ор-номуснинг кучлилигидир.

Шундай экан, Президентимиз томонидан маҳаллага эътибор берилиб, 2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ғоят муҳим сиёсий ва ижтимоий, энг муҳими тарбиявий аҳамиятга эгадир. Президентимизнинг "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ҳақидаги фармойишида маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган кекса фуқаролар ва ёш оилаларга амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари қўшимча моддий ёрдамлар кўрсатиш борасида кишилар орасида инсонпарварлик фазилатларини янада оширишга, маҳаллаларни янада ободонлаштиришга, маҳалла аҳолисига тегишли шарт-шароитларни яратиш учун маҳалла инфратузилмаси иншоотларини молиялаштириш ва қуришда тижорат тузилмалари, жамоат бирлашмалари ҳамда жамғармаларнинг имкониятларидан фойдаланиш, тўйлар, маъракалар ва бошқа миллий маросимларни ўтказишда содир бўлаётган дабдабаларга, ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўймасдан, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга эришиш назарда тутилган. Буларни амалга ошириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий жамиятни қуришда муҳим роль ўйнайди.

Шундан келиб чиқиб "Обод маҳалла йили" дастурини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

Маҳалла ҳақида гап борганда, унинг Она Ватаннинг бир бўлаги эканлиги ва кишилар асосан шу маҳаллада улғайиб ўсишини эътиборга олиш лозим. Бу борада маҳаллани катта бир оиладек тасаввур этиш лозим. Унинг инфратузилмасида, аввало аҳолига барча шароитлар яратилишида мумкин қадар ўзининг тиббий пункти, болалар ўртасида спортни ривожлантириш учун имкон даражасида спорт майдони, кутубхонаси, озиқ-овқат сотадиган шаҳобчаси, маданий ва маънавий тадбирлар ўтказадиган биноси ва бошқа тегишли зарур жиҳозлар билан таъминланган муассасалар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

"Таълим тўғрисида"ги қонунни бажариш борасида бирорта ҳам маҳаллада 9-синфни битирган ўқувчилар ўқишдан тўхтаб қолмаслигига эришиш, бу борада маҳалла қўмиталарида мактаб муассасалари билан ҳамкорликда ота-оналар кенгашини тузиш ва мактабларда ўқувчилар давомати, билим олишлари, 9-синф битирувчиларининг ўқишга жойлашуви масалалари устидан назоратни кучайтириш зарур.

Мактаб ёшигача фарзандлари бор оналарга ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат фаолияти олиб бориш учун маҳаллаларда тарбия муассасалари — болалар боғчаларини ташкил этиш, маҳалла аҳолиси ўртасида миллий истиқлол ғояси ва бошқа масалаларда тарғибот ишларини олиб боришда мактаб, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари, олий ўқув юртлари педагоглари имкониятларидан фойдаланиш лозим.

"Обод маҳалла йили" дастурининг самарали бажарилиши учун Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан туман, шаҳар ҳокимиятлари ҳамкорлигида ҳар йили маҳаллалар ўртасида "Энг намунали маҳалла", хонадонлар ўртасида "Намунали оила" кўрик танловларини ўтказиб туриш, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла кенгашлари, таълим муассасалари жамоалари билан ҳамкорликда ёшлар учун маҳаллаларда турли тўгараклар ташкил этиш каби тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Тошпўлат ТОШЛОНОВ,
профессор

Юртимизда қиш кезмоқда. Кумуш фасл ўз бойликларини, чиройини кўрсатиб қўйиш учун қасд қилгандек, фасл бошидан паға-паға қор ёғмоқда. Буки Ўзбегимнинг хирмонига ризқ ёғмоқда. Қуёш нурида жилваланаётган қор заррачалари кўзларимизни қамаштиради. Ана шундай байрам кунларида шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги 33-мактабгача таълим муассасасида ҳам янги йил байрами зўр тантана билан нишонланди. Қорбобо ва Қорқиздан совға олишган болажонлар аъло баҳоларга ўқишга ваъда беришди ва бунга эришиш учун қувноқ кайфиятда ўқишларини бошлашади.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

"Узлуксиз таълим дафтари" навбати билан барча халқ таълими ходимларига сертификатга қўшиб берилади ва унинг умрбод ҳамроҳига айланади.

Tahlil

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ

у вақти-вақти билан қайта тайёрланиши, малака ошириши керак

ЗАРУРАТ

Диплом қўлига теккач, мутахассиснинг кўпдан бери орзу қилган фаолияти бошланади. У янги шароитга аста-секин мослашиб, кўникиш ҳосил қила бошлайди. Мутахассис таълим муассасасида ишлаш давомида, орадан йиллар ўтавергани сайин, унинг институтда олган билимлари маълум даражада эскириб, ёхуд замон талабларига жавоб бера олмаётгандек туюлиб қолади. Гарчанд, ўқитувчи ўз устида муттасил ишлаб, билим заҳирасини тўлдириб борса-да, энг зарурий ва энг замонавий сўнгги манбалар билан ўзини-ўзи қуроллантира олмаслиги мумкин. Гап ўқитувчининг касбий билим, кўникмаларини янгилаб бориш ва малакасини оширишга бориб тақалаётганини англаган бўлсангиз керак. Таълимнинг бу босқичи миллий дастурнинг алоҳида бўғини сифатида қайд қилинганки, шу ўринда унга берилган тавсифни айнан келтирмоқ жоиз: **"Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган".**

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари ходимларини, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни даврнинг ўзи тақозо этиб туради. Чунки ҳар бир даврнинг ўз сиёсати, ана шу сиёсатга юкланган вазифалари бўлади. Бу қисқача таърифда "зарурат" дейилади.

Бугунги кунда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида сифат босқичи қандай ҳолатда эканлигини таҳлил қилишга киришишдан аввал муҳим дастуриламал ҳақида тўхталиб ўтишимиз лозим.

СОҲАГА ДОИР ДАВЛАТ ТАЛАБИ

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги республикамизда таълимни ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги асосий тамойиллар, йўналишларни белгилаб берди. Шунга мос равишда мактабгача, мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди. Бу ўз навбатида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини тубдан, синчиклаб таҳлил қилишни, хулоса чиқаришни вазифа қилиб қўйди. Шу муносабат билан халқ таълими муассасалари раҳбарлари ҳамда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бир ўқув йили давомида у барча малака ошириш институтларида тажриба-синовдан ўтказилди. Натижалар жамланиб, лойиҳа қайта ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

"Халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари" бир нечта бандни қамраб олган. Хусусан, унга қўйилган умумий қоидалар, муддатлар, таянч ўқув режаси, тингловчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш тартибию механизмлари унда мужассам. Умумий қоидалар бандида таъкидланадики, **"Давлат талаблари қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкилий-услубий таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари фаолиятини, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг сифатини баҳолаш механизмларини белгилайди".**

Демак, соҳа олдига қўйилган давлат талаблари ижросини таъминлаш, унинг сифатига эътибор бериш, эришилган натижалар орқали таълим ислоҳотларини жадаллаштиришга ҳисса қўшиш лозим бўлмоқда. Пировардида ўқувчиларга стандартларни сингдириш орқали чуқур ва пухта билим беришни кафолатлаш назарда тутилади.

МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ

Биз "узлуксиз таълим" деган сўзни, одатда, унинг турларига нисбатан ишлатамиз. Лекин айнан шу тушунчанинг маълум бир таълим турининг ўз мазмунига ҳам тегишли эканлигини унутиб ёки рад этиб бўлмайди. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида сентябрь ойидан то июль ойига қадар тингловчиларнинг кети узилмайди. Ҳар ойда 420-450 нафар тингловчининг бир ойлик қисқа муддатли курсларда ўқиб кетиши бир ўқув йилида нафақат салмоқли сонни ҳосил қилади, балки таълим мазмунида бирмунча ўзгаришларнинг ясалишига ҳам замин яратади, уларни қайта тайёрлайди, малакасини оширади, айни пайтда тингловчи ўзини-ўзи тафтиш қилишга, таққослашга, янгиликлар топишга ўрганади. Таянч ўқув режаси асосида ўқитувчилар ва тарбиячилар, вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари, назоратчилари, методистларининг билим даражасини кенгайтириш, уларни энг сўнгги ахборот манбалари, янгиликлар билан таништириш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Шу мақсадда институт кутубхонаси қошида "Педагогик ахборотлар маркази" иш олиб бормоқда. Бу жараён тингловчиларни ижтимоий, умумкасбий, мутахассислик фанлари ва институт ихтиёридаги соатларнинг тақсимланиши эвазига ҳосил қилинмоқда. Машғулотлар муддати, соати, мазмун-мундарижасининг аввалдан белгиланиши олис вилоят ва туманлардан келадиган тингловчиларни жалб қилишдаги муаммоларга чек қўяди.

— Ўқув режаси таркибидаги курслардан ташқари, тингловчилар шу ўқув йилидан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II чақириқ IX сессиясидаги Президент И.Каримов маърузасини ўрганиш (6 соат)га ҳам киришдилар. У институт ихтиёридаги долзарб муаммолар бўйича соатлар ҳисобидан киритилди. Президент маърузасини ўрганиш бўйича ўқув машғулотлари режаси, дастури, адабиётлар рўйхати ишлаб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ВПХҚТМОИларига ҳам ушбу маъруза юзасидан машғулотлар ўтиш тавсия қилинди. Тингловчилар "Репродуктив саломатлик" (2 соат), "Тиббий маданият асослари" (2 соат)дан ҳам машғулот тинглай бошлашди. Бу мавзулар бевосита ва билвосита ёш авлодни камол топтиришга қаратилганлиги боис ўқув режаси таркибидан жой олди ва уни самарасиз кетмайди деб ҳисоблаш мумкин, - дейди Марказий институт маънавият-маърифат масалалари бўйича проректори Собир Зиёев.

Давлат талабларининг бажарилишига киришишдан аввал, 2002 йилнинг биринчи чорагида улар тажриба-синовдан ўтказилди. Бу жараёнда жойлардаги мутахассис ва экспертларнинг хулосалари асосида турли тоифадаги ходимлар учун малака ошириш муддатлари, давомийлиги, ўқув режа ва дастурлари ҳамда улардаги соатлар тақсимоти белгиланган. Узлуксиз таълимнинг фаол бўғини ҳисобланган малака ошириш курсларининг давомийлиги турли тоифалар бўйича 12 кунлик (78 соат), 18 кунлик (116 соат), 24 кунлик (154 соат) муддатларда мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ўқув соатлари доирасида тегишли фанларнинг хусусияти, мақсад ва вазифалари асосида зарур миқдордаги назарий ва амалий машғулотлар киритилган. Давра суҳбати, ишчанлик ўйинлари, кичик гуруҳларда ишлаш, педагогик- психологик тренинглар, семинарлар, ўзаро тажриба алмашиш, очиқ дарслар кузатиш шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида кенг қўлланилаётган ва вақтдан ютиш, самара бериш жиҳатидан маъқулланаётган кириш ва чиқиш тест синовлари 5 та вариантда жорий этилаяпти. У эса тингловчиларнинг назарий билимлари, касбий малака ва кўникмаларини холисона баҳолашда қўл келар экан. "Ахборот технологияларини ўқитиш", ҳамда институтнинг 6 та кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тавсия қилинган бу кириш-чиқиш тест дастури тингловчилар ҳақидаги тўлиқ ахборотларни беради. Ҳар бир курс якунида тингловчилардан олинган сўровномалар асосида улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ректор ҳузуридаги ишлаб чиқариш мажлисида муҳокама этилиб, ечимлар бўйича чоралар кўриб борилмоқда.

Бунда тингловчининг лавозими ва ихтисослиги бўйича касбий тайёргарлиги, тегишли аттестациядан ўтиши, сиёсий-иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳалардаги билим даражаси инобатга олинади. Шунингдек, мутахассислиги бўйича илмий-назарий ва методик тайёргарлиги, янги педагогик ва ахборот технологияларини қанчалик эгаллагани, рейтинг тизими, тест синовини қўллай билиш маҳорати, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш даражаси, бошқарувнинг илмий асосларидан хабардорлиги ва ҳоказо жиҳатлар ҳам ҳисобга олинади.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ДАФТАРИ

Таълим жараёнидаги аввалдан давом этиб келаётган анъана ва услублар ўрнига қандайдир янгиликни киритиш бирданига рўй бермайди. Бунинг учун эса пишиқ-пухта, барчага маъқул келадиган ғоя талаб қилинади. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида шу вақтга қадар фалон вақтда фалон курсдан ўтди, деган мазмундаги бир варақ қоғоз берилар, уни кимдир кўз қорачиғидек асрар, кимдир эса тўғриси, йўқотиб қўяр эди.

2002 йил сентябрь ойидан бошлаб марказий институтда, шунингдек, барча вилоятлардаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида ҳар бир тингловчи учун "Узлуксиз таълим дафтари" жорий қилинди. У ҳар бир халқ таълими ходимининг доимий ҳамроҳига айланадиган ҳужжатдир. Дафтарда тингловчининг қайси курсни, қачон ўтагани, рейтинг кўрсаткичлари, якуний бали акс этади. Масалан, у орадан маълум бир давр ўтгач, марказий институт курсига келадиган бўлса, қайд қилиб қўйилади. Мумкин, кейинги сафар у вилоятда малакасини оширар, шунда у ҳақдаги тегишли маълумотлар ўша дафтарча орқали билиб олинади. Шу вақтга қадар ўқитувчи, мураббий, таълим соҳаси раҳбар ва мутахассислари малакасини оширишда сертификат билан кифояланилган. "Узлуксиз таълим дафтари" навбати билан барча халқ таълими ходимларига сертификатга қўшиб берилади ва унинг умрбод ҳамроҳига айланади.

ВИЛОЯТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Республикамиздаги барча вилоят марказларида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш даргоҳлари фаолият юритади. Уларнинг ушбу йўналишдаги Марказий институт билан ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. У асосан вилоят институтларининг методик фаолиятини мувофиқлаштириш, намунавий ўқув дастурларини тавсия этиш, услубий кўмак бериш, бошқарувни такомиллаштиришга доир йўл-йўриқлар кўрсатиш ана шу каби бошқа йўналишларда олиб борилади.

Яна бир муҳим жиҳат, Марказий институтни доимий равишда вилоятлар билан боғлаб туради. Бу ўша муассасаларга маърузачилар тайёрлаш билан боғлиқ. Кўп ҳолларда маърузачиларни тайёрлаш жамиятдаги ижтимоий-сиёсий воқелик билан узвий боғланиб кетишини унутмаслик керак. Республика миқёсидаги умумдавлат, умумхалқ характерига эга тадбирлар, олий Мажлис сессиялари материалларини ўқиб-ўрганиш ва ҳоказолар шулар жумласидан. Вилоят институтлари тингловчиларига маърузачилар ўша ёқнинг ўзидан таклиф қилинади. Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасини қўшиб ҳисоблаганда, жами 27-28 нафар маърузачи зарур ҳолларда таклиф қилингач, уларнинг билим доирасини кенгайтиришга қаратилган машғулотлар олиб борилади. Ўз навбатида у тегишли вилоятдаги муассасага бориб, тингловчиларга ўқиб-ўрганганлари бўйича маърузалар ҳавола этади. Уларда мамлакатимиз кундалик сиёсий ҳаётидаги долзарб масалалар қамраб олиниши керак.

МАНБАЛАР МАКОНИ

Таълим тизимининг ҳар қандай бўғини манбаларга таянади. Манбалар эса кўпинча кутубхонага тўпланади. Марказий институт кутубхонаси у ташкил этилган пайтдан бошлаб шаклланиб келган. Демак, манбалар маконининг бугунги кўриниши ҳам замон талабига бир қадар мос бўлиши керак. Китоб, газета, журнал тахламлари, энг сўнгги адабиётлар жавони кутубхонада ўзига хос муҳит ҳосил қилганки, буларга қўшимча равишда "Интернет" тармоғига уланиш янги имкониятлар калити бўлиб қоляпти.

"Педагогик ахборот маркази"да тингловчи ўзини қизиқтирган иқтисод, сиёсат, маънавият, давлат ва ҳуқуқ, педагогика-психология бўйича энг янги адабиётлар билан танишиши мумкин. Йил мобайнида кутубхона 10 мингга яқин китобхонга хизмат кўрсатмоқда. Кутубхонада "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан тортиб, ўқув предметлари бўйича стандартлар, 1-11-синфлар учун нашр этилган дарслик, қўлланмалар, бадиий адабиётлар, чет эл дарслик ва қўлланмалари, матбуот материаллари, маъруза матнлари жамланган.

Курс тингловчилари ўртасида китоб ўқиш маданиятини юксалтириш мақсадида уларга кутубхонадан фойдаланиш қоидалари уқтирилади. Курс сўнггида эса уларнинг кутубхонадан қандай фойдаланганликлари таҳлил қилинмоқда. Маълумотлар маркетинг ва диагностика бўлимида сақланади.

БУГУНГИ ҲАРАКАТЛАР ИСТИҚБОЛ УЧУН

Сир эмаски, ўқитувчиларнинг билим савияси, фикрлаш ҳолати, нуқтаи назари, ўқувчилар билан ишлаш маҳорати, борингки, ўқув ва малакалари ҳам ҳар хил. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида улар бир-биридан ўрганиб, ўз ишидан хулоса чиқаради. Қолаверса, янги ахборотлар билан ўзини бойитади. Институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Йўлдошев истиқболдаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб, шундай деди:

— Малака ошириш жараёни энг зарурий босқич. У танаффуссиз давом этади. Демак, уни ислоҳ қилишда ҳам янги педагогик ва ахборот технологиялари талаб қилинади. Келажакда масофадан туриб ўқитишни йўлга қўйишимиз керак. Ҳозир бутун дунёда у ўзининг афзаллиги, вақтдан ютиши, тежамкорлиги, манбаларга бойлиги билан тан олинган. Унинг пойдеворини яратишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Моддий базамиз мустаҳкамланмоқда. Институт қошида профилакторий ишлаб турибди. Капитал таъмирдан чиқарилган институт биносига кирган ҳар бир тингловчининг кўзи қувонади.

Дарвоқе, қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйилган талаблар чексиз эмас, аммо оз ҳам эмас. Муддао, давр юкини елкасига орта олган мураббийларнинг замонага мос бўлишини, дунё миқёсидаги ўз ҳамкасбларидан қолишмаслигини таъминлашдан иборат. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг энг долзарб II босқичи бошланган экан, унда сифат кўрсаткичини таъминловчи ўқитувчининг касбий, методик маҳорати, яъни малакаси ҳал этувчи фактор бўлиб қолаверади. Зеро, ўз малакасини муттасил ошириб бориш, мустақил мутолаа қилиш ҳар бир ўқитувчи ва таълим ходимининг кундалик эҳтиёжига айланиб бормоғи зарур.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Ширингина болажонлар юртимизда кечаётган ҳар бир жараёнга нисбатан бефарқ эмаслар, десак муболаға бўлмас. Боиси, улар бирон-бир байрам борми ёки алломаларимизнинг туғилган кунларими, ҳамма-ҳаммасига алоҳида тайёргарлик кўриб, шеър ва қўшиқлар ёдлашади. Айниқса, фасл ўзгарганда табиатимизда юз берадиган, бир-бирига ўхшамаган ўзига хосликлар болажонларга бир олам қувонч олиб келади. Жумладан, ҳозир ўлкамизда ўзининг гаштли қорбўронларию пардек момиқ қорлари билан ҳар бир кичкинтойга чексиз шодлигу қувонч олиб келаётган қиш фаслининг такрорланмас мўъжизалари жудаям кўп. Улар ҳақида боғча тарбияланувчиларига чуқурроқ ва мукаммалроқ тушунчалар бериш учун айни кунларда мактабгача таълим муассасаларида қиш фаслини тасвирлайдиган очиқ машғулотлар ва байрам эрталиклари ўтказилаяпти. Биз ҳам тарбиячиларнинг оз бўлса-да оғирини енгил қиламиз, деган ниятда Самарқанд шаҳар, 107-МТМ тарбиячиси Матлуба Ўринованинг кичкинтойларни қиш фасли билан таништириш, нутқини ривожлантириш, санашга ўргатиш, эслаб қолиш қобилиятларини ўстириш, уларда ҳайвонот дунёси ва паррандаларга нисбатан муҳаббатни тарбиялаш ва бошқа кўплаб дидактик мақсадларни кўзлаб ўтказган "Гаройиб қиш" машғулот сценарийсини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз. Ўйлаймизки, ушбу маълумотларни ривожлантирган ва бундан-да такомиллаштирган ҳолда ўз фаолиятингизда фойдаланасиз.

***

Bayramona bezatilgan guruh o'rtasida tarbiyachi hamma bilan salomlashib:

— Bolajonlar, hozir o'lkamizda qaysi fasl?, deya so'raydi.

Bolalar birgalikda "qish" deb javob berishadi.

Tarbiyachi:

— Bu fasl sizlarga yoqadimi?

Tarbiyalanuvchilarning hammasi tasdiq ma'nosida bosh irg'ashadi.

Tarbiyachi:

— Unday bo'lsa hozir sizlarning qish haqida nimalarni bilishlaringizni tekshirib ko'ramiz. Kelinglar, birinchi sinovni topishmoqdan boshlaymiz. Men topishmoq aytaman, sizlar javobini topasizlar:

Oppoqqina dasturxon, yer yuzini qoplagan.

O'tda yonmaydi, suvda botmaydi.

Yilda bir bor mehmon bo'lar,
Yashil sochli opamiz.
Uy to'riga o'tkazib,
Taqinchoqlar taqamiz...

Shu kabi bir nechta topishmoqlarga bolajonlar javob topishadi.

Tarbiyachi:

— Bolajonlar, sizlar bugungi suhbatimiz mavzusini juda yaxshi bilib oldilaringiz-a. Demak, suhbatimiz "Kumush qish"ga bag'ishlanadi. Aytmoqchi, sizlar bugun guruhimizga kim mehmon bo'lib kelishini xohlaysiz?

Bolalar Qorbobo, Qorqiz, Quyoncha... deyishadi.

Tarbiyachi:

— Bo'lmasa hozir hech kimni xafa qilmagan holda mening qo'limdagi mana bu ikkita konvertdan bittasini tanlaysizlar. Bolalar Qorbobo va Yilbobo so'zlari yozilgan konvertdan "Qorbobo" so'zi yozilganini tanlashdi.

Tarbiyachi:

— Bolajonlar, sizlar davramizga Qorboboning tashrif buyurishini xohlagan ekansizlar, unda biz ham Qorboboga sovg'a tayyorlab turamiz. U bizning "Salom, Yangi yil" qo'shig'imiz bo'lishi mumkin. Uni kuylashni xohlaysizlarmi?

Bolalar xursand bo'lganlaricha qo'shiqni kuylay boshlaydilar:

Salom Yangi yil,
Shodlik kunimiz.
Baxtiyor o'tar,
Kunu tunimiz.
Bizlarni bayram,
Xo'p sevintirdi.
Qorbobo bizga,
Sovg'a keltirdi.
Keling bolalar,
Birga o'ynaylik.
Archa qo'shig'in
Aytib kuylaylik.

(Qo'shiq kuylanguncha tarbiyachi Qorbobo kiyimini kiyib, Assalomu alaykum, bolajonlar! Yangi yilingiz muborak bo'lsin!" deya kirib keladi).

Qorbobo:

— Iye-iye, bu bolajonlarni men adashmasam o'tgan yili ham Archa bayramida ko'rganman. Ha-a, sizlar o'shanda meni juda ham qoyil qoldirgan edingizlar. Haliyam o'shanday bilimdon, zukko va chaqqonmisizlar?

Bolalar "Ha!" deb javob berishadi.

Qorbobo:

— Qani, unday bo'lsa, sizlarning yolg'on gapirmayotganliklaringizni savollar berib sinab ko'raman. Albatta, bilimdon kichkintoylarga mana bu qopimdagi sovg'alardan ham ulashaman. Menga aytinglar-chi, qishda nimalar yog'adi?

Dilshod:

— Qor bilan yomg'ir yog'adi.

Qorbobo:

— Yaxshi, qor bilan yomg'ir haqida biron-bir narsa ayta olasizmi?

Dilshod "Qor yog'di" she'rini hamda "Yomg'ir yog'aloq" qo'shig'ini aytib beradi.

Qorbobo:

— Bolalar, dadilroq bo'linglar, bo'lmasa hozirgi savollarimga yana Dilshodbek javob berib, hamma sovg'alarimni olib qo'yishi mumkin.

Endi aytinglar-chi, qish paytida qaysi daraxt yam-yashil turadi?

G'AROYIB QISH

Xurshidbek:

— Qishning sovuq kunlarida ham archa daraxti yam-yashil bo'lib turadi. Uning barglari ninabarg. Men hozir "Salom, archa" she'rini aytib beraman.

U "Salom, archa" she'rini ifodali aytib beradi. Bundan xursand bo'lgan Qorbobo:

— Juda yaxshi, endi men qish faslidayam issiq yurtlarga uchib ketmaydigan qushlarning nomini bilmoqchiman. Kim menga buni aytib berarkin-a?

Shu payt sochlari uzungina **Diana:**

— Buni men bilaman, bu qushlarning nomi musicha, chumchuq va qarg'a bo'ladi, — deya "Qarg'a qaqildoq" matalini qiziqarli qilib aytib berdi.

Qorbobo:

— Sizlar qushlar haqida ancha-muncha narsani bilar ekansizlar. Hayvonot dunyosidan ham xabardormisizlar?

Bolalar "Ha!" deb javob berishdi.

Qorbobo:

— Unda menga mana bu archada osig'liq turgan hayvonlarning qaysi biri uy hayvoni, qaysi biri yovvoyi hayvon ekanligini ajratib beringlar-chi?

Muhayyo:

— Sigir, it, mushuk, echki uy hayvonlari ekanligini aytdi. Yo'lbars, tulki, olmaxon, bo'ri kabi yovvoyi hayvonlarni esa Farhod bittama-bitta ko'rsatib berdi va qo'shimcha qilib yuzlariga taqib olishgan niqoblarini ham qaysi biri uy hayvoni yoki qaysi biri yovvoyi hayvon ekanligini aytib berdi.

Qorbobo:

— Judayam zukko bolalar ekansizlar. O'tgan yilgiga qaraganda birmuncha bilimlaringiz oshibdi. Men bundan judayam xursandman. Endi "Kim tez yasaydi?" o'yinini o'ynaymiz. Mana bu yerda (archani ko'rsatib) har xil yaltiroq shakllar osilgan. Kim menga ularning nomini aytib beradi?

Shahnoza doira, uchburchak, to'rtburchak shakllarini aytib beradi.

Qorbobo:

— Juda yaxshi, kelinglar, endi ana shu shakllardan foydalanib, archa ko'rinishini yasaymiz. Kim chiroyli va tez yasar ekan?

Mashg'ulot

Bolalar guruh stoli ustiga qo'yilgan shakllar ichidan uchburchak va to'rtburchakni tanlab, archani yasashdi. Eng birinchi bo'lib ishini nihoyasiga yetkazgan Shahloga Qorbobo qopidan sovg'a olib berdi.

Qorbobo:

— Sizlar topshiriqni a'lo darajada bajardingizlar. Hozir kim menga aytadi, mana bu yasalgan archada nechta uchburchak va nechta to'rtburchakdan foydalanilgan. (Shovqinli qutichadan foydalaniladi).

Muhammadjon:

— Biz hozir archani yasash uchun 3 ta uchburchak va 1 ta to'rtburchakdan foydalandik. (Shovqinli qutichalar shuncha marta shaqilladilar).

Qorbobo davrani aylanganicha:

— Bolajonlar, hammangizning kiyimlaringiz, niqoblaringiz juda ham chiroyli ekan. Nega endi biz aynan qishda qalin kiyimlar kiyamiz?

Shahlo:

— Qalin kiyimlar bizlarni sovuqdan asraydi. Ular qancha qalin bo'lsa, bizlar shuncha sovqotmaymiz. Qarang, mening mana bu qo'lqoplarim qo'limni sovuqdan saqlaydi. Qorbobojon, men hozir sizga "Qo'lqopcha" she'rini aytib bersam, maylimi? — deya shu she'rni aytib beradi.

Shu payt Qorbobo aylanib yurib Farhodning oldiga keldi va "Farhodbek, etigingiz muncha ham zo'r ekan", — deya gap tashladi. Anchagina sho'x Farhod ham indamay turmadi-da, "Etikcham" qo'shig'ini boshlab yubordi. Bolalar unga jo'r bo'ldilar:

Qish kelganda dadil, bardam,
Gursillatib kiyay har dam,
Etikcham, etikcham.
Loyni bossam bilchillaydi,
Qorni bossam g'irchillaydi,
Etikcham, etikcham.
Qish chiqqanda moylab qo'yay,
So'ng bir chetga joylab qo'yay,
Etikcham, etikcham.

Qorbobo:

— Judayam ajoyib qo'shiq ijro etdingizlar. Kelinglar, endi meni ham yol g'iz qo'ymasdan yonimga Qorqizni chaqiramiz.

Bolalar:

— Qorqizoy, davramizga marhabo! — deya yangi mehmonni taklif qilishadi.

Qorqiz:

— Assalomu alaykum, aziz bolajonlar! Yangi yilda hammangiz yana bir yosh ulg'aydingiz. Hech qachon kasal bo'lmang. Qaranglar, men sizlarga ko'p plastilin olib keldim. Hozir ulardan shirmoy kulcha, tandir, o'choq yasashda menga yordam berasizlarmi?

Bolalar qiziqish bilan plastilindan narsalar yasay boshlaydilar. Ular ishlarini yakunlashgach

Qorbobo:

— Aziz bolajonlarim, bugungi mash g'ulotda anchagina charchadingizlar-a? Keling, bir zum barmoqchalarimizga dam beramiz. Hozir men biror narsaning nomini aytsam qo'llaringizni o'sha yoqqa uzatasizlar, — deya mashqni boshladi. — Archa, eshik, shkaf, deraza, Qorqiz... kabi nomlar aytilganda bolalar qo'llarini o'sha tomonga uzatib, toliqqan barmoqlariga dam berishdi.

Qorbobo:

— Qaranglar, bolajonlar, sizlardan Qorqizim ham juda xursand bo'ldi. Hozir u sizlarga qopimdagi sov g'alarni birma-bir tarqatib chiqadi. (Qorqiz sov g'alarni bolalarga ulashadi).

Shahlo:

— Rahmat, Qorbobojon! Siz bizlarning davramizga fayz olib keldingiz. Biz sizni bir yil davomida esimizdan chiqarmaslikka va'da beramiz. Va kelgusi yil maktab davrasida ham birga uchrashamiz deb umid qilib qolamiz. Yana sizga bittagina iltimosimiz bor. Hozir boshqa bolalar oldiga shoshib turgan bo'lsangiz ham bizlar bilan birgalikda bir qo'shiqqa raqsga tushsangiz.

Qorbobo va Qorqiz bolajonlarning istagini bajonidil qabul qilishdi va hammalari archa atrofida o'yin-kulgu qilishib, guruh davrasidan chiqib ketishdi.

Маҳсулотни Насиба ЭРХОНОВА оққа туширди.

Кўпчилик ўқувчилар мактабдан чиқиб уйга бормай, ота-онаси овқатланиш, ўқув қуроли сотиб олиш учун берган пулни ўша "жозибали" компьютер ўйинлари хонасига топшириб келмоқдалар.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМДА НИМА ЎРГАНИЛАДИ?

Замонавий техника ва технологияларнинг таълим соҳасига кириб келиши чуқур билимларни эгаллаган ва амалда татбиқ қила оладиган мутахассисларни тайёрлашни талаб қилмоқда. Таълим-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлашда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Кадрлар тайёрлаш борасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутади.

Республика таълим марказида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда БМТнинг "ЮНИСЕФ" ташкилотининг 2000-2004 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури доирасида "Глобал (кенг қамровли) таълим" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинарнинг тренер ва факультаторлари Торонтодаги Глобал таълим халқаро институти директори профессор Селби, халқаро консультант Лидра Ремако, мактаб дастурларини ўрганиш бўйича Иллинойс университетининг доктори Ли Бартел, Онтариодан ўқитувчи Нейл Боланд, Торонтодаги таълим соҳаси бўйича Онтарио тадқиқотлар институти фан номзоди Фуми Кагавалар бўлишди.

Семинарда билим, малака, кўникмаларни янада такомиллаштириш, билимларни мустаҳкамлаш, шакллантириш мақсадида республикамизда "Глобал таълим"ни таълим муассасаларида татбиқ этаётган йигирма бир нафар Ўзбекистон Миллий жамоаси аъзолари иштирок этдилар.

Тизимда образли фикрлаш, оламни яхлит тизим сифатида тушуниш, бошқалар илғай олмаган дунёқарашни эгаллаш, бошқалар нигоҳи орқали маълум бир ғояни қабул қила олиш кўникмасини шакллантириш каби бир қанча мавзулар семинарнинг асосий мақсади бўлди.

"Глобал таълим" лойиҳаси давлатимиз таълим тизимидаги энг муҳим, зарур ўзгариш ва янгиликларга бой жараён деб биламан", - дейди Тошкент шаҳар 103-мактабнинг ўзбек тили в. адабиёти ўқитувчиси Мавлуда Исҳоқова. — Ушбу таълим орқали янги авлоднинг ўзлигини англашга, фикрлашга, гуруҳ бўлиб ишлаганда, ҳамкорликда, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳи билан ишлашга ўргатади. "Глобал таълим" ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда, турли таълим услублари орқали ахборот ва маълумотларни тўплай олиш, таҳлил этиш, ўзаро дўстона муносабатларни яратишга ёрдам беради.

Уч кун давом этган мазкур семинар педагогик технологиялар асосида ўтказилди. Иштирокчилар ўз малакаларини янада мустаҳкамлаб, "Глобал таълим"ни республикамиз таълим муассасаларида амалга ошириш учун режалар тузиб олдилар.

Нозимжон ШАРИПОВ,
РТМ Услубий таҳлилий ахборот бўлими ходими

Mulohaza

БИЛМАЙСИЗМИ, КУТУБХОНА ҚАЕРДА?

Кўча-кўйда ушбу савол билан кимга мурожаат қилманг "билмайман" дея елка қисади. Дарҳақиқат, нега бадиий китобларни тарғиб қилувчи кутубхоналар камайиб кетди? Фарзандларимизнинг билимли, онгли, маданиятли бўлиб вояга етишларида китоб энг яхши маслаҳатчи, беозор, дилкаш дўстдир. Улуғ мутафаккиримиз Алишер Навоий "китоб — кўнгил мулки" дея айтганлар. Баъзи болалар ўта инжиқ, тажанг бўладилар. Ваҳолангки, бундай кўнгли нозик болани китоб орқали бемалол йўлга солиш мумкин.

Эсимда, ўқувчилик вақтимиз адабиёт фанидан сабоқ берувчи устозимиз жуда яхши иш услубини қўллар эди. Ўқувчиларга дарсдан ташқари биронта бадиий асарни бир ой муҳлат ичида ўқиб келишлари мажбурий топшириларди. Китобга қизиқиши бор ўқувчи тезда ўқиб, ўз таассуротларини синфдошларига ҳаяжон билан сўзлаганда, китобни қўлига олишга қунт қилмаган ҳар қандай болада ўша асардаги воқеага нисбатан қизиқиш пайдо бўлиб, ўзўзидан у ҳам асарни ўқишни бошлаб юборарди. Сўнг ўқиб чиққан китобимизни кўпчилик бўлиб муҳокама қилардик, баҳс-мунозарага киришардик. Дарсдан ташқари ўтказилажак бундай машғулот доимо қизиқарли кечарди. Мисол учун, Ўткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси", Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асарлари бизни шукроналикка, эзгуликка чорлаган. Энг тўполончи ўқувчи ҳам асар қаҳрамонларидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олардилар. Менимча, мактабларда турли тадбирлар билан ўқувчиларнинг вақтини олгандан кўра ана шундай иш усули қўлланилса, фарзандларимиз китоб мутоалаасига ёшликданоқ берилиб, ҳам топшириқ тариқасида, ҳам ўз хоҳишлари билан қўлларига китоб тутган бўлардилар.

Яқин-яқинларгача ҳатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам китоб эмас, ўзаро видеокассета айирбошлар эди. Хайриятки, матбуотимизда бу ҳақда мунозарали баҳслар юритилиб, амалий чоралар кўрилди. Натижада ёшлар уруш, каратэ, турли даҳшатли, ёлғон-яшиқни намойиш қилувчи кинолардан узоқлашмоқдалар. Бироқ ҳозирда пайдо бўлган турли хил видео ўйинларга нима дейсиз? Бу компьютер ўйинлари видеокассетадан асло қолишмагани ҳолда болаларнинг маънавиятини бузибгина қолмай, соғлиқлари учун ҳам зиёндир. Кўпчилик ўқувчилар мактабдан чиқиб уйга бормай, ота-онаси овқатланиш, ўқув қуроли сотиб олиш учун берган пулни ўша "жозибали" компьютер ўйинлари хонасига топшириб келмоқдалар. Бир соатига 250 сўм тўлаб киргач, шу вақт ичида асаби, кўзи чарчаб келган бола уй вазифасини бажаришга қўли борармикан? Хоҳишичи? Бундай чиройли, қизиқарли, аммо ёлғончи ўйинни ўйнаган қайси бола китобни қўлига ушлагиси келади? Онасидан пул сўраб хархаша қилаётган боланинг бундай қилиғига тиббиёт ходимлари ҳам салбий муносабат билдирадилар, албатта. Иш юзасидан 5-болалар шифохонасига бордим. Асаб ҳамда кўз касалликлари бўлимларидаги ҳали мактаб ёшига етмаган болаларнинг қўлида "тетрис" ўйинчоғини кўриб афсусландим. Шифокорнинг таъкидлашича, ўйинчоқни ўйнаш мобайнида боланинг кўз гавҳари керагидан ортиқ даражада ҳаракатланар экан. Натижада соғлом кўз ҳам ишдан чиқаркан. Баъзи ота-оналар хориждан келтирилган, боласининг соғлиғи учун зиёнли ўйинчоқларни сотиб олиб беравердилару китоб харид қилишга келганда, пулни "тежайдилар". Айниқса, маҳаллаларда кутубхона учун махсус жамғарма ажратиб, китобга бой маскан қуриб берсалар, нафақат болалар, катталар ҳам баҳраманд бўладилар. Мактабларда ҳар йили таъмирлаш ишлари учун ҳар бир ўқувчидан мактаб жамғармасига пул йиғиб олинади. Ана шу жамғармадан мактаб кутубхонаси учун маблағ ажратилиб, бадиий асарлар билан тўлдирилса, жуда хайрли иш бўларди. Зеро, китоб орқали фарзандларимиз ҳаётни чуқурроқ англашади, биз тушунтиришимиз қийинроқ кечадиган воқеа-ҳодисаларни асарлардаги кечинмалар орқали билиб олишади. Бадиий асарлардаги салбий ёки ижобий образлар ёрдамида яхши-ёмонни ажрата оладиган комил инсон бўлиб етишадилар.

Раъно МАҲМУДОВА

КОНФУЦИЙ ҲАҚИДА ЭШИТГАНСИЗ...

Moziydan sado

Шуньдун вилоятининг жанубий қисмида жойлашган Цюйфу шаҳри узоқ йиллик тарихга эга бўлиш билан барча қадимги маданиятнинг ўчоқларидан бири ҳамдир. Чунки буюк мутаффакир ва олим, моҳир сиёсатчи ва мураббий, конфуцийчилик оқимининг йирик намояндаси ва асосчиси айнан шу ерда туғилган, яшаб ижод этган.

Конфуций вафотидан сўнг унинг ватанида унга бағишлаб йирик эҳром, улкан сарой ансамбли ва гўзал боғ барпо этилди. Шунинг учун ҳам Цюйфу шаҳрининг ҳар бир бурчагида қадимий Хитой маданиятининг анъаналари шундоққина сезилиб туради. Конфуций эҳроми Цюйфу шаҳрининг қоқ ўртасида қад кўтарган бўлиб, шарқ меъморчилик санъати намунасида барпо этилган йирик ансамбл кўринишидадир. Мазкур эҳром Пекиндаги Гугун саройи ва Хэбэй императорининг қароргоҳи бўлмиш "Бишушаньчжуан" билан бир қаторда қадимий Хитой меъморчилигининг йирик ансамбллар учлигига киради.

Бу эҳром эрамиздан аввалги 478 йил, яъни Конфуций ўлимининг иккинчи йили барпо этилган бўлиб, у даставвал 3 катта хонадан иборат бўлган. Кейинчалик Хань даврида (206-220 эр.ав.) император Юм конфуцийчиликни шу қадар юксалтирганки, бу таълимот аста-секинлик билан Хитой феодал маданиятининг асоси бўлиб қолди. Хитой императорлари ва сарой амалдорлари ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Конфуцийни "Тенги йўқ мураббий" деб билишган ва айнан шу эҳромда унинг номига кўплаб қурбонликлар келтиришган. Биргина Цяньлун, Цин императори, Конфуций эҳромини саккиз марта зиёрат қилгани ҳақида кўплаб маълумотлар бор. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Конфуций эҳромининг чегаралари йилдан-йилга, асрдан асрга кенгайиб борган. Мазкур кенгайиш айниқса Мин (1368-1644) ва Цин (1644-1911) императорлиги даврига келиб, ўзининг энг юқори чўққисига етди ва айнан шу даврдаги эҳром ўзининг ҳозирги кўринишига эга бўлди. Ҳозирги кунда Конфуций эҳроми 218 минг квадрат метр масофани эгаллаган бўлиб, 9 ҳовли, 466 алоҳида бино ва 54 та ёдгорлик дарвозаларидан иборат. Унинг уч асосий мажмуаси жанубдан шимолга чўзилган марказий қисмда жойлашган бўлса, қолган қурилмалар унинг икки тарафида симметрик тарзда барпо этилган.

Эҳром қизил ғиштдан қурилган улкан девор билан ўралган ва унинг ҳар томонида кўплаб ёдгорлик дарвозалари ва учбурчак шаклдаги миноралари кўриш мумкин. Хуллас, ҳақиқий гўзаллик тимсоли бўлган Конфуций эҳроми ўзининг улуғворлиги, нозик қурилиши, шу билан бирга меъморчиликнинг улкан маҳорати билан бутун дунёни ҳайратга солса, у ерда сақланаётган 2100 дан ортиқ тош ўймакорлиги намуналари ўзининг қадимийлиги ва сирлилиги билан инсон зотининг ақлини хануз ажаблантириб келмоқда.

Конфуцийнинг сарой ансамбли эҳроминнинг шарқий тарафида жойлашган ва ўз навбатида шарқий, ғарбий ва марказий қисмлардан ташкил топган. Шарқий қисмида асосий бино ва устахоналар жойлашган, бўлса, ғарбий қисми асосан меҳмонлар қабул қилинадиган хона ва қироатхона бўлиб хизмат қилган. Марказий қисми эса хизмат мажмуаси ва махсус яшаш жойларидан иборат бўлган. Бу ерда сақланаётган қадимий ҳайкаллар ва санъат дурдоналари қадимий Хитой тарихи ва маданиятини ўрганишга катта ёрдам беради. Конфуций боғи Цюйбру шаҳридан 1 км.нарида жойлашган бўлиб, хозирги кунгача энг йирик ва яхши сақланган. Конфуций Цюйфу шаҳрининг шимолида Чжушуй дарёси бўйида дафн этилган Конфуцийчилик таълимотининг мавкеи; ошиши билан унинг насл боғи ҳам кенгайиб борди ва Цин даврига келиб, 2 кв.км.ерни эгаллади.

Конфуций боғи гўзал хиёбон кўринишида бўлиши билан бирга у ерда ажойиб қадимий Хитой меъморчилик санъати намунасида барпо этилган бинолар ҳам қад кўтарган 20 мингдан ортиқ минг йиллик дарахтлар ва 100 мингдан зиёд улкан дарахтлар инсон бахри дилини очади. Боғнинг ҳар бир бурчагида Сун, Мин, ва Цин даврларига оид тошга ўйиб ёзилган қадимий ёзувларни ўрганиш мумкин. Конфуций боғини ер юзининг ҳақиқий жаннат макон жойларидан бири десак хеч ҳам муболаға қилмаган бўламиз.

Хитой тилидан
Юлдузхон ҚАЮМХЎЖАЕВА
таржимаси

Maxsus ta'lim

ҚАЙТА ЯШНАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Кўқон шаҳрида жойлашган, мамлакатимизда ягона ҳисобланмиш 4-қизлар махсус касб-ҳунар мактаби ҳақида кўпчилик эшитган ёки эшитмаган бўлиши мумкин. Эшитганлар эса уни қандайдир ўсмир қизлар колонияси, яъни безори ва дайди қизлар қамоқхонаси, деган фикрда бўлишлари мумкин, эҳтимол. Ростини айтсам, мен ҳам шу пайтгача ана шундай фикрда эдим.

Таҳририят топшириғи билан у ерга борар эканман, чор-атрофи симлар билан ўралган, махсус соқчилар билан қўриқланадиган ҳибсхона тасаввуримдан жой олганди. Лекин мактаб остонасига етиб келгач, умуман бошқача ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Кираверишда ҳеч қандай соқчилар йўқ. Эшикбонлар хонасида эса мактаб директори Раъногон Йўлдошева билан учрашдик.

Дастлаб Сирдарё вилоятининг Сайхунобод қишлоғида ташкил топиб, 1971 йили Кўқон шаҳрига кўчирилган мазкур махсус мактаб ўша кезларда дайдилик, ўғирлик, фоҳишалик каби ёмон йўлларга кириб қолган ўсмир қизларни махсус режимда ушлаб туриш учун мўлжалланган эди. Тўғри, кишилик жамиятида бундай ҳол бўлган, ҳозирда ҳам мавжуд. Инсон ёшлигида адашсаю у тўғри йўлга солинмаса, умри хазон бўлиши турган гап.

— Касб-ҳунар мактабимизга асосан тарбияси оғир, уйидан, мактабидан қочиб кетиб, санқиб юрган қизлар жўнатилади, — дейди Р.Йўлдошева. — Ҳозирда мактабимизда 70 нафар 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар таълим-тарбия олиш билан бир қаторда, аёллар учун зарур бўлган тикувчилик, тўқувчилик ва каштачилик ҳунарларини эгаллашмоқда. Улар ўқиш давомида икки босқичда касб-ҳунар курсини ўтайдилар. Ҳар бир босқичда махсус ҳайъат томонидан имтиҳон олиниб, тўла курсни тугатганларга махсус диплом топширилади. Мактабимизни битириб чиққанлар орасида ҳозирда "Машҳура" фирмасида ишлаётганлар ҳам бор.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Салимахон опа Ортиқова ҳамроҳлигида дарс, машғулотлар жараёни билан танишдик. 180 ўринга мўлжалланган кенг ва шинам синфхона ва ётоқхоналар, тикувчилик цехлари кишининг ҳавасини келтиради. 7 нафар тажрибали педагог, 8 нафар малакали усталар қизларга пухта билим бериб, касб ўргатишмоқда.

— Бу ерга келган қизларнинг кўпчилиги саводи паст ҳолда бўлади, — дейди Салимахон опа. — Уларга аслида 6-синфдан 9-синфгача бўлган дастур асосида билим берилса-да, баъзан, ҳатто ҳарф танитишгача бўлган машаққатли ишлар ҳам педагогларимиз зиммасида бўлади.

Ҳа, опа айтганидек, бу ердаги қизларнинг аксарияти ўқишдан безган, мактабга қатнамай, кўча ҳаётига берилган ўсмирлар эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларга билим бераётган муаллимларнинг меҳнати нақадар заҳматли эканлигини тасаввур этамиз. Ана шу заҳматкаш инсонларнинг саъй-ҳаракати туфайли 8-9-синф ўқувчиларининг кўпчилиги бугун "аъло" баҳоларга ўқишмоқда.

ТЎҒРИ ЙЎЛИНГНИ ТОПГАНИНГ РОСТ БЎЛСИН, ҚИЗГИНА

Юқорида айтиб ўтганимдек, қизларни мунгли, ҳиссиз ёки ўта шаддод, тарбиясиз бўлса керак, деб ўйлаганимнинг акси ўлароқ, уларнинг анчагина тарбияли, илмга, касб-ҳунарга чанқоқ, шўх-шодон, бир оила аъзоларидек ҳаёт кечираётганларини кўриб фикрим тамоман ўзгарди.

— Қизларга, энг аввало, яшаш шароитини яхши йўлга қўйганимиз, ўзларини эркин ҳис қилишлари учун уларни тазйиқ ёки қўрқув остига олмай, улар билан катталардек муомалада бўлганимиз ишимизда қўл келмоқда, — дейди Раъногон Йўлдошева. — Тўғри, илгари шундай ҳоллар бўлган эканки, қизлар ўзларига нисбатан ўтказилган тазйиқ ва қаттиққўллик туфайли бу ердан қочиб кетишга ҳаракат қилишган. Ҳозир эса батамом бошқача. Ҳатто ота-онаси ёки қариндош-уруғлари олиб кетишмоқчи бўлишса ҳам шу ерда қолишни афзал кўришади.

Дарҳақиқат, ўқувчи қизлар билан суҳбат қилар эканман, мактаб раҳбарининг сўзларига ишонч ҳосил қилдим.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА, 17 ёшда:

— Лицей-мактабда ўқиб юриб ўзим билмаган ҳолда ҳулқи бузуқ қизлар билан танишиб қолдим. Шундан сўнг ўқишга ҳам қатнамай қўйдим. Кўча-кўйда ўша "дугона"ларим билан ўйин-кулги қилардим, оқшомлари бар, дискотекалар мени ўзига ром қилиб олди. Ичкиликбозликка ўргандим. Пулга, маишатга берилган пайтимда яхшиямки ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги томонидан шу мактабга жўнатилдим. Ўша кунларни эсласам, ўзимдан уялиб кетаман. Касб-ҳунар мактабида кўп нарсани ўргандим. Ҳозирда олий ўқув юртига ўқишга киришга тайёргарлик кўрмоқдаман. Келажакда ҳуқуқшунос бўлиб, ҳаётда ўзим каби адашганларга тўғри йўл кўрсатиш ниятидаман.

Наргиза ТЎХТАЕВА:

— Ангрен шаҳриданман, 1999 йили аввал отам, сўнгра онам вафот этди. Оилада уч нафар опам, мен ва укам етим қолдик. Шундан сўнг кунимни кўпроқ кўчада ўтказа бошладим. Опаларим эса мени кўчага қўймас эдилар. Охири уйдан қочиб кетдим. Чирчиқ шаҳрида яшовчи холамникида бирмунча вақт яшаганимдан кейин, кўчадаги тарбияси бузуқ қизларга қўшилиб қолдим. Афсуски, ўша пайтлар қаттиқ адашганимни билмаган эканман. Опаларимнинг гапига кирмай, нотўғри йўл тутган эканман. Улар мени кечиришларини жуда-жуда хоҳлайман. Ҳозир ёшим 17 да. 2001 йилнинг ёзида шу мактабга жўнатилганман. Келган кунларимоқ бу ердаги шароит, ўзаро иноқлик, устозларнинг меҳрибонлиги мени ром этди. Ҳозирда ўқиш билан бир қаторда тикувчилик касбини эгалламоқдаман. Келажакда яхши чевар бўлиш ниятим бор.

Суҳбатлашганларимнинг барчаси ўз ўтмишлари ҳақида афсус билан гапиришар экан, уларда тенгдошларига, эндигина ҳаётга кириб келаётган қизларга келажакни ўйлаб иш қилишни, ҳар хил кишиларнинг пуч ваъдаларига учмай, тўғри йўлдан адашмасликларига даъват борлиги сезилди. Улар мана шу мактаб, ота-онасидан ҳам меҳрибон бўлиб қолган устозлари туфайли ҳаётда тўғри йўлга тушиб олганликларини юракдан гапиришди.

САККИЗ НАФАР НАБИРАМИЗ БОР

Етмиш нафар қиз шунча хулқатвор, шунча тақдир ва шунча меҳрталаб ўтиш ёшидаги ўсмирлар. Зеро, қизлар бу даврда ўта инжиқ, иззатталаб, қолаверса, ўзгарувчан бўлишади. Оилада ота-она шу ёшдаги қизларига эътиборли бўлмоғи лозим. Айниқса, она фарзандининг дарду қувончларига шерик, энг яқин сирдоши бўлиши керак. Махсус мактабда қизларнинг сирдош, маслаҳатдошлари уларнинг ўқитувчи ва мураббийларидир. Устозларини ўз опаларидек кўрган қизлар дарду ҳасратларини ҳам, шодликларини ҳам улар билан баҳам кўришади.

— Қиз бола, энг аввало, одобли, тарбия кўрган, иболи ва иффатли бўлмоғи шарт, — суҳбатимизни давом эттиради Салима опа Ортиқова. — 36 йиллик педагогик иш фаолиятимнинг ўн йилдан зиёди мана шу даргоҳда ўтмоқда. Ҳар хил шароитда, турли характердаги қизлар билан ишлашга тўғри келди. Қизларга ҳаёт сабоқларини бериш билан бирга, уларни соғлом муҳитга ўргатиш, кўнглида сақлаб юрган ёмон ўйлари ўрнида, тўғри турмуш кечиришга бўлган интилиш пайдо қилиш биринчи вазифамизга айланди.

Қизлар ўқиш ва машғулотлардан бўш пайтларини компьютер, каштачилик, аёллар сартарошлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, қолаверса, барча фанлар бўйича ташкил этилган тўгаракларда ўтказишади. Уларни оила қуришга тайёрлаб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уй-рўзғор ишлари билан таништириб борар эканмиз, қизларга уй тутиш, озодалик, чаққон, меҳрибон бека бўлиш ҳислатларини сингдириб боришга интиламиз. Улар пазандалик, меҳмон кутиш, бола тарбияси билан шуғулланиш каби аёлларга хос кўникмаларга ҳам эга бўлишади. Ўқитувчиларимиз битирувчиларни кўзда ёш билан кузатишса, янги келганларнинг мактаб шароитига тезда кўникиб кетишларида ёрдам беришади.

Дарвоқе, битирувчилар ҳақида сўз кетадиган бўлса, айтиш жоизки, ўтган тўрт йил давомида муассасамизни битириб чиққан кўпгина қизлар ҳаётда ўз ўрниларини топиб, бахтли яшашмоқда. Ана шу давр ичида 7 нафар қизимизга шу мактабнинг ўзида тўй қилиб, шу ердан куёвга узатдик. Аввалари "безори" қизлар мактаби деб тушунилган бу даргоҳдан одобли, касб-ҳунарли қизлар етишиб чиқаётганини эшитган одамлар ўғиллари ёки қариндош-уруғлари учун қаллиқ қидириб, совчи бўлиб келишмоқда. Келинларга либос, баҳоли қудрат сарпо, кўрпа, тўшак тайёрлаб бериб, тўйларига кетадиган сарф-ҳаражатларни муассаса ўз зиммасига олган.

— 8 нафар набирамиз бор, — дейди Раъногон Йўлдошева фахр билан. — Мактабни битириб кетган қизларимизнинг кейинги тақдири ҳам бизни бефарқ қолдирмайди. Уларнинг ўзлари ё хат ёки ташриф буюриш орқали биз билан алоқада бўлиб туришади. Баъзиларинигка ўзимиз бориб турамиз. Яқинда Намангандан бир қизимиз келди. Уни шу ердан турмушга узатган эдик. Ҳозир бир фарзанднинг онаси, бахтли оила бекаси. Набирамизни кўрсатгани олиб келибди. Бундай қизларимизни кўриб қувончим ичимга сиғмай кетади, қилаётган ишимиз нақадар савобли ва шарафли эканлигидан мамнун бўламан. Тарбияси оғир, инжиқ, хуркак табиатли ҳолда келган қизларнинг ана шундай бахтли инсонлар бўлиб етишишида жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ЯХШИ БЎЛАРДИ. АГАР...

Юқорида тилга олганимиздек, ушбу махсус касб-ҳунар мактабидаги таълим-тарбия жараёни, қизларни тўғри йўлга қайтариш ишлари яхши йўлга қўйилиб, улар учун барча шароит яратилган бўлса-да, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Жумладан, ушбу даргоҳда ишлаётган устоз ва мураббийларининг иш вақти 7 соат қилиб белгиланган бўлса-да, аслида 12-13 соатлаб қизлар билан банд бўлишади. Лекин уларнинг маошлари оддий ўрта мактаб ўқитувчиларининкидан фарқ қилмайди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил қабул қилинган 409-сонли қарорида "1997 йил 1 сентябрдан бошлаб бевосита ўқув тарбия жараёнлари билан боғлиқ раҳбар ходимларнинг, жисмоний ёки ақлий ривожланишида камчилиги бўлган болалар ва ўсмирлар учун махсус ўқув тарбия синфлари(гуруҳлари)даги алоҳида иш шароити учун педагог ходимлар, руҳшунослар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ставкалари ва ойлик лавозим маошларига қўшимча ҳақ 2 баробар оширилсин" дейилган. Аммо нима учундир бу қарор мазкур махсус мактаб ишчи хизматчиларига тадбиқ этилмаган. Наҳотки тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаётган бу ходимлар ҳукуматимиз қарорида кўзда тутилган ходимлар қаторига кирмаса?

Яна бир гап. Юқорида айтганимиздек, мактабда тикувчилик ишларини амалга ошириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Етарли малакага эга устозлар ва қўлидан анча иш келиб қолган шогирд-лар турли хилдаги юмшоқ инвентарларни тикиш, яъни ишлаб чиқариш ишларини бемалол бажаришлари мумкин. Биз уларнинг иш намуналари, машғулотлар жараёнида кўйлаклар, фартуклар ва бошқа буюмларни сифатли қилиб тикишаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Агар улар хом ашё билан таъминланиб, шароит яратилса, тайёрланажак маҳсулотларни Фарғона вилоятидаги коллеж ва касб-ҳунар мактаблари учун арзон нархда етказиб бериш имконияти туғилади. Ўз навбатида мактабда сармоядан ташқари маблағ топиш ишлари йўлга қўйилиб, мактаб жамғармаси ҳам бойийди. Моддий-техника базаси, ўқув қуроллари билан таъминланиш яхшиланади. Ҳозир мактабда дарсликлар ва ўқув қуроллари етишмаслиги, ҳеч қандай ташкилот бу даргоҳни ҳомийликка олмаганлиги бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу ҳақда мутасадди раҳбарлар ёрдам қўлини чўзишса савобли ишга бош қўшган бўлишарди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу илм даргоҳи ходимлари ўз олдиларига қўйилган вазифани сидқидилдан адо этишмоқда. Уларнинг бирдан бир орзулари жамиятимизда адашганлар сони камайиб, барча ўсмир қизлар ўз ота-онаси, қариндош-уруғлари бағрида ўсиб-улғайишидир. Бу ерни битирганларнинг барчаси ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида ота-оналар, қариндош-уруғлар, маҳалла-кўйнинг ҳам ҳиссаси беқиёсдир.

Бу ердан қайтар эканман, республикамизнинг барча вилоят ва туман, шаҳарларидан келган турли миллатга мансуб қизларнинг ушбу даргоҳда олаётган сабоқлари, кечаги кунларини унутишга бўлган интилишларини кўриб, уларнинг келажакда ҳавас қилса арзигулик инсонлар бўлиб етишишларига ишонч ҳосил қилдим.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ,
"Ma'rifat"нинг жамоатчи мухбири

Дунёни кимки лол қилган бўлса, ўрганган илми сабаб, дунёни кимки забт этган бўлса, илм тарбия этган тафаккур тарзи сабабдир.

Ta'kid

ИЛМ ОЛМОҚ — САОДАТДИР!

Мустақиллик биз ёшларга илм ўрганишнинг барча йўлларини очиб берди. Қатор чет давлатларда таҳсил олаётган тенгдошларимизга ҳаваси келади одамнинг. Илм ўрганмоқ дунёдаги энг олий сифатлардан биридир. Қўлларимиз китоб тута олгани, кўзларимиз ёзув кўра олгани, ақлимиз сўз моҳиятини англаб олгани учун ҳам шукронамиз бўлиши керак!

Илм одамга бахт беради, илм одамни орзуларига етказади. Бугунги кунда бизга илм бераётган даргоҳларга муносабатимиз қандай? Баъзан ўқишдан кўра ўқимасликни афзал биладиган болаларга дуч келиб, уларнинг турли рўкачларини эшитиб қоламан.

Улар билан гаплашаётиб боболаримиз эсимга тушади. Улар илм олиш учун не-не элларни кезиб, не-не машаққатларни чекиб, биттагина эски чопонга ўралиб, комиллик чўққисига эришган эмасмидилар.

Мутафаккир Фитрат бобомиз илм олмоқ умидида юрт кезиб, зориққанларида хориж бозорида қовун тилимлаб сотиб кун кечирмаганми эдилар?

Фақирликдан орланмай харф ўрганмоқ, зиё олмоқ тафаккури етук одамларнинг ишидир.

Бугунги кунда арзимас баҳоналарни рўкач қилиб, ўқишга бормай ўзининг қалб далаларини, тафаккур эгатларини илм деган обиҳаётдан бебаҳра қолдираётган ёшларнинг келажаги нечоғлик ғариб бўлиши одамни ғамгин қилади. Дунёни кимки лол қилган бўлса, ўрганган илми сабаб, дунёни кимки забт этган бўлса, илм тарбия этган тафаккур тарзи сабабдир.

Баъзан мактабни менсимай, ўқимасам ҳам бозорда жарақ-жарақ пул топаман деган фикрдаги тенгдошларимиз ҳам учрайди. Улар билмайдиларки, илмсизнинг бозори қачондир касод бўлиши мумкин. Чунки илми бор ақлли одам, ундан кўра ҳушёрроқ бўлгани сабаб ўз-ўзидан билимсиздан кўра олдинроққа ўтиб кетади.

Жамиятимизда ёшларнинг интеллектуал даражасини кўтариш, уларнинг билим савиясини ошириш учун барча ислоҳотлар ҳаракатда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", туманлардаги чиройли лицей-коллежлар қурилиши, Президент совғаларини улашиш тадбирлари, чет эл грантлари, санаб саноғига етмайсиз. Ҳукуматимизнинг жуда кўп қарорлари фақат илм салоҳияти баланд бўлган ёшларни тарбиялаш, уларни рағбатлантириш каби саъй-ҳаракатлар учун хизмат қилади. Бугун биз ёшлар буларнинг қадрига етишимиз керак.

Таниқли ёзувчи Хайриддин Султоннинг "Бобурийнома" деган ажойиб китобларида шундай бир лавҳа ўқиб қолдим.

"29 май. Ўрта денгиз соҳили. Сарисени қишлоғи... Темирйўл бўйлаб кезар эканман, қўй боқиб юрган ўн-ўн бир яшар икки болага кўзим тушди. ... Уларнинг ёнига яқинлашдим, гапга солдим. Жилд осганнинг исми Анвар, қўй боқиб юрганининг номи Бурҳон. Улар бултур мактабда бирга ўқишган экан. Анвар бу йил учинчи синфда ўқишини давом эттиряпти, Бурҳонннинг эса қишда отаси вафот қилиб, мактабдан қолиб кетибди. Ҳозир бировнинг қўйини боқар экан...

"Нима учун ўқишни ташладинг?" деган саволимга Бурҳоннинг ўрнига Анвар жавоб қилди: "Унинг ўқиш учун берадиган пули йўқтур..."

Бурҳонга қарадим. Кичкина, мовий кўзлари бирам маъюс, бутун вужуди шундоққина мужассам изтироб бўлиб турар эди.

Бурҳоннинг онаси касалванд, учта укаси бор экан, ўқиш учун йилига бир миллион лира пул тўлаш лозим...

Ўз-ўзидан мутаасир бўлиб кетдим. "Қайғурма, Бурҳонбей, — дедим унга, — биз ҳажга кетаётирмиз. Насиб бўлса, Маккада сен учун дуо қиламан". У менга ғусса тўла кўзларини жавдиратиб тикилди.

"Мактабга борадиган бўлсин, деб дуо қилинг, афандим", деди у маъюс".

Нечоғлик ғамгин ва нечоғлик ибратли манзара бу.

Оллоҳга шукрки, биз Ўзбекистон ёшларига барча илм даргоҳлари очиқ. Бизнинг жамиятимиз ўқишимиз учун дунёнинг бир чеккасидаги тенгдошимиз Бурҳонбейнинг елкасидаги оғир юкни қўймайди.

Буларни ёзишдан мақсадим, биз ёшларнинг зиммамизда фақат ўқиб, ўрганиб, жамият учун, миллат келажаги учун меҳнат қиладиган билимли инсонлар бўлиш бурчи турибди. Биз ёшлар ҳам илм берувчи даргоҳларимиз қадрига етайлик. Турли хил ёмон иллатлардан, бахт ва саодатдан адаштирувчи ножўя йўллардан узоқ бўлайлик.

Гулжамол АСҚАРОВА

ТАРҒИБОТ — ҲАР ЖОЙДА ЗАРУР

Tadbir

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси томонидан тасдиқланган "Оммавий –ватанпарварлик ойлиги" ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгашида "Оммавий ватанпарварлик ойлиги тадбирларининг ОАВда ёритилиши" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этганлар ўтказиладиган ойлик тафсилотларини кенг жамоатчиликка етказиб беришнинг аҳамияти катта эканлигини ва бу борада сусткашликларга йўл қўйиш халқ фаровонлиги, эл тинчлиги учун бефарқ бўлиш билан баробар эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раиси Абдулазиз Абдуқаҳҳоров, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, Миллий матбуот маркази раиси Амирқул Каримов ва бошқа вакиллар "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашида "Матбуот клуби"ни ташкил этиш таклифини қўллаб-қувватлашди ва бирваракайига клубни тузиш бўйича таъсис йиғилиши ҳам ўтказилди. Унга кўра мазкур клуб аъзолигига ҳар бир таҳририят ўз ходимини тавсия қиладиган ва барча хоҳловчилар ушбу жамоада иш олиб борадиган бўлди.

Йиғилишда кўтарилган масалалар, таклифлар ва баҳсу мунозаралар ёшларни эртанги кунимизнинг ишончли таянчи қилиб тарбиялашда ўзини ҳар томонлама масъул деб биладиган "Ватанпарвар" ташкилоти амалга ошираётган ишлар самарасига хизмат қилади, дейиш мумкин.

Насиба ЭРХОНОВА, "Ma'rifat" мухбири

ЎҚИТУВЧИНИНГ ПУШАЙМОНИ

Afsus

ТОПИШ ВА ЙЎҚОТИШ

Кўп ҳолларда бирон ишни режалаштирганимизда, унинг ўзимизга фойда келтириши мумкин бўлган жиҳатларини ўйлаймиз. Лекин нимагадир ўша ишнинг зиён келтириши мумкин бўлган томонлари ҳақида бош қотирмаймиз.

Ҳеч кимга сир эмас, кўпгина юртдошларимиз "хорижга кетиш касали"га йўлиққан. Бор будини сотиб ёки гаровга қўйиб "чув" тушаётганлар ҳам анчагина. Турли сайёҳлик фирмалари орқали омад ахтариб кетаётганларни у ёқларда ҳеч ким қучоқ очиб кутиб олаётгани йўқ.

Яқинда хориждан келган бир киши билан суҳбатлашдим. У ўз бошидан кечирганларини қуйидагича ҳикоя қилиб берди:

"Ўқитувчи эдим, уч ўғлим бор, — деди у, — тўй қилиш керак дегандек... Топганимиз рўзғордан ортмайди. Охири оилам билан келишиб, хорижга ишга олиб кетадиган бир кишини топдик. У киши ҳужжатларимни расмийлаштирди, бизлар барча қариндош-уруғлардан бир ярим минг АҚШ доллари миқдорида қарзга маблағ тўпладик. Хуллас, кетадиган кун ҳам етиб келди. Бизни йўл бошловчимиз Панамага олиб бормоқчи эди. Нимагадир Грецияга бордик ва шу ерда ҳам ишлаб пул топса бўлади, деди. На илож, Грециянинг аҳоли унчалик гавжум бўлмаган бир шаҳарчасида полициядан яшириниб ишлай бошладик. Очиғи, дастлаб ҳар хил ишлар қилиб турдик. Кейинчалик новвойхонага ишга жойлашдик. У ерда бизга ойига 200-250 евро тўлашарди. Турар-жой учун ижара ҳақи ва еган-ичганимиздан тежаб ойига 100 доллар орттирар эдик. Тўғри, бу кимнингдир назарида кўпдек туюлиши мумкин. Лекин, хорижга чиқиш учун олган қарзларимни тўлашим учун шу топишда бир йилу беш ой ишлашимни ўйласам, юрагим ортга тортиб кетарди. Бордию худо кўрсатмасин, 2-3 кун касал бўлиб қолсангиз борми, бор топганингиз ўзингизга сарф бўлади.

Дунёда инсон гарданидаги қарздан оғирроқ нарсанинг ўзи бўлмаса керак. Айниқса, оиладан, болаларнинг дийдоридан олисда яшаш нақадар азоб эканлигини мен ўз бошимдан кечиргач, англадим.

ИХТИЁРИЙ ҚУЛЛИК

Ҳаммамиз ҳам мактабда ўқиганмиз, қул дегани ҳақ-ҳуқуқлари чекланган, ўз меҳнати эвазига жуда кам иш ҳақи оладиган кишилардир. Ўзбекистондан ўзга юртларга ишлагани кетаётган ҳар бир киши, у эркакми ёки аёл гарданига ихтиёрий қулликни осиб кетади. Чунки ўша номи улуғ юртларда ноқонуний йўллар билан бориб пул топиш осон иш эмас. Шунинг учун ишчи кучига эҳтиёж сезган ҳар қандай харидор "қул" билан ўзи билганидек муомалада бўлади ва истаса иш ҳақи беради. Ишлатиб иш ҳақи тўламайдиганлари ҳам йўқ эмас. Қолаверса, иш вақтини иш берувчи белгилайди. Иш унумини ва сифатини назорат қилиб туради. Энди бир тасаввур қилиб кўринга, сиз тилига тушунмайдиган кишининг айтган топшириғини у хоҳлаганидек қилиб эплай оласизми? Хуллас, минг хил муаммолару синовларга чидаган кишигина юқорида мен айтган маблағни тўплайди.

Бундан ташқари баъзи ҳамюртларимиз орасида бошқаларга нисбатан кўпроқ пул ишлаётганлари ҳам бор. Улар 7-8 соатлаб портда, сув ичида ёки соғлиқ учун ўта зарарли бўлган цехларда ишлашади ва шунга яраша ҳақ оладилар. Улар уйларига кўпроқ пул жўнатиш учун шундай қиладилар. Лекин озроқ вақт ўтиб буйраги ёки оёқлари оғриб, касаллик чидаб бўлмас даражага етганидан сўнг юртга қайтганларини биламан.

Инсон темирдан эмас, у ўта нозик мавжудот. Унинг яхши ишлаши учун руҳи тетик бўлиши керак. Баъзан уйдагиларни тушимда кўриб, илҳақ бўлиб юрган кунларим шу ерларга келганимга минг пушаймонлар бўлганман. Айниқса, юртдан олисда инсон ўзини ночор ва омонат ҳис этаркан. Шундай дамларда кунлар гўё йилдек узун ва оғир кечади.

ҚАЕРГА БОРМОҚЧИСИЗ?

Халқимиз "Табиб табиб эмас, бошидан кечирган табиб" деб бежизга айтмаган. Мен дунё харитасини олдига қўйиб "Қайси давлатга борсам экан?" дея бош қотираётган юртдошларимга ўз бошимдан кечирган қийинчиликларимнинг бир қисмини айтдим, холос.

Бу ёқда хотиним ва болаларим минг бир хавотир, соғинч билан йўл қараганлари, икки ёшли ўғлим ичикиб тунлари алаҳлаб чиққанларини юртга қайтгач билдим.

Мен хорижда 13 ой бўлдим. Июнь ойида ҳамроҳим билан ишга кетаётиб полицияга тушиб қолдик. Бир ой қамоқда ўтиргач, бизни Тошкентга қайтариб юбордилар. Афсуски, мен шунча вақт давомида олган қарзимга яраша ҳам пул ишлай олмадим. Қариндош-уруғларим ва оилам олдида гўё айбдордекман. Энди ўйлаб кўрсам, шу ўтган бир йил мени анча улғайтирибди. Беҳудага чеккан бир йиллик изтироблар улғайтирган бўлса, ажабмас.

Хорижга кетиб қилган меҳнатимни шу ерда ўз юртимда қилганимда озмикўпми оиламга фойдам теккан бўларди. Энди надоматларим ўрнига тушмайди. Иш жойимдан ҳам айрилдим. Мактабга борай десам касбдошларимнинг, ўқувчиларимнинг юзига қарай олмайман.

Мен сингари омади чопмаганлар кўп, лекин ҳар кишининг дарди ўзи билан. Бошидан кечирганларини рўйи-рост айтадиганлар эса кам. Бошқалар ҳам мен сингари саргардон бўлмасликларини истардим."

Суҳбатни Назокат ШЕРБОЕВА ёзиб олди.

Ma'rifatsiz kishilar

ЖИНОЯТЧИ ЎСМИРЛАР

ёхуд тўрт талончининг машина ўғирлашгани хусусида

Шарифбой Маъмуржон аканинг оиласидаги учинчи фарзанд. У Андижон шаҳридаги ҳунар-техника билим юртида таҳсил олиш билан бирга, ўқишдан сўнг отасининг тижорат ишларига ёрдам берарди. Аммо отаси бозорга чиқмай қўйган кейинги пайтларда, у 9 қаватли уйнинг олдида жойлашган тижорат дўконида ишловчи бир дўстининг ёнида ўтирадиган одат чиқарди. У ерда Шарифбой бир ўзи эмас, бошқа дўстлари билан бирга бўларди. Кунларнинг бирида у эрталаб соат еттидан 50 дақиқа ўтганида ўқишга деб уйдан чиқиб кетдию қайтиб келмади. Табиийки, ота-онаси қаттиқ хавотир олди. Дастлаб ухламай фарзандининг йўлига кўз тикишди. Аммо тун яримлаб қолса ҳам Шарифбойдан дарак бўлмади.

— Ўғлимнинг кечаси уйга келмай қолиш одати йўқ эди, – дейди унинг онаси Маҳмудахон опа. – Шу боис вақт ўтган сайин ундан хавотирланишим ошди.

— Тун бўйи жигарпорамиз йўлига кўз тикавериб тоқатимиз тоқ бўлди, – деб онаизорнинг гапини давом эттирди отаси. – Эртасига эрталаб Шарифбойнинг ўқиш жойига бордик, суриштирдик. Бир курсдоши: "Шарифбой кеча ўқишга келган эди. Аммо бугун келмади", деди.

Ҳафсаламиз пир бўлиб, ўша тижорат дўконида ишлайдиган дўстининг олдига бордик. Бироқ унинг ҳам дўкони қулф экан. Сўнг ўртоғи Абдурайимнинг уйига йўл олдим. Буни қарангки, унинг уйига етмаёқ йўлдаги овоз ёзиш хонаси олдида унга кўзим тушди.

— Болам, Шарифбой кеча уйга бормади. Қаерга кетган бўлиши мумкин? – деб сўрадим.

— Хавотир олманг. Бугун келиб қолади. Кеча биз – Асад, Шарифбой ва ўшлик Мунаввар исмли бир кишининг "Тико" автомашинасида Ўш шаҳрига бордик. Мен қайтдим. Бошқалар ўшлик Мунаввар аканинг уйида қолишди, – деди.

— Шундай экан, лоақал уйимизга кириб шу гапни айтиб қўйсангиз бўлмасмиди? Тун бўйи хавотир олиб, ухламай чиқдик...

— Мен Шарифбойга бирга қайтишни таклиф қилсам, у бугун шу ерда ётиб, эртага кетаман, деди. Шундан кейин мен унинг Ўшда қолишини сизлар биларкансизлар-да, деб ўйладим. Кечиринг...

Ота Абдурасулнинг гапига ишониб-ишонмай уйга қайтди. Аммо кўнгли нимагадир безовта бўлаверди. Ўғлидан хавотирлиги ошаверди. Диққатбозликдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бундан ташвишга тушган она ҳам қизи Гулчеҳрани чақириб:

— Қизим, Абдурашиднинг тижорат дўконига боргин-да, ундан акангнинг қаерга кетганини сўраб кел, – деди.

Қиз онанинг айтганини қилди. Дўкондор:

— Шарифбой ўқишдан қайтаётиб шу ерда тўхтади. Бироз гаплашиб ўтирдик. Кейин у ташқарига чиқиб кетди. Сумкаси шу ерда қолди, – деди.

Қиз акасининг сумкасини кўтариб уйга қайтди ва бўлган гапни онасига айтди. Онанинг кўнгли бу гапдан кейин баттар бузилди. Яна кун ботди. Тун оламга қора чойшабини ёйди. Онаизоргина эмас, ота ҳам, опасингиллар ҳам мижжа қоқмай Шарифбойни кутишди. Бироқ ундан дарак бўлмади. Тонг отгач онаизор қизлари Гулчеҳра ва Фарида билан ўғлининг бошқа бир дўсти Асадбекнинг уйига борди. Буни қарангки, Асадбекнинг онаси ҳам дилхун бўлиб ўтирган экан, ёнибкуйиб шундай деди:

— Менинг ўғлим ҳам икки кундан бери уйга келмаяпти, қаерга кетганини билмайман. Хавотир олиб бормаган жойим қолмади ҳисоб... Кейин билсам Мунаввар билан Ўшга кетган экан. Шундан сўнг кўнглим сал таскин топди. Сабаби, Мунавварнинг турмуш ўртоғи шу ерда.

— Бу гапни эшитган Шарифбойнинг онаси Мунавварнинг турмуш ўртоғи Наргизага юзланди:

— Ўргилай сиздан, ўғлим чиндан ҳам эрингиз билан биргами? Улар соғ-саломатми? Нега уйга келишмаяпти?

— Кўп хавотир олаверманг. Агар ўғлингиз Ўшга кетган бўлса, бизнинг уйимизда маишатни қилиб юргандир-да! Шунга айтадилар-да, онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб.

Аммо Шарифбой ҳам, унинг ўртоқлари ҳам уйларига яна келишмади. Шундан сўнг ота-оналар Наргизадан Ўшга қўнғироқ қилиб, болаларнинг қаердалигини сўрашини илтмос қилишди. Аммо у бу илтимосни қондирмай, телефон рақамини бериш билан чекланди.

Гўшакни Мунавварнинг аммаси олди. Шунда Шарифбойнинг онаси ундан:

— Мунаввар уйига бордими? У билан Шарифбой ҳам биргами? – деб сўради.

— Мунаввар бундан бир ой олдин хотини билан ўғирлик қилиш учун уйдан чиқиб кетган!

— Нималар деяпсиз? Ахир, Наргиза Андижонда-ку!

— Ундай бўлса, сизлар уни маҳкам ушлаб Ўшга олиб келсангизлар мен ўғилларингнинг қаердалигини айтиб бераман.

"Бу гапни эшитганимиздан кейин, – дейди Шарифбойнинг онаси, –эрим ва Шарифбойнинг ўртоғининг ота-онаси билан маслаҳатлашиб, Ўшга бориш учун бир "Дамас" машинасини ёлладик ва энди йўлга чиқай деб турганимизда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарган турмуш ўртоғим:

— Ҳозир милициядан қўнғироқ қилишди. Ўшга боришга эҳтиёж қолмади. Энди бормаймиз, – деб қолдилар.

Не қиларимизни билмай бошимиз қотиб турганида бир машина олдимизга келди ва ундан милиция ходимлари тушишди ҳамда:

— Наргиза ким? – деб сўрашди.

Бу гапни эшитган Наргиза бир қадам орқага тисарилиб, қочмоқчи бўлиб турувди, қизим унинг қўлидан тутиб:

— Мана шу аёл Наргиза бўлади, – деди. Милиция ходимлари ундан: – 5-уйнинг 22-хонадонида турасизми? – деб сўрашди. У:

— Ҳа! Бироқ мен бу уйга меҳмонга келганман, – деб жавоб берди.

— Унда уйнинг эгаси ким?

— Тамарахон.

Шундан кейин милиция ходимлари Наргизани олиб кетдилар. Биз эса уй-уйимизга тарқалдик. Уйга боргач эримдан ўғлимиз Шарифбой ҳақида сўрадим:

— Ўғлимиз соғ-саломат экан, – деб жавоб бердилар. Мен бироз хотиржам бўлдим. Аммо бу хотиржамлигим узоққа чўзилмади...

Афсуски Маҳмудахон опа ҳақ эди. Унинггина эмас, барча оила аъзоларининг ҳам хотиржамликлари узоққа чўзилмади. Нега, дейсизми? Унда эшитинг:

Ўша куни улфатлар жам бўлганида ўшлик Мунаввар келиб уларга қўшилди. Бироз суҳбатлашиб ўтиргач, йигитчаларга қараб:

— Болалар, бекорчидан худо безор. Бу ерда гап сотиб беҳуда валақлашиб ўтиргандан не наф? Юринглар, яхшиси кўчага чиқиб, бирор иш қилайлик, – деб қолди.

— Хўш, қанақа иш қиламиз?

— Машина тўхтатамиз ва ҳайдовчини алдаб хилват жойга олиб борамиз-да ўлдирамиз. Машинасини эса Ўшга олиб бориб сотамиз. Кўриб турибсизларки, ҳамёнимиз сўму долларларга тўлади-қолади!

Мунавварнинг бу "ёғли" гапи йигитларга маъқул тушди. Абдурайим, Асадбек, Шарифбой биргалашиб шу яқин-атрофдаги дўконга бориб, биттадан пичоқ харид қилишди. Мунаввар уларни соат 15.30да кутиб туришини айтиб, қаёққадир кетди. Шу орада Асадбек аяси кутиб турганлигини айтиб бозорга кириб кетди. Шарифбой эса дўсти Абдурайим билан эски шаҳардаги темирчилар ҳузурига бориб, харид қилган пичоқларини чархлатди.

Келишилган пайтда учовлон йиғилишди. Мунаввар уларни бошлаб деҳқон бозорининг орқасидаги машиналар тўхташ жойига олиб борди. Қарашса, оқ рангли "Тико" турибди. Мунаввар унга яқинлашиб ҳайдовчига нималардир деди. Афтидан бирор манзилларини айтиб савдолашди. Кейин йигитларни чақирди. Ҳаммалари машинага ўтиришди. Алоқа уйи яқинига келганларида ҳайдовчи: — Кечирасизлар,мен шу ерда машинамга ёқилғи қуйиб олмоқчи эдим,— деб қолди.

Мунаввар рози бўлди. Шарифбой эса фурсатдан фойдаланиб, Асадбекни уйидан олиб чиқди. Машина Андижон туманига қараб юрди. Кенг кўчадан ўтиб кетаётганларида Мунаввар ҳайдовчига: йўл четидаги шийпонни кўрсатиб:

— Машинани мана шу шийпонга ҳайданг, – деди.

— Хўп бўлади!

"Шундан кейин, – дейди тўдабоши Мунаввар, – ҳайдовчи рулни шийпонга қараб бурди. Ҳаммамиз машинадан тушдик. У ерда ҳеч ким йўқ экан. Бу ҳолат бир жиҳатдан режамизни амалга ошириш учун жуда қулай эди. Аммо ҳали кун ботмаган, олам ёруғ эди. Шу боисдан қайтиб машинага ўтирдик. Буйруғимизга кўра ҳайдовчи машинани Жалолқудуқ туманига қарашли Пахтакор қишлоғи томонга ҳайдади.

Пахтакор қишлоғини яхши билардим. Негаки қайнотам шу ерлик бўлиб, мен у ерга тез-тез бориб турардим. Машинамизнинг бензини тугаб қолмасин, деб бир машина тузатадиган кимсанинг уйига кириб ёқилғи сўрадим. Аммо у илтимосимни рад этди, бензини йўқ экан.

Вақт ўтказиш учун катта бувимнинг жияни яшайдиган хонадонга кирдик. У ердан бироз нон ва сув олиб чиқдим. Шарифбой билан Абдурайим рўзадор эканлар. Шу билан оғиз очишди.

Кун ботиб атроф қоронғулашгач, машинага ўтириб яна ортимизга қайтдик. Режага кўра тўппа-тўғри бояги кимсасиз шийпонга қараб юрдик. У ерга етганимиздан кейин эса ҳаммамиз шийпон ичига кириб кетдик. Биргина ҳайдовчи Тожибой машинасини ортга қайтариб қўйиб, унинг ичида ўтираверди. Ичкарида эса биз "йўловчи"лар ҳайдовчини шу ерда "тинчитиш" ҳақидаги режамизни амалга ошириш-оширмаслик ҳақида тортишардик. Ниҳоят бир қарорга келганимиздан сўнг ҳаммамиз бориб машинага ўтирдик. Мен ҳайдовчининг ёнига ўтирдим. Қолганлар орқа ўриндиққа жойлашишди. Ҳайдовчи эса машинани ўт олдирди. Аммо уни юргизишга улгурмади. Негаки, ортида ўтирган Шарифбой унинг бўйнидан қучиб туриб:

– Ака, исмингиз нима ? – деб сўради. Ҳайдовчи жавобга оғиз жуфтлашга улгурмай ,у саволини яна икки-уч бор такрорлади. Кейин пичоғини олиб, унинг бўйнига қадади. Қўрқиб кетган ҳайдовчи машинани юргизиб юборди. Мен эса ўтирган жойимда оёғимни узатиб, тормозни босдим-да, ҳайдовчига:

— Тез машинадан туш, - деб ўшқирдим. Бечора қўрққанидан менга итоат қилди. Машинадан тушди. Бу пайтда орқа ўриндиқда ўтирган учовлон машинадан тушиб ҳайдовчини кутиб туришарди. Ҳайдовчининг кетидан мен ҳам тушдим. Кейин унга қараб:

— Шийпон ичига кир, — дедим.

Аммо ҳайдовчи кўнмай дала томонга қараб қочди. Шарифбой билан Абдурайим тезда унинг кетидан қувиб кетишди ва ушлаб олиб ерга ётқизиб ура бошлашди. Шу орада қолган "йўловчи"лар ҳам уларнинг олдига бордик. Мен бўйнимдаги қора рангли шарфимни ечиб Шарифбойга тутқаздим:

— Мана буни ол, унинг бўйнига ўраб, бўғ!

Шарифбой айтганимни қилди. Мен ва бошқалар унга кўмаклашдик. Кейин пичоғимни олиб, шундоқ ҳам бўғилиб ўлаётган ҳайдовчининг бўйнига қадаб икки бор тортдим. Шарифбой ҳам худди шундай қилиб, унинг бўйнига пичоқ тортди. Бироздан сўнг типирчилаб турган ҳайдовчи тинчиб қолди...

Биз эса унинг чўнтагини ковлаб, 1000 сўм пулини олдик. Кейин мен шерикларимга қараб:

— Туя кўрдиларингми?

— Йўқ, – дейишди улар.

— Худди шундай бўлсин. Агар бирортанг оғзингдан гуллаб қўйсанг, бошингга мана шу ҳайдовчининг куни тушади!,— дедим,"

Шундай қилиб босқинчи-талончилар мурдани қолдириб, унинг 17 В 3192 давлат рақамли "Тико" автомашинасини ҳайдаб кетишди.

Рулни Абдураҳмон бошқарди. Ёнига тўдабоши Мунаввар ўтирди. Қолганлар орқа ўриндиққа жойлашишди. Улар чегарадан ўтиб, Ўш шаҳрига етиб боришди. У ерда йўл-йўлакай сотиб олишган бир шиша ароқни ичиб, "Президент" номли сигаретадан тутатишди.

Тунни тўдабоши Мунавварнинг уйида ўтказишмоқчи бўлишди. Аммо бироз ўтгач Абдурайим:

— Мен Андижонга қайтмасам бўлмайди. Уйимиздагилар хавотир олишади. –деб туриб олди. Унинг бу гапи муҳокамага қўйилиб, ижобий ҳал этилди. Абдурайим уйига қайтди. Қолганлар –Шарифбой, Асадбек Мунавварларнинг уйида қолишди. Эртасига эса улар "ўлжа"ни сотиш учун Қорасув шаҳрига қараб жўнашди. Аммо ҳужжатсиз машинани сотиб олишга хеч кимнинг юраги дов бермади. "Ов"лари бароридан келмаган "овчи"лар тунни Асадбекнинг холасига тегишли уйда ўтказишди. Эртасига эса яна машинани сотиш учун бозорга олиб чиқишди. Аммо яна муддоаларига етишолмади...

Кечга томон Ўшга қайтишди. Бироқ тўдабошининг уйига эмас, унинг Алижон исмли бир танишининг уйига меҳмон бўлиб боришди. Аммо меҳмондорчилик кутилганча бўлмади. Меҳмонлар телевизор кўриб ўтиришган бир чоғда, уларни милиция ходимлари қидириб топиб боришди.

Воқеанинг бу ёғи беш қўлдек маълум. "Тико" ҳайдовчисининг қотиллари олиб келиниб, суднинг қора курсисига ўтказилди. Бу ерда жиноятчиларнинг ҳаммалари қилмишларига яраша жавобгарликка тортилдилар.

Энди улар узоқ муддатли жазони ўтаб қайтишга мажбур.

Эҳ аттанг, дейсан киши, афсусланиб. Ҳали ўн гулидан бири ҳам очилмаган бу ёшлар– Шарифбой Туйғунов. Асадбек Фозилов ва Абдурайим Носировлар нега шу кўйга тушишди? Наҳотки улар шу қадар ваҳшийлашиб, тубанлашиб кетишга улгуришган бўлса?! Йўқ, аслида бунчалик эмасди. Ҳатто улар ўша кунлари рўзадор ҳам эдилар. Гап шундаки, улар бир неча бор судланган, қаҳри ниҳоятда қаттиқ, ашаддий жиноятчи Мунаввар Исҳоқовнинг таъсирига тушиб қолдилар.

Унинг айтганини қилиб бадном бўлдилар.

Ўсмирлар–бамисоли ёш ниҳол. Ниҳолни қаёққа эгсанг, ўша ёққа қараб ўсади. Бас шундай экан: "Фарзандларингизнинг тўғри ўсишига эътибор беринг, уларни ёмон ниятли қабиҳ кимсаларнинг таъсирига тушиб қолишдан асранг!" деймиз.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
Мурод КАЛОНХОН ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Қайси касбдалигидан қатъий назар, болаларни газета-журналларга яқинлаштириш керак. Ўқимаган бола — интеллектуал ривожланишдан орқада қолаверади.

БЎЛАЖАК СУДЬЯЛАР УЧУН ҲАЁТИЙ ДАРС

Tadbir

Маълумки, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, ИИББ, Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан биргаликда Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президентимиз белгилаб берган 7 та устувор йўналиш асосида пойтахтимизнинг турли касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида бир қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Тошкент шаҳар хўжалик суди мажлислар залида Фуқаролик, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, ИИББ, Прокуратура ва Адлия бош-қармаси ҳамкорлигида "Ривожланаётган демократик жамиятда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ҳам бевосита Президент Фармойишига асосан тасдиқланган маънавий-маърифий дастурга мувофиқ ташкил этилди. Уни Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси Ф.Отахонов олиб борди. Тадбирда "Суд ҳокимияти ривожланиш босқичида", "Хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятидаги боғлиқлик ва бу борада учраётган муаммолар", "Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари", "Судларда қонуний қарор қабул қилинишида прокурорнинг роли", "Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини давом эттиришда жиноят-процессуал қонунчилигининг роли ва уни мукаммаллаштириш муаммолари", "Фуқаролик жамиятида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари" мавзуларида маърузалар қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу анжуманда Тошкент давлат юридик институти, юридик коллежи ва ТДЮИ қошидаги академик лицейнинг фаол ўқувчи-талабалари ҳам қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ўйлаймизки, бу улар учун катта ҳаётий дарс бўлди.

Ғофур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Hamkorlik

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАНИБ

"Устоз" республика жамғармаси мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари иқтидорли ўқитувчи, докторант ва аспирантларини жаҳоннинг ривожланган давлатлари таълим марказларида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, улар иш тажрибаси билан яқиндан таништиришга кўмаклашади.

Янги йил арафасида жамғарма гранти совриндорларидан 21 нафари малака ошириш учун икки ҳафтага Малайзияга жўнаб кетишди. Тиббиёт фанлари, молия ва кредит, журналистика, кимё ва биотехника, ҳалқаро ҳуқуқ, авиасозлик, бизнесни бошқариш каби йўналишлар бўйича мутахассислар Малайзиянинг Мара ахборот технология Университетида тажриба ўташади. Мазкур Университет 1956 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг бу давлатдаги 14 та штатида корпуслари мавжуд.

Университетда 101 минг талаба таълим олади. У 18 та факультетда 188 дастур асосида бизнес бошқаруви, электр-муҳандислик, ахборот технологиялари, фармацевтика, архитектура ва режалаштириш, маъмурият ва ҳуқуқ, таълим, спорт маданияти ва соғломлаштириш бўйича бакалавриат ва магистратура йўналишида мутахассислар тайёрлайди. Сафар олдидан жамғармада семинар ташкил этилиб, уни жамғарма бошқаруви раиси, академик С.Ғуломов олиб борди. У Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида таълим тизими борасида олиб борилаётган амалий ишлар, истиқболдаги вазифаларга тўхталди. Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси котиби Завов Тохир қатнашчиларга ўз мамлакатидаги таълим тизими ва бу университетнинг кадрлар тайёрлаш борасидаги салоҳияти ҳақида гапириб берди. Шунингдек, элчихона вакили Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги таълим тизими йўналишлари бўйича янада салмоқли ва эътиборга лойиқ амалий ишлар қилинишига умид билдирди.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
"Устоз" Республика жамғармаси грант совриндори

Musohaba

Дастур, дарслик, ўқув режаси... Бу каби тушунчалар яқин-яқингача ўқитиш ва ўқишнинг собит қисмига ўхшарди. Қай бир муаллим ўзича ниманидир вазият тақозосига кўра ўзгартирмоқчи бўлса, "методикага (услубиёт) амал қилмади" дея унинг сабоғи пастроқ баҳоланарди.

Мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилиниб, таълим соҳасида шиддатли ўзгаришлар бошлангач, ўқитувчиларда ижодкорлик имконлари пайдо бўлди. Ҳар бир муаллим дарсу дарсликларга таҳлилий нигоҳ ташлайдиган бўлди. Қарши педагогика иқтисодиёт коллежи олий тоифали ўқитувчиси Бўритош Носирова билан қилган суҳбатимиз ҳам ана шундай ўзига хос кузатувлар натижаси ҳақида бўлди.

КУМУШ ҚЎНҒИРОҚЛАР

— Сиз хизмат қилаётган ўқув маскани кўп йиллар педагогика билим юрти эди. Давр тақозоси билан коллеж мақомига эга бўлди. Ушбу даргоҳда ўзингиз ҳис қилган, ўзингиз кувонган ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Аввало, бизда ҳуқуқшунослик, молия, ДАН ходимларини тайёрлаш каби янги йўналишдаги бўлимлар очилди. Янги фанларга мананд янги ўқитувчилар ишга таклиф қилинди. Бизга олий ўқув юртларидаги фан номзодлари, ҳуқуқ, тарғибот органларидан энг кучли амалиётчилар дарс ўтгани келишади. Демак, коллежнинг жамият олдидаги нуфузи ошмоқда. Шу боисдан ҳам, унга замонавий йўналишдаги илм даргоҳи деган нуқтаи-назар шаклланмоқда. Бу ерда ўқиш ҳам, ўқитиш ҳам масъулиятлироқ.

— Ўша масъулиятни сиз қандай изоҳлайсиз?

— Одатдаги 45 минутлик дарсларимиз 80 минут — бир жуфтлик ҳисобида ўтилади. Бугунги таълим-тарбия жараёни комил шахсни шакллантиришга қаратилган экан, ўқувчи тафаккурини ёритиш, уни фуқаро сифатида уйғотиш ҳам асосий вазифамиз бўлиши керак. Мен рус тили ва адабиётидан дарс бераман. Масалан, Пушкин ижодини ўрганиш давомида шоирнинг шахс эрки ҳақидаги шеърлари билан бирга, албатта, Чўлпон, Абдулла Қодирийларни, Дукчи Эшон, Намоз ботир каби қўзғолончиларни эсга оламан. Шоир нима учун озодлик ҳақида ёзади? Ўз халқи юрагида озодлик соғинчини уйғотиш учун. Озодлик соғинчи уйғонганда нима бўлади? У қулликда яшашнинг даҳшатини ҳис этади, унда кураш ҳиссиёти уйғонади.

Хуллас, мана шу тарздаги савол-жавоблар билан Пушкин дунёси орқали озодлик, истиқлол ва шахс, миллат деган катта мавзуни болалар онгига муҳрлашга уринаман. Бугун коллежда чекланган фанлар бўлмаслиги керак. Ҳар бир фан ёнида Озод Ўзбекистон фуқаросини шакллантириш деган яна бир муҳим вазифа туриши керак. Гарчи ҳар чоракда бу вазифа учун баҳо қўйилмаса ҳам, ўқитувчининг айнан шу йўналишда олиб борган ишлари кузатилиши ва баҳоланиши керак. Чунки 15, 16, 17 ёш — шахснинг шаклланадиган, айниқса, фуқаролик туйғулари шаклланадиган пайт. Бу вақтни бой бермаслик зарур.

— Мен дарс режаларини кузатдим. Ҳали ҳам кириш, янги дарс баёни ва ҳоказо тарзида режа тузилар экан. Сиз айтган вазифалар бу режага сиғадими? Агар сиғмаса, хўжакўрсинга режа ёзишнинг нима кераги бор?

— Агар илмий бўлим мудири "Режа тузманглар, ҳар ким ўзича ижодий дарс ўтсин" деса режа баҳона китоб варақлайдиган баъзи ўқитувчилар шу ишни ҳам қилмаслиги мумкин. Лекин сизнинг гапингизда жон бор, ҳар кимнинг дарс режаси ўзига хос бўлиши керак. Агар шу талаб қўйилса, ўқитувчи яна ҳам ижодкорроқ бўлади. Айрим ўқитувчиларнинг дарснинг "йўқлов" қисмига катта эътибор бериб, ким келган-келмаганлигининг таҳлилига 10-15 дақиқани сарфлаши уволдай туюлади менга. Тўғри, болаларни ташлаб қўймаслик зарур. Аммо дарснинг йўқлов қисмини ҳам шундай ўтиш керакки, талаба дарсга келмасликнинг оқибати ҳарбий хизматдан бош тортган аскардай бурчга оёқ қўйиш эканини ҳис этсин.

"Дарсга келмасанг, имтиҳонда ҳисоб-китоб қиламан" деган тазйиқлар бугунги талабанинг туйғуларини ҳақоратлайди. Болаларимизда ўзбек эканлиги, мустақил Ўзбекистон фуқароси эканлиги, мана шундай замонавий коллежларга муяссарлигидан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари уйғонмоқда. Шу ғурурни асраб-авайлашимиз керак.

— Бўритош опа, ғурур туйғусига балки алоқаси йўқдир-ку, бир воқеа эсимга тушди. Бир аёлдан хат олган эдим: "Болаларимга қийналиб бўлса-да йўлҳақи қилиб бериб, коллежга жўнатгандим. Формасини ювиб қўйган экан, қуримаганлиги сабабли, кийиб бормаса, ўқитувчи: "Бор, кийиб кел", деб изига қайтариб юборибди. Шу тўғрими", деб ёзган экан.

— Албатта коллежнинг формаси ҳар бир ўқувчи учун муқаддас бўлиши керак. Унга талаба-ёшнинг ўзи эътиқод қўйсин, ўзи хоҳлаб, севиб кийсин. Аммо, сиз айтган ҳолат ўқувчини формасидан итаради. Чунки, у ўша форма туфайли таҳқирланди, тенгдошлари орасидан чиқариб юборилди. Умуман, мен талабани дарсдан чиқариб юборишга қаршиман, бу муаллимнинг заифлигини англатади.

— "Сўнгги пайтда дарсдан ташқари тадбирлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетяпти, бу болаларни чалғитади", деган фикрга қандай қарайсиз?

— Коллежимизда ўғил болалар орасида тез-тез кураш мусобақалари ўтказилади. Ғолибларга директор жамғармасидан соврин қўйилади. Ўзимизнинг "Зиё" ансамблимиз бор. Жудаям фидойи устоз Пўлатжон ҳофиз раҳбарлик қилади. Ёшларимизга эринмай мусиқа асбоблари чалишни, мумтоз куйлар, ашулаларни ўргатади. Шу сабаб, талабаларимиз саҳнага чиққанда мен уларни кумуш қўнғироқларга ўхшатаман, Бу тадбирлар қандайдир сана муносабати билан зўрма-зўраки ўтказилсагина болани чалғитади. Умумий таълим-тарбия ишларининг узлуксиз қисми сифатида ўтказилса, даражаси баланд бўлса, албатта, яхшиликка хизмат қилади. Мен қўшимча тарзида бўлса ҳам "Матбуот" деб номланган дарс ўтиш тарафдориман. Қайси касбдалигидан қатъий назар, болаларни газета-журналларга яқинлаштириш керак. Ўқимаган бола — интеллектуал ривожланишдан орқада қолаверади. Коллежимизда бой кутубхона бор, талабалар китоб ўқийди, аммо барибир даврий матбуотнинг ўрни бошқа...

Биз Бўритош Носирова билан узоқ суҳбатлашдик. Рухоният илми, чет эл ва рус адабиёти, мумтоз ва замонавий алабиётимизни яхши биладиган, гоҳ чиройли ҳазиллар билан суҳбатни енгиллаштириб турадиган бу аёлда бугунги кун ўқитувчисига хос сифатларни кўрдим. Мактабга, муаллимликка шайланиб турган йигит-қизларимизга уларнинг жонсараклиги, шиддатини тиладим.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

ҚОДИРИЙ БИЛАН СУҲБАТ

“Ўткан кунлар” романи асосида шеърий драматик талқин

Дарснинг мақсади:

Ўқувчиларнинг мавзу юзасидан олган билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ижодий тафаккурини ўстириш.

Бир ўқувчи олдинда туриб, “Ўткан кунлар” китобини қўлида тутиб, аста варақлайди, асарнинг сўнгги қисмларига келиб, Отабекнинг Кумушбиби қабри ёнида “Қуръон” тиловат қилиб ўтирган лавҳасини, айниқса, қабр тошида ёзилган жумлаларни ва марсия шеърни ғоят таъсирланган кайфиятда ўқийди, кетидан ўйчан ҳолда китобни тутганича, стулга ўтиради ва яна ўша шеърий марсиясини такрорлайди, дарс бошланади.

Ўқувчи:

Аё чарх, этдинг бунча жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лолазорин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг.
...Наҳот шундай бўлди фожеа
Нечун сўнди шодлик юлдузи?
Китобдаги бу шум воқеа
Ҳаётда ҳам бўлганми ўзи?
Изтироблар қўйнида руҳим
Мени мавҳум ҳисларга солар.
Ёш онгимда қўзғалар шу зум
Бир-биридан турфа саволлар.
Қодирийнинг қалбин тинглайман.
Гўё сўзлаб турар кўнглимга.
Туш эмас, йўқ, фикрига тўлган
Ушбу хаёл кўчди ўнгимга.

Иккинчи бир ўқувчи ёки ўқитувчининг ўзи Абдулла Қодирий тимсолида қуйидаги шеърни маҳзун кайфиятда, виқор билан, дона-дона қилиб, берилиб ўқийди.

Кўнглимдаги сирларим сиғмас руҳи равонга,
Вале аён барчаси ул Холиқи жаҳонга.
Асли тупроқ, қатра сув, бир қулдурман беуқув,
Қилар корим адашув, зорман ҳардам ғуфронга.
Ҳадду ҳисоб билмаган орзулар дил тирнагай,
Жоним бир зум тинмагай алдансам гар шайтонга.
Чархи дунё айланур, мағрур бошим хамланур
Бисёр кўзда намларим —
зорланаман Раҳмонга,
зорланаман Раҳмонга.

Ўқувчи сўзлайди:

Қаршисида унинг шу дамда
Пайдо бўлар Юсуфбек ҳожи.
Мусаффолик ичра оламда
Шоҳ у гўё — бошида тожи.
Салом берар Қодирий хушҳол,
Алик олиб сўз бошлар ҳожи.

Нуроний чеҳрали Юсуфбек ҳожининг тимсоли сифатида бир ўқувчи вазминлик билан сўз бошлайди.

Кексайган чоғимда менинг номимни,
Шонимни улуғлаб тутгувчи қалам.
Толиққан руҳимда эзгувчи ғамни
Сўзларнинг сеҳри-ла тўккувчи, болам!
Ташаккур айтаман сизга аввало,
Бул ғариб кўнглимни қилибсиз писанд.
Шукурким, муродим бахш этиб Худо
Юртимга берибди сиз каби фарзанд.
Қатма-қат оламлар билан кетдим мен
Эл ғами ақлимни айлаб паришон.
Тоқатим борича хизмат этдим мен
Ўзгалар айби-чун оғритиб виждон.

Ўқувчи сўзлайди:

Таъзим қилиб Ҳожи ота
Розилигин билдирар
Орқасидан Отабекнинг
Ёрқин юзи кўринар.

Отабек ўта хаёлчан ҳолда, саломни ҳам унутиб, ўзига-ўзи сўзлаганнамо кайфиятда гап бошлайди (Ўқувчилардан бири ижро қилади).

Ота-ўғил бўлиб — Ватан деб,
Қурбон этиб ширин жонимни,
Чин висолга етдим — мангулик
Топдим, мана, Кумушхонимни!

Ўқувчи сўзлайди:

Қодирийнинг титраб қалби
Тўлқинланди ҳислари,
Қаршисида турар ахир
Оҳу кўзли ҳур пари.
Таърифига тиллар лолу
Ақллар ҳам паришон.
Бир сўз билан айтганда, у
Нурдан яралган жонон
Ҳаё бирла салом берар,
Очиб ғунча лабларни.
Жон бағишлар сўзлар териб,
Ром айлайди қалбларни.

Ўқувчи қизлардан бири Кумушбиби сифатида Отабек ёнида туради, нимтабассум билан Қодирийга термулиб, майингина салом бериб, бироз эгилади, сўнгра сўз бошлайди.

Ҳолингиз нечук эй зору ғарибим,
Висоли ганжидан марҳум ҳабибим?
Нечун кўзингизда ғамнинг нишони,
Нечун юзингизда шаҳидлик қони?
Айтинг, нега, мени суйиб, эркалаб,
Беҳад таърифларни битган ошиқ қалб
Бу дам висолимдан шодон эмасдек
Ҳиссим нигоҳида ғамгин нафаслик
Ёки ўзгардими юрак шуурим,
Ёки туйғуларни тўсар сурурим?

Ўқувчи сўзлайди:

Икки ёрга дил сафоси
Бирла Қодирий сўзлар,
Юрагида ишқ сафоси
Тафаккури мунаввар.

Қодирий тимсоли Отабек билан Кумушбибининг рўпарасида туриб шундай дейди:

Эй, бегу бегойим, — шамсу қамарим,
Маъжозий тимсолим —
шеърим, ғазалим.
Сизларни фикрга толдирган ҳислар
Аслида қалбимнинг қаърида кезар.
Бек йигит, сиз менинг ботиний борим,
Кумушим —ватаним, гўзалим, зорим.
Мен жонни тикканман юртимга бутун
Сиз ёр деб ўлимга тайёрсиз шу-чун.
Онгимни банд этган элнинг ғамидир,
Дардимни аритган юрт чаманидур,

Ўқувчи сўзлайди:

Олийжаннат соҳиблари
Икки шоҳид — икки ёр
Ёзувчидан хушнуд
Таъзим қилдилар такрор...
Шунда, ногоҳ, бир кўланка,
Кириб келар телбавор
“Мен —Кумуш” деб, салом берар
Кўзёшлари шашқатор.

Зайнаб қиёфаси учун яна бир ўқувчи қиз қатнашади, аламзада кайфиятда сўзлайди:

Эй, ақлимдан айирган,
Қанотимни қайирган,
Ишқ солиб юрагимга,
Рашк, сувида чайирган.
Не муродинг бор сени,
Қотил айлашдан мени?
Севмоқлигим хатоми,
Ота юртим бегини?
Бекка лойиқ мен эдим,
Сен Кумушни дедингми?
Ҳаққим учун курашдим,
Айт, душманни енгдингми?

Қодирий бирдан:

Хоним Зайнаб, эсингни йиғ,
Қилма энди маломат.
Сен бир тимсол —ўз нафсин деб
Юртга қилган хиёнат.
Сен ҳасадгўй, дунёпараст
Мунофиқлар тимсоли.
Йўқдир сенда чин муҳаббат
Севгинг шайтон қуроли,
Ҳавои нафс талабида
Қон тўкувчи қотиллар
Яратганнинг ғазабига
Албатта йўлиқурлар.

Ўқувчи:

Ёришади онгим кечаси
Ойдай тўлган фикрлар билан.
Қодирийнинг ёрқин чеҳраси
Хотиримда қолди, дафъатан.
Руҳим яна қайтди жисмимга
Мана хаёл армуғон сизга.

Муҳаммад РАВШАН,
Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ИНСОН ЭРКИНЛИКНИ СЕВАДИ

Fikr

Мактаб остонасига қадам қўйган ўқитувчининг юриш-туриши, кийиниши, чеҳраси, айниқса, биз бугун озгина бўлса-да сўз юритишни лозим кўрган муомаласи муҳим аҳамиятга эга эканлигини устозларимиз кўп айтадилар. Бола шу муомала таъсирида ўсади, улғаяди, камол топади, ундаги барча инсоний қусурлар, камчиликлар, фазилатлар шу муомаладан сув ичади, қониқади, акс ҳолларда азият ҳам чекади.

Одатда ўқитувчилар ҳаётда орттирган у ёки бу касали ўқувчиларимга ўтиб қолмасмикин, юқумли эмасмикин деган эҳтиёт чора мақсадида тиббий кўрикдан ўтадилар. Бу яхши. Лекин ўқувчининг таълим-тарбия беришга муомаласи тўғри келмаса-чи? Устоз қўпол, сабр-тоқатсиз, ҳар нарсага ижирғанаверадиган, жеркийверадиган бўлса-чи? Овозидан дағ-дағ, қовоғидан қор ёғиб турса-чи? Муносабатларида ҳукмронлик, мажбурий итоаткорлик, бўлсачи? Бундай ўқитувчи синфига тушиб қолган ўқувчи ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бундай шароитга тушган болажон безовта, муте, қўрқоқ бўлиб ўсади, текис, бир маромда ривожланиш ҳолатлари бузилади. Унинг шижоати, ўктамлиги йўқолади. У ўз фикрини, ўйлаганини очиқ изҳор қилмайди. Билмаганини, тушунмаганини сўрашга ҳайиқади. Ўша ўқитувчи(си)ни кўрганида титраб туради, ундан қочишга, унга кўринмасликка, дарсларига қатнашмасликка ҳаракат қилади. Тезроқ дарслар тугашини, таътилга чиқишни орзиқиб кутади. Охир-оқибат бир пайтлар қувонч билан талпиниб келган жонажон мактабига энди келишга юраги бетламайди. Бу бир томони, иккинчи томони эса ҳакимларимизнинг айтишича, боладаги қўрқиш ҳисси унинг юрак ўйнаши, қон босими, диабет, асаб касалликлари, кечалари босинқираб туриш, алаҳсираш ҳолатларини пайдо қилар экан. Булар ҳаммаси болажоннинг сержаҳл, қўпол, асабий ҳукмдор (ўқитувчи)га исёнидир!

Қўполлик катталарда нафрат, болаларда қўрқоқликни уйғотади!

Болажон ширин сўзга, хуш муомалага интиқиб, зориқиб яшайди.

Болажон ўйнаб ўсади, ўйнаб ўйлайди, ўйлаб ўйнайди.

Болажон яйраб-яйраб ўқиши, тарбия олиши керак ва бутун ўқув-тарбия, дарс жараёни шунга кўмаклашиши, хизмат қилиши шарт.

Жуда оддий иккита мисол келтираман.

Кутубхона ўқув залида икки қизалоқ бутун олтмиш саволдан иборат сканвордни гоҳ луғатларни, гоҳ энциклопедияларни, гоҳ тарихий, гоҳ географик китобларни варақлаб ҳаш-паш дегунча қойилмақом қилиб тўлдириб қўйишди. Ёки олти соат дарсдан сўнг ҳордиқ чиқариш ўрнига ўн уч яшар болакайлар мактаб стадионида кечгача тўп изидан югуришди. Булар завқу шавққа тўла бўлиб олиш, чиниқиш ўйинлари, машғулотларидир. Ўйин орқали қизалоқлар олтмиш сирни билиб олишади, ўйин туфайли болакайлар уч километрдан ортиқ масофани чарчаш билмай югуришади.

Тажрибали, қобилиятли (!) муаллим у қайси фандан сабоқ бермасин ҳар бир дарсини ўйин, баҳс, мунозара, мулоқот, ҳазилу мутойиба, очиқ чеҳра билан ўтади-ки, бундай дарс машғулотларида болажонлар яйраб-яйраб ўқийди, сайраб-сайраб ўқийди, изланади. Бола баҳс, мунозара қилсин, фикр қилсин, гапирсин. Зотан, гапирадиган одам фикрлайди, фикрлайдиган одам гапиради.

Ҳамкасбларим 1986 йилда кичик бир воқеанинг гувоҳи бўлишган. Мактабимиздаги жуфт синфлардан бири билим юрти ўқувчиларига айлантирилди. Мажбурий, узлуксиз етти соат дарс, қатъий талаб, сўровлар, ҳар бир ҳаракати, қадами ҳисоб-китобли, назоратда бўладиган ўқувчилар билим юртига ўтгач бирмунча эркин бўлиб қолдилар. Хўш, биз ниманинг гувоҳи бўлдик, нимага ҳайрон қолдик. Билим юрти ўқувчилари тўққиз ой ичида ўз тенгдошларини бўй жиҳатдан 10-12 сантиметрга ортда қолдириб — келбатли йигитларга айланишди. Муомалалари ҳам ўзгарди: биз билан кулишиб, ҳазиллашиб суҳбатлашадиган, ўз фикрларини, мулоҳазаларини бемалол, дадил айтадиган, ҳатто баъзан эътироз ҳам билдирадиган, ўзига ишонган, ўктам йигит-қизлар бўлишди. Чиқарган хулосамиз шу бўлди: бола эркинликни севади!

Болани тергайвериш уни сиқиб қўяди. Уни ўзлаштира ололмаётгани (бунинг сабаблари бисёр, ахир) учун жеркийвермаслигимиз керак. Кенг миқёсда, чуқур мулоҳаза қилиб айтадиган бўлсак, бола билимини баҳолаш, сен фалон баҳога лойиқсан, сен фалончидан олдинда, фалончидан орқада дейишимизнинг ўзи тўғрими? Шу гаплардан кейин сенинг ўз феъллинг, ўз қизиқишларинг, ўз қарашларинг, ўз йўлинг, ўз қобилиятинг, ўз оламинг бор, деб айтиб бўладими?!

Болани ҳурмат қилишимиз, эъзозлашимиз керак. Қонун ҳам, инсоний мезон ҳам шуни талаб қилади. Эртага у ота бўлади, она бўлади, оиласининг, боласининг, сизнинг, менинг, унинг, бу гўзал юртнинг ор-номусини, шаънини ўз елкасига олади. Акс ҳолда у мутъе, қўрқоқ, шижоатсиз, ўз қадр-қимматини билмайдиган, сезмайдиган, лоқайд кимсага айланади.

Орифжон ВОҲИДОВ,
Бухоро вилояти Олот туманидаги 29-ўрта мактаб директори

ҲАР ХИЛ ТОИФАДАГИ ТАЛАБАЛАР

Фан ва техника жадал суръатда тараққий этаётган бир вақтда ўқиб-ўрганмаслик мумкинми? Ота-боболарингу кейинги авлод сендан ўзига хос бир янгилик, ихтиро кутаётган пайтда билим олиб, ақлни чархламаслик гуноҳнинг ўзгинаси-ку!

Ўзим талабалигим туфайли талабаларнинг дарсда, кўча-кўйда ўзларини тутишларию хулқ-атворлари ҳақида тўлароқ тасаввурга эгаман. Машғулот бошлангач, 5-10 дақиқа ўтиб, талабалардан икки-учтаси бамайлихотир кириб келади. Маъруза қилишга киришган ўқитувчининг хаёли бўлинади. Бундай талабаларнинг дарсга кирганидан кирмагани афзалроқ. Чунки улар дарсга келиши билан майнавозчилик бошланади. Дарсни на ўзи тинглайди, на бошқаларнинг билим олишига йўл қўяди.

Айрим талабалар эса дарс вақтида расм чизиш, парта бўяш ёки хаёл суриш билан банд. Дарвоқе, дарсга йўқламада "бор бўлиш" учун келадиган талабалар ҳам бор. Улар "отчисление" қилинадиганлар рўйхатига тушмай, бир амаллаб семестрни тугатиб олишса, олам гулистон. Бундайлар имтиҳонларни ҳам ўлда-жўлда қилиб топшириб оладилар-да, фақат бир амаллаб диплом олишни кўзлайдилар.

Турли кутубхоналарга кирувчи тенгқурларимиз афсуски кўп эмас. Аксарият ҳолларда талаба ўзи таҳсил олаётган таълим муассасаси кутубхонасидан маърузалар матнини олади, вассалом. Ҳаттоки, талабалар орасида дарсга мириқиб мизғиб олиш учун келадиганлари ҳам топилади. Аммо улар ўз "мақсад"ларига гоҳ эришади, гоҳ йўқ. Буниси ўқитувчига боғлиқ.

Юртимиз ривожланиши учун малакали кадрлар зарур. Толиби илм аҳлининг аҳволи шундай бўлса, биз бундай кадрларга эга бўламизми?

Талабалар билим олиш ҳуқуқлари борлигини яхши билишади. Аммо улар фуқароларнинг нафақат ҳақ-ҳуқуқлари, балки давлат ва жамият олдида бурчлари ҳам борлигини унутиб қўйишади. Афсуски, айрим тенгдошларимиз яратилган имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланишмайди. Ота-оналари нима учун шартнома пули тўлашганини, давлат ўқитувчи ва мутахассисларни жалб этиб, зарур шарт-шароитларни яратиб, эртага шунга яраша фаолият кўрсата оладиган мутахассисни кутишга ҳақли эканини ҳис қилмаганликлари мени қийнайди...

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Luqma

ЙЎЛОВЧИДА НИМА АЙБ?
ЁХУД 35-АВТОБУС ШОФЁРИНИНГ 35 ХИЛ ҚИЛИҒИ...

Ўзим талабаман. Шу боис, йўл транспортлари хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Ўзимга қулай бўлсин учун "йўл чиптаси" сотиб оламан. Ишим кўпроқ 20, 35 ва 69-автобусларга тушади. Лекин 20- ва 35- автобусларнинг халқимизга хизмат қилиш даражаси мени унчалик қониқтирмайди. Бундай дейишимга сабаб бор, албатта. Изоҳ сифатида қуйидаги воқеаларни келтирмоқчиман.

Бир куни 35-автобусда келаётган эдим. Автобус одам билан тўла. Эрталаб бўлганлиги боис йўловчиларнинг асосий қисмини дарсга шошаётган талабалар ташкил этарди. Университетга етганда, ҳамма талабалар тушишди.

Беш-ўнтача йўловчини ҳисобга олмаганда автобус бўшаб қолди. Тушаётганимда ҳайдовчининг зарда билан "Сенларни олиб келгандан кўра "пустой" келганим яхши эди", - дегани қулоғимга чалиниб қолди. Дардимни ичимга олдим.

Яна бир куни (аниқроғи, шу йилнинг 28 ноябрь куни) бир гуруҳ талабалар "Ҳамза" театрига бордик. Қайтаётиб 62-автобусга чиқдик. Ҳали ярим йўлга етмасимиздан ҳайдовчи автобусни тўхтатди-да, талабаларнинг тушишини талаб қилди. Биз тушмадик. Кейин у "майли олиб кетаман. Лекин йўл ҳақини тўлайсизлар"- деди. Бу орада бир катта ёшли аёл аччиқ-аччиқ гапирди. Шунда ҳам яна ҳайдовчи пинагини бузмади. Ниҳоят ҳеч ким тушмагач, йўлда давом этди. Автобус ҳаракатга келгач тўхтамай Ўрикзоргача кетаман деб дағдаға қилди. Шофёр хуллас, манзилимизга етмасимиздан тушириб юборди. Бу пайт хаво совуқ, кеч тушиб қолган эди. Уч бекат пиёда юриб ётоқхонага етиб олдик.

Биз— ЎзДЖТУ талабалари дарслар тугагач, (айниқса 15:00 да), табиийки бекатда тўпланиб қоламиз. Шу пайт 20- ёки 35-автобус келади-ю, тўхтамай ўтиб кетади. Ҳайдовчилар талабаларни ёқтиришмайди. Чунки ҳаммамизнинг қўлимизда "йўл чиптаси" бўладида. Умуман, "йўл чиптаси" борлиги учун талаба ёки бошқа йўловчи айбдорми? Унда йўл чиптаси нега чиқарилади? Бундай ҳолатлар афсуски бир-икки вақт-ҳодиса билан чекланмайди.

Ана шунга ўхшаш ноҳақликлар мени ёзишга ундади. Биз-талабалар юқоридаги саволларга жавоб олишни ва бу камчиликлар бартараф қилинишини кутиб қоламиз.

Шаҳноза ИСМАТУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ инглиз филологияси факультети II курс талабаси

Jahon mutafakkirlari

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИШ - ҲАЁТ ВА ЖОН МОҲИЯТИ

Ислом динида худди христиан динидагидек, жоннинг танадан танага ўтиш таълимоти инкор этилиб, жон танага фақат бир марта киради, деб ҳисобланган. Ибн Сино "Нурланиш" асарида қайта тирилиш ва жоннинг танадан танага ўтиш масаласини кўтаради. Бу масалани таҳлил қилиш учун Ибн Сино маъад тушунчасини киритади. Ибн Сино маъад тушунчасини қуйидагича таърифлайди; "Маъад — бу нарсалар ва ҳолатларнинг дастлабки жойи бўлиб, нарсалар ва ҳолатлар бу жойдан ажралиб кейин унга яна қайтиб келади."

Ибн Сино маъад тушунчасининг хилма-хил таърифларини таҳлил қилади. Бу масала бўйича ўрта аср муаллифлари ўртасида қарама-қарши фикрлар пайдо бўлган. Бир қисм муаллифларнинг фикрича маъад маконига фақат тана қайтар экан, бошқа муаллифлар фикрича эса маъадга тана ҳам, жон ҳам қайтади.

Биринчи қисм муаллифларининг фикрини хато деб ҳисоблаган яна бир гуруҳ муаллифлар фикрича, маъадга фақат жон қайтар экан. Тана ўлгандан кейин жон маъадга ўтади, ундан эса, яна қайтиб ерда янги танага киради. Маъад ҳолатидан жоннинг қайтиши ва бир танадан бошқа бир танага ўтиш ҳолатини тан олувчи муаллифларни Ибн Сино таносух тарафдорлари деб ҳисоблайди. Таносух тарафдорларининг қарашларини Ибн Сино бир неча гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳдаги мутафаккирлар фикрича, инсон жони маъад маконидан фақат инсон танасига қайтиши мумкин. Иккинчи гуруҳ тарафдорларининг фикрича, инсон жони ўз қилмишларига яраша инсон ёки ҳайвон танасига ҳам ўтиши мумкин. "Нурланиш" асарида Ибн Сино таносух таълимотининг асосларини таҳлил қилиб, уларга мантиқий ёндашади. Ибн Синонинг фикрича, жон моҳияти тананинг моҳияти билан боғлиқ бўлмайди ва жон танадан ташқари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Демак, жон тана пайдо бўлишидан ҳам олдин мавжуд бўлган.

Ибн Синонинг фикрича, таналар миқдорига нисбатан жонлар миқдори чегараланган. Шунинг учун ҳам жон танадан олдин мавжуд бўлиши керак. Жон танадан чиқиб кетса, унинг кейинги ҳолати танага муҳтож эмас.

Агар бу фикр тўғри бўлса, жоннинг келиб чиқиши тананинг келиб чиқишига боғлиқ бўлмайди. Демак, жон танадан олдин яратилган. Жон танадан олдин яратилганлиги учун миқдор жиҳатидан танага нисбатан чегараланган. Таналар миқдори эса, чегараланмаган ва чексиздир. Шундай қилиб, жоннинг танадан танага ўтиш жараёни мантиқий жиҳатдан зарурийдир.

Ибн Синонинг фикрича, жон танага жойлашган, аммо тананинг ҳолати эмас. Жон тана учун ҳаётий куч бўлиб, уни ҳаракатта келтиради, қон томирларидаги қонни ҳайдаб барча аъзоларни ҳам ҳаракатта келтиради. Ибн Сино жон ва тана ўртасидаги муносабат материя ва шакл ўртасидаги муносабатта ўхшайдими, деган масалани кўтариб, жон тананинг шакли ва тана жоннинг материяси деб ҳисоблаш мумкинми, деган масалани ўртага ташлайди. Ибн Сино бу фикрни хато деб ҳисоблайди ва акс ҳолатдан жон танасиз мавжуд бўлолмас эди, деб ҳисоблайди.

Жон ўзига хос танага эга бўлиб, бу тана моддий эмасдир. Жоннинг ўзига хос танаси кўзга кўринмайди ва сезгилар томонидан ҳис қилинмайди. Маъад макони жоннинг макони ва ҳолати бўлиб, жон танасидан чиқиб кетганидан кейин яна асл ҳолати ва маконига қайтади. Ибн Сино жоннинг моҳияти нур бўлиб, жон маъад ҳолатида нурланади, лекин ҳамма жонлар тўрт табақа ёки босқичга ажратилади деб ҳисоблайди.

Биринчи босқичдаги жон ер ҳаётида комилликка интилган инсонларнинг жонидир. Бу инсонлар ҳаётидаги жисмоний ва моддий тўсиқлар қанчалар кучли бўлган бўлса, уларнинг комилликка интилиши ҳам шу қадар кучли бўлган. Бу босқичдаги жонлар тананинг нафс ва ҳирс каби ҳиссиётларини енгиб, ердаги ҳаётда комилликка эришган жонлардир. У дунёда бу жонларнинг жойи жаннатдир. Маъад ҳолатида бу жонлар нурланиб, ўзлари нурга айланади. Ибн Сино бу жонларни нурли жонлар деб атайди.

Иккинчи босқичдаги жонлар ҳақиқат йўлини ва покланиш йўлини билган жонлардир. Лекин улар танасидаги нафс ва ҳирс ҳиссиётларига қарши кураша олмайдилар. Бу босқичдаги жонлар ердаги ҳаётда комилликка эриша олмаганликлари учун азият чекадилар. Бу жонлар танадан ажралганидан кейин Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўладилар ва юқори босқичга кўтариладилар.

Учинчи босқичдаги жонлар ҳеч кимга зарар етказмайдиган лекин комилликка ҳам интилмайдиган инсонлар жонидир. Бу жонлар ҳолати ҳаёт гирдобида айланаётган хас ҳолатини эслатади. Комилликка интилмаган жонларнинг ҳолати аянчли бўлиб, улар ҳаёт гирдобида азият чекишга мажбурдирлар. Маъад ҳолатида бу жонларнинг жойи жаннат ҳам бўлмайди, лекин улар дўзах азобларидан ҳам холидирлар. Уларнинг жойи аросатдадир.

Тўртинчи босқичдаги жонларни Ибн Сино гуноҳкор жонлар деб атайди. Бу босқичдаги жонлар ер ҳаётида ёмонлик ва зўравонлик қилган гуноҳкор инсонларнинг жонидир. Бу жонларга маъад ҳолатида ўзлари қилган барча ёмонликлар ўзларига қайтиб келади. Демак, маъад ҳолатига нафақат жон, балки унинг барча қилган яхшилик ва ёмонликлари ҳам ўтади. Бу асарда Ибн Сино таносух таълимотини танқид қилувчилар фикрига қўшилади ва ўзининг фикрини исботлаш учун далиллар ҳам келтиради. Таносух таълимотининг танқиди юзаки мантиқий далилларга асосланган эди, "Нурланиш" асарининг бошида Ибн Сино жоннинг танадан олдин яратилишини мантиқий далиллар билан исботлайди, кейинги бобларда эса ўзининг айнан шу исботини мантиқий далиллар ёрдамида инкор этади. Унинг фикрича жон ва тана бир вақтда яратилиб, бири бирисиз яшолмайди. Шунинг учун бир танада фақат бир жон бўлиши мумкин. Таносух таълимотини танқид қилар экан, Ибн Сино тананинг ўлимидан кейин жон бошқа танага ўтмаслиги ҳам мумкин, деган фикрни айтиб ўтади. Бу фикрни Ибн Сино эҳтиёткорлик билан "бўлиши мумкин", "эҳтимол" деб айтиб ўтади. Ибн Синонинг таносух таълимотини танқид қилишга қаратилган бу фикрлари унинг аввал ўтилган таносух таълимотини исботлайдиган мантиқий далилларига зид келади. Ибн Сино таносух таълимоти танқидига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошди ва бу таълимотнинг ички моҳиятини ташкил этувчи жоннинг руҳий ривожланиш ғоясини сақлаб қолди. Унинг фикрича, жон ўзининг руҳий ривожланиши жараёнида кўп босқичлардан ўтади. Худди инсон ўз ҳаёти давомида ўзгариб, ривожланиб боргандай жон ҳам ўзгариб боради. Модомики, жон танани ҳаракатта келтирувчи илоҳий куч экан, албатта ўзгариш ва ривожланиш жараёнидаги ҳолатларнинг барчасидан ўтади. Жоннинг моҳияти унинг нур ва куч эканлигидадир. Нур эса майдон ҳолатига хос бўлган ўзгарувчан энергиядир. Ибн Синонинг таносух таълимотининг танқиди жоннинг бир танадан иккинчи танага механистик шаклда ўтиш тасаввурига қарши қаратилган эди. Лекин бу таълимотнинг моҳиятини ташкил этувчи руҳий ривожланиш ғоясини Ибн Сино шак-шубҳасиз сақлаб қолди. Жон бир босқичдан иккинчи босқичга ўтар экан комилликка интилади, руҳий покланиш натижасида комилликка эришиш унинг олий мақсадидир. Энг олий босқичда жон нурга қўшилиб, шу орқали оламий жонга қўшилади. Инсон жонининг оламий жон билан қўшилиши жоннинг руҳий ривожланиш жараёнининг энг юқори босқичида содир бўлади. Оламий жон билан қўшилиш, Оллоҳнинг висолига етишиш таносухнинг олий бир мақсади деб қаралса, Ибн Сино бу мақсадни инкор этмади. Аксинча, ўзининг барча асарларида бу мақсадга эришиш йўллари ва усуллари ҳақида фикр юритди. Оллоҳ висолига етиш инсон жони руҳий роҳатланиш ҳолатининг энг юқори чўққисидир, ҳинд фалсафасидаги ибора билан айтганда бу нирвана ҳолатидир. Ибн Сино руҳий роҳатланишни ҳиссий роҳатланишдан ажратиб, улар ўртасидаги фарқни кўрсатиб ўтди.

Ҳиссий лаззатланиш инсоннинг нафс ва ҳирсини қондиришга боғлиқдир. Инсон танасининг ўлими билан ҳиссий лаззатланиши ҳам ном-нишонсиз йўқолади. Демак ўз нафси ва ҳирсини қондиришга интилган инсон бу фоний дунёда маъносиз ҳаёт кечиради ва қалбидаги эзгу ниятларни юзага чиқара олмайди. Эзгуликка интилиб яшаш Ибн Сино фикрича, инсоннинг ўз ички оламига киришидир. Бу оламда яшириниб ётган нурли сиймо билан қўшилиш ва бунинг натижасида нурланишидир. Ҳиссий билиш жараёни Ибн Сино фикрича, инсон қалбида яширилган ички билимни, ҳақиқатни билишга олиб бормайди. Ақлий билимни Ибн Сино айнан шу қалбдаги ички билимга боғлайди. Шунинг учун Ибн Сино ақлий билимни икки турга бўлади. Ақлий билимнинг бир шакли тана эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса, бошқа олий бир шакли инсон қалбидаги ички билим билан боғлиқдир ва актив фаолият ҳолатида мавжуддир. Бундай ақлнинг шаклини Ибн Сино фаол ақл деб атайди. Инсон жони ўз ривожланишининг юқори босқичида ўз-ўзини англайди ва бунинг натижасида фаол ақлга етишади. Фаол ақл жоннинг фаолиятидир ва у ташқи оламни акс эттириш ҳолати билан индивидуал мутлоқ фарқ қилади, фаол ақл орқали инсон руҳи оламий руҳга боғланади, инсон жони эса, оламий жон висолига етишади. Демак, фаол ақл бу акс эттириш эмас, балки маҳбубнинг висолига етишиш, яъни Оллоҳнинг висолига етишишга қаратилган ирода ва муҳаббат кучидир. Ибн Сино ўзининг "Саломон ва Ибсол" асарида бу фикрни ривожлантириб, Ибсол образида инсон ўз қалби орқали илоҳий муҳаббатта эришиш жараёнини кўрсатади. Бундай фаол ақлга "Нурланиш" асаридаги фикри бўйича жон фақат энг юқори босқичда эришиши мумкин. Бу босқичда жон ўзининг нафс ва ҳирс занжирларини узиб, эркин руҳ билан қўшилади ва руҳий ақл босқичига эришади. Руҳий ақл ёки фаол ақл даражасида жон ўз-ўзини англайди ва гапирувчи жонга айланади. Инсон қалбида эшитилувчи ниҳоятда нозик овоз айнан жоннинг овозидир. Бундай босқичга кўтарилган жонни Ибн Сино гапирувчи жон деб атайди. Руҳий ривожланиш жараёнида бу босқичга кўтарилган одамлар ниҳоятда камчиликни ташкил этадилар. Бошқа босқичдаги жонлар учун бу ҳолатга эришиш фақат ўлимдан кейингина мумкиндир. Фақат ўлим нафс ва ҳирс занжирларини узиб, жонни тандан озод этади ва бу танани бошқарувчи ақл занжирларини ҳам парчалайди. Лекин ўз ҳаёти давомида руҳий покликка интилиши ва ўз-ўзини ўзгартириш, ўзининг ички камчиликларига, худбинлигига қарши курашиш ҳам бу занжирларни парчалашга олиб келади. Ибн Синонинг фикрича, эзгуликка интилиш, инсон ҳаётининг моҳиятини ва ҳаётий куч бўлган жон моҳиятини ташкил этади. Жон бу фоний оламдан боқий оламга ўтар экан, ўзининг асл маконига қайтади ва бу маконда комилликка эришган жон оламий ақлга, оламий руҳга ва оламий жонга қўшилади. Бу қўшилиш натижасида эса, инсон жони нурга айланади ва малак даражасига кўтарилади. Шундай қилиб Ибн Сино фаол ақлни юқори босқичдаги жоннинг фаолияти деб ҳисоблайди. Ибн Синонинг бу қарашлари Шарқ фалсафасига хос бўлган қарашлардир. Масалан, ҳиндларда ҳам ақл бир неча шаклларга бўлинади. Энг пастки шакли "тамас". Бу ҳайвоний онгдир. Иккинчи босқичи — "манас". Бу тана эҳтиёжларини бошқарадиган ақлдир. Энг олий шаклда эса "раджас". Бу жоннинг актив, олий фаолиятидир. Ибн Сино таълимотидаги фаол ақл айнан "раджас" ақлга тўғри келади. Ҳинд фалсафасида "раджас" донишмандлик деб ҳам ҳисобланади ва у қалбдаги уч япроқли нилуфар гулининг донолик япроғини ташкил этади. Қолган иккита япроғи эса, бу илоҳий муҳаббат ва илоҳий иродадир. Ҳинд фалсафасида ҳақиқатни билиш бу қалб овозини эшитишдир. Қалб эса бу руҳий юракдир ва жон комилликка эришгандан кейин энг юқори босқичда руҳий юрак билан бирлашади. Демак, Ибн Сино таълимоти бўйича ҳам ҳақиқатни билиш бу қалб овозини эшитишдир. Лекин бунинг учун инсон руҳий хотиржамликка эришиши ва фикрлар оқимини бошқара олиши керак. Акс ҳолда инсон қалб овозини эшита олмайди, бу овозни бошқа ақл оқимидаги фикрлар овози адаштиради ва хато фикрларга олиб келади.

Ибн Сино ўз ижодининг иккинчи қисмида "Ҳай ибн Яҳзон" асарида фаол ақл тимсолини ниҳоятда яхши очиб беради. Ибн Сино фикрича шайтоннинг иккита шохи бўлиб, бир шохи осмонга кўтарилган, иккинчиси эса ерга қаратилган. Бу шохларнинг ўртасида эса қуёш порлаб туради. Шайтоннинг ерга қаратилган шохи инсоннинг ҳиссий билишидир. Осмонга кўтарилган шохи эса, ақлий, мантиқий билишидир. Шайтоннинг ўзи ким? У инсон табиатида яширинган психик кучдир. Бу онг асли ҳиссий ва ақлий билишни бошқаради. Шохлар ўртасидаги қуёш эса, инсоннинг илоҳий онги, қалби тимсолидир. Айнан мана шу илоҳий онгни Ибн Сино фаол ақл деб атади ва қалб билан боғлади. Ҳинд фалсафасида ҳам инсоннинг онги қалб билан боғланиб қуёш образида ифодаланади ва бу қуёшнинг марказида жойлашган кўз, қалб кўзи деб аталади. Бундай образларни биз ҳиндларнинг машҳур асари "Бхагавадгита"да ҳам учратишимиз мумкин. Бу асарда ички билим инсон қалбида яширинган илоҳий билим деб аталади. Бу билимга инсон ақл орқали етишолмайди, аксинча, фақат ақлни тўхтатиб, фақат зикр ҳолатида илоҳий эшитиш ва илоҳий кўриш орқали етишиши мумкин. Ички билим бу руҳий билимдир ва инсон руҳининг интилиши. Ҳаётий жўшқинлиги натижасида юзага чиқади. Ички билим инсон ақлининг ривожланиш, фан ва маданият тарихи давомида юзага келган билимлардан тубдан фарқ қилади. Лекин уларни инкор этмайди. Бу масалада Ибн Сино асарларидаги ақлий ва руҳий билиш ўртасидаги муносабат ҳақидаги фикрлари Ғарбий Европанинг иррационализм фалсафасининг машҳур вакили Анри Бергсон фикрларига ўхшаб кетади.

Бергсон ҳам билиш жараёнида интеллектуал ва интуитив билимни ажратади. Интеллектуал билим бу, моддий ҳаётни акс эттирувчи онг бўлиб бу онг қотиб қолган онгдир. Интуиция эса, руҳий ҳаётнинг ҳолати бўлган ҳаётий жўшқинлик натижасида пайдо бўлади. Бу ҳаётий жўшқинлик инсон қалбида ички ҳиссиёт, интуицияга айланади. Инсон интуиция орқали ўз ички оламига кириши мумкин ва бу ички оламда ички билимларга эга бўлади. Улар эса инсонга тасаввурлар, образлар орқали берилади. Демак, Бергсон фикрича, ички билим тасаввурларга асосланган образлардир. Биз бу образларни қалб кўзи орқали кўришимиз мумкин. Бергсон ижодидаги бу ғоялар Шарқ фалсафаси дунёқараши билан бир ва ҳамоҳангдир.

Республикамиз Президенти И.Каримов ўзининг нутқ ва асарларида Ғарб ва Шарқ маданиятларини бирлаштирувчи фалсафий оқимга эътибор беришни таъкидлаб ўтадилар. Бу оқимнинг машҳур вакиллари Фридрих Ницше, Артур Шопенгауэр, Сартр ва Камю ижодида ҳам инсон масаласи ва инсон ҳаётининг моҳияти диққат марказига қўйилган. Инсон масаласи ва инсон ҳаётининг руҳий қирралари Ибн Сино асарларининг ҳам марказидадир. Биз бу асарларни ўрганар эканмиз, Ибн Сино ғояларининг ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда қандай ривож топганлигини ҳозирги замон фалсафасида кўришимиз мумкин. Ҳозирги замон фалсафасида руҳий масалаларни кўтарган иррационализм оқими аслида инсон тафаккуридаги интеллектуал билимларни рад этмайди, аксинча уларни руҳий билимлар билан алоқадорликда ўрганади. Материя ҳаётини ўрганувчи рационал билим ва руҳ ҳаётини ўрганувчи интуитив билим бир-биридан руҳ ва тана сингари ажралмасдирлар. Ибн Сино фалсафий ижоди марказида айнан шу руҳий масалалар турганлиги учун биз уларни ушбу мақоламизда таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Гулчеҳра ҚОБУЛНИЁЗОВА

АДАБИЙ КЕЧА

Республика кўзи ожизлар кутубхонасида кўзи ожизлар маданият уйи ва Нукус бошланғич ташкилоти томонидан "Улуғ бобомиз Бердақ Қарғабой ўғли 175 ёшда" адабий кечаси ўтказилди. Тадбирда катта китоб кўргазмаси ташкил этилди. Ўқувчилар ҳам ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича керакли жавоблар олди. Кечада Қорақалпоғистон Ёзувчилар Уюшмасининг бир гуруҳ меҳмонлари иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

Қорақалпоғистон республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан "Президент арчаси" байрамини ўтказиш борасида турли хил тадбирлар ўтказилди. Катта театрлашган концертда Бердақ номидаги Қорақалпоқ мусиқий театри, С.Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ Давлат "Ёш томошабинлар театри,Қорақалпоқ Давлат Қўғирчоқ театри, "Аму тўлқини" фольклор —этнографик ансамбли, "Гулзар" фольклор ансамбли, "Айқушлаш" Қорақалпоқ миллий рақс ансамбли ва "Орзу" ансамбли ўзининг дилрабо куй қўшиқ ва рақслари билан болажонлар кўнглини хушнуд этди. Бундай концерт дастурлари туман маданият уйлари томонидан кам таъминланган оилалар болаларига, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ранг —баранг байрам дастурини намойиш этди.

Мухтасархон КАРИМОВА

"МАҲОРАТ МАКТАБИ" ИЗЛАНИШДА

Нодира номидаги Наманган вилояти илмий-оммабоп кутубхонаси қошида ёшларга касб ўргатиш ниятида ташкил этилган "Маҳорат мактаби" ташаббускор гуруҳи ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бугунги кунда бу ерда Асадбек Аҳмадалиев бошчилигидаги 50 нафар ўқувчи дарсдан бўш вақтларида тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

—Гуруҳимизга асосан мактабларнинг юқори синф ўқувчилари жалб этилган. Улар уч ой мобайнида тикувчилик сирларини мукаммал эгаллайдилар. Курсни ташкил этишдан мақсад, ёшларнинг бўш вақтларини беҳуда ўтказмасликка эришиш, қолаверса, халқ хўжалигига малакали мутахассислар етказиб беришдан иборат, —дейди Асадбек Аҳмадалиев.

Наманган вилояти,
"Туркистон-пресс"

Voqea

ЮРАГИМДА ҚОЛГАНСИЗ УСТОЗ

Саудия Арабистонига борганимда тўрт шогирдимни кўриб, кўзим чақнаб, дилим ором олганди. Бири профессор, қолганлари турли касб эгалари эди. Улардан бири ҳар тонг ётоқхонамга келиб: Устоз яхши ухлаб турдингизми, дея у-бу тансиқ таомларни, лаззатли ичимликларни олиб кирарди. Ҳамма ҳамроҳларим ҳайрон. "Амаки, бу ким ўзи, бунча меҳрибон бўлмаса?" Ота-онасигаям шундоқмикин-а? Ҳа, шундоқ эдию, афсус улар роҳатини кўрмай оламдан ўтиб кетдилар. "Устоз отангдай улуғ" деган нақлнинг беҳудага айтилмаганини ўшанда билгандим. Умрим бўйи мактаб устахонасида ҳунармандчилик сирларини ёшларга ўргатиб, уларнинг таҳсин ва эъзозига сазовор бўлганимдан хурсанд эдим. Шогирдларнинг 98 фоизида ҳунар эгаллашга катта иштиёқ сезилиб турарди. Ҳар хил рўзғор буюмларидан тортиб, 4-6-8 қиррали бадиий курсилар, креслоларни кичик ҳажмда ишлаб, кўргазмага қўярдик. Ўқувчининг исми, шарифи, синфи ёзилган бўларди. Қўли келиб қолган 9-,10- синф ўқувчилари ўйинчоқлар ясаб, сотиб, тўртта нон кўтариб онасининг олдига кириб борганлари бўлган. Бундан ортиқ завқ борми? Ўқувчиларни йиғиб суҳбат чоғида: "Болажонлар энди катта бўлиб қолдиларингиз. Отаонангиз сизларнинг камолингизни кўриш учун елиб-югуриб ҳаракат қиляптилар. Буни сезасизлара? Буни унутманг, қалбингизда сақланг", дердим. Улар орасидан кўп болали, ҳоли тангроқ, қийналганларини сезиб, дарсдан сўнг олиб қолиб турли буюмларни ясашни, шахмат доналарини ясаб шахмат ўйинини ҳам ўргатардим, Пайтдан фойдаланиб, 5-8 ўқувчимга ошхонадан нон, компотлар келтириб сийлардим. Ориятлилари ийманса; "Қани олинглар енглар, мен сизларнинг тўйингизда меҳмон бўламан", дердим. Суҳбатларим чоғида болажонлар ҳаётни уч нарса ҳунар – зар билан, илм – зиё билан, тижорат – савдо билан яхшилаш мумкин", деб айтардим. "Турли тилларни мукаммал билсангизлар, дунё кезасизлар. Ҳузур қиласизлар. Ҳунар эгаллассангиз ҳаётингиз ҳалол, зиёда бўлади", дердим. Бир ўқувчим инглиз тилини ўрганибди. Қизиқиш қобилиятини сезган тоғаси унга муаллим ёллабди. Тасодифни қаранги, Саудия Арабистонида бўлиб қайтаётиб, Жидда шаҳрида самолёт кутиб ўтирсак, норғул, оппоққина йигит келиб, бағрини очиб, "Устоз Анварҳон ака, тушимми? Ўнгимми? Ўтиринг устоз", деб тансиқ, ширин ичимликлар, март ойида қаердандир келтирилган тарвуз билан меҳмон қилди. Бирга учамиз она юртимизга, дея сўзлай кетди: "Акажон, устахонада ҳунар ўргатгансиз. Қўлинг келиб қолса яхши уста бўласан, деб эркалаб, тасалли бериб қизиқтиргансиз. Яна компотлар, ширинликлар келтириб овқатлантиргансиз. Шу куни уйдан чой ичмай келгандим. Бу сахийлигиз, меҳрингиз билан юрагимда қолгансиз устоз", – деб хўрсиниб эркаланарди. Самолётда ҳам меҳмондек сийлаб, совғалар келтириб "набираларингизга олиб борарсиз", деди. Яхши гап, ўгит, насиҳат қалб озуғи экан.

Анвархонҳожи АҲМАДҚОРИ ўғли,
Халқ таълими аълочиси

Хитойликларнинг "Айтсанг унутаман, кўрсатсанг эслаб қоламан, ўзим бажариб эса англаб етаман" деган мақоли айнан юқорида кўрсатилган усуллар замирига сингдирилган, десак янглишмаймиз.

КИЧИК ГУРУҲЛАРДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

OTB loyihasi doirasida

Бугунги кунда мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасаларида меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида турли хил семинарлар, тренинглар, илмий-амалий анжуманлар кўплаб ўтказилмоқда. Осиё Тараққиёт Банки кредит лойиҳаси доирасида ўтказилиб келинаётган семинар-тренинглар ҳам ана шундай тадбирлардан ҳисобланиб, улар ўз олдига Ўзбекистонда ЎМКҲТ тизимини ислоҳ қилиш, хусусан мамлакат таълим тизимининг ўрта бўғинида ишлаётган педагог ва муҳандис-педагоглар касб малакаларини ошириш мақсадларини кўзлайди. Мазкур лойиҳага кўра, ЎМКҲТ муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни уч босқичдан иборат бўлиб, шундан биринчи босқичи бўйича дастлабки семинар-тренинг "Таълим самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусида пойтахтимиз таълим муассасалари орасидан ушбу лойиҳага киритилган Тошкент агротижорат, Тошкент авиасозлик, Юнусобод радиотехника ва Чилонзор радиотехника, автоматика ва электроника касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтди. Унда 120 нафар ўқитувчи иштирок этди. Натижада улардан 84 нафари тингловчи, 36 нафари тренерлик унвонига сазовор бўлишди. Бу семинар-тренинг каскад (тармоқланиш) усулида ўтказилаётганлиги боис, кейинги тадбирларда Тошкент шаҳар ЎМКҲТ ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги барча таълим муассасаларидан ўқитувчилар қатнашишади. Малака оширишнинг ушбу дастлабки босқичи асосан таълим самарадорлигини ошириш йўллари масаласига бағишланганлиги боис, унда таълим беришнинг янги усуллари орқали таълим жараёнини ўзгартириш, янги педагогик технология элементларидан фойдаланган ҳолда замонавий усул-услублар билан билим бериш вазифаси илгари сурилди. Жумладан, анъанавий ва ноанъавий дарсларнинг афзаллик ва камчилик томонларини англаб етиш, таълимнинг янгидан-янги усулларини дарс жараёнига олиб кириш масалалари кўзда тутилди. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини кенг қўллаш, бунинг натижасида эса ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришиш масаласи ҳам кўзланган мақсадлардан бири бўлди.

Барчамизга маълумки, анъанавий ўқитиш жараёнида дарслар асосан ўқитувчи яккаҳукмронлиги орқали олиб борилса, ноанъанавий ўқитиш жараёнида эса дарслар ўқувчи шахсига эркинлик бериш, яъни таълим бераётган ўқитувчи ҳамда таълим олаётган ўқувчи орасидаги муносабатларни ойдинлаштириш асосида ташкил этилади. Ноанъанавий дарслар жараёнида кўпинча кичик гуруҳлар билан ишлаш ғояси илгари сурилиб, бунда юқори самарадорликка эришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

Баҳслар. Ўқув гуруҳини икки қисмга ажратган ҳолда бирор мавзу бўйича ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган жараён. Бунда ўқувчилар фикри чархланиб, ўзаро рақобат ҳисси уйғонади ва интилиш кучаяди.

Тадқиқот. Таълим олувчиларнинг айрим тадқиқот ишларини, яъни диплом ва курс лойиҳалари, битирув ишларини илмий асосланган ҳолда мустақил бажаришлари, уларни ёзиш жараёни ва қўйилган мақсад ҳамда натижаларни таҳлил қилишларидан иборат. Бу орқали ўқувчиларда изланиш қобилияти оширилади.

Музёрар. Таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги "тўсиқ"ни йўқотишга қаратилган ўйин усулида бўлиб, бу орқали ўқувчиларда ўз фикрини эркин ва мустақил баён қилиш тажрибаси ошади.

Ўйинлар. Ишбилармонлик ёки ролли(вазиятли) ўйинлар муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

Лойиҳалаш ишлари. Бу усул билим ва малакаларни таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий йўлини амалга оширади. Лойиҳа усулида ўқувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Китоб билан ишлаш. Ушбу усул таълим олувчиларнинг ўқув қуроллларини мустақил ўзлаштиришини, ўз-ўзини текширув малакаларини, берилган матннинг мазмунини тўлиқ ва онгли равишда баён эта билишига қаратилган усулдир.

Индивидуал (амалий) усул. Таълим олувчилар олинган билимларини амалий вазифани ечишга қаратадилар. Бу усул назарий олинган билимларни амалиётга татбиқ қилишни кўзлайди.

Суҳбатлашишлар. Бу ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол-жавоб усулидир. Суҳбат индивидуал ва гуруҳ шаклида ўтказилиши мумкин.

Пинборд (инглизча—"ёзув тахтасида мустаҳкамлаш" сўзидан). Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Таълим олувчилар ахборотлари, маълумотлари ёзув тахтасида тартиб билан жойлаштирилади.

Бошқаларни ўқитиш. Бу усулда таълим олувчилар қўйилган муаммо бўйича бир-бирларига ахборотлар ва маълумотларни ўргатадилар.

Давра суҳбати. Бунда таълим олувчилар давра столида ўтириб, бир-бирларининг саволларига конверт орқали жавоб ёзишади.

Хитойликларнинг "Айтсанг унутаман, кўрсатсанг эслаб қоламан, ўзим бажариб эса англаб етаман" деган мақоли айнан юқорида кўрсатилган усуллар замирига сингдирилган, десак янглишмаймиз. Зеро, кичик гуруҳларда олиб бориладиган ушбу таълим методлари кўпроқ амалий машғулотлар тарзида олиб борилади.

Семинар-тренингда айни ана шундай дарс жараёнларининг намуналари кўрсатиб берилди ва тарғиб қилинди. Бу катта ёшдаги педагог-ўқитувчиларни ҳам анча қизиқтириб қўйди. Чунки таълимнинг гуруҳли шакли "таълим берувчи — таълим олувчи" диалогидан воз кечишни ва "таълим берувчи — гуруҳ — таълим олувчи" кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга асосланишни кўзда тутади. Бу эса, биринчидан, таълим самарадорлигини оширса, иккинчидан, дарсда фақат ўқитувчи эмас, балки ўқувчилар ҳам ҳаракатда бўлишига, натижада ўқитувчининг кам чарчаб, кўпроқ маълумот бера олишига сабаб бўлувчи омилдир.

Семинар-тренингдаги тажриба шуни кўрсатдики, бу жараёнда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида анча мустаҳкам алоқа ўрнатилади, бир вақтнинг ўзида таълим жараёнида жамоавий руҳий ҳолат кучаяди. Таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати ташкиллашади, у эса ўқув-билиш жараёнининг фаоллашишига, ўқувчилардаги эмпатия (қизиқиш)ни, коммуникативлик (ўзаро алоқа)ни шакллантиришга кўмаклашади. Бундан ташқари, ушбу жараёнда таълим олувчиларнинг вазифани ҳамкорликда бажариши, ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилиши—мотивация(интилиш)си пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик гуруҳларда турли усулларда ишлаш жараёни таълим берувчи ва таълим олувчини ҳар томонлама қониқтирувчи ҳамда шу орқали таълим самарадорлигини оширувчи муҳим омилдир. Шуни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, ташкил этилаётган ушбу семинар-тренинглар ҳар томонлама ўз самарасини беради.

Зуҳра ТУРАНОВА,
Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси томонидан ОТБ лойиҳаси координатори, тренер

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИДА НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

Kasbga yo'naltirish

Айни кунда ёшларимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларни бой маданий меросга, тарихий анъаналарга ҳурмат, Она-Ватанга муҳаббат, умуминсоний ва миллий қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш ишларида илм ва ҳунарнинг ўрни беиҳоят каттадир. Шу боисдан ҳам ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизнинг илм-фан, касб-ҳунар ўрганишларида зарур кўникма ва малакаларни мукаммал эгаллашлари борасида барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимининг таркибий қисмлари бўлган умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш борасидаги амалий ишлар сирасига ўқувчиларни муайян бир касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда педагогик-психологик ташхис ишларини юксак даражада ташкил этиш масалалари киради. Айни кунда умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилиши долзарб ҳисобланган вазифалардан бири ҳам ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини замон талаблари даражасига мослаштиришдир.

Маълумки, мактабларда бу борадаги ишларнинг асосий ташкилотчилари меҳнат таълими ўқитувчиси ҳамда мактаб психологидир. Улар ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини ўрганиб бориши, ўқувчиларга касблар тўғрисида атрофлича маълумотлар бериши, шахсий истак ва имкониятларни ҳисобга олиб, ўқувчи-ёшларнинг келажакда тўғри йўл танлашларига яқиндан кўмаклашишлари зарур.

Айни пайтда Сурхондарё вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари ушбу соҳада бир қатор янгилик ва изланишлар, тажриба-синов ишларини юқори савияда олиб боришмоқда. Тажрибада амалга оширилган ишлар турли хил тестлар, рейтинг синовлари, статистик қонуният ва услубият асосида текширилмоқда. Яқиндан бошлаб эса институт олимлари республикамизда фаолият кўрсатаётган Очиқ жамият институти билан ҳамкорликда малака ошириш курсларида ўқитишнинг янги усул-услубларини жорий этиб келишмоқда. Албатта, амалга оширилаётган бу ишлар ҳар бир курс тингловчиларининг меҳнат фаолиятида ўз самарасини бермоқда.

Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимидан дарс бераётган ўқитувчилар таълим бериш жараёнида юқори натижаларга, дарс самарадорлигига эришишлари учун замонавий билимлар, илмий ва маданий тараққиётнинг моҳиятини чуқур тушуна билиши, педагогик меҳнатнинг самарадорлигини таҳлил эта олиши, ўз фани бўйича янги педагогик технология элементларини қўллай олиши, ноанъанавий усул-услублар орқали ўқувчиларнинг якка тартибда (индивидуал) ишлашларига эришиши, уларнинг мустақил ўқиб-ўрганиши, эркин фикрлашлари учун шарт-шароитлар яратиши, барча назорат-синов ишлари, хусусан, тест топшириқларини ҳар бир ўқувчининг ёши ва ривожланиш хусусиятларига мос равишда тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Меҳнат таълими ўқитувчилари ўз дарсларини турли хил тадбиркорлик ва ишбилармонлик ўйинларидан, ўқитиш усулларининг "Касб дарси", "Ақлий ҳужум", "Зинама-зина", "Таянч сигналлар", "Ҳунармандлар майдонига саёҳат" каби ноанъанавий шаклларидан фойдаланган ҳолда ўтказса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Ана шу усуллардан бири "Ҳунармандлар майдонига саёҳат" дарсига тўхталмоқчимиз:

Дастлаб синф гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳларга турли хил касб-ҳунарлар ҳақида гапирилади, таърифлар берилади. Сўнг ҳар бир гуруҳга "Ким қайси ҳунар эгаси бўлишни ҳоҳлайди?" деган маънода савол ташланади. Синфда ташкил этилган 4 ёки 5 та гуруҳ аъзолари муайян касблар бўйича махсус тайёрланган стол атрофига жойлашишади. Гуруҳ аъзоларига "Сиз қайси ҳунар эгасисиз?", "Ҳунарингизнинг қандай сир-асрори бор?", "Ҳунарингизни қандай эгаллагансиз?", "Халқимизнинг "Ҳунардан унар" мақолини қандай тушунасиз?" каби саволлар берилиб, ҳар бир гуруҳнинг жавоблари олинади. Машғулот сўнгида фикрлар умумлаштирилади.

Меҳнат таълими дарсларини ана шундай шаклларда ташкил этиш ўқитувчиларда янгиликка бўлган қизиқишларини оширади. Дарсда иштирок этган ҳар бир ўқувчини эса фаолликка чорлаб, келажакда маълум бир касбни танлашига амалий ёрдам беради.

Дилором ТОЛИПОВА,
РТМ услубчиси,
Ҳанифа БЕГИЖОНОВА,
Сурхондарё ВПҚТМОИ ўқитувчиси

Fan olamida

МЕТРОЛОГИЯ НИМА?

Инсон ўз ақл-идроки, заковати билан ўрганаётган, шакллантираётган ҳамда ривожлантирган қайси фанни олмайлик, албатта, ўлчашларга, уларнинг турли усулларига, ўзаро боғланишларига дуч келамиз. Ўлчаш усуллари ва воситалари ёрдамида уларнинг бирлигини, ягона ўлчашни талаб этилган аниқликда таъминлаш метрология фани орқалигина амалга оширилади. Шу сабабли, кўпчилик фанлар маълум даражада метрология билан боғлиқ. Сир эмас, орамизда ҳали жуда кўп кишилар бу фан ҳақида дурустроқ маълумотга эга эмас.

Биз яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маҳкамавий метрологик хизмати бошлиғи Нурали Назаров билан мулоқотда бўлиб, метрология фани ва унинг истиқболлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Метрология фани асосан нималар билан шуғулланади?

— Метрология сўзи аслида юнончадан олинган бўлиб, ўлчаш, ўлчам, мантиқ, илм ёки фан маъноларини билдиради. Умумий қилиб айтиладиган бўлса, метрология — ўлчашлар ҳақидаги фан. У фан сифатида ўлчашлар, уларга боғлиқ ва тегишли бўлган қатор масалаларни ўз ичига олади. Лекин, афсуски, бу фан ҳақида кўпчилигимиз тасаввурга эга эмасмиз. Талабаларга дарс берадиган доцент бир танишимни учратиб қолганимда, қаерда ишлаётганимни сўраб қолди. "Метрология марказида", дедим. "Бу йил об-ҳавоям жуда зўр бўлди-да", деди у кузнинг иссиқ келганлигига ишора қилиб. Худоям қарашди бу йил. Деҳқонлар ҳам сизлардан хурсанд. Шундай қилиб, Тоштемир Тойлоқов билан бир жойда ишлаймиз денг. Охирги пайтда телевизорда кам кўринаяпти" дея сўзини якунлаганди танишим. Мен олим одамнинг метеорология билан метрология фанларининг фарқига бормаганидан афсуслансам-да, уни ҳижолат қилмаслик учун индамадим. Институт ўқитувчилари бу фан ҳақида билимга эга эмас экан, оддий касб эгаларидан ҳафа бўлишнинг ҳожати ҳам йўқ.

— Бу фан ҳам ўз тарихига эга бўлса керак?

— "Метрология, стандартлаштириш ва сертификациялаш" фани узоқ тарихга эга. У илмий-фалсафий фан. Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли бўлганлиги боис, унга тез-тез мурожаат қиламиз. Ғарбда Алфраганус номи билан танилган Аҳмад Фарғонийнинг Нил дарёсини ўлчаш учун мўлжалланган "Миқёси Нил" қурилмаси, машҳур астроном-олим Мирзо Улуғбекнинг оддий ва содда ўлчаш асбоблари билан ўта юқори аниқликда тузилган ("Зижи Кўрағоний"). "Юлдузлар жадвали", Берунийнинг моддалар таркибини аниқлаш борасидаги улкан ишлари ана шу фанни олис ўтмиш билан боғлайди.

Дарҳақиқат, ўлчашларга бўлган эҳтиёж қадим замонларда юзага келган. Ҳозирги даврда унинг роли янада беқиёс. Бу фан аралашмаган бирон соҳа йўқ. Инсон кундалик ҳаётида ҳар хил катталикларни: масофаларни, ер майдони ва юзини, жисмларнинг ўлчамлари ва массаларини, вақтни ва ҳоказоларни, уларнинг юзага келиш сабабларини, манбаларини билмасдан, ўзининг сезгиси ва тажрибаси асосида ўлчай бошлаган. Энг қадимги ўлчаш бирликлари— антропометрик, яъни инсоннинг муайян аъзоларига мувофиқликка ёки мойилликка асосланган ҳолда келиб чиққан ўлчаш бирликлари ҳисобланади. Масалан: ладонь— бош бармоқни ҳисобга олмаганда қолган тўрт бармоқларнинг кенглиги; фут — оёқ тагининг узунлиги; пядь — ёзилган бош ва кўрсаткич бармоқлар орасидаги масофа; қарич, қулоч, қадам ва ҳоказолар. Бундан ташқари қиймматбаҳо тошлар ўлчови бирлиги сифатида— қирот, доришуносликда— гран ишлатилади.

Ҳозирги кунда республикамиздаги юзлаб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда кўплаб замонавий компьютер техникалари мавжуд. Ёшлар метрология фани сирсиноатларини тажрибали устозлари ёрдамида ўрганишмоқда. Марказимиз етакчи мутахассислари эса республикамиздаги барча касб-ҳунар масканларида бўлишиб, бу фаннинг ўқитилишини назорат қилиш билан бирга, техникалардан фойдаланишда услубий ёрдам кўрсатишяпти.

1993 йилдан "Метрология ҳақида", "Стандартлаштириш ҳақида" ва "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш" қонунларининг ҳаётга татбиқ этилиши республикамиздаги мавжуд метрология хизматини янги ривожланиш босқичига кўтармоқда.

"Метрология ҳақида"ги қонун 5 бўлимдан иборат бўлиб, бу бўлимлар 21-моддани қамраб олган. Республикамизда метрология хизматини йўлга қўйиш ва бунда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг иштироки, функциялари, бу борадаги жавобгарликлар бўйича кенг маълумотлар берилган.

Фанда юздан ортиқ ҳар хил физикавий катталиклар маълум. Ҳозирги пайтда илгари ўлчаб бўлмайди деб ҳисобланган катталикларни ўлчаш ва баҳолаш имкони яратилмоқда. Санкт-Петербург Алоқа институти олимлари ҳидни ўлчаш борасида махсус аппарат яратдилар. Буюк италиялик олим Галилео Галилей шундай деб ёзган эди: "Ўлчаш мумкин бўлганини ўлчанг, мумкин бўлмаганига эса имкон беринг".

Бугунги кунда ўзбекистонлик олимлар ҳам ўлчаш назарияси устида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бу метрология фанининг келажаги янада порлоқ бўлишидан далолат беради.

Ўткир САИДОВ суҳбатлашди.

ЖАМИЯТНИНГ ОЛТИН ЗАНЖИРИ

Замон ва одамлар, таълим ва тарбия улкан ҳаёт дарахтининг забардаст илдизларига ўхшайди. Токи кишилик жамияти яратилибдики, одамлар ана шу теран илдизлардан маънавий озиқ оладилар. Уларнинг сурат ва сийратлари шу илдизларнинг қанчалик бақувват ва чуқурлиги билан белгиланади.

Юртнинг ривожи, халқнинг бахт-саодати, баркамоллиги келажак авлод қўлида. Келажак авлод қанча яхши тарбия кўрган бўлса, давр, замон шунча яхшиланади, ўзгаради. Фаровонлик орта боради. Акс ҳолда...

Бугуннинг эртаси — чақалоқ набирам, ажиб хуш замонда дунёга келдинг. Мана, беланчагингда маъсум дилинг аллақандай севинчларга тўлиб, қиқирлаб ётибсан. Сен гулдай нозик, нурдай тоза, тонгдай оппоқ, беғубор бир фаришстасан. Ҳозир фақат онангнинг кўкрагини соғинасан. Тўйиб-тўйиб, яна осойишта уйқуга кетасан. Сен учун дунё сокин, номаълум мавжудот. Қаерларда чақмоқ чақаяпти, қаерда бўрон гувиллаяпти сенинг ҳеч ишинг йўқ.

Вақт учқур от, аллақачон сени ҳам ўз елкасига миндириб олган. У сарҳад билмайди. Шамолдек елиб бормоқда.

Мана, бешик аталмиш тахтингдан ҳам тушдинг. Митти оёқчаларинг она замин, қадим тупроқда атакчечак қадам босаяпти. Замин ҳам қувонмоқда. Бағримда излар кўпаймоқда, ахир ободлигим қўлингдаку болам, деяётгандай.

Йиллар ўтиб улғайиб ҳам қолдинг. Бўйдор йигитсан. Сенга номаълум дунё энди маълум бўлаяпти. Унинг сирлари билан танишаяпсан. Ҳали бу танишувлар узоқ давом этади.

Дейлик, сен илм ўқиб, доктор бўлдинг. Мен сочлари оқарган кекса чол ҳассага таяниб ҳузурингга дард билан кирдим. Илтижоли кўзларим сенда. Менга кўпол муомала қилдинг. Кексайган дилимга озор бердинг. Дардимни енгиллатиш ўрнига яна дард қўшдинг. Кўзларингда таъмали қарашлар ҳам ёнади. Фиғонимни оширдинг. Шифокорнинг сўзи ҳам шифо, деган нақлни ўқисанг ҳам уқмабсан-да.

Улғайганингда мен сени норғул йигит, қиз бўлсанг бўй-бастингни кўриб жуда қувонгандим. Лекин ёнимдан бесалом ўтиб кетдинг. Қийналиб автобусга чиқаётганимда лоақал бир гал бўлса ҳам қўлтиғимдан кўтариб юбормадинг. Ўтирган жойингдан, бобожон, мана жой, деб ўрнингдан кўнглим учун ҳам бир бор турмадинг.

Мабодо, бу гапларингни эшитганимда кекса дилим боғдай яшнаб, тоғдай кўтариларди.

Беланчакда қиқирлаб ётганингда сен гулдай нозик, нурдай покиза эдингку. Бу чиркин иллатлар сенга қайдан юқа қолди? Бу ярамас чирмовиқлар танангда қачон томир отди. Эҳтимол, ота-онангда, ё атрофингдаги одамларда кўргандирсан. Ҳар қалай ўзинг билан бирга туғилмагандир.

Наҳотки, сиз билан биз, бу ножўя хатти-ҳаракатлар ёнимизда улғаяётган фарзандларимизда пайдо бўлаётганини сезмаган бўлсак. Шундоқ кўз ўнгимизда, партада ўтирган ўқувчимизда, уйдаги боламизда буларнинг куртаклаётганини билмаган бўлсак.

Машҳур педагоглардан бири: "Сиз ўғил ёки қизингизни ўз хурсандчилигингиз учун туғиб ўстирмайсиз. Сиз бош бўлган оилада ўсаётган бола келгусида бир фаол ходим бўлиши мумкин. Агар сиз уни ёмон тарбиялаб қўйсангиз бунинг учун биргина сиз эмас, балки кўплаб кишилар азият чекади", деб бежиз айтмаган.

Ҳаётни севиш, одамлар билан ўзаро яхши муносабатда бўлиш, меҳнат қилиш, юртга содиқлик, ўқиш ва ўрганиш натижасида одамда маълум маънода ижобий фикрлар, тасаввурлар пайдо бўлади. Бу ўз маъноси билан инсон маънавияти - дунёқараши, деб аталади.

Маънавияти бутун, дунёқараши камол топган инсонлар ҳеч қачон боши берк кўчаларга кирмайдилар. Бир-бирларига кўмак бериб яшайдилар. Афсуски, бу оламда ҳамма шундай тугал дунёқарашга эга эмас.

Кишилар бор, ҳалол, покиза яшаб, Ватанга, халқига содиқ хизмат қилиб, обрў-эътибор орттирадилар. Дунё ва жамият олдидаги бурч ва масъулиятларини тўғри англаб, ҳалол меҳнат қилиб, умрларини ибратомуз лавҳалар билан безаб, кўпчиликка намуна бўладилар.

Иккинчи бир тоифа одамлар борки, улар ўз манфаатлари йўлида айшу ишрат, бойлик тўплаш мақсадида ҳар қандай манқуртликлардан қайтмайдилар. Исталган нопокликларга қўл урадилар. Бу тоифа одамлар, керак бўлса, Ватанни ҳам, одамгарчиликни ҳам, қадр-қимматни ҳам сотиб юборишга тайёрдирлар.

Ўқитувчи ва тарбиячилар олдида ҳали улкан ва муҳим вазифалар турибди. Кўп йиллик педагогик тажрибалар тарбиянинг эртакечи, бошланиши, охири бўлмаслигини кўрсатмоқда. Уни бир нафас ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Тарбия узлуксиз жараён. Тарбия жамиятнинг олтин занжири, у жамиятни бирлаштириб туради. Жамиятнинг мағзи эса комил инсонлардир.

Тарбия ўлмас, эскирмас ва йўқолмас ноёб мерос. У бизга аждодлардан қолган. Биздан эса авлодларга қолажак!

Баҳром МАҲМУДОВ,
Қашқадарё вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти амалий фанлар кафедраси мудири

Fikr

МЕНИНГ БИЛГАНЛАРИМ

Таълим соҳаси давлат учун стратегик аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Чунки давлатнинг келажаги унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади.

Мен Ўзбекистондаги ва бошқа илғор давлатлардаги таълим тизими билан танишиб чиқиб бир қанча фарқларни кузатдим. Бу фарқлар ўша халқ менталитети — анъана ва маданияти билан боғлиқ экан.

Масалан, АҚШда таълим тизими анча либерал (эркин) шаклда бўлиб, университет ва коллежларда талабалар ўз хоҳишларига биноан ўтиладиган дарслар, маърузаларни танлаш ҳуқуқига эга. Ғарб давлатлари университетларини тугатган талабалар бизнинг талабаларга ўхшаб, кенг билимга эмас, балки ўз мутахассисликлари бўйича чуқур билимга эгадирлар. Улар иш фаолиятлари билан бирга илмий изланишларини ҳам давом эттиришади.

Ҳатто Англиянинг дунёга машҳур Оксфорд ва Кембридж университетларида ҳам биринчи даражали фанлар мажбурий бўлса-да, қолган фанлар ихтиёрий равишда танланади.

Японияда таълим тизими жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки II жаҳон урушидан енгилиб, харобалар ичида қолган кунчиқар юрт интеллектуал салоҳияти билангина жаҳоннинг энг илғор давлатига айланди.

Японияда университетга кирган талабалар, авваламбор, мажбурий фанларни ўқишади, қисман унга ўзи қизиққан фанларини танлашга ҳам имконият берилади. Маълумки, Япония ҳеч қандай табиий ресурсларга эга эмас, шунинг учун ҳам университетга кирган япон талабаси ўқиш, илмий изланиш нафақат муқаддас бурч, шараф, қолаверса, давлати учун ҳам қиймматбаҳо ресурс эканлигини тушунади, қолаверса, ич-ичидан ҳис қилади. Албатта, улар учун оиланинг аҳамияти ва таъсири ҳам бебаҳо.

Япон талабаларида ўз университетларига нисбатан ҳурмат ҳисси ўта кучли. Масалан, ҳар куни дарс бошланишидан олдин Япония олий ўқув юртларида таълим олаётган барча талабалар ўз илм даргоҳлари ҳудудларини тозалашади, гуллар экишади, дарахтларини парвариш қилишади. Ушбу оддий мисол воситасида япон талабаларининг ўз университетларига бўлган чуқур ҳурматини англаш мумкин.

Интеллектуал XXI асрда яшаётган давлатимизнинг иқтидорли ёшлари, ўзларининг Она Ватан олдидаги муқаддас бурчларини бир сония бўлса ҳам унутмасликларини, яратилган барча имкониятлардан оқилона фойдаланишларини истайман.

Гулноза ҒУЛОМОВА

Дарсликнинг тили равонлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Чунки ҳар қандай асарнинг тили тушунарли бўлсагина у ўқувчилар қалбига йўл топади.

НУТҚИМИЗ РАВОН БЎЛСА...

Ҳар бир инсон ўз она тили ва адабиётини, унинг келиб чиқиш тарихини яхши билиши зарур. Ўқув юртларимизда таълим олаётган талабалар давлат тили бўлмиш ўзбек тилида тўғри, ифодали сўзлаш ва ёзиш, ўз она тилида сўз бойлигини ошириш ҳамда тил имкониятларидан ўринли фойдаланишга ҳаракат, қилишлари лозим.

Яқинда А.Рафиев ҳамда Н.Ғуломовалар томонидан нашрга тайёрланиб, ўқувчилар қўлига етиб борган она тили ва адабиёти дарслигининг она тили қисми тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда ўқувчилар нутқ, тил, талаффуз, сўзлар, гап, уларнинг аниқ ҳамда лўнда изоҳини билиб олишлари мумкин. Шунингдек, асосий эътибор касб-ҳунар коллежларига қаратилгани туфайли, муаллифлар мактаб дарсликларидан фарқли ўлароқ, она тили ва адабиёти ҳақида кенгроқ маълумот беришга эътиборни қаратишган.

Эртага ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида кекса авлод ўрнини босиши лозим бўлган мутахассислар нутқ ва тилдан, сўз ва гапдан ўринли ҳамда усталик билан фойдалана оладиган даражада тайёргарликка эга бўлишлари зарур. Лекин ҳозирда ана шу нутқ ва тил, сўз ва гапнинг моҳиятини тўлиқ англаб етмайдиган талабалар ҳам йўқ эмас. Ва шу боис ўқувчи-талабаларнинг нутқида ғализликларга кўп дуч келамиз. Муаллифлар ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида дарсликнинг бошиданоқ нутқни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратишади.

"Эслаб қолинг" рукни остида қисқача назарий маълумот билан танишгач, талабалар турли хил топшириқ ва машқларни бажаришлари кўзда тутилган. Улар соддадан мураккабга тамойилига биноан тузилган ҳамда ўқувчиларни ўз устида мунтазам ва собитқадамлик билан иш олиб боришга ундайди, билим доирасининг кенгайишига хизмат қилади.

Дарсликнинг тил ўрганишга бағишланган қисмида амалий аҳамият касб этган машқ ва топшириқлар учун танланган матнларни ўқиб алломаларимизнинг тил ҳақида кўплаб ҳикматли сўзларидан ҳам воқиф бўлиш мумкин. Шу билан бирга дарсликда дурдона асарлардан парчалар келтирилган. Ана шу матнлар талабаларни нафақат янги билим ва малакалар билан қуроллантиришга хизмат қилади, балки маърифий-маънавий тарбияни йўлга қўйишга ҳам катта ҳисса қўшади. Бу борада дарслик муаллифларининг изчил ва чуқур изланишларини таъкидлаш лозим.

Дарсликнинг адабиёт қисми беш бўлимдан иборат бўлиб, ушбу бўлимларда халқ оғзаки ижоди, қадимги ёдгорликлар, буюк мутаффаккирлар алломалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ҳар бир мавзу ёки асардан кейин берилган топшириқларни бажариш вақтида ўқувчи ўзи учун жуда кўп фойдали маълумотларни олади. Савол ва топшириқлар бир-бирини тўлдириб келиши билан бир қаторда ўқувчидан янада кўпроқ эътибор билан ўқиш ва ўрганишни талаб қилади.

Жаҳон адабиёти дурдоналаридан, XX аср адабиётига ўз ҳиссасини қўшган адиблар, улар қаламига мансуб асарлардан мисоллар, намуналар ўқувчининг фикр доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, дарслик муаллифлари танлаган асарлар ҳар бир ўқувчининг кўнглига ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини олиб киради.

Назорат тестлари ақлни чархлашга, олган билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу тестларни ечар экан, ўқувчи юқоридаги билимларни қанчалик ўзлаштира олганини синовдан ўтказади. Тестларнинг яна бир диққатга сазовор томони шунда-ки, улар уч вариантда, уч хил усулда берилган. Бу нарса ўқувчининг бир хилликдан узоқлашишига ёрдам беради.

Дарсликнинг тили равонлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Чунки ҳар қандай асарнинг тили тушунарли бўлсагина у ўқувчилар қалбига йўл топади. Дарсликдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида турли топшириқлар учун мос равишда шартли белгилардан фойдаланилган.

Манзурахон ОХУНЖОНОВА,
Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА

"ЎҚИТУВЧИ КИТОБИ" — ДАРСЛИККА МАДАД

Онгли вербал когнитив таълим (ОВКТ) усули 5—9-синфлар учун тузилган она тили дарсликлари таркибига киритилган бўлиб, уни ўқитувчилар орасида оммалаштириш энг муҳим вазифаларимиздан бири саналади. Шу боис, янгича таълим усулидан ўқитувчиларимиз амалий фойдаланишни ўрганиб олмасалар, уни самарали қўллай олмайдилар. Бундан ташқари, ОВКТ усули билан машғулотларнинг самарадорлигини ошириш учун ўқувчилар қўшимча ахборот топишларига зарур манбалар етарли эмас. Ана шундай шароитда "Ўқитувчи китоби" (5-синф она тили дарслиги бўйича ўқув-методик қўлланма)нинг "Халқ мероси" нашриётида чоп этилиши янги дарслик билан ишлаётган ўқитувчиларга катта ёрдам бўлди.

Китобнинг 1-қисмида сўз бойлигини ошириш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга қаратилган ўқув-топшириқлари, матнлар берилган. Иккинчи қисмида эса ўқув-топшириқ шартини тўғри бажариш, матнлар устида ишлашни ташкил қилиш йўллари кўрсатиб ўтилган. Матн юзасидан ҳукм ва хулосалар чиқариш; матнга сарлавҳа танлаш; матндаги сўз бирикмалари ва гапларни шаклан, мазмунан ўзгартира билиш, ажратилган сўзларнинг маънодош, уядош ва зид маъноларини топишни ўрганиш бўйича ҳам кўрсатмалар мавжуд. Матн устида ишлаш топшириқларини беришдан мақсад шуки, ўқувчи мазкур жараёнда тил имкониятларидан фойдаланишнинг турли усул ва воситалари билан танишиши, ўз гапи учун ўринли сўз танлашни, фикр юритиш, уни ифодалай олиш малакаларини эгаллаши ва дарс жараёнига татбиқ этиши мумкин.

Шунингдек, методик қўлланмада асосий эътибор боладаги ижодий тафаккур куртакларини ривожлантиришга, ундаги истеъдодни юзага чиқаришга, гўзал қироат ва нутқ санъати сирларини эгаллашга, нутқий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган. "Ўқитувчи китоби"да ҳар бир мавзуни ўрганиш учун берилган топшириқларни қай тарзда бажариб бориш усуллари кўрсатиб берилгани дарслик билан ишлашни енгиллаштиради. Қўлланмада берилган "Нутқ ўстириш учун матнлар" ҳам ўқувчи ёш психологиясига мос келади. Дам олиш соатида ўтказиладиган "Услубий маҳорат ўйини", яъни фақат маълум бир ҳарф билан бошланувчи сўзлар ёрдамида кичик матн яратиш ўқувчини мустақил фикрлаш, ижодий изланишга ундайди.

"Ўқитувчи китоби"нинг ютуқлари кўп, фақат айрим матнларда, масалан, "Мактуб" матнида айрим имловий хатоларнинг ўтиб кетиши китобхонни бироз ранжитади.

Кейинги нашрда бу хатолар тузатилади, деб умид қиламиз. Айни вақтда муаллифлар Т.Зиёдова, У.Холматова, Ҳ.Жуманиёзовалар бу ўқув-методик қўлланмани яратиб, ўқитувчиларга қулайлик яратганлари ижобий ҳодисадир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

МАРКЕТИНГ САБОҚЛАРИ



Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар замон талабларига мос дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашга бевосита боғлиқдир.

Самарқанд кооператив институти педагог-олимлари томонидан сўнгги 2, 3 йил ичида 20 га яқин дарсликлар, ўқув адабиётлари Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланди ва уларнинг бир қисми нашрдан чиқди. Шундай ўқув адабиётларидан бири институтнинг Маркетинг кафедраси мудири, профессор Руслан Иброҳимов томонидан ёзилган "Маркетинг" дарслиги ҳисобланади (Тошкент, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002 йил).

Мазкур дарслик Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури асосида биринчилар қаторида тайёрланган ва бакалаврлар тайёрловчи иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг 5340300 - "Маркетинг", 5340200 "Менежмент", 5340100 - "Иқтисод" мутахассисликларининг талабаларига мўлжалланган. Ундан академик лицей ва коллежларнинг талабалари, маркетинг соҳасидаги мутахассислар, илмий ходимлар ва тадбиркорлар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Р.Иброҳимов томонидан тайёрланган дарсликнинг хусусиятлари шундан иборатки, унда маркетинг соҳасида жаҳон амалиётида мавжуд бўлган билимларга таяниб, Ўзбекистонда рўй бераётган иқтисодий воқеаларни таҳлил қилган ҳолда, уларга хос айрим камчиликлар ва муаммолар фан нуқтаи назаридан ижодий талқин қилинган. Дарслик "Маркетинг" фани бўйича асосий мавзуларни ўз ичига олган.

Дарслик кириш, 11 та боб, маркетингга оид ибораларнинг луғавий мазмуни ва иловалардан иборат. Ишда чуқурлаштириш шароитида маркетингнинг моҳияти, вазифалари, ташкил этиш такомиллари, маркетингни ривожлантириш, бошқариш ва назорат қилиш масалалари кенг ўрин олган. Дарсликда маркетинг муҳити, коммуникацияси, стратегияси, сегментлари, ҳозирги шароитдаги товар ва нарх сиёсати масалалари назарий ва амалий омилларга таянган ҳолда кенг ифодаланган. Қўйилган масалалар бўйича муаллифнинг шахсий муносабати билдирилиб, илмий хулосалар қилинган ва тавсиялар берилган.

Дарслик кенг китобхонларга мўлжалланган.

Ҳасан МУСАЕВ,
Самарқанд кооператив институти илмий бўлим бошлиғи, профессор

"АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ"

Яқинда "Ўқитувчи" нашриёти профессор Ҳ.Умуровнинг академик лицей талабаларига мўлжалланган "Адабиёт қоидалари" ўқув қўлланмасини нашр этди. Адабиёт илми олий мактабда мураккаброқ, ўрта мактабда соддароқ ўрганилади. Мазкур ўқув қўлланмасининг афзаллиги шундаки, муаллиф ана шу соддалик ва мураккабликларни лицей ўқувчиларидан кутиладиган талабларга мувофиқлаштиради.

Маълумки, адабиётшунослик, адабиёт назариясига оид анча илмий, ўқув-услубий асарлар, дарслик ва қўлланмалар яратилган. Бироқ улардаги қатор назарий масалалар эскириб қолган мафкура асосида талқин этилган. Улардаги анчайин қарашлар истиқлол мафкураси ва талабларига жавоб бера олмайди. Бунинг устига бадиий ижод узлуксиз тараққий этиб борувчи жараёндир. Даврлар, йиллар оша қанчадан-қанча янги асарлар, улар ҳақида янги фикрлар пайдо бўлиб туради.

Профессор Ҳ. Умуровнинг "Адабиёт қоидалари" қўлланмаси истиқлол ғояси мазмуни ва бугунги адабий эстетика эришган ютуқларни ўзида жамлаган тадқиқотдир.

У уч бўлимдан ва етти бобдан иборат. Биринчи бобда "Адабиётшунослик–сўз санъати ҳақидаги илм" эканлигини, унинг таркибий қисмлари (адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид, фольклоршунослик) ва қўшимча соҳалари (китобиёт, матншунослик, манбашунослик, адабиёт ўқитиш услубияти)нинг вазифалари асосли ёритилади.

Биринчи бўлим (иккинчи ва учинчи боблар)да бадиий адабиётнинг ҳаёт билан алоқасини, унинг тасвир объекти, предмети ва вазифасини, умумий хусусиятларини; бадиий образ, уни яратиш йўллари ва турларини, бадиий характер ва адабий типни; ижодий жараённинг муҳим қоидаларини таҳлил қилади.

Иккинчи бўлим (учинчи ва тўртинчи боблар)да бадиий асарнинг мазмуни ва шакли, мавзуси ва ғояси, сюжети ва композицияси, бадиий тил ва унинг воситалари; шеърий асарнинг ўзига хослиги шеърий системаларни тадқиқ этади.

Учинчи бўлим (бешинчи, олтинчи, етинчи боблар)да анъана ва новаторлик, адабий тур ва жанрларнинг қонун-қоидалари, бадиий услуб, ижодий метод ва адабий оқимлар муаммоларини ўрганади.

Ҳар бир бўлим савол ва вазифалар, адабиётлар билан таъминланган ва асар охири "Сабоқ, хулоса ва орзу" билан якунланган.

Асар илмий жаҳатдан бақувват, методик жиҳатдан лицей талабаларининг савиясига мос. Янги манбалар, янги бадиий асарларнинг саралари, мумтоз асарлар тадқиқотнинг асосида ётади ва уларнинг таҳлили қизиқарли, равон услубда, содда тилда баён қилингани билан характерланади.

Миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва тамойиллари асарга сингдирилганлиги туфайли, у адабиётни ўрганиш жараёнида ҳар бир талабани ўзлигини англашга ҳам етаклайди.

Акбар НУРМАТОВ,
Шавкат ҲАСАНОВ,
филология фанлари номзодлари

КУЛГУ ШИФОХОНАСИ

Кулгусиз умргузаронлик қилиш мушкул. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи кулгуни, ҳазил-мутойибани яхши кўради. Кулгу инсон руҳиятига ҳар доим яшариш ҳадя этган туйғудир. Ҳамиша чақноқ табассумли бўлиш атрофдагиларнинг ҳам ана шундай аъло кайфиятли бўлишларига ҳисса қўшиш юксак ва маъсулиятли шарафдир. Инсонларнинг кулгуга ҳамроҳ бўлиши, уларни яхшилик сари қайноққина ҳажвиялари билан етаклаган, халқни кулдириш, кайфиятини кўтаришга ҳамиша бел боғлаган кулгупазлардан бири Абдураззоқ Обрўйдир. Унинг яқинда "Бўйдоқ аскар" номи билан нашрдан чиққан жажжи ҳикоялардан иборат тўпламида (Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти) ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир иллатлар сатира тиғи остига олиниб, кулгили тарзда ифодаланган.

Содда ва равон тилда ёзилган бу ҳажвия ва миниатюралар инсонлар орасида эзгулик ҳамда яхши кайфият пайдо бўлишига хизмат қилади. "Ватанпарвар" газетаси бўлим бошлиғи, "Хўплам-тўплам" китобининг муаллифи Абдураззоқ Обрўйнинг қаламидан дунёга келган қувноқ ҳажвияларни ўқиб, сиз китобхонларнинг ҳам кайфиятингиз кўтарилиши шубҳасиз.

Орзигул АРСЛОНОВА,
ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси

Айни шу маҳалда биз фарзандлар отамизни кўриб қанчалик қувонган бўлсак, онам фақат кўз ёш қилар, отам эса маъюсгина бизларнинг бошимизни силарди...

САБР КОСАСИДАН СУВ ИЧГАН УМР

"ТАНГИЧА"ДАН БОШЛАНГАН "САЁҲАТ"

Баҳор осмонининг ложувардлиги кўнгилларни мудом тўлқинлантиради, қалбларни яшиллантиради. Яшилликда эса ҳикмат кўп.

Халқимизнинг кўкламни фасллар келинчаги деб аташи ҳам шундан. Чунки у ҳар бир қалбни фусункор жозибадорлиги билан беихтиёр ўзига жалб этади. Бу фаслда айниқса тоғ ҳудудларининг ўзгача чирой очишини сўз билан таърифлаш мушкул. Эътибор берганмисиз, баҳор элчиси – бойчечак замин кўксини ёриб чиққан маҳалдан бошлаб, яшиллик тоғ чўққиси томон ўрмалай бошлайди. Бу ҳолат эса ўз навбатида фасллар ичра кўкламнинг тўқсон кунлик ҳукмронлиги бошланганини англатади. Вақт ҳукми билан қизғалдоқ уруғини тўкиб, сариқликнинг тепаликка ўрлаши эса навбатдаги фасл ибтидосидан дарак беради. Фасллар шу тариқа айланавериб, инсониятни ҳам улғайтираверади

1934 йилнинг баҳори бироз чўзилгандай бўлди. Тут пишиғи маҳали бўлса-да, тоғ тепаликларидан туриб, дашт томонга кўз югуртирган кишининг ҳар-ҳар жойда қизил гилам тўшалган каби қизғалдоқзорларга кўзи тушади. Чироқчи туманидаги Тарағай қишлоғи тоғ бағрига етар-етмас ҳудудда жойлашгани боис бир томони қирларга туташиб кетган. Шунинг учун қишлоқ аҳли ўз чорва молларини баҳорда тоғда, ёз-куз ойларида эса шу қир-адирларда боқишади. Кўкламнинг сўнгги кунлари эмасми, ўн ёшли Сирожиддин бугун ҳам ўзларининг йигирмага яқин эчкисини Тарағай тоғларининг "Тангича" дарасига ҳайдаб келди. Яқин-яқингача ёши каттароқ қишлоқдош ўсмирлар билан бирга қўй-эчки боқиб келган Сирожиддин кейинги пайтларда ўзини бироз улғайгандек сезарди. Чунки онасининг "мана ўн ёшга кирдинг, анча катта бўлиб қолдинг, болам, энди эчкиларни боқишни ўзинг ҳам эплай оласан, тўғрими", дейиши унинг кўнглини анча кўтарган эди. Шу гаплар таъсирими, ҳар қалай бугун дарага бир ўзи келдида, эшагини ариққа етмайдиган қилиб боғлаб (чунки ариқ сувидан аҳоли истеъмол қилади-да), эчкиларини тепаликка ҳайдади. Сўнгра тепаликдаги катта бир тошга ўтирганча узоқ-узоқларга тикилиб, беихтиёр хаёлга чўмди.

Отасизлик ёш болани тез улғайтираркан. Гарчи унинг отаси ҳаёт бўлса-да, бир йилдан бери улар бирга яшашмайди. Шу бир йил ҳам Сирожиддинни ёшига нисбатан анча улғайтириб қўйгандек эди. 1933 йилда отаси Ризоқул акани Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳрига сургун қилишганда бунинг сабабини унга онаси шундай тушунтириб берганди: "отанг илмли киши, Бухородаги мадрасалардан бирини битириб келиб, қишлоқ имоми бўлгани, шу билан бирга оз-моз тижорат ишлари билан шуғулланиб туриши кимларгадир ёқмаган, шекилли, болам..."

Лекин унинг қишлоққа мачит қуриш учун йиғиб қўйган ёғоч материаллари, озгина ери ва иккита обжувозининг давлат ҳисобига мусодара этилганини онаси ўғлига айтмаган, аммо буни у акаси Тўйчи акадан билиб олганди.

Шу тобда Сирожиддин отасини ўйлаган кўйи ўтирган эди, кутилмаганда эчкиларнинг "гурр" этиб, пастликка чопганидан чўчиб тушди. Бунинг сабабини билиш мақсадида тепароққа қараган эди, колхоз бригадирининг итига кўзи тушди. "Дайдиб юргандирда", деган ўй билан уни узоқроққа ҳайдаб юбориб, эчкиларни яна қирга қайтаришга чоғланаётганда (чунки тепаликка юрилган сари ўтлоқ қуюқлашади), саман отли колхоз бригадирининг ўзи томон келаётганини кўриб қолди. Энди англади: бояги ит бригадирнинг отига эргашиб келган. Аммо бригадирнинг нега келганини тушунолмай турган эди, ҳар қалай унинг ўзи гап бошлади:

– Сирож, эчкиларингни қайтариб, мен билан юр, уйингга борамиз.

У бригадирнинг мақсадини барибир англай олмади. Лекин сўрашга ҳам ботинолмай, индамай эшагига минди-да, эчкиларни уйи томон ҳайдади. Ярим соатлардан сўнг уйига етиб келиб кўрдики, аравалларга кўч-кўрон ортилган, укаси ва синглиси қўрқувдан қалтираган, онаси унсиз йиғлаб, қандайдир сафар тадоригини кўрмоқда. Ҳали ҳам бунинг сабабини билолмаган Сирожиддин онасига яқинлашди-да, шивирлабгина кўчиш боисини сўради. Онаси эса қўрқув ё ҳаяжонданми, ёки бошқа сабабданми, ҳартугул ўғлига ҳеч нарса демади.

Шу тариқа тўрт киши – ўзи, онаси, укаси ва синглисини уч-тўрт нафар ҳукумат кишилари Китобдаги темир йўл бекатига олиб бордилар. Қаёққа, нима учун жўнатилаётганини билолмаётган тўрт жуфт мунгли нигоҳ (балки онаси билса-да, бу ҳақда фарзандларига айтгиси келмагандир) бу ерда бир ҳафта қолиб кетишди. Ниҳоят уларни вагонга чиқаришди. Кутилмаганда... вагонда Ризоқул ака пайдо бўлди...

СИРОЖИДДИН БОБО ҲИКОЯСИ

– Бу кетишимизнинг сабабини ҳали-ҳамон тушунмаганим боис онамдан сўрамоқчи бўлардиму, лекин унинг кўзларига кўзим тушардию, бунга ботинолмасдим. Бироқ бунинг сабабини кейинчалик онамнинг ўзи айтиб берган. Унинг айтишича, отам қамалгандан сўнг Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳридаги шахтада ишлаб юрган кезларида унга намунали хулқи ва иши учун шаҳарни томоша қилиш ҳуқуқини беришади. Бундай имкониятни қўлдан чиқаришни истамаган отам эса пинҳона равишда уйига – Ўзбекистонга қараб равона бўлади. 1934 йилнинг тут пишиғида Тарағайга келгач, кундузлари тоғда юриб, кечалари уйга келиб кета бошлайди. Буни фақат онам билар ва бу ҳақда биз – фарзандларига айтмас экан. Чунки улар, ёш эмасмизми, бизларнинг кимларгадир гуллаб қўйишимиздан чўчиб шундай қилишган экан. Шу тариқа орадан бир ҳафта ўтгач, ҳукумат идораси вакиллари оиламизни кўчириш ҳаракатига тушишган. Аслида улар отамнинг уйга келиб-кетаётганидан бехабар ҳолда, унинг Қарағандадан ғойиб бўлгани ҳақидаги хабарнинг Ўзбекистонга келгани туфайлигина шундай ҳаракатни бошлашган. Бизнинг кўч-кўронимиз ортилган аравани эса отам уйдан чиққан вақтдан бошлаб, то Китоб темир йўл бекатигача кузатиб борган. Бизларни вагонга чиқариш чоғидагина у атрофдагиларга (яъни ҳукумат вакиллари) ўзини танитиб, орамизга қўшилган экан. Айни шу маҳалда биз фарзандлар отамизни кўриб қанчалик қувонган бўлсак, онам фақат кўз ёши қилар, отам эса маъюсгина бизларнинг бошимизни силарди...

* * *

Шу тариқа Ўзбекистон бўйича бир эшелон бўлган қисматдошлар тушган поезд Шимолий Қозоғистон ҳудудларида тўхтайди. Мамлакатимиздан сургун қилинган оилалар 40та посёлкадан иборат яшаш жойига қўнадилар. Сирожиддинларнинг оиласи "Пригородный" деб аталган 37-посёлкадан маскан топишади...

"Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб", деганларидек, мусофирчиликни уни бошидан кечирганларгина ҳис эта оладилар. Бугунги дориломон кунларда ўша даврда ўтказган кунларини ёдга олаётган Сирожиддин бобо ўз хотираларини биз билан баҳам кўрар экан, тез-тез соқолини силаб, барча айтаётганларини ёзаётган-ёзмаётганимни билгиси келибми, аҳён-аҳёнда ёндафтаримга кўз югуртириб қолар, ёнида ўтирган неварасининг "бобо, ҳалиги воқеани айтмадингиз-ку, деган саволига "сен жим ўтир, навбати билан айтаяпман-ку" дея унга "хаёлимни бузиб юбордингку", деганнамо алфозда қараб қўярди. Мен эса унинг ҳикоясига тобора қизиқиб, иложи борича кўпроқ гапиришини хоҳласам-да, улуғ ёшдаги нуронийни ҳоритиб қўйишдан андиша қилиб, айтганини ёзиб, хаёл гирдобида эканида жим ўтирардим...

МОЗИЙ ҲИКМАТИ

Аёнки, Ўзбекистондан борган қисматдошларнинг ҳаёти албатта, мақтанарли даражада эмас эди. Деҳқончилик учун сув етарли эмас, фақат ишга яроқлиларгина ўша ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги артелида хизмат қилишарди. Бу даврда мактаб ёшидаги болалар ҳам ҳар қалай бекор қолмади. Тошкентлик Абдуллажон исмли муаллим посёлкалардаги болаларни тўплаб сабоқ бера бошлади. Сирожиддин ҳам 1935 йилдан бошлаб ушбу муаллим қўлида лотин алифбосидан 3-синфгача сабоқ олди. Бу даврда улар оиласида қиз туғилиб, унга ота-онаси Сибирия деб исм қўйишди. Орадан бир йил ўтгач эса, Сирожиддиннинг Аъзам деган укаси безгак касаллигига йўлиқиб, вафот этди. Отаси уни барча расм-русум асосида дафн этди. Шу ўринда айтиш жоизки, ўша даврда сургун қилинганларга ҳартугул ўз диний удумларига риоя этишликка рухсат берилмаган бўлса-да шу ердаги давлат одамлари ҳар хил ташвишдан қочиб, Ризоқул акага ўз маросиминг билан кўмавер деб индашмасди. Шу сабабли турли маъракалар Ризоқул ака бошчилигида ўтарди.

Шу алфозда умр ўтиб борса-да, барибир мусофирчиликдаги ҳаёт ўзгача, яшаётган жой ҳам бу ердагиларга ВАТАН бўлолмасди. Буни барча оила бошлиқлари бирдай ҳис этишса-да, замон нозиклиги боис дилидагиларни тилига чиқаришда минг бир мулоҳаза қилишга мажбур эди. Бунга фақат оиласидагина оқшомлари фарзандлари даврасида журъат этишарди, холос. Қишнинг узун-у, ёзнинг бир тутам тунларида Ризоқул ака ҳам фарзандларига ибратли ҳикоятлару ҳикматлардан сўзлаб берганини бугун Сирожиддин бобо меҳр билан эслайди. Ҳатто бир нечасини ёдлаб ҳам олган экан. Унинг бугунги нуроний қалбида мангуга макон тутган тубандаги икки ҳикматни сиз ҳам эшитиб кўринг-а:

Илоҳо ҳам ширкдин
қўрқмадинглар,
Хаёлда кечмадими руҳи
пайғамбар?
Киши билмас сенлардек
худнамони,
Ит ҳам қопмас таниган
ошнони...
Ҳар кишининг ҳамдами каж
бўлса, они каж қилур,
Тавба денглар, хизмати каждин
паноҳ берсун Ғафур.

Албатта, бу ҳикматлар маъносини фарзандларининг ёш қалби илғай олиши мушкул эса-да, ҳар қалай падари тилидан учган бу сўзлардан сўнг ота-онаси юзида бир қадар ўксиниш аломатини кўрган дилбандлар сомеъ ўтиришганини хотирлайди Сирожиддин бобо.

ШОДЛИК ВА АНДУҲ – ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Ниҳоят, 1941 йил кўкламида Шимолий Қозоғистонда яшаётган бир оила аъзолари юзида самимий табассум зуҳур этди. Тўйчи акасининг ҳукумат раҳбариятига ариза билан мурожаат этиши натижасида ҳақиқат қарор топиб, Ўзбекистон раҳбари Йўлдош Охунбобоев Ризоқул ака оиласига оқлов мактуби йўллади. Аммо бу пайтга келиб, Сирожиддиннинг онаси оғир дардга йўлиққан бўлса-да, бу хабарни эшитиб, болаларининг отасига боққанча, жилмайишга уринди. Ризоқул ака ҳам ўз қувонч кўз ёшларини (биринчи маротабадир балки) завжаи ҳалолидан яширмасликни маъқул кўрди...

Шундай қилиб, жонажон қишлоғига қайтиб келгач, Ризоқул аканинг оиласи ҳаётнинг яна бир синовини қабул қилишга мажбур бўлишди. Сирожиддиннинг онаси мусофир юртда қолиб кетмаганидан Яратганга шукур қилган ҳолда ҳаётдан кўз юмди... Бу воқеадан сўнг кўп ўтмай уруш ҳам бошланди. Бу пайтда "Оқчова" қишлоғидаги тўлиқсиз мактабнинг 7-синфида таълим олаётган ўн етти ёшли Сирожиддин энди колхозда қўшчи бўлиб ишлай бошлади. Суронли йиллар секинлик билан ўта бошлади. 1944 йилга келиб, уни ҳарбий хизматга чақиришди. Шу тариқа хизматга жўнаган Сирожиддин Семипалатинскдаги Миллий ўқчи-дивизия сафларида ҳарбий сабоқ ола бошлади. Айни шу даврда уруш ҳам қизғин паллага кирган эди. Ҳарбий машқларни пухта ўзлаштириб олган Сирожиддин урушда иштирок этиб, ғалабадан сўнг ҳам Болтиқбўйи республикаларини уруш асоратларидан тозалаш ишларида ҳайдовчи бўлиб хизмат қилди. Ниҳоят, 1950 йил бошларида қишлоғига қайтиб келиб, ўша пайтдаги Жданов номидаги колхозда ҳайдовчилик қила бошлади. Ўша йили уйланган Сирожиддин Ризоқулов 1955 йилда ҳозирги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳудудига кўчиб келади ва бу ерда тумандаги биринчи ҳайдовчи сифатида фаолият юрита бошлади. Чунки ўша йилларда Ўзбекистонга "Газ-51" русумли юк машинаси биринчи бор келган маҳаллар эди. Уруш даврида ҳайдовчилик касбини эгаллагани С.Ризоқуловга ана шу биринчиликни туҳфа этганди...

ИЛМ – ҲАМИША ХАЛОСКОР

– 1961 йил эди, – деб эслайди Сирожиддин бобо. – Колхознинг иши билан Самарқанд шаҳрига бордик. Ҳайдовчи бўлганим учун мен билан бирга борганлар ишини битириб бўлгунча, шундоқ кўчанинг нариги томонида кўриниб турган китоб дўконига кириб чиқишни лозим топдим. Кирдим. Катта дўкон эмасми, ичида сотувчилар кўп. Бунинг устига ўзбек ва рус бўлимларидан иборат бўлгани учун рус бўлими томон йўл олдим. "Қанақа китоблар бор экан", дея кўнглимдан ўтказганча, китобларни кўздан кечираётиб, бирдан "Бобурнома"ни кўриб қолдим. У "Бобурнома"нинг Бартольд таржимаси билан Парижда рус тилида босилган нусхаси эди. Қўлга олиб, варақлаётсам, бир русийзабон сотувчи қиз ўзининг тилида "расмли ўзбек китоблари нариги томонда, ўша ёққа ўтинг", деб қолди жеркиб. Мен эса унинг менинг афт-ангориму, кийимларимга қараб, фақат расмларини томоша қилаяпти, деб ўйлаганини англадиму, кассирга бориб, китобнинг нархини сўрадим. "29 сўм 70 тийин" (пул янгиланган пайтлар) дегач, пулини тўлаб, чекни олдим-да, уни ҳалиги қизнинг қўлига тутқазиб, "Бобурнома"ни олдим.

Сўнгра қизга иди суда "Я буду читать предисловия, а, ты слущай. Где я произнощу слово не правильно, ты поправищь", дедим китобни очиб. У индамади. Ўқий бошладим. Қиз ҳамон жим эди. "Если нужно, я тебя научу русское грамматики" дедим-да, кетишга чоғландим. Бу пайтда дўкондаги барча сотувчилар қизиқиб, бизни ўраб олишганди. Шунда магазин каттаси сотувчига устида оддий пахтадан қилинган костюм шим бўлгани билан сен билан мендан кўп нарсани билади қизим деди. Ҳалиги қиз эса қаттиқ хижолат бўлганидан мендан базўр кечирим сўрай олди. У ердан чиқиб, кўчанинг нариги томонидаги машинага ўтираётиб эса дўконнинг олдида бир тўда сотувчиларнинг мени кузатаётганини кўриб қолдим...

Билсангиз, ўша "Бобурнома"ни ҳамон асраб келаяпман. Кўп йиллардан кейин ўзбек тилидаги нусхасини ҳам ўқиб чиқдим. Негадир, унда рус тилидагига нисбатан маълумотлар анчайин камдай туюлади менга...

АЖДОДЛАР ОРЗУСИ АВЛОДЛАР ТАҚДИРИДА

1976 йилда 86 ёшида вафот этган Ризоқул бобо умрининг охиригача эътиқодида собит турди. Фарзандларининг ҳам бу борада илмли бўлиши йўлида кўп саъй қилди. Лекин собиқ иттифоқ даврида бундай мартабага эришиш мушкуллигини ҳам кекса заковати пайқамай қолмасди, албатта. Шу боис фарзандларига диний илмдан оғзаки равишда сабоқ беришни канда қилмади. Аммо унинг орзу-умидлари рўёби мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан амалга ошди. Сирожиддин ўғлининг кенжа фарзандларидан бири Даврон Ризоқулов бугун бобоси йўлидан бормоқда.

Бугунги кунда Чироқчи туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги Жар қишлоғида истиқомат қилаётган Сирожиддин бобо Ризоқулов марҳум рафиқаси Мунаввар Ризоқулова билан олти ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказди. Бугун-эрта қутлуғ саксон ёшини нишонлайдиган бобо Тошкентга ҳар келганида шаҳарни бир айланиб чиқишни сира канда қилмайди. Пойтахтдаги ўзгаришлар, айниқса, деярли ҳар йили очилаётган янги-янги музейларни томоша қилиш – бобонинг шаҳарга қадам босишдаги биринчи вазифаси, десак янглишмаймиз.

Дарвоқе, Сирожиддин бобо оғир уруш йилларида ёд олган таниқли адиб Асқад Мухторнинг қуйидаги тўртлигини такрорлаб юришни хуш кўради:

Ты шедер – мой край,
Чудесными садами.
Эх, корни вся планету
оплели.
О, корни не встречалели в
Европе,
Сердца жигитов что
в боях слегли.

Нуроний қалбидан абадий жой олган бу тўртлик унинг юрагида Ватанга бўлган муҳаббатнинг мангу яшашини англатмайдими? Юрагида Ватан яшаётган инсон умрини эса шунчаки яшалаётган умр деб бўлмайди.

Шерали НИШОНОВ

Ахир, қалби буюраяпти-ку шу ишни, қилмаса, виждон азобида қолади. Ахир бу ҳам савоб, кўриниб турибди, камбағал оиланинг фарзандига ўхшайди. Бир умр унинг яхшилигини эслаб юради.

ИЛМУ МАЪРИФАТДАН САВОБ ИЗЛАДИ

Талаба дарсда хаёлчан ўтирар, савол-жавобларга кўп ҳам аралашмас, афтидан ночор оиланинг қизи бўлганидан эзиларди. Синовлар яқинлаб қолганди. Домла ҳалиги қизнинг тақдири нима бўлишини тез-тез кўнглидан ўтказар, унинг имтиҳон топширолмаслигига кўзи етиб турарди.

Охири Карим ака чидолмади, ўзи "ёрилди". Дарсдан сўнг ҳалиги талабани секин имлаб, ёнига чақирди:

— Сенга нима бўлди, она қизим? Дарсларда жуда бўшсан, бунақада имтиҳон топширолмай қолишинг мумкин.

Қиз аввалига бошини хам қилди, ўзини мулзам бўлгандек тутди. Очиғи, бировнинг муаммоси бировни қизиқтирмайди, ҳар ким, аввало, ўзини ўйлайди, деган фикрга у ҳам қатъий ишонарди. Қаршисидаги ундан ҳол-аҳвол сўраётган киши факультет декани, уларга дарс беради. Умуман олганда, талаба қиз бу киши ҳақида фақат яхши гаплар эшитиб юрарди. Карим Раҳмонбердиевнинг юриш-туриши, гап-сўзлари, кези келганда насиҳатбозлик қилиши, ривоят ва афсоналарни ўз ўрнида қўллаши барча талабалар сингари унда ҳам ихлос уйғотган эди. Қиз домлага кўнглида борини, Қашқадарёнинг олис туманидан келгани, оилаларида фарзандлар кўп эканлиги, шу боис унга ота-онаси етарли даражада пул бера олмаслиги хусусида тўкиб солгиси келди-ю, барибир истиҳола қилиб тураверди. Ахир бу билан дарслик сотиб олишим учун менга пул беринг, дегандек бўлади-ку. Тўғриси, олий ўқув юртларининг хорижий тиллар мутахассислигида таҳсил олувчилар учун чиқарилаётган дарслик ва қўлланмалар ҳам арзон эмас. Уни сотиб олса, емай-ичмай оч юриши керак. Курсдошларидан сўраш эса малоллик.

— Хўш, нега жимсан, қизим? Айтавер, сенинг бир дардинг бор, биламан. Қўлимдан келса, ёрдам бераман, — деди Карим Раҳмонбердиев қизнинг андиша сақлаётганини тушуниб.

— Шунчаки, ўзим... — қашқадарёлик қизнинг бўғзига нимадир тиқилди ва йиғлаб юборди.

Декан ноқулай вазиятда қолди. Қандай қилиб қизнинг юрагидагини "суғуриб" олса экан. Яхшиси, уни ўз ҳолига қўйиб берсин, йиғлаб олсин, кейин ёзилиб қолар.

— Раҳмат домла, аҳволимни сўрганингиз учун. Биласизми, китоб сотиб ололмаяпман. Янги чиққан дарсликлар кутубхонада йўқ. Фақат сотувда бор. Дугоналаримдан бир-икки марта сўрадим, ҳадеб олаверишга одамнинг юзи чидамас экан.

Домла шундагина гап нимадалигини тушунди. "Мана шу қизга чўнтагингдан икки минг сўм чиқариб бер, савоб бўлади" деган ички бир нидо бўлди. Ахир, қалби буюраяпти-ку шу ишни, қилмаса, виждон азобида қолади. Ахир бу ҳам савоб, кўриниб турибди, камбағал оиланинг фарзандига ўхшайди. Бир умр унинг яхшилигини эслаб юради.

Домла узатган пулни олишдан қиз аввал бош тортди. Орият устунлик қилди, шекилли. Аммо Карим ака буни чин кўнгилдан бераётганини қайта-қайта таъкидлагач, олишга мажбур бўлди. Қизнинг кўзида ғилт-ғилт ёш. Унга қай тариқа миннатдорлик билдиришни билмасди.

... Бу — Тошкент Ислом университети "Ғарб тиллари" кафедраси мудири, тилшунос олим Карим Раҳмонбердиев ҳаётидан бир лавҳа. Бундай воқеалар у кишининг умрида сон-саноқсиз бўлган деб айтиш мумкин. Ҳақиқий зиёлига хос мурувватпешаликни, саховатни домла ҳамма нарсадан устун қўярди. Лекин менинг назаримда, бундай устозлар юзнинг ичидан бир ёки икки нафар чиқиши мумкин. Ёшларнинг илм-фан эгаллашига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш учун домла имкониятлар ахтарар, ҳаттоки айрим олис вилоятдан келган талабаларнинг паспортларини доимий рўйхатдан ўтказишларига ҳам ёрдам берарди.

У кишининг педагогик фаолияти собиқ Тошкент чет тиллар институти, кейинчалик Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида кечди. Домлани билганлар, таниганлар, суҳбатида бўлганлар у кишининг келбатли гавдасини, олимларга хос сийрак сочли бошини, маънога тўлиқ нигоҳларини кўз ўнгларидан кетказолмайди. Шундай шогирдларидан бири ўзимман, тақдир мени шундай олий жаноб, маърифатли инсонга шогирд қилганидан фақат қувонаман, фахрланаман.

Карим Раҳмонбердиев энди орамизда йўқ. Ҳали домланинг қабри совуб улгурмади. Ўқитувчилар байрами арафасида Карим Раҳмонбердиевни машъум ўлим орамиздан олиб кетди. Жанозага тумонат одам йиғилгани шундоққина кўз ўнгимда турибди.

Домла олий таълим муассасалари талабалари, профессор-ўқитувчилари учун "Инглизча, ўзбекча ва ўзбекча, инглизча" луғатларни нашр эттирди. Ҳали унинг дилида жуда кўп режалари бор эди. Афсуски, улгурмади. Балки афсусланиш керак эмасдир, ахир унинг ортида юзлаб шогирдлари қолди. Ўз устозларининг амалга оширолмаган ишларини шогирдлари рўёбга чиқаришади. Зеро, бу ҳам ҳаётнинг ёзилмаган азалий қонунидир.

Дилбар ҒУЛОМОВА,
Чилонзор туманидаги 586-боғча-мактаб мажмуаси директори

Xotira

МУРАББИЙНИНГ УЙ МУЗЕЙИ

Робиддин Исҳоқов Янгиқўрғон туманининг чекка Поромон қишлоғидаги мактабда аввал ўқитувчи, сўнг директор бўлиб ишлади. Раҳбарлик даврида янги усулда замонавий мактаб биносини қурдирди. Уни жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга бош-қош бўлди. Ўқув-тарбия ишлари яхшиланиб, билим маскани таянч намуна мактабига айланди.

Р.Исҳоқов ижодкор ўқитувчи эди. Унинг "Қўшиқ йўлдош юрган йўлимда", "Дўстлик қўшиғи" шеърий тўпламлари нашр этилиб, мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Бироқ шавқатсиз ўлим педагог-шоирни барвақт олиб кетди. Қишлоқ аҳли устознинг ўзи қурдирган мактабга унинг номини берди.

Яқинда мураббий таваллудининг 75 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан унинг хонадонида барпо этилган уй-музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шинамгина хонага педагог-шоир ижодидан намуналар, дастхатлар, халқ таълими тизимига оид ҳужжатлар, сурат ҳамда фахрий ёрлиқлар қўйилган. Иш столида қалам, ручка, конспект дафтар...

Ташқаридаги деворга эса "Бу ерда 1927-1989 йилларда мураббий ва шоир Робиддин Исҳоқов яшаган" ёзувли мемориал тахта ўрнатилган.

Музейни очишда туман, вилоят ҳокимликлари вакиллари, ижодкорлар, қишлоқ аҳли қатнашди.

Меҳмонлар қабристонга бориб, шоир қабри ёнида қуръон тиловат қилдилар. Шундан сўнг мактабда фидойи мураббийни хотирлаш тадбири бўлди. Унда Наманган давлат университети доценти Маҳмуджон Маъмуров Р.Исҳоқовнинг ҳаёт йўли ҳақида йиғилганларга маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Ойдин Хожиева, наманганлик шоир Хабиб Саъдулла ва бошқалар шоир ҳақидаги эсдаликларини ўртоқлашдилар.

Мактабда бошланган шеърхонлик устоз муаллим хонадонида давом этди. Тўкин дастурхон атрофида қизғин суҳбат бўлиб, даврада шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

К.РАҲИМОВ,
Чортоқ туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси

АРХЕОЛОГ—ОЛИМА

"Археология — бу менинг ҳаётим", — дейди таниқли ўзбек археологи Замира Усмонова. У мактаб ёшидаёқ бу фанга қизиқди. Ёш археологлар тўгарагига қатнашди. Тўгаракнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Қачонлардир қудратли Парфия давлатининг пойтахти саналган қадимги Исага экспедиция уюштирилаётган пайтда унинг исми биринчилар қаторида айтилди. У ерда археологик қазилма ишлари олиб борилди. Болаларнинг омади юришганди. Ахир қазилма ишларига ўша пайтдаёқ таниқли профессор Михаил Массон бошчилик қилаётган эди-да. Айнан 1947-1948 йилларда бу ерда фил суягидан ажойиб ритонлар ва Парфия ёзувлари топилган эди. Умуман, экспедиция болалар учун жуда қизиқарли бўлганди. Экспедициядан улар, айниқса, Замира яхши кайфиятда қайтишди. Шундан сўнг у ҳаётининг мазмуни археология эканлигига ишонч ҳосил қилганди. Мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, Замира Ўрта Осиё Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. М.Массон бошқарган археология кафедрасида ишлади ва устознинг ўзбеклар орасидаги биринчи археолог шогирдига айланди.

Замирахон тарих факультетини тамомлаши биланоқ диплом ёқлаб, аспирантурага қабул қилинади. Шундан сўнг Соҳибқирон Амир Темурнинг туғилган шаҳри Шаҳрисабз, Марвдаги қазилма ишларида қатнашади. Диссертация ишини ҳам муваффақиятли якунлайди.

Олима тарихни ўқиб, ўрганишга ўзининг бутун ҳаётини бағишлади. 1981 йилдан университетнинг тарих факультети археология кафедрасини бошқара бошлади. Шундан сўнг у Қашқарадёдаги Кеш археология комплекс экспедициясида қатнашди. Замира Усмонова кўп йиллар давомида олиб борган археологик изланишларидан сўнг Марвнинг 2500 йиллик тарихга эга эканини исботлади.

Ҳозирги пайтда олима талаба ва педагогларга мураббийлик қилмоқда. Шу билан бирга у археология фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Замира опа кўплаб илмий асарлар муаллифи ҳамдир.

Павел СИЛИН

ЭЗГУЛИК НУРИН ЁҒДИРИБ...

"Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар", дейилади Ҳадиси шарифда. Дарҳақиқат, чеҳрасида самимийлик балқиб турган кишилар ҳамиша эзгулик ёғдусини таратади. Эзгу фазилатларнинг чегараси йўқ, аслида. Аммо Ватанига, халқига ҳалол хизмат қилиш, келажак авлод тарбияси учун жон куйдириш — фазилатларнинг улуғидир. Сурхондарёлик Хурсанд Худойбердиев ана шундай хислатлари ила меҳр қозонган инсонлардандир.

Меҳнат фаолиятини 14 ёшидан бошлаган Хурсанд ака дастлаб табелчи, кейин эса жамоа хўжалигида энтимолог-агроном бўлиб ишлаган. Орадан бироз вақт ўтиб, хўжаликдаги 51-мактабда дарс беради. 1968 йили Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаб, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўлланмаси билан Термиз Давлат педагогика институтига ўқитувчи бўлиб ишга киради. Тиришқоқ Хурсанд домла ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцентлик лавозимларида ишлаб, фидойилик кўрсатди. Устоз 2000 йилдан буён ижтимоий-гуманитар фанлар факультетида декан бўлиб ишлаб келмоқда.

Олимнинг 2 та монография, 18 та рисола, 90 дан ошиқ илмий мақолалари чоп этилган. Олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган "Диншунослик асослари", "Сиёсатшунослик асослари", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" каби ўқув қўлланмаларининг ҳам ҳаммуаллифларидан биридир. Бугунги кунда "Ўзбек миллий фалсафий энциклопедияси" учун 42 та, "Миллий истиқлол ғояси" луғатига 14 та, "Сурхондарё вилояти энциклопедияси"га 60 та илмий мақолаларини ёзиб тугаллаш арафасида.

Сирасини айтганда, олимнинг кўп йиллик самарали меҳнатидан ёшларимиз бахраманд бўлаётгани бизни қувонтиради.

Х.ХОЛМИРЗАЕВ,
профессор,
Б.ҚОДИРОВ,
ТерДУ қошидаги академик лицей директори

Ta'lim fidoyilari

УСТОЗ МАКТАБИ

Айни кунда мамлакатимиз таълим тизимининг барча жабҳаларида тинимсиз меҳнат қилиб, қарилик нафақасига чиққан бўлса-да ўзининг кўп йиллик бой илмий, педагогик ва ҳаётий тажрибаларини ёш ўқитувчи кадрлар билан ўртоқлашиб келаётган фидойи устозлар кўплаб топилади. Ана шундай қалби дарё муаллимлардан бири Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи ижтимоий таъминот ва иқтисод бўлими бошлиғи Саъдулла Мусаевдир.

Меҳнат стажи ярим асрдан ошиб кетган бу табаррук зот ёшликдан меҳр қўйган касбининг барча зинапояларини муносиб равишда босиб ўтди, десак муболаға бўлмас. Мустақил иш фаолиятини Тошкент темир йўл транспорти корхонасида тепловоз машинистининг ёрдамчиси вазифасини ўтащдан бошлаган ёш йигит кейинчалик корхона муҳандиси, катта муҳандис ва Самарқанд темир йўл депосининг раҳбари лавозимларида самарали ишлади. Аммо, тажрибали муҳандисни таълим тизимининг ноёб жиҳатлари ва ўзига хос томонлари доимо қизиқтириб келганлиги боис, у ҳаётининг кейинги йилларини илм-фан, таълим-тарбия соҳаси билан боғлашга жазм қилди. Саъдулла ака техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган ҳолда меҳнат фаолиятини собиқ Тошкент политехника ҳамда Тошкент автомобиль ва йўллар институтларида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири ва факультет декани лавозимларида давом эттириб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди.

Яқинда ўзининг етмиш баҳорини нишонлаган Саъдулла ака ҳалиям устозликнинг сир-асрорларини ҳамкасблари ва ёш ўқитувчиларга ўргатишдан асло чарчамайди. У ўтган йиллар мобайнида юздан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирди. Шу боисдан ҳам устоз ишлаётган коллежнинг аксарият ўқитувчилари ўзларини ҳақли равишда Саъдулла аканинг шогирдлари деб ҳисоблайдилар. Зеро, устознинг ҳар бир ўгит-насиҳати, шахсий иш тажрибаси ўқитувчиликни эндигина бошлаган ёш кадрларга ўзига хос ҳаётий мактаб вазифасини ўтамоқда.

Эрмамат ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент автомобиль йўллар коллежи ўқитувчиси

Konstitutsiyani o'rganamiz

ФУҚАРО, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИ БОҒЛОВЧИ РИШТА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини халқимизнинг инсонпарварлик ва адолат, эркинлик ва тенглик, мустақил ижтимоий-сиёсий тараққиёт ҳамда миллий давлатчилик ҳақидаги кўп асрлик орзу ва умидлари мужассам бўлган ҳужжат дейиш мумкин.

Конституция — асосий қонун сифатида ҳуқуқий ислоҳотлар пойдевори, қонунлар гултожи бўлиб ҳисобланади. Конституциямизда эътироф этилганидек, қонун устуворлиги таъминланган тақдирдагина жамиятимиз равнақ топади, халқимиз фаровонлигини ошириш имконияти яратилади.

XII асрдаёқ қўҳна Шарқнинг атоқли мутафаккири Абу Наср Форобий ўзининг машҳур "Фозил одамлар шаҳри" асарида жамоа бошқарувига асосланган шаҳарни тавсифлар экан, "... бу шундай шаҳарки, унда яшовчи ҳар бир киши хоҳлаганини қилишга эрклидир. Унинг одамлари тенг ҳуқуқли, қонунлари бир одамга иккинчисига нисбатан мутлақо афзаллик бермайди", деб ёзганди.

Форобийнинг фикрича, ҳокимият энг аввало, одамлар эркинлигини таъминлаши керак. Мазкур ғоялар Европанинг маърифатпарварлик ҳаракати даври мутафаккирлари Шарль Монтескье, Жан-Жак Руссо, Жон Локк ва бошқаларнинг концептуал қарашларига жуда яқиндир.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни ҳеч қандай ташқи таъсирсиз, бирон-бир давлатнинг аралашувисиз, юртимизнинг ички табиий-жуғрофий, маданий-иқтисодий ва миллий-ирқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Конституция қабул қилинганидан сўнг ўтган 10 йил мобайнида мамлакатда кенг ҳуқуқий маконни шакллантириш имконини берган кўплаб янги қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ҳаммаси демократик, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган.

Амалдаги Конституциямиз жаҳон мамлакатлари конституциявий қурилиш тажрибасини ўрганиш асосида ва ўзбек миллий давлатчилиги анъаналарининг янада ривожлантирилиши негизида вужудга келди. Асосий қонунимиз халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир. Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, "тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир".

Шундай экан, ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздан бири — давлатимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш асосий қонунни чуқур ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этишдир.

Баҳром УСМОНОВ,
Жиззах политехника институти ўқитувчиси

Sinab ko'ring

ТИЛ — МИЛЛАТ РУҲИ

Бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тилини ўргатишда халқимиз турмуш тарзини акс эттирувчи турли мавзуларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчи, бир томондан миллий урф-одатларимиз моҳиятини, иккинчи томондан тилимиз жозибасини теранроқ англай боради.

Русийзабон гуруҳларда ўзбек тилини ўргатишда миллий ошхона мавзуси ўзбек халқига хос бўлган меҳмондўстлик, очиқ кўнгиллик, шарқона пазандалик каби хислатлари билан янада чуқурроқ танишиш имконини беради. Қуйида шундай гуруҳларнинг бирида ўтказилган очиқ дарсларнинг бири ҳақида сўз юритиб, бу дарснинг самараси ўлароқ янги сўзлар ўрганишдан ташқари, бир қанча урф-одатларимиз билан танишиш имконияти юзага келганлиги ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Дарс, асосан, ўқувчилар фаоллиги билан ўтади. Ўқитувчи эса кузатувчи, айрим ўринларда бошқарувчи бўлиши мумкин.

Машҳур "Чойхона" қўшиғи янграйди. Қўшиқ тугагач, болалар гурунги бошланади.

— Болалар, ҳалфана қиламизми?

— Бўпти, қиламиз.

— Қаерда?

— Ризқи ҳалфанинг кўчиб кетган ҳовлисида.

— Йўғ-е, академик лицейимизнинг 311-хонасида.

— Нима учун?

— Чунки бу ерга бугун меҳмонлар келишар экан.

— Ҳалфанага қандай таом тайёрлаймиз?

— Албатта, палов!

— Таомларнинг зўри палов,
— Палов, палов, паловжон!
— Рўзғоримиз қўри палов,
— Палов, палов, паловжон!

— Сиз ҳеч палов қилганмисиз?

— Ойимларга қарашар эдим, лекин ўзим ҳеч қачон тайёрламаганман.

— Энди нима қилдик?

— Қаранг, устозимиз шу ерда эканлар. Уларнинг ўзларидан сўраб кўя қолайлик.

— Устоз, биз палов тайёрламоқчи эдик. Лекин бунинг уддасидан чиқа олмаяпмиз. Бизга ёрдамлашиб юборинг.

— Шундай денг. Ундай бўлса, палов тайёрлашни бошладик. Қани, жой-жойингизга ўтиринг. Қуйидаги сифатлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг:

(Доскага видеонигоҳ орқали қуйидаги сўзлар туширилади: ***Янги, қизил, майда, чиройли, йирик, лаззатли, севимли, хушбўй.***

Ўқувчилар палов ҳақида матн тузиш учун зарур сўз бирикмалари туза бошлайдилар. Масалан, янги гўшт, лаззатли таом, хушбўй ҳид ва ҳ.к. Икки ўқувчи эса бу борада сабзи тўғраш маҳоратини намойиш этиши мумкин. Шу ўринда Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" қиссасидан келтирилган парча ёдга олинади ва "Ҳалфана" сўзининг маъноси тушунтирилади. (Ҳалфана — шерикчиликка масаллиқ тўплаб тайёрланадиган овқат).

— Ўқувчилар, ўзбек таомларидан яна қайсиларини биласиз?

СУМАЛАК

Айни эрта кўкламда,
Момолар жони ҳалак.
Катта дошқозонларда
Пиширишар сумалак.
Ўнлаб дардга даводир,
Танамизга шифодир,
Еганлар топар дармон,
Емаган қилар армон.

ҲОЛВАЙТАР

Мендан сўрасангиз гар,
Таом зўри — ҳолвайтар.
Мазали ва тўйимли,
Дастурхонда кўримли.

ШИРМОЙ НОН

Қўлларимда ширмой нон,
Усиз қуруқ дастурхон.
Энг азиз, улуғ неъмат,
Бободеҳқонга раҳмат.

ҚАТЛАМА

Қатламажон, қатлама,
Қат-қатлари тахлама,
Сени ким еса агар,
Куни бўйи тўқ юрар.

ЧОЙ

Шунча таомдан кейин —
Ташна бўлмоқлик тайин.
Бир пиёла ичсангиз,
Куч бўлар ичган сайин.

НОВВОТ

Айтсам сизга бир сирни,
Ширинликлар ширини,
Мулло новвот саналар,
Аччиқ чойга дамланар.

— Қаранг, ўзбек таомларининг ҳаммаси танамизга қувват, дармон бағишлар экан. Келинг, энди "Ўзбек ошхонасида" ўйинини ўйнаймиз.

Саволлар:

— Дастурхонга биринчи нима келтирилади? (нон)

— Чойнинг қайси турлари бор? (кўк ва қора)

— Энг узоқ муддат тайёрланадиган таом? (сумалак)

— Энг қисқа муддатда пишадиган таом? (қовурилган тухум)

— Қайси таомга туз солинмайди? (ҳолвайтарга)

— Норин гўшт ва яна нимадан тайёрланади? (хамирдан)

— Эрта баҳорда буғдой ва мол гўштидан тайёрланадиган таом? (ҳалим)

— Мош гуручдан тайёрланадиган суюқ таом? (мошхўрда)

— Қатиқ ва сувдан тайёрланадиган шифобахш ичимлик? (айрон)

— Ачитилган шифобахш от сути? (қимиз)

— Туя сути қандай аталади? (қимрон)

— Тузли сув қандай аталади? (намакоб)

— Хамир ошириш учун ишлатиладиган масаллиқ? (хамиртуруш)

— Хамир ёйиш учун ишлатиладиган рўзғор асбоби? (ўқлов)

— Хамир қилиш ва ёйиш учун махсус жой қандай аталади? (супра)

— Газ бўлмаган вақтларда овқатни нимада тайёрлашган? (ўчоқда)

— Холодильник сўзининг ўзбекча муқобили? (музлатгич)

Шуни таъкидлаш лозимки, бу ўйин орқали ўқувчилар ўзбек тилида сўз бойликларини оширибгина қолмай, ўзбек ошхонасига оид бир қанча жиҳозлар, таомларни ҳам билиб оладилар.

Ўқувчиларга видеонигоҳ ёрдамида доскада янги топшириқ берилади: Ўзбек таомлари ҳақидаги русча матнни ўзбекчага таржима қилиш топширилади. Бунинг учун ўқувчилар гуруҳларга бўлинади. Жумладан, биринчи гуруҳга "Манти", иккинчи гуруҳга "Шўрва", учинчи гуруҳга "Сомса" каби матнларни топшириш мумкин. Жавоблар жамланади.

Шарқона лутф ҳақида тушунча берилади. Кичик саҳна кўриниши намойиш этилади.

Муаммоли вазият яратилади. Яъни, саҳна кўринишида мезбон меҳмондўстликнинг қайси томонларини намойиш қила олмаганлиги ўқувчилар, зарур ўринларда ўқитувчи томонидан айтилади. Ўзбек хонадонининг ўзига хос меҳмондўстлик урфлари ҳақида тушунчалар берилади. Булар:

— аввало меҳмонни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, ичкарига бошлаш, фотиҳа қилиш:

— дастурхон ёзиш, дастлаб нон келтириш, меҳмон билан ҳол-аҳвол сўрашиш, чой келтириш, меҳмонни дастурхонга таклиф этиш ва ҳ.к.

Шу ўринда нон қандай ушатилиши, чой нима учун уч марта қайтарилиши ҳақида маълумот бериб ўтилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Яна дарс бошидаги мавзуга қайтилади. Телевизор орқали наҳорги ош тасвиридан парча кўрсатилади. Палов ҳақидаги ривоятлардан келтирилади. Палов тайёрлаш жараёни ҳақида тушунча берилади.

Тайёрлаш учун палов,
Ўчоққа ёқдик олов.
Солганимиз ёғ бўлди,
У ҳам тезда доғ бўлди.
Мазаси бўлсин деб соз,
Гўшт солдик, сўнгра пиёз.
Хўп қовурдик сабзини,
Кейин босдик қазини.
Сув қуйдик, нўхат солдик,
Беҳини қўлга олдик.
Уни қилдик тўрт бўлак,
Данагин олмоқ керак.
Гуруч солиб, дамладик,
Улфатларни жамладик.
Келинг, дўсту ёр, жўра,
Тайёр паловхонтўра!

Демак, миллий таомларни ўрганиш орқали ўзбек халқининг меҳмондўстлик, тантилик, бағрикенглик каби фазилатларини ҳам англай борамиз. Тил миллатнинг руҳи экан, ўзбек тилини том маънода чуқур ўзлаштиришда урф-одатларимиз, анъаналаримиз замиридаги хислатларни ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Дилфуза ШОДИЕВА,
ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейининг олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Маълумки, илмий бўлим мудири мактабнинг юраги ҳисобланади. Ҳа, қайси мактабда илмий бўлим мудири ўз ишини пухта билса, ўша даргоҳда билим савияси юқори бўлади.

ҚАЛБ МЕЪМОРИ

Бутун ақл-заковатини, билим ва маҳоратини, мазмунга тўла умр-ҳаётини ёш авлод камолотига бахшида этиб келаётган қалб меъморларидан бири Башоратхон Умаровадир. У бундан 50 йил муқаддам Нурсух қишлоғида зиёли Тожихон Худоёров оиласида дунёга келди.

Опа 1973 йили Фарғона Давлат педагогика институтини тамомлаб келганидан буён 5-умумтаълим мактабида ёш авлодга математикадан сабоқ бериб келмоқда. У ўқувчиларининг севимли мураббийси, мактабнинг энг илғор ўқитувчисига айланди. Ўз фанини чуқур билиши, изланувчан, иқтидорли ва ташкилотчилиги туфайли Башоратхон опа 1997 йили мактаб илмий бўлим мудири вазифасига тайинланди.

Маълумки, илмий бўлим мудири мактабнинг юраги ҳисобланади. Чунки дарс жадвалларини тузиш, ўқитувчиларнинг иш режасини кўриш, уларга кўмаклашиш, дарс соатларини тақсимлаб бериш, дарсларнинг сифатини назорат қилиш ана шу инсоннинг зиммасида туради. Ҳа, қайси мактабда илмий бўлим мудири ўз ишини пухта билса, ўша даргоҳда билим савияси юқори бўлади. Бугун Б.Умарова ана шу вазифани сидқидилдан адо этиб келмоқда. Шу билан бирга ёшларга математика ва иқтисод асослари фанидан сабоқ бераётир.

Дарвоқе, Башоратхон опа жонкуяр, изланувчан, халқ таниган устоз бўлиш билан бирга, оилада меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Маҳмуджон Умаровнинг бевақт вафотидан сўнг, уч нафар фарзандини ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялади, ўқитди. Қизи Нилуфархон ўқитувчи, Дилоромхон тикувчи. Иккиси ҳам оилали, фарзандли бўлишган. Ўғли Бахтиёржон ҳисобчи.

М.РАҲИМОВА

ЯНГИЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

Светлана Абдуллаева билан қарийиб йигирма уч йил олдин танишганимизда, у оддий тарбиячи эди.

Сўнгроқ ўз ишига меҳр қўйган, унга ижодий ёндашган тарбиячининг тарғиботчилиги, услубчи сифатида ҳамкасбларига ёрдам бериши бир муассаса билан чекланмади. Эндиликда Светлананинг таълимдаги юксалиш йўли бошланди. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимида услубиётчиликдан то Давлат Тест Маркази таркибидаги Кадрлар сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси Бошқармасида экспертликка бўлган меҳнат фаолияти мобайнида у кўп қиррали мутахассис эканлигини намоён этди.

Кимлардир С.Абдуллаевани яхши услубчи ва педагогик ташхис устаси деб билса, бошқалар ўта талабчан назоратчи ва таълим соҳасининг етук эксперти деб тан олади.

"Мактабгача таълим" журнали ташкил этилган кундан бошлаб чоп этилаётган С.Абдуллаева қаламига мансуб ноанъанавий машғулотлар, услубий ишланмалари, илғор тажриба материаллари амалиётчиларнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Ta'lim fidoyilari

Дарвоқе, Светлананинг чет тилларни билиши унга Англия ва Исроилда таълим тажрибасини ўрганиб келишга имконият яратди. Шунингдек, унинг "Мактабгача таълим муассасаларини аттестация қилиш дастури" ишланмаси боғча мудираларининг стол китобига айланган. Зеро, унинг ёрдамида боғча фаолиятининг мониторингини бемалол ташкил этиш мумкин.

Таҳлилий мушоҳада юритувчи, таълим муассасасининг ривожланишини прогноз (башорат) қилиш қобилиятига эга С.Абдуллаеванинг маслаҳатлари муҳим аҳамиятга молик. Бинобарин, унинг кўмагида қатор боғчалар ишларини тиклаб олиб, ўзига хос йўналишларини топиб олганлар. Бу фазилатлари учун С.Абдуллаевани янгилик тарғиботчиси деб аташ мумкин.

Шоҳида ИСҲОҚОВА,
Собир Раҳимов туманидаги 395-мактабгача таълим муассасаси мудираси

ШОГИРДЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ...



Бугунги кунда таълим-тарбияни замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, замонавий кадрлар тайёрлашда муносиб ҳисса қўшаётган устоз-мураббийлар сони кўпаймоқда. Албатта улар эл дарди, меҳри билан ҳамиша ошно. Шунинг учун ҳам эл олқишига сазовор бўлмоқда. Умрининг қирқ йилини таълим-тарбияга бағишлаган Қудратилла Азимовни ана шундай устозлар қаторига қўшиш мумкин. У бутун меҳнат фаолиятини Тошкент тижорат техникумида (ҳозирги коллежда) ўтказди.

Қ. Азимовнинг мураббийлик тажрибаси фақат амалиётда шаклланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида инспектор вазифасида ишлаган кезларда ҳам ўрта махсус таълим муассасалари муаммолари билан шуғулланди. Мазкур тизим ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатишини инобатга олган ҳолда, бу бўғин сир-асрорларини Қ. Азимовчалик биладиган, унинг ичига кириб бориб муаммоларни бартараф этишда фаолият юритадиганлар кам топилади. Шу маънода устознинг тажрибалари ёшларимизга ўрнак бўлса, арзийди. Унинг бугунги талабларга мос равишда ишлаб чиқилган учта мужассамли иш режаси, тўққизта дастур ва битта ўқув қўлланмаси ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиш борасидаги билимига янаям билим қўшажак. Баъзан ўқитувчилар билан баҳслашиб қолганда, кимдир аниқ фанларда қўлланилаётган янги технологияларнинг афзаллигини мақтайди, кимдир гуманитар фанларнинг тарбия услубини юқори қўяди. Шунда устоз ҳакамликка ўтиб, — "Сизлар иккала фан йўналишларидаги ютуқларни уйғунлаштирсангизлар яхши бўларди, ахир тажрибалар ҳаммамизники-ку!". Ҳаммамиз жим бўламиз ва ҳақиқатни тан оламиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Қ. Азимовнинг педагогик тажрибаси ҳаммани лол қолдиради. Унинг бу соҳадаги ютуқлари мукаммал меҳнат орқасидан келган, десак муболаға бўлмас. У ана шундай меҳнати эвазига "Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдрланган. Биз жамоамиз номидан устознинг ишларига муваффақиятлар тилаб, биз ёшларнинг ҳамиша меҳрибон таянчи бўлиб юришини истаб қоламиз.

Абдували ЁҚУБОВ,
Тошкент тижорат коллежи ўқитувчиси

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

Эл ардоғида юрган камтарин, беназир шундай касб эгалари борки, халқимиз бу соҳа касб эгаларини ҳурмат билан зиёли устоз, муаллим, мураббий деб эъзозлайдилар. Бу таълим масканлари ходимларига бўлган элимизнинг, халқимизнинг чексиз ҳурмати, эъзози. Улар олдига қўйилган юксак вазифа таълим беришга бўлган муносабатнинг белгисидир. Ана шундай касб эгаларидан бири, бутун умрини, ҳаёт йўлини фақатгина ёшлар таълим-тарбиясига бахшида этган, ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини шакллантириш ҳамда уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ишига қарийб 40 йилдан буён муносиб ҳисса қўшган, тарих фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Неъматилла Қундузовдир. Аслида Неъматилла Қундузов педагоглик фаолиятини 1963 йил Тошкент вилояти Бекобод туманидаги мактаблардан бошлади. Оддий тарих муаллимининг ўз касбига бўлган меҳру муҳаббати, билимдонлиги, ўқувчилар таълим-тарбияси йўлидаги фидойилиги устоз-муаллимни раҳбарлик даражасига кўтарди. 1965-1978 йиллар касб-ҳунар билим юртида илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ишлади. 1978-1983 йиллари Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманидаги А.Қаҳҳор номидаги ўрта мактабда иш фаолиятини давом эттирди. Тажрибали, моҳир, илғор педагог Неъматилла акани 1983 йили жамоатчилик ишига таклиф этишди. Бу ишонч, эътибор, ҳурматни қабул қилиб, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида 15 йил узлуксиз ишлади. Шу йиллар давомида у ўзининг ишига меҳр билан ёндошиб, қишлоқда бир қанча ҳайрли ишларни амалга ошириб, ҳамқишлоқларининг ҳурмат ва эътиборини қозонди. У ўзининг эл-юрт манфаати йўлида қилган эзгу ишлари билан обрў-эътиборга эга бўлди. Сўнгра педагоглик фаолиятини мазкур тумандаги Ғафур Ғулом номидаги ўрта мактабда директорлик лавозимида давом эттириб, яқинда нафақага чиқди.

Устознинг машаққатли ва шарафли меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Халқ таълими аълочиси Н.Қундузов оилада ҳам талабчан ва меҳрибон ота. Хонадон соҳибаси Муҳаббат опа ҳам 7 нафар фарзандни тарбиялаш билан бирга 20 йилдан зиёдроқ ёш авлодга таълим-тарбия бердилар. Қисқаси, ҳаётларини эзгуликка, таълим-тарбия ишига бағишлаган бу устозларнинг ҳаёт йўлларидан ибрат олса арзигуликдир.

Неъматжон СОҚИЕВ

ОТА КАСБИНИ ЭГАЛЛАГАН УСТОЗ

Юртимизда ҳар қачон муаллимлик касбига ҳурмат билан қаралган. Чунки, ўқитувчи ҳар жиҳатдан одамлар учун ибрат бўлган. барча даврларда, айниқса иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги тикланиш даврларида муалим ёш авлодни тарбиялашда жуда муҳим ўрин эгаллаган. Мана шундай мамлакатимиз учун оғир бўлган уруш йилларида фронт орқасида ишлаган ва ҳалқ орасида обрў қозонган кишилардан бири туманимизнинг кекса -педагоги тўқсон ёшдан ошган пиру бадавлат инсон Мирсоат ота Махкамовдир.

Мирсоат ота иш фаолиятларини жуда эрта Наримонов номли педагогика билим ортини тугатибоқ бошладилар. Низомий номидаги педагогика олий ўқув юртининг математика куллиётини тугатиб йўлланма билан Фарғона вилояти Олтиариқ туманига ишга борадилар. У ерда мактаб директори район халқ таълими бўлими мудири вазифаларида ишлайдилар. Кейинчалик ўзлари истиқомат қиладиган Зангиота (аввалги Калинин) туман математика фанидан дарс бериб, 1970 йилга қадар ишладилар. Қирқ йиллик иш фаолиятлари давомида ўзлари яшаётган худудда катта обрў қозонганлар. Белтепа махалласида, масжидда, кўчаларни ободонлаштиришда, тоза ичимлик сувлари келтириш, газлаштириш ишларини ривожлантиришда фаол қатнащдилар. Уларнинг фарзандларидан икки қиз, беш неваралари ота касбларини давом эттиришмоқда. Уларнинг тўнғич қизлари Холида опа Исмоилова ҳам ота касбини эгаллаган фидоий инсон.

У 1977 йилдан бошлаб Тошкент вилояти Зангиота туманида ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан иш бошлади. Унинг сидқидилдан ишлаганини кўрган туман раҳбарлари 1982 йил уни ўзи ишлаётган ўқувчилар марказига директор қилиб тайинлашди. Шундан бери мана 20 йилдирки, у киши мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда. У ўз вазифасига виждонан ёндашгани учун 70 кишилик педагогик, мингга яқин ўқувчилар жамоаси ўртасида катта обрў қозонди. Бу йиллар давомида ёш авлодни тарбиялашдаги барча муаммоларни Холида опа жуда моҳирона, ота-оналар билан маслаҳатлашиб ҳал қилиб келади. У киши, аввало, барча ишларида мактаб жойлашган маҳалладаги маҳалла фаоллари ҳамкорлигида иш юритади. Мактаб, маҳалла, оила концепцияси асосида ишлашни ўзига ишора қилиб олган. Шунинг учун бўлса керак, шу йиллар давомида Х. Исмоилова мактабга раҳбарлик қилган пайтда милиция хисобига тушган тарбияси оғир ўқувчилар бўлмади. Балки шунинг учун ҳам маҳалла аҳли, барча ота-оналар ҳурмат қилишади.

Мактабга раҳбарлик қилишда Холида опадаги босиқлик, ҳамманинг руҳий ҳолатини яхши англаш, ҳар бир ўқитувчи ва ишчи ходимларнинг оилавий шароитини яхши билиши ва уларнинг ҳар бирига ўзига яраша муомала қилиш қобилияти унинг узоқ вақт бир жойда раҳбар бўлиб ишлаши учун асосий мезон бўлиб келди.

Айниқса, кейинги пайтларда ҳар бир сохада бўлгани каби мактабда моддий аҳвол жуда оғир бўлди. Йил сайин бола сони ортиб боришига қарамасдан мавжуд ўқув жиҳозларини асраб-авайлаш, мактаб биносини йиллик жорий таъмирлаш, томдан сурункасига чакка ўтишга синф хоналари, коридор, спорт залларида бири-кетин чирий бошлаган полларни алмашлаш, ўқувчиларни стуллар уларни дарсликлар билан таъминлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш — ҳамма-ҳаммаси мактаб директори учун катта моддий қийинчилик туғдирар эди.

Мана шундай катта муаммоларни ҳал этишда ҳам яна Холида опадаги муомала маданияти ва ташкилотчилик қобилияти катта ёрдам берди. У одамлар билан келишиб ишлашни билгани боис у мактаб ва оталиқ ташкилоти ҳамкорлигини янада жонлантириш таклифи билан Чиғатойнинг Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Жўраевга мурожаат қилди. Натижада М.Жўраев мактабга яқиндан ёрдам уюштирилди.

Ўзбекистон ширкат хўжалиги, Ибн-Сино номидаги қурилиш моллари бозори, "Энергетик" акционерлик бирлашмаси, мебель корхонаси ва бошқа ташкилотлар ёрдамида мактаб томи шифер билан ёпилди, спорт зали поли бутунлай янги тахта билан қайта таъмирланди, волейбол, баскетбол теннис спорт майдонлари қурилди.

Асосийси, у барча қийинчиликларни енгиб таълим-тарбия соҳасида ўқувчиларга пухта билим бериб, уларда ўқишга қизиқиш уйғотишга бутун педагогик жамоани сафарбар этиб келди. Шунинг учун бўлса керак мактабни муваффақиятли тугатган кўпгина ўқувчиларимиз шаҳримиздаги турли ўқув даргоҳига кириб ўқиб Республика равнақига ўз ҳиссасини қўша оладиган кадрлар бўлиб етишмоқдалар.

Шаҳноза УСМОНОВА,
Тошкент вилояти ангиота тумани 9-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Мавжуд 7 та йўналиш бўйича янги ўқув режалари ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг натижасида 60 га яқин ўқув дастурлари яратилиб, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази тасдиғидан сўнг, мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасаларига тарқатилди.

Яхши касб-ҳунар эгаси бўлиш инсоннинг энг улуғ зийнати ҳисобланиб, бутун ҳаёти давомида катта фойда келтиради. У фароғатга, камолга етади ва танлаган ҳунари туфайли эл-юрт ичида иззат-икром топади. Халқимизда илму ҳунар доимо улуғланиб келинган, ёш авлод илмли, ҳунарли бўлиши зарурлигига доимо даъват қилинган.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган, ҳамда мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг жорий этилиши ҳеч кимга янгилик бўлмай қолди. Фарзандларимизга тўққиз йиллик умумий ўрта таълим мактабларидан кейин муайян бир касб-ҳунар ўргатадиган, уларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириб, ўз ҳоҳиш-иродалари билан танлаган йўналишлар бўйича бир ёки бир неча касб эгаллаш имконини берувчи янги турдаги касб-ҳунар коллежларининг айни кунда мамлакатимизнинг барча жабҳалари учун ўрта бўғин мутахассисларини етказиб беришда хизматлари катта бўлмоқда. Пойтахтимиздаги Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежи ҳам ана шундай таълим муассасаларидан биридир.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИНИ АНГЛАТАДИ

— Ўлкамиз деҳқончилигини ривожлантириш кўп жиҳатдан ирригация ва мелиорация ишлари билан боғлиқ, — дейди коллеж директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Рўзимат Анорметов. — Бу борада республикамизда бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида янгидан-янги ерларни ўзлаштириш билан сув иншоотлари қурилиши ҳажми ортиб, бу соҳада ҳам етарли малакага эга бўлган мутахассисларга эҳтиёж ортмоқда. Шу боисдан ҳам, мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қуйи тармоқларини кичик мутахассис-кадрлар билан таъминлаш борасида коллежимизнинг ҳам ўзига хос тутган ўрни бор.

Айни кунда коллежнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 1500 нафардан ортиқ талаба-ёшлар гидромелиоратив машиналар ва жиҳозларини ишлатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, сув хўжалиги ва мелиорация, бухгалтерия ҳисоби, автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳуқуқий хўжалик фаолияти, менежмент каби йўналишларда таълим-тарбия олишмоқда. Уларга 69 нафар асосий, 12 нафар ўриндошлик негизида меҳнат қилиб келаётган педагог ва муҳандис-педагоглар замонавий касб-ҳунар сир-асрорларини ўргатишаётир.

Ўқитувчиларимизнинг ҳар томонлама изланиб, ўз билимлари ва касбий маҳоратларини доимий равишда ошириб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар умумтаълим, умумтехника, ижтимоий ва ҳуқуқшунослик, жисмоний тарбия ва ёшларни чақириққача тайёрлаш, гидромелиорация, автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, муҳосиблик, менежмент ва банк ишлари каби фан кафедраларида ўз тажрибалари, изланишлари, ижодкорликлари ва педагогик фаолиятида рўй бераётган янгиликлар бўйича ўзаро ўртоқлашиб, фикр-мулоҳазалар юритишади. Бу ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини оширишда ўн нафарга яқин фан номзодлари, олий ўқув юртларидан таклиф этилган олимлар бош-қош бўлишмоқда.

Тошкент шаҳар ЎМКҲТ ҳудудий бошқармаси томонидан жорий қилинган доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари коллежимизда педагог кадрларнинг маънавий ва маърифий тайёргарлиги ҳамда компьютер саводхонликларини ошириш бўйича ташкил этилган. Бундан ташқари, ўқитувчиларимизнинг деярли барчаси пойтахтимиз ЎМКҲТ муассасаларида ўтказилаётган ДҲМО курсларида мунтазам равишда иштирок этишмоқда.

Ҳозирги кунда коллежимиз ўқитувчилари учун лотин алифбосига асосланган ўзбек графикаси бўйича курслар ишламоқда. Уни ТДПУда малака ошириб қайтган тажрибали ўқитувчимиз Шоҳиста Дадажонова олиб бормоқда.

Коллежимизда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, Тошкент давлат педагогика ҳамда техника университетлари, "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг", "Ўзавтосаноат", "Ўзагромашсервис" компаниялари, "Ўзсувавтотранс" корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Тошкент "Агрегат", "Тажриба механика таъмирлаш" заводлари, Тошкент шаҳар улгуржи чакана "Матлуботсавдо" корбўлимлари, 2-, 2515-, 2519-автожамланмалари жамоалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, айни дамда бу борадаги ишларимиз ўзининг самарасини бермоқда.

Ана шундай амалий ҳамкорликларимиз натижасида, илм даргоҳимизда, айниқса, ТИҚХМИИ қатор кафедраларининг шаҳобчалари ташкил қилинди. Қишлоқ хўжалиги ва гидротехник мелиорация ва гидромелиоратив тизимларини ишлатиш, экология ва сув ресурслари, гидротехник иншоотлар, сув ресурсларидан фойдаланиш ва насос станциялари, гидромелиоратив ишларини механизациялаштириш каби бешта кафедра шаҳобчаларига бугунги кунда мазкур институтнинг олимлари Ф.Бараев, Ҳ.Салоҳиддинов, М.Бакиев, Б. Ҳасанов, А.Муродовлар раҳбарлик қилишмоқда. Шу кунларда коллежимиз талабалари ва ўқитувчиларининг илмий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида йирик олимлар О.Салимов, Ш.Йўлдошев, С.Искандаров каби муҳтарам академикларимизнинг бевосита ёрдамлари билан "Физика ва кимё", "Машиналар ишончлилиги ва таъмири", "Трактор ва автомобиллар" кафедралари шаҳобчаларини тузиш ҳақида, талабаларнинг амалий машғулотларини ташкил этиш мақсадида эса ТИҚХМИИнинг автомобиллар гаражи маъмурияти билан ҳам ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоладик. Бундан ташқари, Тошкент давлат педагогика университети билан умумтаълим ва умумтехника фанлари бўйича, Тошкент давлат техника университети билан бухгалтерия ва менежмент асослари бўйича ҳамкорлик алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган.

Бугунги кунда коллежда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичи талабларини амалга ошириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Мавжуд 7 та йўналиш бўйича янги ўқув режалари ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг натижасида 60 га яқин ўқув дастурлари яратилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази тасдиғидан сўнг, мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасаларига тарқатилди. Бу борада, М.Мираҳматов, Ф.Нурманов, А. Рустамов, А. Табибов, Ж. Мўйдинов, М. Абдужабборов, Ш.Салимов, Б.Ким, Қ.Усмонов, Ж.Аллаев, А.Мамажонов, О.Саидхўжаев, В.Рисқулов каби ўқитувчиларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Kollej + institut

Шу куни Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти билан ҳамкорлик алоқаларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида мазкур олийгоҳга ҳам ташриф буюриб, бир гуруҳ олимлар билан суҳбатлашдик.

Машариф БАКИЕВ, техника фанлари доктори, профессор:

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий моделнинг асосий таркибий қисми сифатида узлуксиз таълим кўрсатилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимлари ўртасидаги узлуксизликни таъминлаш борасида институтимизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Давр билан ҳамоҳанг равишда олдинги гидромелиорация техникуми ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлайдиган замонавий коллежга айлантирилди ва институтимиз ҳудудида жойлаштирилди. Бунинг энг яхши жиҳати шундаки, Миллий дастурда кўрсатилганидек, таълимда узлуксизликни таъминлашда биз нафақат янги ўқув дастурлари ва режалари, махсус ўқув қўлланмалари ва адабиётлар тайёрлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш борасида ҳамкорлик қила бошладик, балки назарий ва амалий машғулотларни бир вақтнинг ўзида ҳар иккала таълим даргоҳи ўқув хоналари ва лабораторияларида олиб бориш имкониятларига эга бўлдик.

Коллежда ташкил этилган институтимизнинг қатор кафедраларининг шаҳобчалари бугунги кунда муваффақиятли ишламоқда. Талабаларни илм-фан оламига қизиқтириш борасида амалий тадбирлар ишлаб чиқилиб, хусусан улар танлаган диплом ишлари ва лойиҳаларини кафедра аъзолари ҳар томонлама муҳокама қилиб, ҳимояга тавсия этишади. Коллеж ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишларини ҳам услубий, ҳам моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Муҳаммаджон ҲАМИДОВ, гидромелиорация факультети декани, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори:

— Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигининг ривожи асосан суғормали деҳқончилик билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли 98 фоизи суғориладиган ерлардан олинади. Шунинг учун ҳам бизнинг институтимиз ҳамда шу йўналишдаги коллежда ўрта бўғин мутахассис-кадрларини етиштириб бераётган кадрлар таълим босқичига оид мазкур соҳа учун зарур бўлган билим ва малакаларга эгадирлар.

Коллеж билан ҳамкорлигимизнинг диққатга сазовор томонлари бор, албатта. Институт профессор-ўқитувчилари коллеж талабаларига дарс ўтишади, олимларимиз коллеж ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқув қўлланмаларини яратишмоқда. Факультетимиз илмий-тадқиқот лабораториялари коллеж ўқитувчилари ва талабалари учун доимо очиқ. Ўйлайманки, мана шу тариқа ҳамкорликларимиз орқали таълимнинг узлуксизлиги таъминланади.

Илҳом БЕГМАТОВ, институт қишлоқ хўжалиги, гидротехника ва мелиорация кафедраси мудири:

— Коллеж билан кафедрамиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган бўлиб, шу асосда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шахсан ўзим бир неча йиллардан буён коллежда Давлат имтиҳон ҳайъати раиси сифатида талабаларнинг билимларини якуний баҳолаш жараёнида иштирок этаяпман. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, талаба ёшлар ҳимояга олиб чиқишаётган ишлар бугунги кун талаблари даражасида, илмийлиги, янгиликка бой, муаммоларнинг тўғри қўйилиши ва уларни бартараф этиш борасида аниқ ечимларни топишга бўлган ҳаракатлари институт талабаларининг илмий ишларидан асло қолишмайди. Шу боисдан ҳам биз айрим диплом ишларини ишлаб чиқаришда татбиқ этиш учун тавсия берганмиз.

Яна шуни таъкидлаш керакки, коллежда ўқиш баробарида институтимиз олимлари билан бирга доимий мулоқотда бўлиб, илмий изланган, фан кафедралари шаҳобчалари, институт лабораторияларида мунтазам шуғулланган ёшларнинг институтимиз талабалари бўлишлари бизни беҳад қувонтиради.

Маҳмуд ИСМОИЛОВ, ўқув ишлари бўйича проректор:

— Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий афзалликларидан бири бу таълим босқичлари ўртасида узлуксизликнинг таъминланишидир. Мактабгача таълимдан тортиб олий таълимдан кейинги тизимгача барча бўғинлар узлуксиз бир-бири билан боғланганидир. Шу боисдан ҳам ЎМКҲТ тизими бир томондан кичик мутахассислар тайёрласа, иккинчи томондан олий таълим тизими учун ўқувчи-ёшларнинг базавий тайёргарлигини таъминлайди.

Институтимизнинг мазкур коллеж билан ўқув, илмий, маънавий ва маърифий соҳада алоқалар олиб боради. Институт олимларининг коллежда, коллеж талабаларининг эса институтда ташкил қилинаётган асосий тадбирларда иштироки, таниқли олимлар, машҳур академиклар билан бевосита мулоқотлари, давра суҳбатлари коллежда таҳсил олаётган ёшларни институт муҳитига чорлаб, бу ердаги шарт-шароитларга мослашувларига кўмаклашади.

Коллеж талабаларининг институтимиз лабораториялари, илмий-тадқиқот марказларида машғулотлар олиб боришлари уларни муайян бир касбга меҳр қўйишга ўргатади. Институт ва коллеж раҳбарияти томонидан ҳамкорликда турли хил мавзуларда ижодий кечалар, касб байрамлари, кўрик-танловлар, фестивалларнинг юксак даражада ташкил қилиниб, ўтказилиши ҳам таълим ва тарбия ишларидаги узлуксизликни таъминлашга хизмат қилади.

Саҳифани Нурлан УСМОНОВ тайёрлади.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Aytar so'zim ko'p ekan,
Bo'ldi mitti qasida.
Sensan mening chamanim,
Jonajonim Vatanim.

O'tkir Po'lat —barcha fasllarni yaxshi ko'radigan inson. Negaki, u —ijodkor. Bahoriy yasharishni ayniqsa xush ko'radi. Shu sabablidir 63 yoshni to'ldirgan esa-da, 30 yoshli yigitning quvvatiga ega. Sport bilan shug'ullanishni haliyam kanda qilmaydi.

O'zbekiston Davlat jismoniy tarbiya instituti hamda Samarqand Davlat qishloq xo'jaligi institutini tugatgan O'. Po'latov anchadan buyon jurnalistik faoliyat bilan ham shug'ullanadi. Ko'pkarida uloqni taqimga bosib, hech kimga bermay marraga intilgani kabi, so'z durlaridan ham eng yaxshilarini terishga intiladi. Unga fasllarga mos ilhom tilab, "Asom—rassom" ertagini e'tiboringizga havola qilayapmiz.



JONAJONIM VATANIM

(Mitti qasida)

Bulbul bo'lsam men agar,
Sensan mening chamanim.
Jahon uzra ravnaq top,
Jonajonim Vatanim.
Bog'laring juda so'lim,
Tog'-toshlaring ulug'vor.
Muqaddasdir har guli,
Vodiylaring maftunkor.
Sensan mening chamanim,
Jonajonim Vatanim.

Nega ismim Barchin deb
So'radim men otamdan.
"Alpomish"ni ko'rsatib,
"O'qi" dedilar obdon.
O'qidim dostonlarni,
Anglaganim ko'p bo'ldi.
Aylandim bo'stonlarni,
Ko'rganlarim xo'p bo'ldi.
Sensan mening chamanim,
Jonajonim Vatanim.

Seni ko'rdim har giyoh,
Har daraxtning bargida.
Angladim, erk tug'ilar,
To'marisning dardidan.
Or-nomusi Vatanning,
O'tib kelar qondan ham.
Shiroq kesar qulog'in,
Yurt azizdir jondan ham.
Sensan mening chamanim,
Jonajonim Vatanim.

Tarixda ko'p botirlar,
Furqat, Usmon Nosirlar.
Ulug'bek hamda Cho'lpon,
Sarkarda Temur bobom.
Tarix saboq bizlarga,
Bobom ruhi qanotdir.
Ajdodlarning o'giti
Misli obi-hayotdir
Sensan mening chamanim,
Jonajonim Vatanim.

Biz go'yo yulduzlar-u,
Vatan bizga osmonday.
Yurtboshining har so'zi,
Ishi bizga posbonday.
Senga dil izhorimni,
Yozmoqchiydim aslida.
Aytar so'zim ko'p ekan,
Bo'ldi mitti qasida.
Sensan mening chamanim,
Jonajonim Vatanim.

Mahliyo ERGASHEVA,
Qarshi shahridagi Nodirabegim nomli maxsus gimnaziyaning 6-sinf o'quvchisi

ASOM RASSOM

(Ertak)

Juda qadim zamonda,
Allaqaysi tomonda,
Bo'lgan ekan bir rassom,
Ismi ham ekan Asom!

U chaqqon ham bilag'on,
Bahodir va topag'on,
Qishloq ahli ichinda,
O'zi ekan chin inson.

Zolimlar qo'rqisharkan,
Xalqi qilarkan hurmat,
Ko'pchilik shogirdlari,
Olarkan undan ibrat.

Asom chizarkan bog'ni,
Ko'm-ko'k dala o'tloqni,
Baland tog'u qirlarni,
Qaynab turgan buloqni.

Bu mamlakat podshohi
Ekan qonxo'r va zolim.
Hech shafqat qilmas ekan,
Kim bo'lsa agar olim.

Xalq bo'libdi norozi,
Zolim podsho dastidan,
Derkanlar "qonxo'r tozi",
Gap otishib ortidan.

O'ch olmoq kerak shohdan,
Quturgan ul beboshdan,
Buncha yovuzlik unda
Paydo bo'lgan qayoqdan.

Mo'yqalam olib Asom,
Chizdi bahaybat sherni,
Oyoq ostida odam,
Qon qoplagandi yerni.

Sherni shoh misolida,
Boshiga toj kiygizdi,
Beshafqat timsolida,
Saroy tomon yurgizdi.

O't sochardi ko'zidan,
O'lim kezar izidan,
Ajal sochar har tomon,
Uchragan qolmas omon.

Suratni chizib Asom,
Do'stu yorga ko'rsatdi,
Ta'riflab buni rassom,
Bu kimligin o'rgatdi.

Tez orada ovoza,
Yetib bordi saroyga,
Ayuhannos soldi Shoh,
Bo'ldi rosa tomosha.

Tutib keltiring dedi,
O'zboshimcha rassomni,
Dor tiklatib jallodga,
Osmoq bo'ldi Asomni.

Yeldi shohning askari,
Uning qishlog'i tomon,
Bilar edi aksari,
Sho'rlik qolmasdi omon.

Xalqi bo'ldi hangu-mang,
Lashkarning kelishidan,
Ahvol edi juda tang,
Ularning yelishidan.

Qishloq edi o'zgacha,
Go'zal edi hamma yoq,
Daraxtlarning shoxlarin,
Gul qoplagandi oppoq.

Asom bundan bexabar,
Kezar edi gulzorda,
Rang tanlardi bexatar,
Suratiga nahorda.

Birdan kelib zolimlar,
Qo'llarin bog'lashdi,
Chizgan surati birla
Saroy tomon haydashdi.

Keltirdilar saroyga,
Ular ulug' rassomni,
Tavba qil deb urdilar,
Qiynadilar Asomni.

Yo'q —deb hayqirdi Asom,
Tavba qilmayman aslo,
Tiriklayin yonsam ham,
Yog'dirsang ham yuz balo.

Shoh jazavasi tutib,
Buyurdi jallodlarga,
O'zi boshida turib,
Ostirmoq bo'ldi dorga.

Avval qo'lini kesing,
San'atini so'ndiring,
Bag'riga xanjar urib,
Boshini dorga iling.

Olib chiqdilar uni,
Maydondagi dor tomon,
Bitgandek edi kuni,
Bulutli edi osmon.

Olomon dod solardi,
Ozod qil deb Asomni,
Sochlarini yulardi,
Onasi ul rassomning.

Yo'q, bitgandi paymona,
Yordam berolmas Ona,
Uni o'ldirish uchun,
Topilgandi bahona.

Zolim vazir baralla
O'qidi ma'ruzasin,
O'shqirib olomonga,
Ko'rsatdi shoh farmonin.

Qonxo'r jallod ayamay,
Rassom bag'rin tiladi,
Yon-veriga qaramay,
O'ldirmoqqa chog'ladi.

Qora bulut qopladi,
Yer yuzini ajabo,
Shoh taxtiga o't ketdi,
Qo'lin kesgan hamono.

Qiy-chuv boshlanib ketdi,
Jala quydi, sel ketdi,
Momaqaldiroq gumbiri,
Olis-olisga yetdi.

Jala tinganda esa,
Yo'q edi zolim podsho,
Quyosh porlardi ko'kda,
Taxtdan qolmay nishona.

Asom yerda yotardi,
Bukilgan edi qaddi,
Ko'tardilar oh tortib,
Xalqi botir rassomni.

Asom mag'rur boqardi,
Jilmayardi minnatdor,
Tanidan qon oqardi,
Ketmoqda edi mador.

Bir oh urib ushbu dam,
Mangu ko'z yumdi Asom,
Ulug' insondan xalqi,
Ayrilgandi batamom.

Asomning bo'yoqlari,
Kamalakka aylandi,
Yer va ko'kning orasi,
Turfa rangga bog'landi.

Ozodlikni olqishlab,
Jilo berib toblandi,
Xalqining yuragida
Ul haykalga aylandi.

Bu albatta rivoyat,
Qolgan juda qadimdan,
Ayladim men hikoyat,
Eshitgandim otamdan.

O'tkir PO'LAT

УМР ДЕВОРЛАРИН БЕЗАМОҚДА ВАҚТ

(Янги йил ҳақида ўйлар)

Инсонни Яратганнинг илоҳий мўъжизаси дейишади. Бу мўъжизанинг кўнгил кенгликларига тикилиб ҳайратга тушаман. Дераза ортидан ўтаётган одамлар дарёсини кузатаман. Кимдир шошилиб, кимдир оҳиста, яна кимдир эса лоқайд ўтаяпти. Уларнинг кўнглига сафар қилгим келади, аммо бунинг имкони йўқ...

Қишнинг кафтларида жунжикиб, титраб турган дарахтлар бир лаҳза ўйларимни ўғирлайди. Улар кечагина яшил япроқларга бурканиб, денгиздай шовуллаб туришарди. Бугун эса япроқлар ҳасратида мунғайиб турибдилар. Назаримда, дарахтлар, ҳар япроқ тўкканларида бир ёшга улғайгандек туюладилар. Умр нима ўзи?

Бу ҳаётда яшаш учун берилган вақтмикин, умр? Негадир ўтган умр йўлларига тикиларканман, бағримда гулханлар ёна бошлайди. Гулхан алангаси ёришиб, унда болалик кунларим тикланади. Осмонга туташиб кетган йўллар, уларнинг икки четидаги маъюс тераклар мени чорлагандай бўлаверади. Наилож, ортга қайтмоққа фақат хаёлларгина ҳақлидир.

Хаёллар етаклар олисга,
Жонимда титрайди бир зиё.
Муҳаббатга тўла кўнглимни,
Ўзинг асра, эй она дунё.

Хаёлимда яшайди тонглар,
Сирлашади бунда ҳар ғунча.
Ишқинг билан тирикман ҳаёт,
Ундан айирмагин ўлгунча.

Хаёлларим юлдузга етар,
Шуъласидан энтикади дил.
Умр боғларида ошиқдай,
Телба бўлиб ўтади ҳар йил.

Мен нурларга қоришиб кетдим,
Ҳар заррада менинг кўнглим бор.
Хаёлларнинг мамлакатида,
Омон сақла, эй Парвардигор.

Мен ҳамон умр нима, - деган сўроққа муносиб жавоб излайман. Ва бежавоб нигоҳлар билан ўз кўнглимга назар ташлайман. "Инсоннинг кўнгли улкан қабристондир", деган эди бир донишманд. Бошқа бир аллома эса уни гўзал гулистон деб таърифлаган эди. Мен бугун бу икки донишманднинг фикрини бирлаштиргим келди. Инсоннинг кўнгли ўтган кунлар хотираси ва келаётган кунлар умиди ила тирик.

Баъзан кўнглимда йиғлаётган ёки хўрсинган кунлар овозини эшитаман ва унга таскин излай бошлайман. Шунда тонгдан, янги кундан нажот кутаман.

Badia

Бу нажот кимдандир —
Яратганданми,
Дашти Карбалони уйғотар оҳим.
Сарғайган бир гулдай зор
титрадим мен,
Дилни ташлаб кетгин энди ғуноҳим.

Маъюс юрагимда инграйди тунлар,
Ногоҳон санчилган сўзлар тикони.
Елкамни тоғ каби босиб туради —
Олис хотиранинг яқин армони.

Нимадир етишмас, нимадир ортиқ,
Ненидир сўзлайди кўнгил забони.
Менга ҳайрат бўлиб туюлар баъзан,
Ожиз капалакнинг бир кунлик жони.

Сезаман гоҳи ғам, гоҳ севинч билан,
Умрим деворларин безамоқда вақт.

Нажот тонгларидан бир умид кутиб,
Яшамоқнинг ўзи саодат ва бахт.

Кумуш қишнинг афсунида жунжиккан дарахтлар кўнглимга кираётгандек, назаримда. Улар ҳар доим юрагимга яқин эди. Бугун эса ҳатто уларнинг шивирлашларини ҳам тушунаётгандекман.

Чеккадаги ёлғиз дарахт хаёлимни тортади. У менинг кўзимга ёлғиз ва кимсасиз одамни эслатади. Бу дунёда ёлғизликдан асрасин. Хайриятки бағримни тўлдирган оилам, болаларим бор. Шулар учун менинг ўксинишга, нолишга ҳаққим йўқ деб ўйладим.

Дарвоқе, ёлғиз дарахт ҳақида нимадир демоқчи эдим. Аммо жон денгизи қалқиб, қонимда шеър ишқи югурди:

Осмонга қўлларини чўзган аёлдек,
Бу тубсиз дунёга боққанча карахт.
Бир дардкаш излайди балки ўзига,
Боғнинг четидаги ёлғиз бир дарахт.

Қорлар ёниб ўтди бошида беун,
Синмади яшашга қилгандайин аҳд.
Аммо шовуллайди армонли тунлар,
Боғнинг четидаги ёлғиз бир дарахт.

Қушлар ташлаб кетди бутоқларини,
Шохлари силкинар аламзада шахт.
Танҳолик инграйди илдизларида —
Боғнинг четидаги ёлғиз бир дарахт.

У балки қандайдир аёл қисмати,
Умидсиз йўлларга тикилар бебахт.
У қадим дунёнинг қадим ҳикмати,
Боғнинг четидаги ёлғиз бир дарахт.

Ёлғизлик фалсафаси умр нима деган саволнинг ўзгинаси, ҳатто кимгадир ёлғизлик ёқади. Мени эса ёлғизларга раҳмим келади. Ёлғизликни ёқтирган кимса ҳам ёлғизлигини тўлдириш учун ёлғиз қолади. Айтишларича, инсон онанинг қорнидаёқ ўз қисмати ҳақида ҳамма нарсани билар экану туғилган заҳоти кўзларини қамаштирган тириклик нурига маҳлиё бўлиб, барча нарсани фаромуш этар экан. Қизиқ, ўшанда у ёлғизликка маҳкумлигини билганида ҳаётга терс қараган бўлармиди. Мен буни билмадиму, аммо ҳар бир инсон ҳамиша ўз оиласида, дўстлари даврасида бўлсин дейман, ёлғизликдан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Мана кўз очиб юмгунча, яна бир йил ўтибди. Аммо ўтган мана шу бир йил кўнглимда ўчмас хотиралар, дийдорлар ва соғинчларни муҳрлаб кетди. Баъзи аёллар йилларнинг тез ўтаётганидан ўкиниб, яна бир йилга қаридик-а, деб қўйишади.

Мен негадир йил ўтган сайин яшараётгандекман, чунки кўнглимдаги ҳаёт ишқи ҳали жуда ёш ва жуда кўркам...

Ёруғ хаёллар қуршовида ўтирар эканман, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Дилдора қизим югуриб келиб: "Ойижон, маҳалламиздаги аёллар сизни сўраб чиқишди", деди. Кўнглим ёришиб кетди. Улар, менинг маҳалладошларим, ҳар доим кўнгил сўраб бир-биримизникига чиқиб турамиз. Маҳаллам Ватанимнинг тилло остонаси.

Яхши-ёмон кунимдаги елкадошим. Айтгандай, маҳалладошларим мени кутяпти. Уларга қуйидаги янги шеъримни бағишлайман...

Янги йил кирмоқда хаёлдай майин,
Қалбда мавжланади умид дарёси.
Кўзимда акс этар қадим дунёнинг,
Ҳали мен етмаган зумрад зиёси.

Қоқилсам елкамдан суяди ҳаёт,
Менга суянч бўлди ҳайрат парчаси.
Балки шунинг учун очилди менга,
Сирли муҳаббатнинг нурли дарчаси.

Янги йил кирмоқда дилимга кел, дўст,
Эккан дарахтларим кўрсатмоқда бўй.
Элга олиб келсин қутлуғ қадаминг,
Тинчлик, фаровонлик,
ҳар гўшада тўй.

Дўстларга бахт бергин,
ғанимга тўзим,
Тилакка чулғониб тўлғонади дил,
Халқим насибасин бутун эт илло,
Яхши кунлар олиб келгин янги йил.

Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА,
ўқитувчи

АВЛИЁ НИКОЛАС

ёхуд Қорбобо ҳикояти

1823 йили 23 декабрда "Америка" газетасида Авлиё Николас ҳақида шеър босилиб чиқди. Шоир Климент С. Мурнинг мазкур шеърида қуйидаги ҳодиса тасвирланади: Авлиё Николас янги йил кечаси бир уйнинг мўрисидан ичкарига киради. Камин олдига болалар пайпоқчалари осилган экан. Авлиё ота ўша пайпоқчаларга ўйинчоқ ва совғаларни солиб чиқиб кетади.

Олийжаноб қария ҳақида кўпгина ажойиб-ғаройиб ривоятлар сақланиб қолган. У уч опа-сингилга деразадан уч халта олтин ирғитган эмиш. Бу олтинлар бокира қизларнинг сепига етиб, улар яхши жойларга турмушга чиқадилар.

У денгизда кўтарилган довулни тўхтатиш қобилиятига эга бўлган. Авлиё Николас совға-салом улашувчи сахий қария сифатида донг таратган. У ҳақдаги ривоятларни денгизчилар Голландияга олиб боришган, бу ерда у Санта Клаус номи билан машҳур бўлиб кетади.

Авлиё Николас тимсоли учта олтин тўпча бўлиб, унинг қандай маъно англатиши маълум эмас. Қадимги судхўрлар мана шу тимсолни ўз дўконларига осиб қўйганлар.

Болаларнинг севимли бобоси бўлган Қорбобони турли халқлар ҳар хил ном билан аташади. Масалан, Қорбобо, Қишбобо, Аёзбобо, Ноэлбобо, Санта (авлиё) Клаус ва ҳоказо. Ҳикоятлар йўқ ердан пайдо бўлмайди, ҳар бир ривоятда муайян реал асос бўлиши керак.

Авлиё Николас ўзи ким? У Кичик Осиё ярим оролининг Мира шаҳрида IV аср бошларида туғилган экан. Бу ерлар ҳозир Туркиянинг ғарбий ҳудудидир. Эгей ва Ўрта Ер денгизи сувлари қўшилган соҳиллар бўйлаб саёҳат қилсангиз, Делуре шаҳарчаси яқинидаги Мира шаҳри қолдиқларига дуч келасиз. Мира — Авлиё Николас шаҳри номи билан машҳур. Кўҳна даврлардан қолган театр вайроналари, тоғ қояларига ўйилган қабрлар сизга бир ярим минг йил аввалги воқеалардан ҳикоя қилади. Авлиё Николас ибодатхонаси, зумраддек арча ва қарағайлар, авлиё Николаснинг ҳайкали ажойиб таассуротлар қолдириши мумкин.

Ҳайкал донишманд руҳоний қиёфасида тасвирланган, авлиё отани болалар ўраб олишган. У болаларни турли бало-қазолардан ҳимоя қилаётгандек, елкасида каттагина қоп. Авлиё ота Мира шаҳрида руҳонийлик қилган. Болалар ва денгизчиларнинг меҳрибон ҳомийси бўлган. Бу ҳақда ҳайкал яқинидаги лавҳада ёзиб қўйилган. Олийжаноб қариянинг ғайритабиий мўъжизаларини санаб тугатиш қийин. У халоскор авлиё, ғамхўр пуштипаноҳ сифатида тарихда қолган.

Авлиё Николас IV асрнинг ўрталарида, 6 декабрь куни вафот этган. Унинг қабри устига кичик ибодатхона қурилган. 1087 йилда савдогарлар авлиёнинг суякларини хосиятли деб ўғирлаб кетишган. Ҳозир бу суяклар Анталия шаҳри музейида сақланади.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси Камолхон ҲАМЗАЕВ тайёрлади.

Бугунги кунда педагогик таълим "шахсни ривожлантирувчи таълим"га айланиши, ўқитувчи-талаба муносабати таълим мазмунининг асосини ташкил этиши керак.

Milliy dastur — amalda

МУРАББИЙ МАСЪУЛИЯТИ

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўрсатилган комил инсонни тарбиялашда таълим-тарбия тизимида фаолият кўрсатаётган ўқув даргоҳлари ва энг асосийси, шахсни тарбиялайдиган ўқитувчи кадрлар зиммасига улкан вазифалар юклайди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда салоҳиятли педагог кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш борасида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Нукус, Қўқон, Навоий, Жиззах педагогика институтлари билан бир қаторда, Тошкент вилоят Давлат педагогика институти ҳам кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу олийгоҳ нафақат Тошкент вилоятига, балки республика таълим тизимига ёш педагог кадрларни етказиб бериш борасида алоҳида ўринга эга. Педагогика институтларида таҳсил оладиган талабаларнинг маънавий-маърифий соҳасидаги ишларига, тарбиясига, улар билимига қўйиладиган талаб даражасидан ҳам юқорироқ эътибор керак. Чунки улар жамиятда баркамол инсон тарбияси билан шуғулланади.

Ўқитувчи инсонийлик, эътиқодлилик, Ватанга содиқлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий бурчни чуқур англаш сингари улуғвор мақсад йўлида темир ирода билан кураша билиш, ҳаққонийлик, қатъиятлилик, халқ билан ҳамқадам ва ҳамкор, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш, ҳаётда фаол позицияда туриш, янгиликларни сезиш ва уларни ҳаётга жорий этишда ташаббускорлик кўрсатиш, ахлоқий поклик ва ёш авлодга меҳрибон бўлиш, оқилона талабчанлик, инсоний маданий хулқ, нафосат, тил ва дил бирлиги, фан асосларини, жамият ва табиат, инсон тафаккури қонуниятларини чуқур билиш ва амалда қўллай олиш, ҳар соҳада ёш авлодга ўрнак кўрсата билиш каби фазилатларга эга бўлиши керак.

Илғор ғоялар ва янгиликларнинг тарғиботчиси бўлган ўқитувчилар энг маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат уларнинг ҳар бир қадамида, феъл-атворида, кийинишида, оиласида, иш жойида, одамлар билан муомала жараёнида, нутқ маданиятида, адабиёт ва санъатни севишда, ҳаёт, табиат ва одамлардаги гўзалликларни баҳолаш ва қадрлашида ўз ифодасини топади. Ўқитувчи шахсининг ҳар бир ҳаракати ҳамиша кишилар нигоҳида бўлади. Бу эса ўқитувчини ўз устида доимий ишлашини талаб этади.

Ўқитувчи халқдан бир қадам олдинда юриб, одамларни ўз ортидан эзгулик сари эргаштирмоғи даркор. Шу сабабли ҳам жамиятга ёш ўқитувчи мутахасссисларни етказиб берувчи педагогика институтларида олиб борилаётган тадбирлар, талаба ҳаётини изчил ташкил қилишда бўлғуси ўқитувчиларнинг фаолияти мукаммал бўлишини белгилайди. Институт ўқитувчилари яхши "математик", яхши "химик"гина эмас, ўз фанини ўқитиш жараёнида талабанинг маънавий фазилатларини ҳам шакллантира оладиган, унда ташаббускорликни кўра оладиган, қўллаб-қувватлайдиган зеҳнли, фидойи мураббий ҳам бўлмоғи керак.

Бугунги кунда педагогик таълим "шахсни ривожлантирувчи таълим"га айланиши, ўқитувчи-талаба муносабати таълим мазмунининг асосини ташкил этиши керак. Ёш мутахассисларни билимга эга бўлишларининг ўзи эндиликда камлик қилади. Унда дунёнинг илғор мутахассисларига хос амалий ва назарий кўникмалар, юксак инсоний хусусиятлар ҳам шаклланган бўлиши керак. Таълимда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг асосига ҳам замонавий моддий-техник база билан бир қаторда, малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи қўйилган.

Педагог кадрларни тайёрлашда олий ўқув муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларни бошқарувчи ва ташкил этувчи ходимлар, декан муовинлари, мураббийлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиларининг биргаликда олиб борадиган фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Бу фаолият замирида ўзаро алоқадорлик, бир-бирини тўлдириш ва умумий мақсад сари интилиш сезилмоғи керак. Улар томонидан йўлга қўйиладиган кундалик фаолият, тадбирлар мазмунига — Миллий дастурда кўзда тутилган баркамол авлодни тарбиялаш мақсади сингдирилмоғи зарур. Бу тизимда иш юритаётган ҳар бир масъул шахс таълим тизимида олиб борилаётган ижобий ислоҳотларнинг жонкуяри, фидойиси бўлиши керак.

Л.ЖЎРАЕВА,
ТВДПИ катта ўқитувчиси,
кимё фанлари номзоди

ТАРБИЯНИНГ ТАРИХИЙ НЕГИЗИ

Ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳиятини англайдиган комил инсонлар ва онгли фуқаролар қилиб етиштириш тарбиявий ишларнинг асосий мақсадидир.

Унинг асосий йўналишлари эса — талаба ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар заминида мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий фуқаролари этиб шакллантириш, республикамизда эркин, демократик, ҳуқуқий жамият қуриш сари олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини ўрганиш ва таҳлил этиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ёки мутахассисларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни иш билан таъминлаш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказиб бориш, уларни жамиятимизга хавф туғдирадиган ҳар қандай экстремистик оқимларга нисбатан муросасиз курашчи сифатида тарбиялашдан иборатдир.

Шунингдек, таълим жараёнида ва ўқишдан ташқари вақтда маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни ташкил этишда таълим муассасасининг педагог, муҳандис-педагогларига услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, раҳбарлар ва тарбиячиларнинг ишини тўғри ташкил қилиш, сардорлар ишини бошқариш, ўқувчи талабалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий тарбияни кучайтириш ва уларни ҳуқуқ-тартибот органлари билан доимий ҳамкорликда амалга ошириб бориш ишлари йўлга қўйилади.

Тарбиявий ишларни олиб боришда унинг назарий асосларини пухта билиш назарда тутилади.

Анъанавий халқ достонлари, эртаклари, қўшиқлари, мақол ва маталлари ёшлар тарбияси учун ибратдир. "Орзигул", "Алпомиш", "Кунтуғмиш" ва бошқа шу каби достон қаҳрамонлари дадиллик, жасурлик, довюраклик, бунёдкорлик, яратувчилик қаҳрамонларидир. Ўзбек халқининг "Донишнома", "Сиёсатнома", "Саодатнома", "Рушнома", "Қобуснома" каби асарларида ҳам педагогик ғоялар салмоқли ўринни эгаллайди. Бу асарлар жаҳон халқлари педагогикасининг ягона тарбия воситаси бўлиб келган. Улар бизнинг замонамизда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Шунингдек, буюк алломалар Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизийларнинг асарлари ҳам ёшлар тарбиясида муҳим манбаадир. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олиб бориладиган тарбиявий ишларда Ўрта Осиёнинг машҳур олимлари, маърифатпарварларининг илм, аҳлоқ-одобга оид асарларидаги ғоялар ҳам муҳим назарий асос ҳисобланади. Алгебра, арифметика соҳасида ўрта асрлар математикаси даврини бошлаб берган бобокалонимиз Ал-Хоразмий, астрономия, география, атамашуносликка оид шоҳ асарлар соҳиби Ал-Фарғоний, қомусий олим, руҳшунос, "Муаллим соний" номини олган устоз мураббий Ал-Форобий, "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Геодезия", "Минералогия", "Тиббиётда доришунослик" каби ўнлаб китоблар ёзган мутафаккир Абу Райҳон Беруний, фармакология, доришунослик, тиббиёт фанида машҳур бўлган олим — Абу Али ибн Сино, билим, ўқув ҳақидаги шоҳ асарлар муаллифи Юсуф Хос Хожиб каби улуғ алломалар дунё фанининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб, таълим-тарбиянинг негизи, илмий-назарий асосларини ишлаб берганлар.

Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қори, Ибрат, Авлоний, Чўлпон каби маърифатпарварларимиз ХХ аср бошларида ҳукуматдан маҳаллий халқ фарзандларига илм, маърифат берилишини талаб қилиб чиқдилар. Улар дарслик қўлланмалари ёзиб, янги мактабнинг мазмун ва мақсадини белгилаб бердилар.

Бугун эса, тарбиявий ишларнинг назарий асосларини Президентимиз асарлари, нутқларида кузатиш мумкин. Таълим-тарбияга оид Президент асарлари ҳозирги замон тарбиясининг асосий манбаси ҳисобланади.

Ж.ҲАСАНБОЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ
"Умумий педагогика" кафедраси
профессори, педагогика фанлари
доктори

ТУРКЖАҲОННИНГ ҚИЗИ — КАМОЛА

У қўшиқ куйлайди. Болаларча соф, беғубор қалб ила куйлайди. Қўшиғига бокира туйғуни, орзули самони, меҳру-муҳаббатли дунёни қўшиб куйлайди. Унинг "Қалдирғоч" қўшиғини ойнаи жаҳонда бир неча бор кўриб ҳайратга тушган бўлсангиз, ажабмас. Сиз уни яхши танийсиз. Бу қизалоқ сирдарёлик Камола Пардаевадир. Эндигина 10 ёшга қадам қўяётган Камола мустақилликнинг, озодликнинг эрка фарзанди. Ёшликдан бошланган ишончли ҳаракат самарали бўлади. Камола ҳам беш ёшидан бошлаб мусиқа сирларини ўргана бошлади, ҳозирда у Гулистон шаҳридаги мусиқа мактабида таҳсил олади. Шу кунларда 2003 йилда Туркияда бўлиб ўтадиган "Жужуқлар" бутун дунё болалар фестивалида қатнашиш мақсадида тайёргарлик кўрмоқда. Камола ҳали ёш бўлишига қарамай, турли хил тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Чунончи, 2000 йилда ўтказилган умумхалқ Наврўз байрамида пойтахтимизда сирдарёлик санъаткорлар билан биргаликда қатнашди. Бундан ташқари, вилоят ҳамда республика миқёсидаги фестивалларда бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Камола Пардаева ўз қўшиқларида миллийликни, ўзликни, Она-Ватанни кўпроқ куйлашни истайди. У яратган янги қўшиқ фольклор йўналишидаги "Би-ю, би-ю" деб аталади.

Энасойдан бир товуш,
Момом чалар чанқовуз.
Бию, био, бию, бий
Бию, био, бию, бий
Битта кокилим Сайхун
Битта кокилим Жайхун
Мен Хоқоннинг қизиман
Туркжаҳоннинг қизиман —

каби сатрлардан иборат бу қўшиқда миллий оҳанг, ўзлик таровати уфуриб турибди. Кўпгина қўшиқларининг муаллифи Ҳаёт Шодмон ва бастакор Бахтиёр Асоновлар Камоланинг ижод муваффақиятларига катта ҳисса қўшиб келишмоқда.

Бахтиёрлик қўшиқларини баралла куйлайвер, Камола! Негаки, озод элнинг ҳар куни байрам, бу кунларда қўшиқ куйламоқ ярашади.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири

БИШКЕК БОЗОРИДАГИ ПОРТЛАШ

Бишкек ИИБ матбуот - хизматининг хабар беришича, воқеа содир бўлган жойда ёнғин бўлмаган. Савдо расталарининг учинчи қатори ва бозорнинг ғарб қисмидаги ошхона бутунлай яксон бўлган. Портлаш маҳаллий вақт билан 10:10 да содир бўлган.

Баъзи манбаларга кўра, газ баллони портлаган - деган тахмин ҳам бор. Иккита контейнер остун - устин бўлиб кетган. Моллар сақлаш омбори бутунлай яксон бўлган. 30 дан ортиқ жабрланганларга воқеа жойида ёрдам берилган. Касалхона маъмуриятининг хабар беришича, жарохатланганларнинг кўпчилигини куйганлар ташкил этади.

Айни вақтда жиноий иш қўзғатилган. Воқеани ўрганиб чиққан Қирғизистон миллий хавфсизлик хизмати бу террор ҳаракати эканлигини айтмоқда.

ГУВОҲЛАР НИМА ДЕЙИШМОҚДА?

АКИ пресс Бишкекдаги "Дордой кийим-кечак бозорида бўлиб ўтган кучли портлашнинг гувоҳи бўлган шахсларнинг биридан интервью олди. Пойтахт газеталаридан бирининг масъул котиби Лариса Смирнованинг айтишича у ўша куни "Дордой бозорига янги йил совғалари сотиб олиш учун борган. У бозорнинг шимол тарафидан юргани боис, портлаш содир бўлган вақтда Лариса ўртадаги расталар ёнида бўлган. Воқеа содир бўлиши биланоқ, одамлар жон таҳликасида ҳар томонга югуришган, ҳамма жой остин-устун бўлиб кетган. Бир сотувчининг айтишича, унинг шериги портлаш содир бўлган томондаги ҳожатхонага кетганича қайтиб келмаган.

Дунёнинг ишлари қизиқ. Портлаш содир бўлишига қарамай, воқеадан сўнг бозорда савдо яна давом этган.

ЭКСПЕРТ НАТИЖАЛАРИ

Қирғизистон ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари "Дордой" бозоридаги портлашга алоқадор иккита гумондор шахснинг фотороботини яратди. Бу ҳақда хабар қилган шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи Кенешбек Душебоевнинг айтишича, воқеа юз берган куни гумон қилинаётган шахслар товарларини сақлаш омборига топширганлар. Текширув ишларида Бишкекдаги антитеррор коалицияси ҳам иштирок этмоқда.

"Америка ва Қирғиз мутахассисларининг текширув методлари ҳар хил бўлиши мумкин, лекин умумий натижа бир хил — портловчи модда ишлатилган"- дея таъкидлади Душебаев. Эслатиб ўтамиз 27 декабр куни "Дордой" кийим-кечак бозорида содир этилган портлаш оқибатида 8 киши қурбон бўлиб, 50 га яқин киши тан жароҳати олган эди.

МУШАКЛАР КОНТРАБАНДАСИ ОШДИ

Янги йил яқинлашиши натижасида байрам маҳсулотлари контрабандасининг ошганлиги таъкидланмоқда. Россия Федерал чегара хизмати матбуот марказининг хабар беришича, "Забайкальск-Автомабильный" назорат ўтказув пунктида ноқонуний йўл билан Хитойдан Россияга олиб келинаётган катта миқдордаги "пиротехника" воситалари қўлга олинди. Оғирлиги деярли 90 кг бўлган "пиротехника" воситалари божхона декларациясидан ўтмаган.

Шу ўринда 2002 йил 12 июн куни Москванинг академик Анохин кўчасида бўлиб ўтган бир воқеани эслатиб ўтиш жоиз. Ўша кун 10 ёшли бола сертификатлаштирилмаган Хитой "пиротехника" воситаларини кўп қаватли бино кираверишида портлатиши натижасида жиддий жароҳат олган. Шунга ўхшаш ҳодиса 2001 йил 12 декабрь куни Санкт -Петербургнинг Кронверкск кўчасидаги дўкон ёнида содир этилган. Уч нафар бола Хитойда ишлаб чиқарилган "пиротехника" воситаларини сотиб олиб, ўша жойнинг ўзида уларни ёқишга уринганлар. Портлаш оқибатида икки ўсмирнинг бармоқлари узилган ва кўзларига зиён етган. Учинчи бола эса енгил жароҳат олган.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 101-гуруҳ талабалари тайёрлади.

ОЛИМЛИК ШАРАФИ

Ҳадисшуносликка доир бир муҳим тадқиқот хусусида

Маълумки, исломшунослик илми собиқ иттифоқ даврида қаттиқ сиёсий-мафкуравий тазйиқ ва таъқибларни бошдан кечирган эди. Бунинг оқибатида кутубхоналарда, шахсий архивларда, айниқса, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти кутубхонаси фондида сақланаётган кўплаб нодир қўлёзмалар, хусусан, ҳадис илмининг буюк алломалари Имом ал-Бухорий, Имом ад-Доримий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Имом ат-Термизий, Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий ва бошқаларнинг ҳаёт йўллари ва асарлари узоқ вақт ўрганилмай, эътибордан четда қолди. Уларнинг бой илмий-маънавий меросларн, тарбиявий аҳамиятга молик ҳикматларидан халқимиз баҳраманд бўлолмади. Истиқлолимиз шарофати туфайли бу буюк муҳаддисларимизнинг муҳим асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, меросларн устида тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди. Мустақиллик йилларида бу борада шарқшунос, исломшунос олим ва мутахассислар сезиларли натижаларга эришдилар. Шулар жумласидан, айниқса, Тошкент Ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий тадқиқот марказининг бош илмий ходими Убайдулла Уватов олиб бораётган тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг бу йўналишда узоқ йиллардан буён олиб борган изланишлари ўзининг самарали натижасини берди. Яқинда олим Тошкент Ислом университетининг ихтисослашган илмий кенгаши мажлисида ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослиги бўйича тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун "Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом-ат Термизий)" мавзуидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бу йирик тадқиқот ҳадисшунослик бўйича Ўрта Осиёда амалга оширилган дастлабки докторлик диссертацияси дейиш мумкин. Унда ҳадис илмининг тарихий асослари, тараққиёт босқичлари, буюк муҳаддислар Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ва Имом ат-Термизийнинг жаҳон ҳадис илми тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссалари бирламчи манбалар асосида ишончли далиллар билан баён қилинган.

Олим бу соҳада узоқ йиллар давомида изланиш олиб борди, 1974 йили филология фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилгандан кейин Тошкент давлат университетида араб тилидан дарс берди, кўп йиллар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида илмий иш билан шуғулланди. Халқаро Амир Темур ва "Олтин мерос" хайрия жамғармалари раисининг биринчи ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди. Мана шу йиллар давомида у нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатлар олимлари билан яқин илмий алоқада бўлиб, халқаро анжуманларда маърузалари билан қатнашиб, ҳадисшунослик соҳасидаги тадқиқотлари натижаларини ўзбек ва хорижий тилларда эълон қилди.

Шу вақтга қадар унинг ўнга яқин китоб ва рисолалари чоп этилди. Имом ат-Термизийнинг "Аш-Шамоил ан-набавиййа", "Мусслим ибн ал-Ҳажжож", "Имом ал-Бухорий ҳаёти", "Буюк муҳаддислар (Ал-Бухорий, Муслим Ат-Термизий)", "Муҳаддислар имоми", "Иймон нури", "Донолардан сабоқлар", "Ҳадис илмининг султони-"(нашрда) кабилар шулар жумласидандир.

Ихтисослашган илмий кенгаш мажлисида У.Уватовнинг ҳадисшуносликка бағишланган тадқиқоти илмий жиҳатдан муҳимлиги, бугунги кунимиз учун катта амалий-тарбиявий аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Жумладан, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов тадқиқотнинг фақат илмий жиҳатигагина эмас, сиёсий-тарбиявий жиҳатига ҳам юқори баҳо бериб шундай деди: "Узоқ муддат давом этган шўролар истибдодидан қутулиб, мустақилликка эришилгач, мамлакатимизда миллий анъана ва маънавий қадриятларимизга қайтиш жараёни юз берди. Жумладан, исломиятга ва исломий урф-одатларга ҳам қайтилди.

Ислом динининг асосларидан бири бўлмиш ҳадисшуносликнинг илмий тадқиқ қилиниши ҳозирги кундаги долзарб масала деб қаралмоғи керак". Тадқиқот юзасидан келган кўплаб тақризларда ҳам Убайдулла Уватовнинг докторлик ишининг илмий ва амалий қиммати, бугунги кун учун тарбиявий аҳамияти алоҳида таъкидланган. Жумладан, академик Ботирхон Валихўжаев ва профессор Юсуф Абдуллаев тақризида шундай ёзадилар: "Убайдулла Уватов томонидан тақдим этилган диссертация – илмий тадқиқот тарихшунослигимизда деярли ўрганилмаган ва илмий жиҳатдан шарҳланмаган табаррук мавзуга бағишланганлиги нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда долзарб ва қимматлидир. Шуни алоҳида уқтириш лозимки, исломшуносликнинг ҳадисшунослик соҳасида аждодларимизнинг буюк хизматлари жаҳонда эътироф этилибгина қолмасдан, балки уларнинг фаолияти ва асарлари тўғрисида Шарқ ва Ғарб алломалари талайгина илмий ишларни амалга оширганлар. Бизнинг ватанимизда эса, бундай ишлар истиқлол йилларида анча ижобий натижаларни бермоқда. Мазкур тадқиқот билан танишиш шундан гувоҳлик берадики, унинг муаллифи шуларнинг ҳаммасидан хабардоргина эмас, балки уларга нисбатан ўзининг илмий мулоҳазаларини баён этади ва ўзи ҳам ҳадисшунослик тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўшади".

Профессор Омонулла Файзуллаев тадқиқотнинг илмий ва маънавий аҳамиятига урғу бериб, шундай фикр билдирди: "Убайдулла Уватов докторлик диссертациясини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Эндиликда биз ўзимизнинг фалсафамизни яратишимиз керак. Мана шу фалсафани яратишда Убайдулла Уватовнинг тадқиқоти ёрдам бериши, шубҳасиз".

Диссертациянинг илмий-амалий аҳамияти ҳақида гапирганлар келажакда ҳадисшунослик бўйича амалга ошириладиган илмий изланишларда, шунингдек, илмий-оммабоп рисолалар, айниқса, мактаб ва олий ўқув юртлари учун махсус курслар, қўлланмалар тайёрлашда, маънавий қадриятларимиз ҳақида суҳбатлар ўтказишда бу тадқиқотнинг ёрдами тегишини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон Ҳасанов, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов, фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Хоназаров, йирик шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоевларнинг чиқишларида ҳам Убайдулла Уватов диссертациясининг илмий ва амалий аҳамияти, ҳозирги давр учун муҳим тарбиявий жиҳатлари ҳақида гапирилди. Жумладан, Асомиддин Ўринбоев тадқиқот муаллифининг докторлик ишигача амалга оширган илмий изланишлари ҳақида шундай деди: "Биз у билан ўттиз йил давомида ҳамкорлик қилаяпмиз. 1969 йилда ЮНЕСКО қарори билан Самарқандда Темурийлар санъати бўйича катта конференция ўтказилиши мўлжалланган эди. Шу муносабат билан Фанлар академиясининг ўша пайтдаги вице-президенти Иброҳим Мўминов раҳбарлигида темуршунослик ишлари бошланиб кетган эди. Ана шу пайтда Убайдулла Уватов Шарқшунослик институтига арабшунос сифатида кириб келди. Унга мураккаб мавзу – XV аср араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур тарихи ҳақидаги асарини араб тилидан таржима қилиб, нашрга тайёрлаш вазифаси топширилди. Ўта мураккаб услубда ёзилган бу асарга унча-мунча арабшунос қўл ура олмас эди. Убайдулла Уватов 4-5 йил ичида Ибн Арабшоҳ асарини нашрга тайёрлаб, номзодлик диссертациясини ёқлагандан кейин вазият ўзгарди. Собиқ комфирқа қарори билан темуршунослик ишлари танқидга учраб, орқага сурилди. Шундан сўнг Убайдулла амалий ишлар билан бир қаторда ҳадисшунослик соҳаси бўйича илмий иш олиб бориб, ҳадисшуносликда эътиборли ишларни бошлаб берди. Унинг мазкур тадқиқоти туфайли ҳадисшунослик бўйича ҳам ўзбек олимлари қанчалик улкан хизмат қилганликлари очиб берилди ва дунёга кўрсатилди".

Академиклар Аҳмадали Асқаров, Неъматулла Иброҳимов, профессорлар Нажмиддин Комилов, Қиёмиддин Назаров, Абдуҳаким Шарўий Жузжоний ва бошқаларнинг билдирган мулоҳазалари ҳам Убайдулла Уватовнинг мазкур тадқиқоти қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотганини кўрсатди.

Шерали ТУРДИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими

ЭСКИ ЙИЛГА БИР НАЗАР

Бутун инсоният учинчи минг йилликнинг навбатдаги янги бир йилини зўр ҳаяжон билан кутиб олди. Янги йилни қарши олиш учун дунё халқлари ўзгача бир тарзда тайёргарлик кўрди. Зеро, ким янги йилни қандай кутиб олса, йил давомида унинг ҳаёти шу тарзда ўтади. Умид қиламизки, 2003 йил инсоният учун шоду ҳуррамликларга бой, қувончу бахтларга тўла йил бўлади. Шу ўринда тарихга айланган 2002 йилга назар ташласак, ўтган йил ҳам қайсидир маънода қувончу шодликларга, қайсидир маънода ташвишу андуҳларга бой тарзда ўтди. 2002 йилнинг бир жиҳатига эътибор берсак, бу даврда халқаро ҳамжамият терроризмга қарши курашиш учун бирлаша олди ва ёвузликка қақшатқич зарба берди.

Саҳифамизда эса, 2002 йилда содир бўлган энг муҳим воқеалар, фожеалар, табиий офатларни яна бир бор сизларга эслатишга ҳаракат қиламиз.

Бундан бир йил аввал АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида қишки олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди.

* * *

Баҳор фаслининг биринчи ойида шусиз ҳам қийинчиликда яшаётган афғон халқи бошига ҳаёт яна бир ўзининг қора кунини солди. Мамлакат шимолидаги Ҳиндукуш тоғларида юз берган кучли ер силкиниши натижасида 1500дан ортиқ кишилар вафот этди.

* * *

Апрель ойида фаластинлик камикадзеларни тугатиш мақсадида Исроил қўшинлари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги қочоқлар лагерига бостириб кирдилар. Ва икки ўртада юз берган тўқнашувлар катта талофатлар келтирди.

* * *

Анголада юз берган очарчилик аҳолининг фуқаролар урушидан сўнгги тикланиш ҳақидаги умидини пучга чиқарди. Бугун мамлакатнинг 30 млн. аҳолиси қашшоқликда яшамоқда.

* * *



Илк бор Осиё қитъасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати Бразилия терма жамоасини бешинчи бор олтин кубокнинг соҳибига айлантирди.

* * *

Германия осмонида Россиянинг Бошқирдистон ҳаво йўллари компаниясига қарашли "Ту-154" йўловчи самолёти "Боинг-757" юк ташувчи самолёти билан тўқнашиб кетди. Ҳалокат юз берган вақтда ҳар икки самолёт ҳам Швейцариянинг "Skyguide" компанияси диспетчерлари назорати остида ҳаракатланишаётган эди. Фожеа туфайли ёзги таътилни ўтказиш учун Европага кетаётган 52 нафар мактаб ўқувчиси ва ҳар икки самолёт экипаж аъзоларининг барчаси ҳалок бўлди.

* * *



Россиянинг Ставрополь ўлкасидаги сув тошқини боис, 336 минг киши зарар кўрган бўлса, шулардан 105 нафари табиий офат қурбонига айланди. Сўнгроқ Қора денгиз қирғоғидаги тошқин ҳам Краснодар ўлкасининг 62 нафар аҳолисининг бевақт ўлимига сабаб бўлди. Бундан ташқари, Европада ҳам тарихдаги энг катта тошқинлардан бири кузатилди.

* * *

27 июль куни Львов шаҳрида ўтказилган авиатомоша фожеа билан тугади. Сабаби, ҳавода энг мураккаб машқларни бажараётган "Су-27" қирувчи самолёти тасодифан томошабинлар устига ағдарилиб тушди ва 86 киши ҳалок бўлди.

* * *

Август ойида Афғонистонда тузилган муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай бошчилигида бутун афғон халқи ўз мустақиллигини нишонлади.

* * *

19 август – Чеченистоннинг Хонқалъа туманида Россия Қуролли кучларининг "Ми-26" вертолёти жангарилар томонидан зенит ракетасида уриб туширилди. Натижада вертолёт бортида бўлган юқори мартабали генераллардан тортиб оддий аскарларгача, яъни 119 кишининг барчаси ҳалок бўлди.

* * *

Индонезиянинг дунёдаги энг чиройли сайёҳлик ороли номини олган Бали оролидаги дискотека клубида юз берган терракт 180 нафардан ошиқроқ кишининг ҳаётига зомин бўлди. Марҳумларнинг катта қисмини Австралия, Британия ҳамда маҳаллий фуқаролар ташкил этди. Шунингдек, Кениянинг Момбас шаҳрида, Яман ҳамда Филиппин мамлакатларида ва Франциянинг "Limburg" танкерида содир этилган портлашлар ҳам ўнлаб кишиларнинг умрига завол бўлди.

* * *

11 сентябрь – Нью-Йорк ҳамда Вашингтон шаҳарларида юз берган террор ҳуружи туфайли ҳалок бўлганларни бир йиллик муносабат билан хотирлаш маросими бўлиб ўтди. Шу кун террорчиларга лаънатлар ўқилди.

* * *



Октябрь – Вашингтон шаҳрида пайдо бўлган номаълум снайпер кетма-кет қотилликларни амалга ошира бошлади. Қарийб бир ой ичида ўн нафар киши унинг ўлжасига айланди ва уч киши жароҳатланди. Бутун шаҳар саросимага тушиб, ота-оналар болаларни мактабга юбормай қўйишди. Вазиятнинг ўта жиддийлиги боис, Президент Буш жиноятчиларни ҳибсга олиш ишини шахсан ўзи назорат қилди ва собиқ ҳарбий хизматчи Жон Эллен Муҳаммад ҳамда унинг асранди ўғли Ли Малволар шаҳар ташқарисида ҳибсга олиндилар.

* * *

Москвадаги Театр биносида портловчи моддаларни белларига тақиб олган чечен террорчилари спектакль томоша қилиш учун келган 800га яқин кишини гаровга олдилар. Ва, махсус операция ўтказиш йўли билан 41 нафар террорчининг барчаси йўқ қилинди ҳамда гаровдагилар озод этилди. Лекин, бино ичига юборилган фалажловчи газ туфайли гаровдагиларнинг 117 нафари ҳалок бўлди. Қолганлар эса шифохонада даволаниб, ўз яқинлари бағрига қайтишди.

* * *



Шимолий Осетиянинг Кармадон дарасидаги кўчки туфайли 19 киши ҳалок бўлди ва 106 киши бедарак йўқолди. Улар орасида Сергей Бодров бошчилигидаги киночилар гуруҳи ҳам бор эди.

* * *



19 ноябрь – бортига 77 минг тонна нефтни ортган "Пресстиж" танкери Испания қирғоқларида бошқа бир кема билан тўқнашиб кетиши сабабли сувга чўкиб кетди. Ҳозирга қадар 20 минг тоннадан ортиқроқ нефтнинг сувга қўшилиши боис, минтақада катта экологик инқироз юз бермоқда. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси қирилиб бормоқда.

* * *



1998 йил Ироқдан чиқариб юборилган БМТнинг халқаро инспекторлари яна Бағдодга қайтиб бордилар ва айни вақтда Саддам Ҳусайн ҳукуматида оммавий қирғин қуроллари бор ёки йўқлигини текширмоқдалар. Ундан бироз аввалроқ БМТнинг Ироқ бўйича 1441 – резолюцияси қабул қилинди. Ҳозир эса АҚШ Бағдодга нисбатан эҳтимоли бўлган урушга тайёргарлик кўриб, Форс кўрфазига ўз қўшинларини жойлаштирмоқда. Тахминларга кўра, бўлғуси урушда 250 минг кишилик контингент иштирок этади.

* * *



АҚШ президенти Жорж Буш томонидан "ёвузлик ўчоқлари" дея аталган давлатларнинг бири бўлмиш Шимолий Корея 1994 йил Қўшма Штатлар билан тузилган шартномадан чиққанлигини ва ўз ядро қуроли дастурини яратмоқчи эканлигини маълум қилди. Шимолликларнинг таъбирича, ушбу ядро қуроли АҚШдан ҳимояланиш учун қалқон бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа секинлик билан Яқин Шарқдаги (Бағдод) ҳолат Осиёда ҳам юзага келмоқда.

* * *

Декабрь – Эроннинг Исфаҳон шаҳрида Украинанинг "Ан-140" самолёти ҳалокатга учради ва унинг бортида кетаётган 38 йўловчи ҳамда 8 кишилик экипажнинг барчаси ҳалок бўлди.

* * *

Чеченистоннинг Грозний шаҳридаги маҳаллий ҳокимият биноси олдида портловчи моддалар билан тўлдирилган "КамАЗ" ва "УАЗ" автомашиналари портлатиб юборилди. Фожеа туфайли 83 киши ҳалок бўлиб, 135 киши жароҳат олди.

* * *

Янги йил арафасида Канадада клонлаштирилган биринчи чақалоқ дунёга келди ва қизалоққа Ева деб исм қўйилди.

"Интернет" тармоғидан олинди.

ИЛДАМ ҲАРАКАТЛАР ҒОЛИБЛИК ГАРОВИ

Спорт инсонни комилликка етакловчи омил. Мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор ўз самарасини кўрсатмасдан қолмаяпти. Ўтган 2002 йилда юртимиз спортчилари учун том маънода омадли келди, десак янглишмаган бўламиз. Айниқса, бу соҳага оид болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш бўйича чиқарилган фармон ва қабул қилинган қарорни спортга бўлган эътиборнинг яна бир юксак намунаси дейиш мумкин. Шу жумладан 2002 йилда 1-2- босқичлари бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг янги йилда болажонларнинг қишки таътилларида 3-босқич беллашувлари бошланди. Демакки, яна янгидан-янги спорт юлдузлари, бўлғуси моҳир тренерлар кашф этилади.

Бугун Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 110-мактабда беллашувларнинг футбол тури бўйича мусобақаларига старт берилди. Барча туманлардан келган ёш футболчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда қизғин баҳсли ўйинлар кўрсатмоқдалар. Майдонда Акмал Икромов тумани ва Яккасарой тумани терма жамоалари тўп сураётган эканлар. 2-бўлим якунланиб, ҳакамнинг ўйин тугаганлигини билдирувчи ҳуштаги янгради. А. Икромов тумани ёш футболчилари 8-4 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Лекин бу ҳали ғалаба дегани эмас, чунки 2-гуруҳда ўйнаётган тенгдошлари ҳам зафар қучишлари керак. Шундай бўлса-да 3-БЎСМ раҳбари, терма жамоа етакчиси Р. Шукуров болалардан кўнгли тўқ.

Ҳозиргина ўйиндан чиққан ўспиринларни суҳбатга тортдик. Сардор Муҳаммаджонов деб таништиради ўзини кулиб турган болакай. Акмал Икромов туманининг 236-мактаби 6-б-синфида таҳсил олаётган Сардорбек "Умид ниҳоллари" мусобақаларида илк маротаба қатнашаётган экан. Футболга қизиқиши катта бўлганлиги боис 4 йилдан бери мунтазам равишда спорт мактабидаги футбол тўгарагига қатнашар экан.

Шу тумандаги 116-мактабнинг 7-синфида ўқийдиган Ойбек Зуфаров эса ўйинда ярим ҳимоячи вазифасини ўтади. У ҳам ўзининг биринчи марта мазкур мусобақаларга қатнашаётганлигини айтиб, устози Раҳим ака Раҳматовнинг хизматларини тилга олди. Уйида ўзининг футбол тўпи борлигию катта бўлгач, албатта футболчи бўлишини қайта-қайта таъкидлади.

Бу ўйинда жамоанинг ғолиб бўлишида дарвозабоннинг ўрни катта бўлди. Шу боис, жамоа дарвозабони Азиз Воҳидов билан суҳбатлашдик.

— Мен тўрт йилдан бери футболга қатнашман. Олдинлари футболни ойнаи жаҳон орқали кўриб, ҳавас қилардим. Шу мақсадимга мана секин-аста эришмоқдаман. Ота-онам ҳар доим спортга бўлган қизиқишинг ўқишингга халақит бермасин, деб уқтиришади. Мен уларнинг сўзларига амал қилган ҳолда инглиз тили, математика фанларидан аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қилмоқдаман.

Ўйин давомида беллашувларга 1-тоифали ҳакамлар А. Бурикин ва Д. Поповлар ҳакамлик қилишди.

Яккасарой тумани терма жамоалари асосан 172-100-мактаблардан танланган бўлиб, уларга бошчилик қилаётган футбол бўйича мураббий Б. Прокофьевнинг фикрича, болалар кенг стадионларда ўйнаб ўрганганлиги боис, бу спорт залига унчалик кўника олишмагани боис ютқазиб қўйишибди. Асосийси, руҳиятни туширмасдан илдам ҳаракатланиш. Чунки ҳали ҳаммаси олдинда, беллашувлар эндигина бошланди, дейди.

Шундан сўнг Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманлари терма жамоалари ўртасидаги ўйин бошланди. Бу учрашув жуда қизғин тарзда давом этди. Биринчи таймда битта тўпни рақиблар дарвозасига йўллаган Шайҳонтоҳур тумани ўқувчилари ўйин охиригача ғайратни қўлдан бермадилар ва 2-1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Юнусободлик ёш футболчилар ҳам яхши ўйин кўрсатишди, аммо уларда озгина уюшқоқлик етишмади, холос. Ўйин давомида Юнусобод туманидаги 21- мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси А. Холиқовнинг куюнчаклик билан, болалар билан тенг югураётганлигини кўриб, қани эди барча устозлар ана шундай фидойилик билан ўқувчиларини руҳлантириб яшасалар, дегимиз келди.



Беллашувлар эндигина бошланди, улар ҳали қизғин баҳслар билан давом этади. Спортнинг бошқа турлари бўлиб ўтаётган жойлардаги батафсил маълумотлар билан газетамизнинг кейинги сонларида таништириб борамиз.

Назокат ХОЛМЕТОВА.

САМАРҚАНДДАН ХАБАРЛАР

Самарқанд вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қошидаги Олий маҳорат спорт мактабининг спорт залида юнон-рум курашининг оммалашишига катта ҳисса қўшган, халқ таълими тизимида кўп йиллар ишлаган, Ўзбекистон ва халқаро мусобақалар ғолибларини тайёрлаган мураббий Борис Еизенштейн соврини учун юнон-рум кураши бўйича 1986-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида анъанавий Республика мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада Тошкент шаҳар, Қашқадарё, Бухоро, ҳамда Самарқанд вилоятлари ва туманларидан 150 дан ортиқ ёш курашчилар ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Қизиқарли кечган мусобақалар якунига кўра Асрор Муҳиддинов, Бахтиёр Шукуров, Ҳамза Яқубов, Зариф Абдуллаев, Рустам Жамолов, Санжар Сулаймонов, Одил Камолов, Шерали Шодмонов, Бахтиёр Ўтаев, Даврон Ҳамроев, Собит Матжонов, Азиз Эшимовлар ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлдилар.

Ғолибларга халқ таълими касаба уюшмаси, Самарқанд вилояти юнон-рум ҳамда эркин кураш федерацияси томонидан қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

* * *

Каттақўрғон ТХТБ қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мактаб ўқувчилари ўртасида бокс бўйича очиқ биринчилик бўлиб ўтди. Қизғин ўтган мусобақада Руслан Дадажонов, Муҳаммадамин Маматқулов, Баҳром Жўраев, Камол Икромов, Беҳзод Ҳамдамов, Сардор Шукуров ва Абдулла Эргашев каби чарм қўлқоп усталари ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлдилар. Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ТХТБ болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, туман спорт қўмитаси, бўлими "Камолот" ЁИҲ туман томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик соғалар ва дипломлар топширилди. Бу мусобақалар анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган бўлди.

* * *

Самарқанд давлат университетининг мажлислар залида самар-қандлик ёшлар билан шаҳар ҳокими Зариф Пўлатов янги йил арафасида учрашув ўтказиб, Самар-қанд шаҳрининг энг яхши спортчиларига эсдалик совғаларини топширди. Улар орасида самбо бўйича Ўзбекистон ва бир қанча халқаро мусобақалар ғолиблари Иззат Бобораҳимов, Алижон Раҳимов, Умид Аҳмедов, чим устида ҳоккей бўйича Ўзбекистон кубоги соҳиблари Дамир Назаров, Дилмурод Узоқов, Термизда бўлиб ўтган миллий кураш бўйича Президент кубоги ғолиби Артур Данилян, Сурияда бўлиб ўтган дзюдо бўйича халқаро мусобақа ғолиби Ўткир Қурбонов, Тошкентда ўтказилган самбо бўйича Осиё биринчилиги ғолиби Лочин Тошалиев ва Буюк Британияда миллий кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақалар ғолиби Умид Салимовлар бор эди. Шаҳар ҳокими учрашув якунида, 2003 йилда ҳам ғолибларнинг сафи янада кенгайишини тилади.

Мамажон АҲМЕДОВ

Tashabbus

КЛУБ ТАРКИБИДА ЖАМҒАРМА

Жиззах Давлат педагогика институтида ёшларни оммавий спортга жалб этиш борасида олиб борилаётган тадбирлар эътиборга молик.

Яқинда мазкур олий ўқув юртининг «Талаба» спорт клуби таркибида «Спорт соғломлаштириш марказ-жамғарма» ташкилоти таъсис этилди. Унинг асосий вазифаси талабалар спортини янада яхшилаш, тажрибали ўқитувчи-мураббийлар ва иқтидорли спортчи талабалар ёрдамида болалар спортини ривожлантиришдан иборат. Бунда марказ-жамғарма институт қошидаги академик лицей ўқувчилари ўртасида замонавий ва миллий спорт турларини кенг ёйиш, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш, маҳалла ва мактаблардаги болаларни институт спорт секцияларига жалб этиш, маҳоратларини ошириш, мавжуд спорт мактаблари фаолиятига амалий жиҳатдан кўмаклашиш керак.

Бундан ташқари оталиқдаги ширкат хўжаликларида яшовчи спортчи болаларни рағбатлантириш, Пахтакор, Дўстлик туманларида марказ-жамғарманинг бўлимларини очиш, талабаларнинг Зомин тумани Увоб қишлоғидаги «Бобур» соғломлаштириш-спорт оромгоҳи иш фаолиятига раҳбарлигини йўлга қўйиш, «Спорт-соғломлаштириш марказ-жамғарма»нинг моддий-техник ва молиявий таъминотини яхшилаш керак бўлади.

Марказнинг молиявий таъминоти аъзолик бадаллари, турли пуллик хизматлар (спорт иншоотларини ижарага бериш, спортлото, соғломлаштириш гуруҳлари, тижорат ва ҳоказо) ҳамда ҳомийлик маблағлари асосида шакллантирилади.

Т.ХОЛДОРОВ,
Р.АБДУМАЛИКОВ,
педагогика фанлари номзодлари

— Тиш соҳасини танлайқол, ўғлим, ўнки ҳар бир кишининг қулоқлари иккитагина, тишлари эса ўттиз иккита.

Форит ҳангомалари

Фориш туманининг маркази туманнинг энг чекка ҳудуди Корааб[illegible] тизмаси орқали ажралиб туради. Битта туман бўлса-да, қораабдолликлар алоҳида, туман марказидагилар алоҳида шевада гаплашади.

Бир куни форишлик лофчи билан қораабдоллик лофчи учрашиб қолибди.

— Тунов куни бизда бир қор ёғди, уйларни кўмиб кетди, машинада юролмай отда кўчага чиқдик, — дея лоф урибди қораабдоллик.

Шунда форишлик лофчи ўз шевасида унинг оғзига урипти:

— Э, нима демомдисан ўни бизда қиров дейдилар.

***

Дадамдан кимдир сўрапти:

— Тақсир, эшон дейди, мулла дейди, халфа дейди. Уларни бир-биридан қандай ажратиш мумкин?

— Шуни ҳам билмайсизми, — жавоб қилипти дадам, — агар бир товоқ ош турган бўлсаю устида бир-иккита гўшти қолганча еб қўлини артса, билингки у эшон, бордию гўшти тугагунча еб ошдан қўл тортса, у мулла, агарда ошни ҳам еб тугатиб товоқни ҳам ер қўйгудек важоҳатда ютиниб қўйган одамни кўрсангиз, билаверингки ўша халфа-да.

***

Бир форишликнинг хотини қайнисига кўз ёш билан дийдиё қилиб қолибди:

— Акангиз кейинги вақтда ичадиган ҳунар чиқарди. Беш кундан буён ичиб келяпти.

Кўз ёшини оқизиб, ҳиқиллаб турган янгасига қайин далда берибди.

— Хафа бўлманг, янга. Акам билан ўзим гаплашиб қўяман.

Қайин шундай дептию акаси билан гаплашиб қўйгани жўнаб кетибди.

Бир маҳал эшик тақиллабди. Хотин эшикни очса, остонада укасини қўлтиқлаб эри турганмиш.

Ғирт маст қайин зўрға бошини кўтариб янгасига шундай дермиш:

— Янга, биз акам билан, ҳиқ-ҳиқ-қ, умуман ичмасликка келишиб олдик.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

Янги йилни оппоқ қордан қорбобо ясаб кутиб олдик

Хурматли **ҚАҲРАМОН ака!**

Сизни туғилган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Оилангиз, ёру биродарларингиз бахтига доимо соғ бўлинг. Ургут тумани 29-мактаб жамоаси фаолиятида ўз ўрнига эга педагог бўлиб қолинг!

Ҳамкасбларингиз ва оила аъзоларингиз.

ТУҒИЛГАН КУН

Она: — Бугун 5 ёшга тўласан, табриклайман ўғлим.

Ўғил: — Раҳмат, ойижон.

Она: — Хоҳлайсанми туғилган кунингга 5 та шам ўрнатилган 1 та торт олиб келамиз.

Ўғил: — Яхши, аммо 1 та шам ўрнатилган 5 та торт бўлса ундан ҳам аъло бўлар эди, ойижон.

ТОЗА ҚЎЛЛАР

Она:—Қизим, нима учун оғзингни қўлларингнинг орқаси билан артаяпсан?

Қиз:— Чунки улар олд томонига қараганда тозарок.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Ўғил: — Дада, қулоқ шифокори бўлсаммикан ёки тиш шифокори?

Ота: — Тиш соҳасини танлайқол, ўғлим, чунки ҳар бир кишининг қулоқлари иккитагина, тишлари эса ўттиз иккита.

СОҒЛОМ БЎЛИШ СИРИ

— Агар сен чексанг ҳеч қачон ўсмайсан.

— Бобом чекадилар, аммо улар 70 ёшдалар-ку.

— Эҳ, агар у чекмаганда, ҳозир 80 ёшда бўлар эди.

Инглиз тилидан ЎзДЖТУнинг 1-босқич талабаси Дилдора ПЎЛАТОВА таржимаси

"МОНА ЛИЗА"

венгерча кроссворд

				Д	А	Н	Ч	И	Б	А				
				Б	В	И	М	И	Т	Т				
				Р	Ю	Л	Е	К	И	Ч				
				Д	О	Л	Л	А	Л	Е				
				А	В	Д	И	Н	Л	И	Р	Д	Е	К	М
Р	А	Д	И	Л	Р	У	К	Ж	Е	Б	У	Е	Б	С	А
Б	Ф	Е	Л	А	К	А	С	О	Л	В	Е	Л	Ь	Е	Н
Р	А	Э	Б	Р	О					Б	Л	А	С	К	Э
Е	Й	Л	Ь	З	Н					А	Р	Л	О	Н	Р
В	Г	Е	Н	И	Г					Э	Т	О	М	С	Т
А	С	Л	О	С	О					Н	Д	Е	М	Г	О
Е	Н	Ь	В	С	А					Ю	Р	О	П	Е	Г
Ц	Б	О	Р	У	Р	Т	Р	Е	Р	А	Р	Е	У	Н	Н
О	В	Н	Е	Б	Е	В	И	М	Б	Н	О	С	С	С	Е
Р	А	Н	Л	Ь	Л	Т	Т	А	Т	Д	В				
					Р	О	Д	Н	Р	Е	П				
					Р	И	Ю	Ш	Л	Н	И				
					Ж	Д	Н	А	У	Ж	О				
					А	Н	О	А	К	Ж	Р				

Ушбу бошқотирмада жаҳондаги энг машҳур 30 та рассом номи яширинган. Уларнинг энг машҳур асарлари ёзиб қўйилган. Шунга мувофиқ бошқотирмани ечишга ҳаракат қилинг.

1. "Жоконда" ("Мона Лиза") (7).
2. "Венеранинг туғилиши" (10).
3. "Помпейнинг сўнгги кунлари" (7).
4. "Довуд" ҳайкали (11).
5. "Ёнаётган жирафа" (4).
6. "Уруш" (4).
7. "Геракл" ҳайкали (7).
8. "Одиссей ва Каллипсо" (6).
9. "Хиосдаги қирғин" (8).
10. "Аполлон ва Марсий" (7).
11. "Бреднинг қайтарилиши" (8).
12. "Бобил минораси" (8).
13. "Элеонора Толедская фарзанди билан" (8).
14. "Авлиё Бернарднинг қиёфаси" (11).
15. "Шоҳ Эдип" (5).
16. "Алёнушка" (8).
17. "Мадоннани чизаётган Авлиё Лука" (7).
18. "Кристинанинг дунёси" (5).
19. "Қаерданмиз? Киммиз? Қаёққа кетаяпмиз?" (5).
20. "Шайтон (ўтирган)" (7).
21. "Она боласи билан" (6).
22. "Тунги кузатув" (9).
23. "Европанинг ўғирланиши" (5).
24. "Қуддуснинг вайрон қилиниши" (6).
25. "Абадий жимжитлик остида" (7).
26. "Микеланжело" ҳайкали (10).
27. "L. H. O. O. Q." (5).
28. "Иван Грозний ва унинг ўғли Иван" (5).
29. "Жаннат ва дўзах" (5).
30. "Исонинг қиёфаси" (4).

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

"Маърифат" газетаси жамоаси шу газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича махсус мухбири Муҳаммадсобир Айтимовга онаси

ОЙИМ момонинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва Бирлашган касаба уюшмаси "Узоқ Шарқ мамлакатлари иқтисоди" кафедраси мудири, профессор Т.Сатторовга онаси

ГУЛРУЗ аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва жамоат ташкилотлари, университетнинг "Фалсафа" кафедраси мудири, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор

Жандор ТУЛЕНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси "Педагогика, психология ва менежмент" кафедраси мудири, профессор Ислом Турсуновга рафиқаси

Фарида АСҚАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-28. Тиражи 31 225. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 8 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррирлар: Насиба ЭРҲОНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ. Навбатчилар: Ғофур ЖАБИЕВ, Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00